





ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАЪЛИМ ВА ФАН
ВАЗИРЛИГИ

1–2 МОДУЛЛАР

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАНГАН ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАНГАН ТАЪЛИМ

USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси





БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАНГАН ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАНГАН ТАЪЛИМ

1–2 МОДУЛЛАР

USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси

Бу нусха АҚШнинг халқаро ривожлантириш бўйича агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг қўллови билан тузилди. Нусханинг мазмуни USAIDнинг ёки АҚШ ҳукуматининг фикрларини расмий турда ифодаламайди.

БИШКЕК – 2021

УДК 372.3/4
ББК 74.26
Б 64

Модуль 1. Бошлангич мактабда дифференциал таълимни қўллаш

Тузувчи-муаллифлар:

Орозова Р. А., Эсенгулова М.М., Усупова М. К., Фадеева Г.Н., Юсупова А.Д., Brattle Publishing Group, LLC® нашриётчилар гуруҳи бўлими, Brattle Education

Модуль 1. Бошлангич мактабда дифференциал таълимни қўллаш. Ушбу тренинг модулида «таълимнинг универсал дизайни» ва «дифференциацияланган таълим технологияси» тушунчалари кўриб чиқилади, баҳолашни қўллаш дифференциациялаш учун асос сифатида тушунтирилади, ўқиш ва бошқа предметлар дарсларидаги таълим стратегиялари келтирилади.

2-модуль. Бошлангич мактабда предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш

Тузувчи-муаллифлар:

Глушкова М.Ю., Булатова В. А., Оморова А.А., Юсупова А.Д., Brattle Education, Brattle Publishing Group, LLC® нашриётчилар гуруҳи бўлими, Brattle Education

2-модуль. Бошлангич мактабда предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш. Ушбу модулда предмет ва тилни интеграциялаб (яхлит ҳолда) ўқитишнинг асосий тамойиллари ва афзал томонлари кўриб чиқилади, мавзу матнлари билан ишлашни ташкил қилиш йўллари, ўқувчиларни тилга оид қўллаб-қувватлаш усуллари, баҳолашга бўлган асосий ёндашувлар кўриб чиқилади, кўп тилли ўқитиш контекстида амалиётда предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишни таъминлаш имконини берадиган стратегиялар таклиф қилинади.

Б 64 1–2 модуллар. Бошлангич мактабда дифференциацияланган ва интеграцияланган таълим. — Б.: 2021 — 208 с.

ISBN 978-9967-9334-7-7

Материаллар умумтаълим ташкилотлари, академик ташкилотлар ва олийгоҳлар, Қирғиз Республикаси малака ошириш тизими вакилларида иборат миллий экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди. Улар Ширли Диксон (фалсафа фанлари доктори), Карон Харден (таълим соҳасидаги фанлар магистри) халқаро экспертлари ва Brattle Publishing Group нашриёт гуруҳи билан қалин ҳамкорликда ишладилар.


Техник таҳрир қилиш, босма версияси ва дизайни устида Токтогулова Н.К. ҳамда Brattle Publishing Group® ишладилар.

Таржимон: Халмуратова М. У.

Редактор: Мирзахидова М. И., филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9967-9334-7-7

УДК 372.3/4
ББК 74.26




МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси – 1-4 синфларда ўқиш ва математика юзасидан таълим натижаларини яхшилашга йўналтирилиб, беш йилга мўлжалланган лойиҳа ҳисобланади (2019-2024). Ушбу ташаббус ҚР бошланғич синфлардаги ўқиш малакаларини ривожлантириш соҳасидаги USAID аввалги лойиҳаларининг натижаларига асосланади. «Окуу керемет!» лойиҳаси, шунингдек, ўқиш ва математикага фанларига оид синфдан ташқари ишда ёрдам беради ва бошланғич мактабнинг барча ўқувчилари учун сифатли билим билан таъминлаш бўйича Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги билан ҳамкорлик қилади.

«Окуу керемет!» ўқитувчиларни ўқиш дарсларида ўқитиш амалиётини такомиллаштиришга ўргатиш учун бешта илғор ўқитиш модулларини ишлаб чиқди. Бу ўқув-методик материаллар ҚР Маориф ва фан вазирлиги ҳузуридаги Республика малака ошириш ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш институтининг Ўқув-методик бирлашмаси мажлисида кўриб чиқилди ҳамда бошланғич синфлар учун ўқиш дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда педагогик кадрлар малакасини оширишда фойдаланиш учун тавсия этилди (2020 йил 14 октябрдаги баённома кўчирмаси).

USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси материалларни ишлаб чиқариш жараёнида кўрсатган эксперт кўмаги учун ҚР МФВ ва Қирғизистон Таълим Академияси қошидаги РМО ва ПХҚТИга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.



КИРИШ СЎЗ

Ҳурматли ўқитувчилар!

«Оқуу керемет!» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган ушбу ўқув модулига хуш келибсиз! «Оқуу керемет!» лойиҳасига АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (USAID) маблағ ажратган бўлиб, у Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги ҳамкорлигида ишга оширилади. Лойиҳа Қирғиз Республикасидаги бошланғич мактабларининг 75 фоизда 1–4 синфларида билим олаётган 300 000 ўқувчиларнинг ўқиш ва математика фанлари бўйича таълим натижаларини яхшилашга қаратилган.

Номи айтиб турганидай, «Оқуу керемет!» лойиҳаси ҳар бир болага таълим олиш қудрати ва имкониятини мадҳ этади. Ўқитувчилар шу қудратга туртки берадиган катализаторлар ҳисобланади. Бизда қандай мактаб муассасаси, китоблар, технологиялар ёки ўқув дастурлари борлигидан қатъий назар, айнан ўқитувчилар болаларда англаш учқунини аланга олдирадилар. Кучли ўқитувчилар турли хил болалар учун билимларни тушунарли қилиб етказишга қодир бўладилар. Бу вазифани ўринли бажариш учун бир қатор кўникмалар талаб қилинади. Бу кўникмалар жамиятимизнинг ўзгаришини, айниқса, технологик инновацияларнинг ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.

«Оқуу керемет!» лойиҳаси аввалги таълимий лойиҳалар, жумладан, «Сапатту билим», «Бирга ўқиймиз», «Ўқиш фурсати», «Билим учун озиқланиш ва ҚРда болалар озиғи» ва бошқа кўплаб таълимий лойиҳаларнинг давоми сифатида амалга оширилади. Бизнинг лойиҳа фаолияти мустаҳкам пойдеворга қурилади. USAID томонидан қўллаб-қувватланадиган бу янги ташаббуслар доирасида биз ўқувчиларнинг ҳам ўқиш кўникмаларини, ҳам математик кўникмаларини ривожлантириш бўйича иш олиб борамиз, ахир улар бир-бирларини қўллаб-қувватлайди ва иккаласи ҳам асосий кўникмалар ҳисобланади. Масалан, ўқиганини тушуниш болаларга математикага оид масалаларни ечишга имкон беради. Математикага оид масалалар ечимини тушунтириш ва асослай билиш ўқувчиларга турли фанларни ўзлаштиришда далилларни ўйлаш ҳамда синтез қилиш ва мантиқий хулосаларни чиқариш имконини беради.

«Оқуу керемет!» лойиҳасининг тренинглари дастурига киритилган математикадан ташқари, Дастур инклюзив таълим, тенглик ва таълимда янги технологиялардан фойдаланиш каби мавзуларни ҳам ўз ичига олади. Таълимнинг универсал дизайни ва Дифференциалланган таълим каби ёндашувлар орқали ўқитувчилар турли қизиқишлари ва эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни ўқитишга ҳамда уларнинг яшаш жойидан – қишлоқ ёки шаҳарда, тил муҳити ёки ривожланиш ҳолатидан қатъий назар, ўқишда ютуқларга эришишлари учун тенг имкониятларни яратишга тайёр бўладилар.

Ушбу модуллар қатор томонлар – Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги, Республика малака ошириш ва педагогик ходимларни қайта тайёрлаш институти, И.Арабаев номидаги Қирғиз Давлат Университети, Марказий Осиё Америка университети, Қирғизистон Таълим Академияси, Ижтимоий интеграция маркази, Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги, ўқитувчилар ва бошқалар ҳамкорлигининг натижасидир.

COVID-19 пандемиясига боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамасдан, ўз ишига содиқ бўлган иштирокчилар модулни ишлаб чиқиш жараёнини ўз ниҳоясига етказдилар. Глобал пандемия оқибатлари туфайли таълим соҳасида рўй берган бундай вазиятда педагогларнинг таълим жараёнида катализаторлар сифатидаги роли янада муҳим бўлади, деб ўйлаймиз. Ушбу модуллар бу муҳим вазифаларни ҳал қилишда сизга ёрдам беради, деб умид қиламиз.


Барча педагогларга энг эзгу тилаклар билан,



Лиана Герч,
«Окуу керемет!» лойиҳаси директори,
Қирғиз Республикасида RTI International

1-МОДУЛЬ

**БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАШ**



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БЎЛИМ. ТАЪЛИМНИНГ УНИВЕРСАЛ ДИЗАЙНИ	7
2-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	21
3-БЎЛИМ. БАҲОЛАШ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ УЧУН АСОС СИФАТИДА	27
4-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВДА СИНФНИ БОШҚАРИШ	33
5-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИ ҚўЛЛАШ СТРАТЕГИЯЛАРИ	37
5.1. 1-СТРАТЕГИЯ. СТАНЦИЯЛАР БЎЙИЧА РОТАЦИЯ	38
5.2. 2-СТРАТЕГИЯ. КИТОБХОНЛИК ТАҚРИЗЛАРИ МЕНЮСИ	41
5.3. 3-СТРАТЕГИЯ. КўП ДАРАЖАЛИ ТОПШИРИҚЛАР.	45
5.4. 4-СТРАТЕГИЯ. ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ИШЛАШНИНГ ТУРЛИ Йўллари	48
Фойдаланилган адабиётлар	52
Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар	54
ГЛОССАРИЙ	55
ИЛОВА. ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ	57
ИЛОВА. ўқиш кўникмаларини форматив баҳолаш бўйича ВААЛООАРР ИЛОВАСИДАН Фойдаланиш бўйича кўрсатма	59



КИРИШ

2012-2020 йилларда Қирғизистон Республикаси Таълимни ривожлантириш стратегиясида (ТРС, 2012) умумтаълим мактабдаги таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи муҳим (ахборот, ижтимоий-коммуникатив, ўзини ўзи уюштириш ва муаммоларни ҳал қилиш) ва фанга оид компетентликларга эга бўлишига ёрдам бериш вазифаси қўйилган эди. Ҳар бир синфдаги ўқувчилар ҳар хил, ўзига хос таълимий эҳтиёжлар ва хусусиятларга эга бўлишига қарамай, умумий дастур асосида таълим оладилар, шунинг учун таълимда дифференциал ёндашувни жорий қилиш зарурати пайдо бўлди. Дифференциал ёндашув муҳим ва предметга оид компетентлиликларни шакллантиришга, қобилиятларни, қизиқишларни ривожлантиришга ва ўқувчилар мотивациясини оширишга ёрдам берадиган қулай ва оптимал шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Қирғизистон Республикасида бошланғич таълим сифатини яхшилаш бўйича “Оқуу керемет!” номли USAID лойиҳаси муҳим компетентликларни шакллантириш мақсадида барча ўқувчиларга тенг имкониятлар тақдим қилиш ва таълимни индивидуаллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўқишни, ёзишни ва мактаб предметларини ўргатишда дифференцияланган ва интеграцияланган (яхлит ҳолга келтирилган) ёндашувни жорий қилиш орқали бошланғич мактабда таълим сифатини оширишга йўналтирилган. Бу мақсадга эришиш учун педагогика соҳасида олий маълумотга эга бўлган, Қирғизистон Республикаси педагогика ходимларини касбий ўстириш ва малакасини ошириш Республика институти вакиллари, методистлардан, маҳаллий ва халқаро экспертлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан “Бошланғич мактабда ўқишни, ёзишни ва предметларни дифференцияланган ва интегралланган ўргатишни жорий қилиш” дастури ишлаб чиқилган.

Саводхонлик – бу кундалик ҳаётнинг муҳим таркибий қисми, шунингдек, ўқувчилар бошланғич мактабда эгаллайдиган энг муҳим малакалардан биридир. Саводхонлик мактабдаги барча фанларни (тиллар, математика, ватаншунослик, ҳаёт хавфсизлиги асослари (ХХА), тасвирий-бадиий ижод (ТБИ), мусиқа, этика ва бошқаларни) ўрганиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

USAIDнинг “Бирга ўқиймиз” (2013-2017) ва “Ўқиш фурсати!” (2017-2020) номли аввалги лойиҳаларида асосий эътибор ўқишнинг базавий малакаларини ривожлантиришга қаратилган. “Оқуу керемет!” лойиҳаси таълим сифатини оширишга ва ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш учун имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган.

Ўқиш, ёзиш ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳамда ўқувчининг ривожланиши учун энг муҳим аҳамиятга эга. Саводхонликнинг асосий малакаларини самарали ривожлантиришни шакллантириш учун комплекс ва интегралланган ёндашувни қўллаш ўқувчиларга янги ахборотни изоҳлашга, уни ўзлаштирилган билимлар билан бирлаштиришга ва муаммоларни ҳал қилиш учун янги ғоялар ёки ёндашувларни ишлаб чиқаришга имкон берадиган пухта когнитив асос яратади.

Бугунги кунда Қирғизистонда ўз маданиятига эга бўлган ва турли тиллардан фойдаланадиган ҳар хил этник гуруҳлар ва уюшмалар истиқомат қилади, шунинг учун саводхонликни ўргатиш жараёнини кўп тилли ёндашув асосида яратиш зарур. Бу ёндашувдан фойдаланиб ўқитиш жараёнида ўқувчилар дуч келадиган тилга оид қийинчиликлар ҳисобга олинади ва уларга муносиб ёрдам берилади (Simonsen, 2019). Ўқув материалларини танлашга, топшириқлар ишлаб чиқишга, тилга оид ўқув муҳитини яратишга бўлган ёндашувни қайта кўриб чиқишга имкон берадиган предмет ва тилни яхлит ҳолга келтириб ўқитиш ҳисобланади, бу, ўз навбатида, ўқувчилар томонидан бир пайтда фан мазмунини ўзлаштиришга ва уларда тил малакаларини ривожланишига ёрдам беради. Яхлит ҳолга келтириб ўқитиш таълим олиш йўлини кенгайтиради, ўқувчилар томонидан таълимий натижаларга эришишга, уларнинг бирлашма билан алоқа ва мулоқот қилишга ёрдам беради, шунингдек, ижтимоий малакаларни ривожлантиради (Маориф, фан ва маданият масалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти [ЮНЕСКО], 2014).

Қирғизистон Республикаси умумтаълим мактабларининг Давлат таълим стандартида (ДТС, 2016 й.) предметлараро алоқаларни шакллантириш вазифаси қўйилган. Ушбу дастур томонидан таълим қилинаётган, яхлит ҳолга келтириб ўқитиш предметлараро алоқаларни шакллантиришга ва кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу алоқалар мустақил ўқув предметлари бўйича билимларни бир бутун (яхлит) қилиб бирлаштиради, боғлайди, бунинг асосида ўқувчиларда дунёни бир бутун идрок қилиш шаклланади.

Предметлараро ва предметлар устидаги алоқаларни шакллантиришга ва бошланғич мактабда предметга оид компетентликларни шакллантиришга ўқишни, ёзишни ўргатишда болалар адабиётининг кенг мажмуидан фойдаланиш ҳам ёрдам беради. Турли жанрларда ва шаклларда яратилган болалар китоблари (а) критик фикрлашни ва таҳлилий қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, (б) шахсий маданий мерос ҳақида, шунингдек, бошқа одамлар маданияти ҳақида тасаввур беради, (в) шахснинг, юқори ақл-идрокнинг, ижодий қобилиятларнинг ва ижтимоий малакаларнинг ошишига ёрдам беради, (г) адабий шоҳ асарларни авлоддан авлодга етказишга ва сақлашга имкон беради (Stan, 2014).










Интеграцияланган ўқитишнинг бирлаштирувчи бўғинларидан бири бўлган ёзув биринчи синфдан бошлаб ўқувчилар томонидан турли нутқий жанрларда шахсий матнлар тузиш воситаси ҳисобланади.

Дифференциация, предмет ва тилни яхлит ҳолга келтириб ўқитиш, болалар адабиётининг ҳар хил турларидан фойдаланиш ва бошланғич мактабда турли нутқий жанрлардаги ёзма ишларни барча фанларни ўрганиш жараёнига киритиш “Оқуу керемет!” лойиҳаси томонидан таълим қилинган ҳамда бешта модулдан иборат бошланғич мактаб ўқитувчилари малакасини ошириш дастурининг асоси қилиб олинди:

- ◆ 1-модуль. Бошланғич мактабда дифференциал таълимни қўллаш.
- ◆ 2-модуль. Предмет ва тилни яхлит ҳолга келтириб ўқитиш.
- ◆ 3-модуль. Бошланғич мактабда болалар китобларидан фойдаланиш.
- ◆ 4-модуль. Бошланғич мактабда ижодий ёзув.
- ◆ 5-модуль. Бошланғич мактабда кундалик ёзув.

Ҳар бир модуль бир хил ташкилий схема асосида узилган (қ.1-жадвал).

1-жадвал. Модуль тузилиши

	Ҳар бир бўлим китобхон диққатини муҳим маълумотларга қаратиш учун йўналтирувчи саволлардан бошланади. Ушбу саволлар тегишли бўлимнинг барча мазмунини қамраб олган.
	Модулда тақдим этилган мавзуларнинг қисқача шарҳи мавзуларнинг муҳимлиги ва таянч тамойиллардан синфда фойдаланиш ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.
	Ҳар бир бўлим охирида резюме - асосий қоидалар ва тамойилларнинг умумий хулосаси берилган.
	«Стратегиялар» ўқитувчилар дарсларда бу ёндашувларни қандай амалга оширишлари ҳақида аниқ кўрсатмаларга эга эканлигини намойиш этадилар. Ҳар бир стратегия а) ўқитувчининг дарсгача, дарс пайтида ва дарсдан кейинги фаолияти баёнини, б) ўқув ва баҳолаш жараёнини дифференциациялаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.
	Матнда бўлимнинг таянч қоидаларини тасдиқловчи муҳим тадқиқотлар ҳақида қўшимча маълумотлар берилади.
	Фойдаланилган адабиётлар
	Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар
	Глоссарий
	Илова

Модулнинг биринчи бўлимида “таълимнинг универсал дизайни” тушунчаси, иккинчисида эса – “дифференциал таълим технологияси” кўриб чиқилади. Учинчи бўлимда баҳолашнинг дифференциация асослари сифатида фойдаланилиши тушунтирилади; бу таълим эҳтиёжларини аниқлашга ва ўқувчиларнинг муаммоларини индивидуал даражада билишга ёрдам беради ва синфни ўқитишда уларни ҳисобга олишга ёрдам берувчи асос ҳисобланади. Тўртинчи бўлимда синфни коллектив, яъни бутун синф даражасида бошқариш бўйича тавсиялар таклиф қилинади.

Ҳар бир яхши ўқитувчи ортида оғир меҳнат ва ўзи устида тинмай ишлаш туради. Лекин ҳатто таълимда дифференциал ёндашувни қўллайдиган кучли ўқитувчида ҳам пайдо бўладиган барча саволларга жавоб йўқ. Лекин ишонч ва қатъиятлик мавжуд.

Дуг Лемов

“Бошланғич мактабда дифференциал таълимни қўллаш” модулида бир синф ўқувчиларининг турли таълимий эҳтиёжларини, малакалар шаклланганлиги ва ўқитиш ҳамда баҳолашнинг турли-туман шакллари кўллаш даражаларини ҳисобга олган ҳолда саводхонликни ўргатишга йўналтирилган материал кўрсатилган. Дифференциал ёндашув ҳар бир ўқувчининг сифатли таълим олишга тенг ҳуқуқлиги шартлари асосий ҳисобланган таълимнинг универсал дизайнини яратганда мумкин бўлади. Дифференциал ёндашув ва таълимнинг универсал дизайни таклиф қилинган малака ошириш дастурининг барча модулларида муфассал мавзулар бўлиб ҳисобланади.

Дифференциал таълим – бу барча ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва қобилиятлари ҳисобга олинган таълим. У тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларига, фикрлаш жараёнларининг тезлигига, билишга қизиқиш даражаси ва ҳар бир боланинг ривожланганлиги даражасига асосланган. Ҳар бир ўқувчининг кучли томонларини ва қийинчиликларини билиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчига нимани ва қай тарзда ўргатишни, болани ўқишга қандай қизиқтиришни аниқлашда ёрдам беради.

Дифференциал ёндашув ҳар бир ўқувчига тенг имкониятлар тақдим қилган ҳолда, ўқитувчига таълим жараёнини индивидуаллаштиришга ёрдам беради. Таълимнинг универсал дизайнини, яъни ҳар бир ўқувчининг таълимий траекторияси таъминланган шароитларни яратган ҳолатда бу ёндашувдан фойдаланса бўлади, бу бутун синфни ўқитишда содир бўлади.

Шундай қилиб, бу модулда бир-бири билан интеграцияда бўлган иккита муҳим тушунча – “таълимнинг универсал дизайни” (ТУД) ва “дифференциал таълим” (ДТ) кўрсатилган. Агар ТУД – бу барча ўқувчиларга нимани, қачон ва қандай ўқитиш бўлса, ДТ эса уларнинг ўзига хос кучли томонларини ва эҳтиёжларини янада пухта кўриб чиқади (Hayes, 2019).



1-БЎЛИМ. ТАЪЛИМНИНГ УНИВЕРСАЛ ДИЗАЙНИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Таълимнинг универсал дизайни нима (ТУД)?
- ◆ ТУДнинг асосий тамойиллари қандай?
- ◆ ТУДнинг қайси индикаторлари **дарсгача, дарс пайтида** ва **дарсдан кейин** қўллашни баҳолашга имкон беради?



Таълим соҳасидаги “Таълимнинг универсал дизайни” тушунчаси Қирғизистонда янги ҳисобланади, шу сабабли унинг моҳиятини тушуниб олиш учун ТУДнинг пайдо бўлиш манбаларига мурожаат қилиш керак. Ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШ ва Европа давлатларида ногирон одамларни ҳаммабоп моддий муҳит билан таъминлаш учун жамоатчилик ҳаракати пайдо бўлган (бинолар, йўлаклар, йўлдан ўтиш жойлари ва ҳ.к. хусусида). Бу ногиронлар фойдаланиши мумкин бўлган инфраструктура объектларини яратишда ўз аксини топди (бинолардаги пандуслар, зиналар учун тутқичлар, иморатлардаги кенгайтирилган кириш йўллари, автоматик эшиклар, светофорнинг аудио сигналлари ва ҳ.к.). Бироқ оқибатда нафақат бир гуруҳ одамлар эҳтиёжларини ҳисобга оладиган, балки ривожланиш хусусиятлари, ёши ва бошқа нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳамма учун универсал бўладиган дизайн яратиш зарурлиги аён бўлди. Масалан, биноларга қулай қия пандусларни ўрнатиш нафақат ногиронлар коляскаси ёрдамида ҳаракатланадиган одамлар учун, балки фарзандини болалар коляскасида олиб кетаётганлар, роликли жомадонни ёки озиқ-овқат аравачасини олиб кетаётганлар учун ҳам ҳаммабоплигини таъминлайди. Шундай қилиб, муҳитнинг биргина элементидан ҳамма фойдаланмоқда: алоҳида гуруҳ одамларини ҳимоя қиладиган махсус кириш жойлари йўқ. Универсал дизайннинг бундай концепцияси ҳаммабопликни ва жамиятнинг барча аъзолари инфраструктурадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ва махсус шарт-шароитлар зарур бўлган инсонларнинг, шу билан бирга уларни бошқалардан ажратмаган ҳолда, турмуш сифатини яхшилайдди.

Оқибатда бу концепция таълим соҳасида ўз аксини топди. Амалий технологиялар маркази (CAST) мутахассислари таълимнинг универсал дизайни концепциясини ишлаб чиқдилар, уни амалга ошириш ҳамма томонидан тенг даражада ўзлаштириладиган маълумотни тақдим қилишни, ҳар бир ўқувчини рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратишни, барча ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилишни ва мотивацияни оширишни кўзда тутди.




Таълимнинг универсал дизайни – бу когнитив, мотивацион ва ҳис-туйғу соҳасида барча ўқувчилар учун ҳаммабоп бўлган таълим шароитларини яратиш концепцияси ва усули.



Бу концепция асосига мия иши қонуниятлари соҳасидаги тадқиқотлар олинган. Бизнинг миямиз ахборотни қайта ишлаш, уни эслаб қолиш, келгусида чиқариб олиш ва турли хил фаолиятларда фойдаланишга масъул бўлган турли бўлимлардан иборат. “Таълимнинг универсал дизайни қўлланмаси”да (CAST, 2018) таълим механизми учта бирламчи нейрофизиологик тармоқлар иши билан

боғлиқ (2-жадвални қаранг)¹. Бу тармоқларнинг ишлаши ҳар қандай вазифани бажаришда мия структуралари ва бўлимларининг мувофиқлаштирилган ўзаро боғланган фаолиятига боғлиқ.

2-жадвал. Таълим механизми учун жавоб берувчи нейрофизиологик тармоқлар.

Маълумотни аниқлаш тармоғи	Стратегик тармоқ	Аффектив тармоқ (ҳис-туйғулар)
		
<p>Кирувчи маълумотни аниқлайди, НИМА ўрганилаётганига жавоб беради.</p>	<p>Мавжуд бўлган базавий билимлар ва шахсий тажрибадан фойдаланган ҳолда ўқувчи келиб тушган маълумотга ҚАНДАЙ ишлов беришига таъсир қилади.</p>	<p>Келиб тушаётган маълумотга, мотивацияга муносабатни, ўқувчилар НИМА УЧУН ўқишни хоҳлашини (хоҳламаслигини) бошқаради.</p>

Бу тармоқлар ишлаши ҳақидаги билимлар асосида таълим универсал дизайннинг учта тамойили ишлаб чиқилган: 1) маълумотни ўзлаштириш ва билимларни шакллантиришнинг турли йўллари билан ўқувчиларни таъминлаш учун уларга ўқув материални тақдим қилишнинг бир неча шаклини кўзда тутиш лозим; 2) турли йўллар ва шакллар орқали ўқишдаги ютуқларни, таълим натижаларини намойиш қилиш учун ўқувчиларни имкониятлар билан таъминлаш зарур; 3) ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш учун шароитлар яратиш ва болаларга ўзаро боғланишнинг бир неча вариантини тақдим қилиш даркор.

Бу тамойилларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1-тамойил. Маълумотни ўзлаштириш ва билимларни шакллантиришнинг турли хил йўллари билан таъминлаш учун ўқувчиларга ўқув материални тақдим қилишнинг бир неча шаклини кўзда тутиш лозим.

Юқорида белгилаб ўтилганидек, охириги пайтларда олимлар ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олиш заруратига диққат-эътибор қаратишмоқда. Улардан бири – ўқув жараёнида таклиф қилинган маълумотни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Маълумотни ўзлаштириш усули ҳам таълимда, ҳам турмушда қўлланилувчи универсал ўқув қобилияти ҳисобланади. Инсон маълумотни учта ахборот канали орқали ўзлаштириши мумкин, деб ҳисобланади: кўриш (визуал), эшитиш (аудиал) ва ҳаракатлантирувчи (кинестетик). Лекин бу каналлардан бири ҳар бир инсонда одатда устун бўлади, яъни ортиқ бўлади, етакловчи ҳисобланади.

¹Қаранг. Таълимда универсал дизайн. URL: <https://downsideup.org/elektronnaya-biblioteka/universalnyy-dizayn-v-obrazovanii/>Фойдаланиш санаси 25.06.2020.

Айниқса, буни таълим учун асос соладиган бошланғич мактаб педагоглари билиши ва тушуниши муҳим. Кўриб турганимиздек, ўқувчиларнинг таълимий эҳтиёжлари нафақат улар соғломлигининг қандайдир бир ўзига хос жиҳатлари орқали, балки, масалан, ҳар биримизга хос бўлган маълумотни ўзлаштириш, эслаб қолиш, фикрлаш каби хусусиятлар орқали ҳам аниқланади. Маълумотни ўзлаштириш турлари ёки услублари **модалликлар** деб аталади.



Ўзлаштириш модаллиги – маълумотни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, эслаб қолиш ва фикрлаш турлари ҳамда услублари, билим орттириш услубларидир.

Таълим самарали бўлиши учун, ўқув маълумоти эса ўқувчиларга таъсир қилиши учун уни турли модалликларда тақдим қилиш керак. Бундай ёндашув барча тоифадаги ўқувчилар томонидан асосий маълумот ўзлаштирилишини таъминлаш ҳисобига таълим олиш йўлидаги тўсиқларнинг камайишига олиб келади, демак, уларнинг таълим олиш ҳуқуқи ҳам кенгаяди. Қуйида (4-жадвални қаранг) синфингиздаги ўқувчилар эга бўлиши мумкин бўлган турли модалликларни ҳисобга олган ҳолда маълумот тақдим қилишнинг ҳар хил йўллари ва хусусиятлари таклиф қилинган.

2-тамойил. Турли йўллар ва шакллар орқали ўқишдаги ютуқларни, таълим натижаларини намоиш қилиш учун ўқувчиларни турли имкониятлар билан таъминлаш зарур.

Таълим жараёнида шаклланган билимларни ва таълим натижаларини намоиш қилишда ва топшириқлар бажаришда ўқувчиларни фаолиятнинг турли хилларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш керак.

Шунингдек, ўқувчиларга муваффақият ҳолатини ва ўзини ўзи баҳолаш бўйича фаолиятни шакллантиришни таъминловчи ўқув ютуқлари мониторингининг ҳар хил вариантларини ҳам кўзда тутиш лозим. Ўқувчиларда ўз билими учун жавобгарлик ривожланиши керак, шунинг учун нафақат анъанавий равишда ишлатиладиган оғзаки ва ёзма жавобларни, балки шакл ва воситаларнинг энг юқори кенг арсеналини таклиф қилган ҳолда, улар нималарни ўрганиб олганини намоиш қилиш имконияти билан уларни таъминлаш керак. Булар расмлар, график ташкилотчилар, ижодий хат, драмалаштириш, ўйин, бош қотирмалар, портфолио ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Шу билан бирга малакаларнинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олиш керак, уларга мос равишда топшириқни мураккаблаштириш ёки енгиллаштириш зарур; ўқувчилар маданиятининг турли-туманлигини ҳам ҳисобга олиш керак, бу турли маданиятларни акс эттирувчи материаллар танлашни билдиради; болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим, бунга боғлиқ равишда шундай фикр ифодалаш воситаларидан фойдаланиш таклиф қилинадиги, улар ёрдамида берилган саволга жавоб бериш ёки топшириқ бажариш улар учун қулай бўлсин.

3-тамойил. Ўқувчиларни таълим жараёнига шароитлар яратиш ва болаларга ўзаро боғланишнинг бир неча вариантини тақдим қилиш даркор.

Ўқувчиларга саводхонликни ўргатиш самарали бўлиши учун жалб қилишлик ва ўзаро боғланишнинг бир неча режимлари билан уларни таъминлаш зарур. Ўқувчиларнинг яхши кайфияти, уларнинг қизиққонлиги ва ҳис-туйғулари, ёрқин ҳис қилишлари ва кечинмалари таълимнинг муҳим элементи ҳисобланади, бу ўқувчиларнинг таълим мазмунига қандайдир бир бегона ва қизиқарсиз нарсадек муносабатда бўлишни акс этмай, балки шахсий мазмун билан тўлган бўлиши керак.

Ўқишга жалб қилинганлик ва мотивация ўқувчиларнинг шахсий, ўзига хос хусусиятларига, уларга тегишли бўлган турли маданиятларга, мавжуд бўлган билимларга, ҳар бир ўқувчининг дастлабки тажрибасига ва бир қатор бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчи барча ўқувчиларга мувофиқ бўладиган турли воситалардан ва ўзаро боғловчи вариантларидан фойдаланиши жуда муҳим. Баъзи ўқувчиларга таълимнинг бошланғич босқичида анча давомли ўзига хос ёрдам талаб қилинса, бошқа ўқувчилар ўз тенгдошлари билан гуруҳда ишлашни афзал кўрадилар, шу билан бирга ўқитувчидан ёрдам ҳам оладилар. Гуруҳларда ишлаш учун ўқувчиларни бирлаштириш қайд қилинган эмас, у ўзгариб турадиган бўлиши керак. Бу ўқувчиларга ўқитувчи ёрдамидан мақсадга йўналтирилган равишда фойдаланишга, ўзини ўзи бошқариш ва мустақиллик малакаларини (алоҳида ишлаш шаклидан гуруҳда ишлаш шаклига ўтганда) ривожлантиришга, дарсларда анча фаол иштирок этишга, жуда кўп чуқур ҳис-туйғуларни бошдан кечиртишга имкон беради.

Ўқувчиларнинг мотивацияси ва фаоллигини ошириш мақсадида ҳар бир ўқувчи иштирок этиши учун қулай муҳит яратиш, иш суръатини ўзгартириш, танаффуслар, ижтимоий муҳит ташкил қилиш ҳамда фаолият турларини алмаштириб туришни; алоҳида ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш ва бутун синф умумий ишлашини кўзда тутган ҳолда синф хонаси майдонини тўғри тақсимлашни таъминлаш муҳим. 3-жадвалда ТУД тамойилларининг умумлаштирилган мазмуни кўрсатилган.

3-жадвал. Таълимнинг универсал дизайни тамойилларининг мазмуни

1-тамойил	2-тамойил	3-тамойил
Тақдим қилиш	Ютуқларни намойиш қилиш	Жалб қилиш
Маълумотни турли шаклларда тақдим қилиш: визуал (матн, расмлар), эшитиш (мунозаралар, аудио-ёзувлар), кинестетик (расм солиш, хатти-ҳаракатлар) ва бошқалар.	Ўқувчиларга, улар нималарни билиши, қила олишини ифодалаш ва намойиш қилишнинг турли вариантларини танлаш имкониятини бериш: топшириқни ёзма равишда бажариш, оғзаки тақдимот қилиш ёки гуруҳда лойиҳа бажариш.	Мотивацияни ошириш, ўқувчилар қизиқишини рағбатлантириш, диққат-эътиборни жалб қилишнинг турли-туман йўллари: барча ўқувчиларни муҳокамага жалб қилиш, топшириқ танлаш, ўйин, синфда жойини ўзгартириш имконияти.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ТУД тамойилларига ва модалликни ҳисобга олишга риоя қилиш муваффақиятли таълим омиллари ва шарт-шароитларини аниқлашга, руҳий функциялар ва ўзлаштириш ўсишининг ўзаро алоқасини кўрсатишга, мактаб муаммолари ва қийинчиликларини олдиндан айтиб бериш ва олдини олишга, ўқувчига ўз вақтида руҳий-педагогик ёрдам ва кўмак кўрсатишга имкон беради. Шу сабабли педагог дарсларда ишлатадиган қандай усуллар ва йўллар юқорида айтилганларни бажаришга имкон беришини тушуниши лозим (4-жадвални қаранг).

4-жадвал. Ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқув маълумотини тақдим қилиш усуллари

<p>Модаллик (маълумотни ўзлаштиришнинг илғор усули бўлиб нима ҳисобланади)</p>	<p>Қандай қилиб ўқитувчи маълумотни тақдим қилиши ва ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиши керак?</p>	<p>Ўқувчилар қандай фикрлайдилар?</p>	<p>Ўқувчилар маълумотни ўзлаштириш учун нима қилишни хоҳлаган бўлардилар?</p>
<p>Визуал (кўриш мумкин бўлган нарсалар: ранглар, расмлар, образлар).</p>	<p>Дарс ўтиш жараёнининг турли босқичларида куйидагилар муҳим аҳамиятга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"> • материални тушунтиришда мазмуннинг турли бўлиmlари ёки жиҳатларини ранг билан ажратиш; • ҳар хил бўр билан доскада ишлаш; • схемалар, жадваллар, кўргазмаларни ўқув қуроллари, суратлардан фойдаланиш; • ўқув фильмлари ёки тақдимотларни тушунтиришларга қўшилиш; • тарқатма материални эстетик безатиш; • оғзаки ўрнига ёзма кўрсатмалар. 	<p>У ҳақида унда аниқ тасавурлар, ёрқин расмлар бор бўлган нарсанигина тушунади ва эслайди.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Дарслиқдан, дафтардан, лугатдан керакли нарсани дарҳол топишни; • намунадан кўчиришни ёки расмини чизишни; • хулоса чиқаришни; • расмлар, суратлар бўйича ишлашни, схемалар ва графикларни тушунтиришни; • иншо-тавсиф ёзишни; • ташқи кўриниш ва манзараларни тасвирлашни; • расмлар, аппликациялар, контур карталар, схемалар, графиклар чизишни ва бажаришни; • тақдимотни тайёрлашни; • режалар тузишни, стратегиялар ўйлаб чиқишни; • вазиятларни объектив равишда таҳлил қилишни, сабаблар, қонуниятлар қидиришни; • хулосаларни аниқ ифода қилишни; • хаёлпарастлик билан боғлиқ бўлган ҳар қандай машқларни бажаришни; • хатолар топиш бўйича топшириқлар бажаришни; • ўқиш техникаси бўйича машқлар бажаришни; • “чиройли бўлиши учун” ишни қайта ёзиб чиқишни; • керак нарсани ажратишда, тагига чизишда ҳар хил рангли рўчалардан фойдаланишни.

<p>Модаллик (маълумотни ўзлаштиришни нг илгор усули бўлиб нима ҳисобланади)</p>	<p>Қандай қилиб ўқитувчи маълумотни тақдим қилиши ва ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиши керак?</p>	<p>Ўқувчилар қандай фикрлайдилар?</p>	<p>Ўқувчилар маълумотни ўзлаштириш учун нима қилишни хоҳлаган бўлардилар?</p>
<p>Аудиал (эшитиш мумкин бўлган нарсалар: товушлар, оҳанглар).</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Батафсил оғзаки тушунтиришлардан фойдаланиш; • ифодали сўзлаш, муҳим жойларни оҳанг билан ажратиш; • овоз вариацияларидан фойдаланиб сўзлаш (қаттиқлик, паузалар, баландлик); • ўқувчиларнинг оғзаки ахборотларидан фойдаланиш; • овоз чиқариб китоб ўқиш, мунозара, суҳбат уюштириш; • аудиотехникадан фойдаланиш; • болалардан айтилган гапни қайтаришни сўраш; • ўқувчига, у нима қилаётганини шарҳлаб беришни таклиф қилиш. 	<p>Сўзлар ёрдамида, овоз чиқариб мулоҳаза қилган ҳолда, белгилар, экспрессиялар, изоҳлардан фойдаланган ҳолда.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Топшириқларни овоз чиқариб ўқишни; • хор бўлиб айтишни; • ифодали ўқишни, роллар бўлиб ўқишни; • шеърлар ўқишни; • матндан цитата келтиришни; • қўшиқлар ўрганиб олишни; • ахборот беришни; • нима қилаётганини шарҳлашни; • мунозарада қатнашишни; • партадошига ниманидир тушунтиришни, “тенгдошига ўргатишни”; • синфга ниманидир айтиб беришни; • фактлар ва ҳодисаларни таҳлил қилишни, таққослашни, қиёслашни; • ўқиб чиқганини дарҳол овоз чиқариб такрорлашни; • бадий асарлардан диалогларни эслаб қолишни ва айтиб беришни; • янги сўзлар ва атамаларни ёдлашни; • чет тили ўрганишни; • эшитиш диктантларини бажаришни; • оғзаки ҳисоб олиб боришни; • сўзни овоз чиқариб талаффуз қилишни.
<p>Кинестетик (ҳис қилиш мумкин бўлган нарсалар: ҳис-туйғулар ва кечинмалар,</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Тушунтиришда имо-ишоралар ишлатиш; • дафтар ёки доскада керакли янги маълумотларни қайд қилишга вақт бериш; • китоб билан мустақил ишлашни бериш; • назарияни амалда синаб кўришни таклиф қилиш; 	<p>Умумий таассуротни эслайдилар, ҳаракатни, тегиб кетишни, ҳамкорликдан</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Сюжетни сўзлаб беришни; • баён-ҳикоялар ёзишни; • бадий асар қаҳрамонлари ҳис-туйғуларини таърифлашни (<i>кинестетиклар</i> яхши <i>ассоциацияланади</i> – вазиятни ичидан осон ҳис қила оладилар);

<p>Модаллик (маълумотни ўзлаштиришни нг илгор усули бўлиб нима ҳисобланади)</p> <p>таъм, ҳид, сезиш, сап тегиш, ҳарорат ва бошқалар).</p>	<p>Қандай қилиб ўқитувчи маълумотни тақдим қилиши ва ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиши керак?</p>	<p>Ўқувчилар қандай фикрлайдилар?</p>	<p>Ўқувчилар маълумотни ўзлаштириш учун нима қилишни хоҳлаган бўлардилар?</p>
<p>• ролли ўйинлардан, гуруҳларда ишладан фойдаланиш; • экскурсиялар ўтказиш; • ўқувчилар ҳис-туйғуларини муаллиф ва асар қаҳрамонлари ҳис-туйғулари билан таққослаб кўришни таклиф қилиш; • синфдан ташқари, амалий, тадқиқий иш ўтказиш; • қўл ёки оёқда шеър ритмини қайтариш; • тушунтиришда бўрттиришларни ишлатиш; • реал предметлар, расм солиш, • моделлаштириш, пантомималар, табиий объектлар билан ўзаро боғланишдан фойдаланиб топшириқ бажариш; • саҳна кўринишларида, бармоқ ўйинларида иштирок этишни таклиф қилиш; • дарсда тез-тез жой алмаштириш.</p>	<p>фойдаланишни эслаб қоладилар.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • саҳнада чиқишни, спектаклларда қатнашишни; • тест топшириқларини бажаришни (яхши ривожланган ички ҳис, ўз ҳис-туйғуларига қулоқ солишни билиш тўғри жавоб топишда ёрдам беради); • моделлаштиришни; • конструкциялашни, приборлар билан ишлашни (микроскоп, тарози ва Ҳ.к.); • жисмоний машқлар бажаришни, рақсга тушишни. 	

Ўқитувчининг дарсда ўқувчилар билан тўлақонли алоқаси, у материални учта усулда (модалликда) тақдим этиш техникасини яхши билган тақдирдагина мумкин бўлади (кўп сенсорли, кўп модалли деб аталувчи таълим).

Дарсда маълумотни кўп модалли тақдим қилишига ўқувчиларга уни, ўзининг етакчи ўзлаштириш каналидан фойдаланган ҳолда қабул қилишга имкон беради ва шу билан бирга бошқа модалликларни ҳам ривожлантиради.

Бундан ташқари, қулай таълим муҳити, хавфсиз жой, ижобий қайта алоқа билан таъминлаш муҳимдир.

Таълим универсал дизайннинг уч тамойилларига риоя қилган ҳолатда ўқитувчилар анча самарали таълимга ёрдам берувчи ва таълимдаги бўлиши мумкин бўлган ғов-тўсиқларнинг олдини оловчи стратегияларни танлайди: а) ҳар бир ўқувчи керак бўлган маълумотни, материални олиши мумкин (**нимани ўқитиш керак**), б) билим ва малакаларнинг ўзлаштирилганини ифодалашни ёки намойиш қилиши мумкин (**қандай ўқитиш керак**) ва в) таълим жараёнида фаол иштирок этиши мумкин (**нима учун ўқиш керак**). Ҳар бир ўқувчига ўқитувчи томонидан саводхонликка ўргатишнинг тенг имкониятлари тақдим қилиниши керак (1-схемани қаранг).



1-схема. Таълимнинг универсал дизайни

ТУД тамойиллари интеграциясини амалиётида режалаштиргач, педагоглар қуйида таклиф қилинган, ТУД тамойилларига мувофиқ дарсларни баҳолашни ўтказиш учун имкон берадиган намунали индикаторлар рўйхатидан фойдаланишлари мумкин.

Қуйида “Мен ўқитувчи сифатида қайси тамойиллардан фойдаланаётганимни ва синфимдаги барча ўқувчиларни самарали ўқитиш учун яна қандай янги стратегияларни қўшиш кераклиги” ни билиш мақсадида дарсларни баҳолаш варағи келтирилган. (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал. Дарслардаги ТУДни баҳолаш варағи

Баҳолаш варағи ўқитувчига ўз дарсларида ёки ҳамкасблари дарсларида ТУДдан фойдаланиш даражасини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун индикаторларни диққат билан ўқиб чиқиш ва маълум бир устунчага унинг мазмунига мувофиқ (V) белгисини қўйиш керак. Охириги устунчани мустақил ёки ҳамкасблар тавсияси асосида тўлдириш мумкин.

№	ТУД тамойиллари мазмуни	Биламан ва ҳар бир дарсда бажараман.	Қисман биламан ва баъзи дарсларда бажараман.	Буни қандай бажаришни билмайман.	Мен бажараман (Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қира олиш даражасини ошириш учун тавсиялар).
I.	ДАРСДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ				
	1. Ҳар бир дарсни нималар кўриб чиқирилиши ҳақидаги қисқа маълумотдан бошлаш.				
	2. Таълим мақсадларини аниқлаш.				
	3. Маълумотнинг инновацион манбалари, график ташкилотчилар, БИО (Биламан, билишни Истайман, билиб Олдим) стратегияси ёрдамида ўқувчилардаги мавжуд билимларни фаоллаштириш.				
	4. Маълумотни бир неча шаклда тақдим қилиш (ўқитувчи ҳикояси, матн, график ташкилотчилар, аудио, видео, амалий машқлар).				
	5. Бутун дарснинг муҳим жойларини хулосалаш ва умумий мавзу билан алоқани кўрсатиш.				
	6. Нафақат дарслик материалларидан ва дастур бўйича мажбурий ўқишдан, балки кўшимча маълумот манбаларидан ҳам				

№	ТУД тамойиллари мазмуни	Биламан ва ҳар бир дарсда бажараман.	Қисман биламан ва баъзи дарсларда бажараман.	Бун қандай бажаришни билмайман.	Мен бажараман (Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қира олиш даражасини ошириш учун тавсиялар).
	<p>фойдаланиш (қаранг: 3-модуль. “Бошлангич мактабда болалар китобидан фойдаланиш”).</p> <p>7. Ўқувчиларни визуал йўл-йўриқлар билан таъминлаш (сўзлар девори, стикерлардаги белгилар, карточкалар ва х.к.).</p> <p>8. Манбаларнинг ёзма нусхалари ёки видео-ёзувларга шарҳлар билан таъминлаш.</p> <p>9. Матннинг шрифти, ранги, ҳажмини ўзгартириш.</p> <p>10. Тушунтириш пайтида овоз кучини ва нутқ суръатини ўзгартириш.</p>				
II.	<p>ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ</p> <p>1. Билим ва малакаларини анъанавий тест ва имтиҳонлардан фарқ қилувчи йўллар (эссе, лойиҳалар, портфолио, “борт журналлари”) орқали намойиш қилган ўқувчиларни рағбатлантириш.</p> <p>2. Ўқувчилар ютуқларини таълим мақсадларига мувофиқ баҳолаш.</p> <p>3. Дарсда мулоқот ва иштирокни фаоллаштирувчи стратегияларни қўшиш.</p>				

№	ТУД тамойиллари мазмуни	Биламан ва ҳар бир дарсда бажараман.	Қисман биламан ва баъзи дарсларда бажараман.	Бунни қандай бажаришни билмайман.	Мен бажараман (Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қира олиш даражасини ошириш учун тавсиялар).
	<p>4. Дарсда мавзу муҳокамаси пайтида қайта алоқа йўлларини ўзгартириш (Ўрнидан туриб, бош бармоқда юқори ёки пастни курсатиб, жавобни битта сўз билан рангли қаламда ёзиб, уни юқорига кўтариб).</p> <p>5. Матн, мусиқа, комикслар, расмлар, тақдиротлар, ҳайкалтарошлик, оғзаки маълумот, драмалаштиришдан фойдаланган ҳолда ўқувчилар ўз билганларини намойиш қилишларига имкон бериш.</p> <p>6. Фаол иштирок этиш, тадқиқ қилиш ва тажриба ўтказиш учун имкон берадиган топшириқлар бериш.</p> <p>7. Дарсда ўқувчилар томонидан янги сўзлар қўлланилишини рағбатлантириш.</p>				
III.	<p>ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ</p> <p>1. Ўқувчилар билан дарс мақсадларини ва улар учун бу мақсадлар қанчалик муҳимлигини муҳокама қилиш; ўқувчиларга шахсий мақсадлар белгилаш имкониятини бериш.</p> <p>2. Узоқ муддатли мақсадларни анча кичик қадамларга бўлиш.</p>				

№	ТУД тамойиллари мазмуни	Биламан ва ҳар бир дарсда бажараман.	Қисман биламан ва баъзи дарсларда бажараман.	Буни қандай бажаришни билмайман.	Мен бажараман (Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қира олиш даражасини ошириш учун тавсиялар).
	<p>3. Роллар ва мажбуриятларни бўлиш орқали таълимнинг жамоавий усулларидан фойдаланиш ("биргаликда ўрганиш").</p> <p>4. Ўқувчиларда ўз жавобини билдиришни, фаолияти ва ўқишларини баҳолашни, шахсий bilimларини ҳақида фикр юритишни рағбатлантириш.</p> <p>5. Ўқувчилар манбалар контекстини ўз ҳаёти ва улар мансуб бўлган этник гуруҳнинг ўзига хос хусусиятлари билан таққослай олишлари учун маълумот манбаларини ўзгартира олишлари.</p> <p>6. Иш жараёнида ўқувчилар билан қайта алоқани таъминлаш; қўйилган мақсадга эришиш йўналиши бўйича ҳаракат билан қайта алоқа ўрнатиш.</p> <p>7. Ҳар бир ўқув мавзусига қизиқишни рағбатлантириш ва яшаш жараёнида унинг аҳамиятини тушунтириш.</p> <p>8. Ўқувчиларни, улар учун муҳим бўлган топшириқлар ёрдамида (ўқувчининг ҳаётий тажрибасидан фойдаланган ҳолда) қизиқтириш.</p> <p>9. Синфда ўқувчиларнинг турли-туманлиги ҳурмат қилинадиган муҳит яратиш.</p>				

№	ТУД тамойиллари мазмуни	Биламан ва ҳар бир дарсда бажараман.	Қисман биламан ва баъзи дарсларда бажараман.	Буни қандай бажаришни билмайман.	Мен бажараман (Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига қира олиш даражасини ошириш учун тавсиялар).
	<p>10. Тезкор ва сермазмун ижобий қайта алоқадан фойдаланиш.</p> <p>11. Турли фанларни ўзлаштиришда ўқиш ва ёзиш юзасидан топшириқларни ва дарсларни кўргазмали ўқув воситалари билан қуроллантириш (масалан, суратлар, видео, диаграммалар, интерфаол моделлар билан).</p>				

Агар ўқитувчилар ТУД тамойилларини ўз дарсларининг режаларига киритган бўлсалар:

- ◆ барча ўқувчилар таълим мақсадларини биладилар;
- ◆ маълумот бир неча йўл билан, жумладан, матнли, аудио ва бошқа шакллар орқали тақдим қилинади;
- ◆ ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини оширишнинг турли усулларидан фойдаланилади;
- ◆ ўқувчилар нималарни билиши ва нималарга эга эканлигининг аниқроқ кўринишини билиш учун таълим жараёнида ўқитиш ва баҳолашнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланилади.



Резюме

Таълимнинг универсал дизайни – бу болаларнинг турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда барча ўқувчилар учун таълимнинг тенг шароитларини яратиш усули. ТУДнинг мавжуд учта асосий тамойили – ўқувчиларга ўқув материални тақдим қилишнинг ҳар хил йўллари, ўқувчилар томонидан таълим натижаларини намойиш қилиш ва ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилишлар – ўқувчиларнинг кучли томонларини ва таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларга хилма-хил масалаларни ечиш имконини беради. Ўқитувчилар таълим универсал дизайнининг учта тамойилига риоя қилган ҳолда, таълим жараёнида ҳар қандай тўсиқларни бартараф қилиш учун ўқувчилар ўқишига энг маъқул келадиган стратегияларни танлайди, чунки барча ўқувчиларга таълимнинг тенг имкониятлари тақдим қилиниши керак.

Универсал дизайн ўқувчиларнинг турли-туманлигини биринчи ўринга олиб чиққан ҳолда ва ўқув жараёнини осон ҳамда ўзгарувчан ва болалар эҳтиёжларига мос қилиб тузган ҳолда ўқув жараёни концепциясини ўзгартиради.





2-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

? Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Дифференциал таълим нима?
- ◆ Таълим жараёнида дифференциал таълим қандай амалга оширилади?
- ◆ Дифференциал таълимни қандай қилиб ташкил қилиш керак?



Юқоридаги бўлимда ўқувчиларга билимлар ҳамда ўқиш натижаларини ифодалаш ва ўзлаштириш, уларни таълим жараёнига жалб қилишнинг турли усулларидан фойдаланиш имкониятлари берилиши керак бўлган таълимнинг универсал дизайни кўриб чиқилди. Дифференциал таълим технологияси бу вазифани амалга ошириш имконини беради.

Дифференциал таълим – бу барча ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга оладиган таълимдир.



Дифференциал таълимга асос қилиб Л.С.Виготскийнинг ижтимоий-маданий назарияси олинган. Унда шахснинг ривожланишига жамият қўшадиган муҳим ҳисса кўриб чиқилади. Бу назария одамлар ривожланиши билан улар яшайдиган маданият ўртасидаги ўзаро боғланишни таъкидлайди. Бундан эса инсон таълими – бу ижтимоий жараён эканлиги келиб чиқади.

Л.С.Виготский тенгдошлар ўртасидаги ўзаро боғланишни малакалар ва стратегиялар ривожланишининг самарали йўли каби кўриб чиқади. Л.С.Виготскийнинг фикрича, “маданият ва ижтимоий муносабатларни интернализация қилиш воситасида ижтимоий таълим натижаси бўлган ривожланишни келтириб чиқариш ва олиб бориш”² таълимнинг туб мақсади ҳисобланади.

Интернализация – бу ҳар хил маданиятли (билимли, тажрибали, тилли, қизиқишли ва бошқа) ўқувчиларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини кучайтириш; бу уларнинг умумий ривожланиши ва ўсишига ёрдам беради, бошқа ички дунё билан, бойитилган ўзаро боғланиш билан мақсадлар сари интилишга имкон беради. Демак, ҳар бир ўқувчининг нодирлиги, ўзига хослиги умумий жараёнга ўрганилаётган мавзунини чуқурроқ ва кенгроқ англаш имкониятини беради. Шу сабабли таълим жараёнида янги вазиятларни тушуниш ва янги тажриба орттириш учун ҳар бир ўқувчининг мавжуд билимларига ва аввалги тажрибасига таяниш зарур.

Л.С.Виготскийнинг концепциясида инсон имкониятлари назарий жиҳатдан чексиз, лекин унинг амалий чегаралари ижтимоий ўзаро боғланишлар сифатига ва муҳит шарт-шароитларига боғлиқ бўлади, деб тахмин қилинади. Энг яқин ривожланиш доираси “муаммоларни мустақил ҳал қилиш билан аниқланадиган ривожланишнинг ҳақиқий даражаси билан катталарнинг раҳбарлиги остида ёки анча қобилиятли тенгдошлари билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал қилиш йўли билан аниқланадиган потенциал ривожланиш даражаси ўртасидаги масофа”³ бўлиб ҳисобланади. Билимлар ўзлаштириш ва малака, кўникмалар эгаллаш йўлидаги ҳаракат,

¹қаранг: Виготский Л.С. Бола ривожланиши психологияси. — М: «Смысл» нашр., «Эксмо» нашр., 2004. -512 б.

³Виготский Л.С. Проблемы детской (возрастной) психологии // Виготский Л.С. Собр. соч.: В 6 т. Т. 4. – М.: Педагогика, 1984. – С.264.

имкониятлар ва истиқболларга (энг яқин ривожланиш зонасига) билим ва малакаларнинг аллақачон шаклланган маълумот даражаси (долзарб ривожланиш доираси) асосида содир бўлади, бу натижада билим ва малакаларни мустақил қўллашга олиб келади.

Бу хил раҳбарлик ва ҳамкорликни қандай таъминлашни чуқурроқ тушуниш учун олимлар “қурилиш ҳавозаси” концепциясини таклиф қиладилар. Қурилиш ҳавозаси – бу вақтинчалик қурилма бўлиб, бинони қуриш жараёнида аста-секинлик билан уларга бўлган зарурат суствлаша боради ва пировардида йўқолади. Бу натижа юқорида аталган концепция асосига солинган.

Таълимда “қурилиш ҳавозаси” – бу ўқувчига ёрдам, кўмак метафораси. Билимлар ва малакалар шаклланган сари ва қўйилган вазифалар бажарилган сайин, ўқувчи вазифани мустақил бажара оладиган бўлганда, “қурилиш ҳавозаси” йўқолади.

“Скаффолдинг” (“қурилиш ҳавозаси”) атамаси биринчи марта 1976 йили Дэвид Вуд ва Жером Брунер⁴ ишида қўлланилган. “Скаффолдинг” атамаси болани жуда қисқа ривожланиш доирасига силжитиш учун катталар уюштирадиган педагогик ёрдамнинг ўзига хос турини англатади. “Скаффолдинг” технологияси замонавий муаллифлар томонидан ўқув вазифаларини ечиш бўйича ўқувчи ва педагог (ёки бошқа билимдонроқ манба) нинг ўзаро боғланиш вазиятларида рўй берадиган йўл-йўриқ кўрсатиш жараёнининг ўзгача тури сифатида қаралади. “Скаффолдинг” (scaffolding) технологиясининг асосий тавсифномаси бўлиб ўқувчининг мустақил иши пайтидаги педагог томонидан кўрсатиладиган “сўнувчи ёрдам” (fading help) ҳисобланади.

Скаффолдингда катталар топшириқнинг ўзини ўзгартирмайди, ўқувчи учун уни осонлаштирадилар, лекин улар ёрдам кўрсатиш ҳисобига ўқувчиларга масала ечишни енгиллаштирадилар. Скаффолдингда катталарнинг вазифалари, ўргатувчи ўзаро боғланиш тамойиллари ва ўқувчига кўрсатиладиган ёрдамнинг асосий турлари муаллифлар томонидан ажратилган: намойиш, хатоларни оғзаки кўрсатиш, бевосита оғзаки кўрсатма ва ҳ.к.

Шундай қилиб, скаффолдинг ёки “қурилиш ҳавозаси” метафора сифатида ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда дастурни соддалаштириш, ўқув материалларини, топшириқларни танлаш, баҳолаш ва қайта алоқани таъминлашни англатади.

Шунга эътибор бериш муҳимки, аввал ўқитувчи, ўқувчилар топшириқ бажарилишини кузатишаётган пайтда, топшириқ бажариш намунасини намойиш қилади, бу “моделлаштириш” деб аталади. Сўнгра ўқувчилар ўқитувчи билан бирга бажарилган топшириқ ва таълим стратегияларидан фойдаланиш кетма-кетлигини амалда қўллайдилар. Ва ниҳоят, шаклланган билим ва компетентлиликлардан мустақил равишда фойдаланадилар (6-жадвални қаранг).

⁴Wood D., Bruner J., Ross G. The role of tutoring in problem solving // Journal of Child Psychology and Psychiatry. 1976. Vol. 17. P. 89—100. Портал психологических изданий PsyJournals.ru — <https://psyjournals.ru/kip/2011/n2/44482.shtml> [Три понятия о реальности детского развития: обучаемость, зона ближайшего развития и скаффолдинг // Культурно-историческая психология. - 2011. -Том. 7, № 2]

6-жадвал. Скаффолдинг

		Моделлаштириш	Топшириқни бирга бажариш	Топшириқни бажаришни бошқариш	Топшириқни мустақил бажариш
Ўқитувчининг иштироки	Ўқитувчининг роли.	Топшириқни бажариш намунасини намойиш қилади.	Ўқувчилар билан бирга топшириқни таҳлил қилади ва ўқувчи моҳиятини тушунадиган қилиб уни бажаради.	Ўқувчининг топшириқ бажаришини кузатади, зарур бўлса ёрдам кўрсатади: саволлар беради, схема чизади ва бошқалар.	Кузатади ва компетентликлар қўлланилишини баҳолайди.
	Ўқувчининг роли.	Ўқитувчининг топшириқни бажаришини кузатади.	Ўқитувчи билан бирга топшириқни таҳлил қилади ва уни бажаради.	Топшириқ бажаради, зарур бўлса ўқитувчи ёрдам беради.	Топшириқни мустақил бажаради ва шаклланган компетентликларни намойиш қилиб стратегиялардан фойдаланади.
Ўқувчининг иштироки					

Битта топшириқни мустақил уддалагач, ўқувчи ўзига ишонч ва кейингисини бажаришга қизиқиш ҳис қилади ва бу ҳолат бутун таълим жараёнида давом этади. Лекин бу ерда шуни белгилаш муҳимки, синфда фикрлаш хусусиятлари, фикрлаш жараёнларининг кечиш тезлиги, билим орттиришга қизиқиш ва ривожланиш даражалари мутлақо ҳар хил ўқувчилар бўлиши мумкин. Шунинг учун бирга ўқитишда дифференциал ёндашувни қўллаш жуда муҳим. Синфдаги барча ўқувчилар бир хил мавзуга бағишланган соҳа устида ишламоқда, лекин топшириқларни бажараётганда ўқувчилар тушуниш ва мақсад сари силжиш суръатининг ўз шахсий даражасида ишлаши мумкин.

Дифференциация ҳам ўқитувчи томонидан топшириқларни ва ҳар хил ўқувчилар учун ўз ёрдамини аввал пухта режалаштиришни, ҳам қай тарзда ўқувчилар бу топшириқларни бажариши ва ўқишда олдинга силжишини ўз ичига олади.

Дифференциация бутун ўқув жараёни давомида: режалаштиришдан то иш натижаларини баҳолашгача ишлатилади. Дифференциал таълим самарали бўлиши учун қуйидаги шарт-шароитларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади.

- ◆ **Мазмун дифференциацияси:** ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ва таълим вазифаларини ҳисобга олган ҳолда болаларга ўқув маълумотидан фойдалана олишни таъминлаш ва дастур мазмунини ўзгартириш (дастур ва ўқув материали мазмуни мослаштирилиши ёки турланиши мумкин).
- ◆ **Таълим жараёни ва ўқувчилар ютуқларини баҳолаш дифференциацияси:** ўқитиш усуллари ва йўлларининг хилма-хиллигидан фойдаланиш ва ўзлаштиришнинг (модалликларнинг) ҳар хил турларини ҳисобга олган ҳолда уларни танлаш.
- ◆ **Таълим натижаларини тақдим қилиш дифференциацияси:** ўқувчилар топшириқларнинг турли хилларидан ва уларнинг даражаларидан фойдаланиш

орқали шаклланган билим ва компетентликларни амалий қўллашни намоиш қиладилар.

- ◆ **Ўқув муҳитидаги дифференциация:** таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш, жумладан, ўқув муҳитини ўқувчилар имкониятларига мослаштириш, ёрдамга муҳтож бўлган баъзи ўқувчиларга кўмак кўрсатиш.

Қуйида ўқувчиларни бутун синфда, кичик гуруҳларда ва якка тартибда ўқитиш дифференциацияси учун стратегиялар кўрсатилган (7-жадвални қаранг).


7-жадвал. Таълимда дифференциациядан фойдаланиш

Таълим мазмуни	Таълим жараёни	Таълим натижаларини тақдим қилиш	Ўқув муҳити
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқиш ва ёзиш малакаларининг шаклланганлик даражалари ҳар хил бўлган ўқувчилар учун материаллар. • 1-4-синфлар бўйича ўқувчилар сўз бойлигини тўлдириш учун сўзлар рўйхати. • Аудиоёзувлар ва видеоматериаллар . • Дастур мазмунини ўзгартириш ёки мослаштириш: ёрдам керак бўлган ўқувчилар учун бошқа шаклга ўтказиш ёки ҳажмини ўзгартириш (кенгайтириш ёки қисқартириш). 	<ul style="list-style-type: none"> • Зарур компетентликларни шакллантиришга айнан бир хил талаблари бўлган умумий дастур бўйи-ча ўқувчилар ишини ташкил қилиш учун кўп даражали (мураккаблик даражаси турли), лекин сифати ва ўзлаштириш суръати ҳар хил бўлган масалалар. • Ҳам бутун синф учун, ҳам ўқувчилар-нинг ўзига хос таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олувчи топшириқлардан иборат материални намоиш қилиш. • Топшириқ бажариш учун вақтни тақсим-лаш: ўқитувчи топ-шириқ бажариш учун вақтни аниқ-лайди ва қийналаёт-ган ўқувчиларга қўшимча вақт беради ёки илғор ўқувчилар-ни мавзуни чуқурроқ ўрганишга рағбатлантиради. 	<ul style="list-style-type: none"> • Турли ифодалаш воситалари (ёзма, оғзаки, драмалашти-риш ва ҳ.к.) орқали малака ошириш ва билим ўзлаштириш натижаларини тақдим қилиш. • Ўқувчилар ютуқлари даражасига мувофиқ тайёрланган тестлар ва топшириқлар. • Лойиҳалар тайёрлаш: ўқувчиларга лойиҳани бажариш шаклини алоҳида ёки кичик гуруҳда тайёрлашни тақдим этиш. • Ўқувчилар томонидан намуна бўйича ва ижодкорлик элементлари билан шахсий ишлар яратиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар эҳтиёжларини ва режалаштирилаётган фаолиятни: алоҳида, гуруҳда ва фронтал ишлашни ҳисобга олган ҳолда ўқув майдонини бўлақларга ажратиш. • Маданиятлар ва маҳаллий контекст турли-туманлигини акс эттирувчи материаллар. • Мустақил иш учун шахсий эҳтиёжларга мувофиқ келадиган аниқ кўрсатмалар • Ўқувчиларга ўқитувчидан ёрдам сўраб мурожаат қилишга имкон берадиган маълум қоидаларни ишлаб чиқиш.

Мазмун, жараён, натижаларни тақдим қилиш ва ўқув муҳити дифференциацияси ҳамда мунтазам баҳолашдан фойдаланиш таълимдаги ёндашувни самарали қилади.

Дифференциал таълимда:

- ◆ ўқитувчилар ўқувчиларнинг “тайёрлигини” ҳисобга оладилар, шаклланаётган малакаларнинг мураккаблик даражаси ўқувчилар эга бўлган жорий даражадан озгина юқори бўлиши керак;
- ◆ ўқитувчилар ўқувчилар эҳтиёжлари турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда дарсларни ишлаб чиқаётганда, ўқувчиларнинг қобилиятлари, қизиқишлар ва ўқиш услубларига мувофиқ яқка тартибда ва кичик гуруҳларда ўқувчилар томонидан ишлатиладиган материалларни турлаётганда ташаббус намоён қиладилар;
- ◆ ўқитувчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда мазмунни, натижаларни тақдим қилиш жараёнини ёки уларнинг комбинациясини ўзгартирадилар.



2-схема. Таълимнинг универсал дизайни ва дифференциациянинг ўзаро боғланиши.



Резюме

Дифференциал таълим – бу барча ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва қобилиятлари ҳисобга олинadиган таълимдир. У мазмун (таълим дастури) дифференциациясини, таълим жараёни ва ўқувчилар ютуқларини баҳолаш (таълим ва баҳолаш усуллари ва йўллари турли-туманлиги) дифференциациясини, таълим натижаларини тақдим қилиш (моделликлар турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда топшириқларнинг турли хиллари ва даражаларидан фойдаланиш) дифференциациясини, қулай ўқув муҳити ташкил қилишни ва синфни бошқаришни кўзда тутди. Дифференциал таълим жараёнида янги вазиятларни тушуниш ва янги

тажриба орттириш учун ҳар бир бола мавжуд бўлган билим ва аввалги тажрибага таяниш зарур, бу ҳақда Л.С.Виготскийнинг долзарб ва энг яқин ривожланиш доиралари ҳақидаги назариясининг низомлари гувоҳлик беради. Дифференциал таълимда бутун синфни ўқитиш жараёнидаги барча ўқувчиларнинг кучли томонлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинади, бу эса скаффолдингни қўллаш заруратини англатади. Мазмун, жараён, натижаларни тақдим қилиш ва ўқув муҳити дифференциацияси ҳамда мунтазам баҳолашдан фойдаланиш таълимда ёндашувни самарали қилади.

Дифференциал таълимнинг асосий мақсади бўлиб шахсни самарали ўқитиш учун, унинг билим орттириш имкониятларига, қобилиятларига мос келувчи (лекин стандартдан паст бўлмаган) материални ўзлаштириш даражасига эришишни таъминловчи энг қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.





3-БЎЛИМ. БАҲОЛАШ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ УЧУН АСОС СИФАТИДА

? Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Нега баҳолаш дифференциация учун муҳим?
- ◆ Баҳолашнинг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Дифференциал таълимда баҳолашдан қандай фойдаланилади?



Дифференциал таълимда баҳолаш муҳим роль ўйнайди. Бемор докторга мурожаат қилганда, унинг ҳолатини яхшилаш учун қандай дори ёки даво зарурлигини аниқлаш мақсадида диагностикага жўнатадилар. Ўқитувчи, дифференциал таълимни қўллаган ҳолда худди врач каби, саводхонлик малакалари шаклланганлиги диагностикасини ўтказди, аввалги билим тажрибасини ва янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлигини баҳолайди, ўзлаштиришнинг етакчи услубини топади, ўқувчиларнинг яхши кўргани ва қизиқишларини аниқлайди, назарий ютуқларини белгилайди, ўқувчининг кучли ва заиф томонларини очади. Бунинг барчаси ҳар бир ўқувчини муваффақиятли ўқитишга йўналтирилган кейинги режа учун асос ҳисобланади. Ташҳиссиз рецепт ёзиш ва даволашни бошлашнинг иложи бўлмаганидек, баҳолаш натижаларисиз дифференциацияни жорий қилиб бўлмайди.

Баҳолаш – ўқувчиларнинг ахлоқий ва ақлий ривожланишига ҳамда уларнинг ҳаётий зарур бўлган компетентликлар эгаллашига қаратилган билим фаолиятини ўлчаш, талқин ва таҳлил қилиш, шунингдек, таълим сифатини яхшилаш мақсадида давлат таълим стандарти талабларига ушбу фаолият натижаларининг мувофиқлигини аниқлаш учун ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар билан қайта алоқа ўрнатиш жараёнидир.⁵

Баҳолаш ўқитувчиларга ўз ўқувчиларини тушунишга, таълим жараёнини назорат қилишга, шунингдек, қулай ўқув муҳити яратишга ёрдам берадиган кенг маълумот спектрини ўз ичига олади. Ўқитувчилар қуйидаги вазифаларни бажариш учун баҳолашдан фойдаланадилар:

- **шаклланган билимлар ҳажмини ва ўқитишдаги компетентлилик, эҳтиёжларнинг шаклланганлик даражасини** аниқлаш ҳамда ўқитиш ва ўзлаштириш ёки ўқувчилар томонидан таълим натижалари ютуқлари мониторинги жараёнида ўқувчилар дуч келадиган **қийинчиликларни топиш**;
- **таълим вазифаларини** аниқлаш: баҳолаш натижалари таълимнинг келгусидаги дастурини (мазмунини) аниқлайди ва таълим дастурини мослаш ёки турлаш заруратини аниқлаш имкониятини беради;
- **ўқитиш материални** саралаш; баҳолаш натижалари скаффолдингни ва қулай ўқув муҳитини таъминлаш учун таълим жараёнида қандай матнларни, уларнинг қандай даражаси ва мураккаблигини қўллаш зарурлигини аниқлаш имкониятини беради;
- **ўқитиш усулларини** танлаш; баҳолаш натижалари асосида ўқитувчи маълумотни самаралироқ ўзлаштиришга, ўқувчиларнинг билим компетентлигини шаклланишига ёрдам берадиган ўқитиш усулларини танлайди;

⁵Қирғизистон Республикаси умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандарти. ҚР Ҳукуматининг [15 ноябрь 2016 йилдаги № 590](#) қарори таҳририда.

- ёрдамга муҳтож бўлган **баъзи ўқувчиларга кўмак кўрсатиш**: баҳолаш натижасида дарсгача, дарс пайтида ва дарсдан кейин алоҳида ёрдам керак бўлган ўқувчилар аниқланиши мумкин;
- **синфни самаралироқ бошқаришни** ташкил қилиш: ўқувчиларни ўқув гуруҳларига бирлаштириш, топшириқларни тақсимлаш, қулай ўқув муҳити яратиш ва ҳ.к.

Дифференциал таълимда баҳолаш цикли характерга эга: у таълим натижаларини баҳолаш ва зарур бўлганда натижасини баҳолаш керак бўлган келгусидаги таълимни соддалаштириш ва унга тузатиш киритиш имкониятини беради (3-схемани қаранг).



3-схема. Цикллилик: дастурни баҳолаш, ўргатиш ва мослаштириш

Баҳолаш ўқувчиларнинг таълим натижаларини ўлчаш учун усуллар ва ўқув стратегияларидан фойдаланишни назарда тутаяди. Қуйидагилар уларнинг вазифалари ҳисобланади:

- ◆ дифференциал таълимни амалга ошириш;
- ◆ ўқувчилар ютуқларини тақдим қилиш;
- ◆ таълим жараёнига ўқувчиларни жалб қилиш йўли;
- ◆ ўқувчининг ривожланиш ва таълимдаги шахсий тараққиёт динамикаси таҳлили;
- ◆ ўқувчининг ўзига хос таълимий хусусиятларини (материал ўзлаштириш даражаси ва суръати, қизиқишлари, нималарни афзал кўриши, мавжуд билимлари ва дастлабки тажрибасини) аниқлаш;
- ◆ қўлланилаётган таълим усуллари ва воситаларининг самарадорлигини аниқлаш;
- ◆ ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларига маълумотни тақдим қилиш йўллариининг мувофиқлиги.

Дифференциал таълимда баҳолашни қачон, нима учун ва қандай қўллашни тушуниш муҳим. Қуйида баҳолаш турлари ва уларнинг дифференциал таълимда қўлланишини кўриб чиқамиз.

Олдиндан баҳолаш ўқувчи билим олишининг бошланғич нуқтасини, шунингдек, таълимда ютуқларга эришиш учун ўқувчида ривожлантириш зарур бўлган компетентликларни аниқлашга ёрдам беради. Дастлабки баҳолаш ўқувчиларнинг қизиқишлари ва таълимдаги афзалликлар ҳақидаги хабардорликни ривожлантириш учун фойдали. Бу маълумот синфда ўқув гуруҳларини шакллантириш (гуруҳлар

яратиш) ва ўқувчини қизиқтирган соҳадаги ўқув материални ёки унга мувофиқ бўлган матнларни танлаш учун керак. Дастлабки баҳолаш диагностик баҳолаш дейилади.

- ◆ **Диагностик баҳолаш ўқувчи тараққиётини баҳолаш учун ишлатилади** – ўқув йили мобайнида ўқитувчи ўқувчи компетентликлари шаклланганлигининг бошланғич даражаси билан эришилган натижаларни солиштиради. Диагностик баҳолаш натижалари тавсифлар кўринишида қайд қилинади, тавсифлар умумлаштирилади ҳамда ўқувчи учун ўқув вазифалари ва ўқитувчилар учун таълим вазифалари кўйиш йўли билан таълим тараққиётини мукамаллаштириш ҳамда тузатишлар киритиш учун хизмат қилади⁶.

Масалан, ўқувчида фонематик ўзлаштириш, алифбони билиш, сўз бойлиги, равон ўқиш, ўқиганни тушуниш қобилияти шаклланганлиги даражаси диагностикаси амалга оширилади. Диагностик баҳолаш одатда ўқув йили, ўқув бўлими бошида ёки мавзу ўрганишининг биринчи машғулотида ўтказилади. Баҳолашнинг ушбу тури ҳам ўқитувчига, ҳам ўқувчига мавжуд вазият ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш ва таяниш керак бўладиган талабларни белгилаш имконини беради.

Диагностик баҳолаш зарурати: а) ўқувчиларнинг ҳар хил тайёргарлик даражаси билан; б) мазмунни ўзлаштиришдаги кетма-кетликни таъминлаш билан; в) “энг яқин ривожланиш доирасига” мувофиқ ҳолда ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос бўлган ўқитиш ва ўқиш жараёнини олдиндан кўриш кераклиги билан аниқланади. Ўқиш малакаларини ёки тилни билиш даражасини баҳоловчи бир стандартга келтирилган тестлар, шунингдек, ноформал ўйинлар ёки машқлар диагностик баҳолаш воситалари бўлиши мумкин.

Форматив баҳолаш материал ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини (иш бажариш суръатини, мавзунини ўзлаштириш йўллари ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар тараққиётини аниқлаш учун, шунингдек, муваффақиятга эришиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадларида қўлланилади. Ўқитувчи форматив баҳолашдан ўқитишни ўз вақтида тўғрилаб туриш, режалаштиришга ўзгаришлар киритиш учун, ўқувчилар эса – ўзлари бажараётган иш сифатини яхшилаш учун фойдаланади. Ўқувчининг тараққиёти таълим соҳалари доирасида ўқитиш мақсадларига қўшилган маълум натижаларга эришиш сифатида, ўқувчи томонидан бажарилган аниқ бир иш асосида аниқланади⁷.

Форматив баҳолаш – бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги қайта алоқанинг узлуксиз жараёни. Қайта алоқа оғзаки ва ёзма, формал ва ноформал бўлиши мумкин. Бу ўқув мақсадига эришиш учун келгусидаги хатти-ҳаракатларни тўғрилаш мақсадида ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида мунтазам маълумот олиш жараёни. У ўқитувчига билимни ўзлаштиришнинг жорий даражасини холисона баҳолаш, ўқув материални етарлича ўзлаштирилмаганини диагностика қилиш имконини беради ва келгусида таълим жараёнини яхшилашга ёрдам беради. Форматив баҳолаш ўқувчиларнинг таълимга бўлган қизиқишини оширишга, мустақил ўқув малакаларини, шахсий таълим учун жавобгарликни шакллантиришга ёрдам беради. Оғзаки савол-жавоб, кузатиш, мазмун тузилишига топшириқ, тақдимотлар, портфолио, гуруҳда ишлаш, ижодий топшириқлар, ўзини ўзи баҳолаш ва ўзаро баҳо беришлар баҳолашнинг ушбу тури воситалари бўлиши мумкин.

Сумматив (якуний) баҳолаш мавзу, бўлим, тўлиқ курсни ўрганиш якуни бўйича билимлар, малакалар, кўникмалар, компетентликларнинг шаклланганлик даражасини

⁶Қирғизистон Республикаси умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандарти. ҚР Ҳукуматининг [15 ноябрь 2016 йилдаги № 590](#) қарори таҳририда.

⁷Қирғизистон Республикаси умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандарти. ҚР Ҳукуматининг [15 ноябрь 2016 йилдаги № 590](#) қарори таҳририда.

аниқлаш учун мўлжалланган. Сумматив баҳолаш текшириш ишларининг ҳар хил турларини бажариш натижалари бўйича ўтказилади: тест, назорат, лаборатория, тадқиқот ишлари; баён, эссе, лойиҳа, оғзаки тақдимот, имтиҳон, ижодий топшириқлар ва ҳ.к. Дифференциация учун сумматив баҳолаш натижалари энг кичик аҳамиятга эга.

Баҳолашнинг ҳар қандай туридан фойдаланиш аниқ ифодаланган мезонлар ишлаб чиқишни кўзда тутати. Улар тушуниш осон тилда ифода қилинган ва ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Бу баҳолаш жараёнини холис ва очиқ-ойдин жараёнга айлантиришга имкон беради. Ҳар бир ўқувчи ўз ишини қайси мезонлар бўйича баҳоланишини билиши керак.

Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини назорат қилиш – бу ўқитиш-ўқиш жараёнини доимий, тартиб билан кузатиш, ушбу жараённинг боришини маълум кўрсаткичлар, жумладан, диагностик, форматив ва сумматив баҳолаш, ушбу маълумотларнинг талқин қилиниши ва ўқувчиларнинг таълим натижаларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўйича кузатиб боришдир.

Бу турдаги баҳолашнинг маълумотларидан барча ўқувчилар эҳтиёжларини қондириш, таълим жараёнига ўзгартиришлар киритиш ва уларнинг самарадорлик даражасини кузатиб бориш учун аниқ хатти-ҳаракатларни белгилашда ишлатилади.

Шуни белгилаб ўтиш керакки, дифференциал таълимда диагностик ва форматив баҳолашга алоҳида эътибор берилади, чунки бу натижалар нималарни, қандай қилиб ва қачон дифференциациялаш зарурлигини аниқлаш учун керак.

Қуйида баҳолаш турлари, уларни ўтказиш вақти, мақсади ва вазифалари кўрсатилган жадвал тақдим қилинган (8-жадвални қаранг).

8-жавал. Баҳолаш турлари: қачон, нима ва қандай баҳоланади.

Баҳолаш турлари	Дастлабки баҳолаш	Форматив баҳолаш	Сумматив баҳолаш	Тараққиёт мониторинги
	Диагностик			
Қачон ўтказиш керак	Ўқитишгача	Ўқитиш жараёнида	Ўқитишдан кейин	
	Янги ўқув мавзусига ўтишдан аввал.	Ҳар куни.	Ҳар ҳафта, ҳар ой; Айрим мавзуни ўрганиш якунида.	Мунтазам вақт оралиғида (масалан, ҳар 6 ёки 10 ҳафта оралиғида).
Нима учун ўтказиш керак	Тузатиш талаб қилган аниқ қийинчиликлар, муаммолар ва соҳаларни аниқлаш.	Таълим назорати; ўқитишни тартибга солиш учун маълумот олиш; ўқувчиларнинг дастлабки нотўғри тушунчалари ва билимлари тўғрисида маълумот бериш.	Компетентликлар шаклланганлигини текшириш; Келгуси дарсларни режалаштириш учун маълумот олиш; ўқувчилар тушунчаларни қандай ўзлаштиришга-ни ҳақида маълумот олиш.	Стандартга мувофиқ малакаларни ўзлаштиришда қўлланган тараққиёт-га эришган ўқувчиларни аниқлаш; Билимини яхшилаш керак бўлган, қўлланган тараққиёт-га эришмаган ўқувчиларни аниқлаш.
Қандай ўтказиш керак	Айрим ўқувчилар билан суҳбатда;	Айрим ўқувчилар билан суҳбатда; Бутун синф учун ёзма равишда.	Ёзма; Суҳбатда; Лойиҳалар.	Айрим ўқувчилар билан суҳбатда; Бутун синф учун ёзма равишда.

Баҳолаш турлари	Дастлабки баҳолаш	Форматив баҳолаш	Сумматив баҳолаш	Тараққиёт мониторинги
	Диагностик			
	Бутун синф учун ёзма равишда.			
Қандай воситалардан фойдаланиш керак	Фонематик ўзлаштиришни, алифбони билишни, сўз бойлигини, равон ўқишни, ўқиган-ни тушунишни баҳолаш бўйича воситалар.	Баҳолаш шакллари: “Дам олиш” чип-таси; Кундалиқдаги ёзувлар; Синфда мавзу муҳокамаси пайтидаги ўқувчиларнинг фикрлари; Тушунганини кўрсатиш учун қўл сигналлари; Ўзини ўзи баҳолаш шкаласи; Оғзаки ёки ёзма ишлар.	Мавзуни ўрганиш мақсадларига ва ўтилган мазмунга мос келади; қисқа жавоб ёки жавоби-нинг бир неча варианты бор бўлган тестлар; оғзаки; лойиҳалар; ёзма иш; лойиҳа учун ёки ёзма иш учун баҳо-лаш рубрикалари; ўқувчиларнинг турли гуруҳлари учун дифференциация.	Маълум мактаб ёки ўрганиш соҳаси учун меъёрий бўлган вақтинча баҳолашнинг бир неча шакллари; фонематик ўзлаштиришнинг равонлиги; маъно-сиз (тўқилган) сўзларни ўқиш равонлиги; овоз чиқариб ўқиш равонлиги; тушуниш лабиринти (ўқувчилар ўзлари тўлдириши керак бўлган, тушириб қолдирилган таянч сўзлар бор абзац).

Дифференциал таълим жараёнида баҳолаш натижаларидан қуйидагича фойдаланиш мумкин.

Ўқиш малакалари таълим стандарт кўрсаткичларидан паст шаклланганлигини намоён қилган ўқувчиларга яқка ўқишни ёки кичик гуруҳда ишлашни таъминлаб бериш лозим, бунда ўқитувчи ёрдам беради; уни моделлаштиради, амалга оширади сўнгра аста-секин ёрдамни камайтиради ва ўрнида хатоларни тўғрилайди. (Ёрдамни аста-секин камайтириш билан кичик гуруҳда адресли ўқитишнинг мисоли сифатида 2-стратегияга қаранг).

Кўп даражали таълимни ташкил қилиш тавсия қилинади. Ўқитувчига ўз дарсини барча ўқувчилар билиши керак бўлган ҳамма тавсияни бериб, ўрни келганда ёрдамга муҳтож бўлган ўқувчиларга қўшимча ёрдам бериб, бошқа жойида – мураккаб топшириқларни киритиб, ўқитишни кенгайтириб режалаштириш таклиф қилинади. Компрессиядан (ўрганилаётган маълумот ҳажмини озайтириш ёки кенгайтиришдан) фойдаланиш мумкин. Агар ўқувчиларнинг катта қисми янги маълумотни тез ва сифатли тушуниб олса, ўқитувчи уни кенгайтиришга тайёр бўлиши ёки дарсга анча мураккаб тушунча ёки топшириқ киритиши керак. Агар синфнинг кўпчилиги қисми қийинчилик сезса, у ҳолда ўқувчилар аллақачон билиши керак бўлган асосий маълумот бўйича ўқитишга ёки скаффолдингдан анча кенг фойдаланилган такрорий ўқитишга қайтиш лозим.

Баҳолаш натижалари асосида синф учун топшириқлар дифференциациясидан фойдаланиш таклиф қилинади. Масалан, ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳикоя қаҳрамонларини таққослаётганда ёки қарши қўяётганда, илғор ўқувчиларнинг сюжет ривожига у ёки бу қаҳрамон нима қўшаётганини таҳлил қилиш имконияти бўлади. Дарс

пайтида баъзи ўқувчилар топшириқнинг фақат бир қисмини бажара олиши ёки анча содда ё мураккаб топшириқ танлаш имкониятига эга бўлиши мумкин, агар улар ўзларига қўшимча амалиёт кераклигини ҳис қилса ёки улар олинган билим ёки эгалланган малакаларни мустақил қўллашни уддалашса. Бунинг учун танлаш стендлари ёки бир неча мураккаб, ёки содда топшириқли рўйхат (меню) ташкил қилиш мумкин. Ўқувчилар нимани бажаришни хоҳлашса ўзлари танласа ҳам бўлади.



Резюме

Дифференциал таълимда баҳолаш муҳим роль ўйнайди. Унинг натижалари ўқитувчининг ҳар бир ўқувчини муваффақиятли ўқитишга йўналтирилган фаолиятини келгусида режалаштириш учун асос ҳисобланади. Дифференциал ёндашувда баҳолашдан ўқитиш вазифаларини аниқлашда, ўқитиш учун материал саралашда, ўқитиш усуллари (стратегиялари)ни танлашда, ёрдамга муҳтож ўқувчиларга кўмак кўрсатиш ва ўқувчиларнинг ютуқларини аниқлашда фойдаланилади. Баҳолаш турини (диагностика, форматив, сумматив) аниқлаш ва ўқувчиларга ҳақиқий билимлар ҳамда шаклланган компетентликларни намойиш қилиш имкониятини берадиган воситаларни тўғри танлаш муҳим. Баҳолаш натижалари асосида ўқитувчи ўқувчиларнинг энг самарали ишлаш шаклини аниқлаш, кўп даражали таълим ташкил қилиш, топшириқларни дифференциациялаш ва ўқув гуруҳлари ташкил қилиш имкониятига эга бўлади.





4-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВДА СИНФНИ БОШҚАРИШ

? Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Турли ўқувчилар, ҳар хил таълимий эҳтиёжларга эга бўлган синфни қандай бошқариш керак?
- ◆ Дифференциал таълим жараёнида синфни бошқаришда нималарга эътибор бериш муҳим?



Дифференциал ёндашувда синфни бошқариш ўқитувчи олдида турган энг мураккаб вазифа ҳисобланади. Синф, ҳар бири ўз мусиқа асбобини чалаётган мусиқачилардан тузилган оркестрни эслатади, дирижёр эса бир вақтнинг ўзида бутун жамоани бошқаради, гуруҳ иштирокчиларининг барчаси ўзаро мувофиқлашганини, уйғун, бир суръатда ва кайфиятда ижро этишини, бошқача айтганда “ҳамнафаслигини” кузатади. Ўқитувчи, дирижёр каби, дарс тузади, дарс суръатини, ритмини, кайфиятини белгилайди, ҳар бир ўқувчини эшитади ва кўради, уларни ўқув мақсадларига эришиш учун йўналтиради. Дифференциал таълимда синфни бошқаришдаги энг муҳим нарса ўқувчиларда ўқитувчининг бевосита кўмаги остида яқка тартибда, ўқитувчининг минимал кўмаги остида гуруҳларда ва шаклланган билим ва компетентликларини намойиш қилган ҳолда, мустақил равишда ишлаш имконияти бўлишидан иборат. Синфда ўқувчилар мустақил ишлаётган пайтда ўқитувчининг ёрдам керак бўлган айрим ўқувчилар билан ёки кичик гуруҳ билан алоҳида ишлаш имконияти бўлади ва буларнинг ҳаммаси битта дарснинг ўзида рўй беради. Бундай таълимни ташкил қилиш учун а) биргаликда ёки кичик гуруҳлардаги таълимни тўғри ташкил қилиш, б) синфда ишлаш қоидаларини ўрнатиш, в) дифференциал ёндашув оқимидаги таълим жараёнини режалаштириш, г) ўқувчилар сони кўп бўлган синфдаги таълим жараёнини бошқаришга ёрдам берадиган сигналлар тўпламини ишлаб чиқишни билишлари зарур.

Гуруҳлар тузиш

Ўқувчилар гуруҳини тўғри тузиш яхши натижаларга эришишга ёрдам беради, чунки ўқув гуруҳларида ўқувчилар шунчаки бир-бири билан ишламайди, балки ҳамкорликда ишлашни: ўзаро таълимни, ўзаро таъсирни амалга оширадилар.

Ҳозирги пайтда “кучли” ўқувчи “заиф” ўқувчига таъсир қилиши ёки уни олдинги сафдагиларга етказиб олиши учун турли гуруҳларга “кучли” ва “заиф” ўқувчиларни киритган ҳолда ёки улардан жуфтликлар тузган ҳолда ўқувчиларнинг қобилиятларига мувофиқ равишда гуруҳлар бўйича тақсимлаш амалиёти кўпроқ учрамоқда. Бироқ замонавий тадқиқотлар ўқувчиларни гуруҳларга бундай тақсимлаш ижобий самара бермаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ўқувчиларни этник, тилга оид, жинсий ва маданий тамойилларга кўра бирлаштириш фикри ҳам нотўғри ҳисобланади.

Дифференциал таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларини, ўзлаштириш турларини, ўқув вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни бирлаштиришни назарда тутаяди, буларнинг ҳаммаси скаффолдингни қўллаш ҳисобидандир.

Дифференциал таълимнинг асоси бўлган скаффолдинга мувофиқ, ўқитувчи ўқувчиларга аввал ўқитувчи ёрдамида гуруҳда ишлашда, сўнгра мустақил равишда белгиланган ўқув мақсадларига эришишга ўргатиши керак.

Гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш учун аниқ кўрсатмалар ва амалий кутилган натижалар ишлаб чиқилган бўлиши керак. Ўқувчилар гуруҳларда ишлаш учун уларни бирлаштиришда қандай тамойиллардан фойдаланилаётгани, гуруҳда қандай ишлаши ва ўзини қандай тутиши ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Гуруҳлар ўқитувчи томонидан тузилиши мумкин ёки ўқувчилар ўзлари таълимнинг мақсад ва вазифаларига, мавзуни ўрганиш ёки топшириқни бажаришга тайёр эканлигига, мавзуга қизиқишлари мавжудлигига, мавзу ҳақида фикр юритиш жараёнидаги иш афзалликларига ёки атрофдаги ва ижтимоий муҳитга бўлган таъсирчанлигига мувофиқ мустақил равишда гуруҳларга бирлашишлари мумкин.

Ўқувчилар қисқа муддатли турли гуруҳларда шуғулланганидан сўнг, улар учун барча синфдошлари билан ишлаш ҳар жиҳатдан қулай бўлиб қолади. Қўллаб-қувватловчи уюшмани ривожлантириш шу тарзда амалга оширилади.

Баъзида ўқувчилар ўз столида барча ўқувчилардан алоҳида жойлашиб олиб, якка тартибда ишлайдилар. Баъзи ҳолатларда шундай бўлиши мумкинки, ўқитувчи узлуксиз тарзда, масалан, саккизта ўқувчидан иборат кичкина гуруҳ билан ишлаётган пайтда синфнинг катта қисми якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ишлайди. Баъзида ўқувчилар бир хил, баъзида эса ҳар хил ўқув гуруҳларида ишлашлари мумкин.

Албатта, бизнинг шароитларимизда белгиланган жойдан тўлақонли фойдаланишни ташкил қилиш қийин масала. Бироқ ўқувчиларни гуруҳ дифференциацияси ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш учун мавжуд майдонда қандай ва нимани ўзгартириш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўриш мумкин.

Синфда ишлаш қоидаларини ўрнатиш

Синфда дифференциал таълим уюшган ҳолда ўтиши учун ўқитувчи ўқувчиларга ўқув қоидаларига риоя қилишни ўргатиши керак. Зарурий ўқув материалларини қандай олиш, бир ишлаш жойидан бошқа ишлаш жойига қандай ўтиш, агар ўқитувчи банд бўлса, бошқа ўқувчилардан қай тарзда ёрдам олиш ва мустақил равишда қандай ишлаш ҳақида ўқувчиларга кўрсатма берилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларга топшириқларни тўғри ва муваффақиятли бажаришни ўргатиши лозим. Қоидалар одатга айланиб қолиши, шунингдек, ёрдам берувчи ўқувчилар учун муваффақиятли бўлиши даркор.

Кўп ҳолларда ўқитувчилар, ўқувчилар синфда ўзини қандай тутишни, жойида қандай ўтиришни, қандай қилиб ёзув олиб боришни, ўқитувчи кўрсатмаларини қандай бажаришни ва шу каби бошқа нарсаларни билиб олишди, деб ўйлайдилар. Лекин дифференциал ёндашувни жорий қилишда кўп форматли иш туфайли қоидаларга риоя қилиш вазифаси янада мураккаблашади, шунинг учун қоидаларга риоя қилиш ўқишда муваффақиятга эришишни кафолатлашга имкон беришини ўқитувчи аниқ бир мақсадга йўналтирилган равишда, қадам-бақадам ўқувчиларга ўргатади.

Ўрнатилган қоидаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун ўқувчиларда ўқишга масъулиятли муносабатда бўлишни ишлаб чиқишга ёрдам берувчи тақдирлаш тизимини тузиш тавсия қилинади.

Қоидалар – бу буйруқ эмас, бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги шартнома бўлиб, у ўқувчиларга бемалол ҳаракат қилишда дадиллик бахш этади ва ўзини ўзи бошқариш ҳамда мустақилликни ривожлантиришни таъминлайди. Қоидалар ўқитувчига назоратни қўлламасдан, ўқувчиларнинг “тўғри” ҳулқ-атвориغا ишонган ҳолда иш шароитини сақлаш имконини беради.

Қоидалар аниқ, очиқ-ойдин, асосланган, ишлайдиган, истиснолар эса тушунарли ва белгиланган бўлгандагина ўқувчилар томонидан риоя қилинади. Ўқувчилар билан

биргаликда тузилган қоидалар барча шарт-шароитларга риоя қилиш учун энг яхши натижа берадиган ҳолатдир.

Режалаштириш

Дифференциал таълим оқимидаги дарс учун барча зарурий ўқув материаллари олдиндан тайёр бўлиши керак. Ўқувчиларга дарс пайтида керак бўладиган муҳим маълумотни (масалан, график ташкилотчиларни, қоидаларни ёки топшириқлар рўйхатини) кўринадиган жойга жойлаштириш тавсия қилинади. Барча амалий ёки лойиҳавий материаллар ўқитувчининг қўли остида бўлиши керак.

Ўқувчилар томонидан янги иш тартибини ўзлаштиришни енгиллаштириш мақсадида, ўқувчилар қачон ўз фаолияти турларини ўзгартиришини, гуруҳларга бирлашишини ёки бир жойдан бошқа жойга ўтишини билишлари учун ўқитувчилар машғулотлар жадвалини ёки дарс режасини илиб қўядилар. Гуруҳларда ишлаш шарт-шароитлари бўйича синф қандай ҳаракат қилишини кўрсатишнинг визуал усули мавжудлиги баъзи ўқувчиларга ёрдам беради. Бу объектга ўқувчилар кузатиши мумкин бўлган силжиб турувчи сигналлар (масалан, гуруҳларни белгиловчи рангли миҳчалар ёки қисқичлар) жойлаштириш мумкин.

Сигналлар

Ўқувчилар ҳаддан ташқари шовқин-сурон кўтарганларида ёки топшириқ бажаришдан чалғиб кетганларида уларнинг эътиборини жалб қилиш учун аниқ тушуниладиган сигналга эга бўлиш фойдали. Баъзи ўқитувчилар кичкина қўнғироқчадан ёки товуш чиқарадиган нимадандир фойдаланадилар, масалан, банкадаги ёрмадан (гречка, гуруч, нўхат, ловиядан) фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, ўқувчилар диққат-эътиборини сақлаб қолиш учун ўқитувчи ўз товушини кўтариши керак эмас. Мақсад, ўқувчилар ўз феъл-атворини ва ўз диққат-эътиборини топшириққа қаратишни мустақил равишда бошқаришидан иборат.

Дифференциал таълимни ташкил қилиш учун шундай сигналлар тўпламини ишлаб чиқиш зарурки, улар:

- ◆ ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ёрдам кераклиги ҳақида ўқитувчига сигнал жўнатиш имкониятини беради;
- ◆ аниқ ва бир маъноли, лекин бутун синфни таълим жараёнидан чалғитмаслик учун етарли даражада босиқ бўлиши керак;
- ◆ ўқитувчига ўқув жараёнини тўхтатмаган ҳолда, ҳам болалар илтимосларини, ҳам ўз муносабатини бошқариш имконини беради (масалан, гуруҳларда ишлаш тугашига беш дақиқа қолганлигини назарда тутган ҳолда бош ирғатиш ёки бешта панжани кўрсатиш);
- ◆ бутун синф томонидан фойдаланилади, шу сабабли ўқувчиларнинг ҳар қандай ҳолда ҳам сигналларга қўйилган талабларни текшириб кўра олишлари учун сигналлар ва уларнинг маъносини деворга жойлаштириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, дифференциал таълимда синфни бошқариш муҳимлигини тушунтириш учун қуйидаги метафорани келтириш мумкин. Дифференциал таълимда – ўқув дастури – бу организм юраги, таълим усуллари – мускуллар, лекин бутун организм уйғун ишлаши учун соғлом нерв тизими зарур, бунда синфни самарали бошқариш назарда тутилади. Юраксиз ҳаёт йўқ, мускулларсиз – ҳаракат бўлмайдди, нерв тизимисиз – бутун организмнинг ишлаши тўхтайдди.



Резюме

Дифференциал ёндашувда синфни бошқариш ўқитувчи олдида турган энг мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Дифференциал таълимда синфни бошқариш учун а) ўқув гуруҳларини тўғри тузиш, б) синфда ишлаш қоидаларини ўрнатиш, в) дифференциацияни қўллаш заруратини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини режалаштириш, яъни дифференциацияни дарс пайтида эмас, балки дарсгача пухта ўйлаб чиқиш, г) катта синфда таълим жараёнини бошқаришга ёрдам берадиган сигналлар тўпламини ишлаб чиқишни билиш зарур.





5-БЎЛИМ. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

? Иўналтирувчи саволлар:

- ◆ Дифференциал таълимни қўллаш жараёнида қандай стратегиялар ёрдам беради?



Қирғизистон Республикаси Умумтаълим мактаблари давлат таълимий стандарти талабларига мувофиқ бу бобда мактаб дастурининг турли предметлари: тиллар (ўқиш ва ёзиш билан), математика, ватаншунослик, ХҲА, БТТ, одобнома ва бошқаларни ўрганиш жараёнида дифференциал таълимни қўллашнинг бир қатор мисоллари келтирилади.

Мисоллар стратегияларда – предметлар бўйича ўрганиладиган маълум мавзуларни, матн билан танишиш бўйича дарс парчасини ўрганишда ёки бутун дарсни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган аниқ кўрсатмалар кўринишида тақдим қилинган. Бу стратегиялар хорижий методикада “мутаассиблик” – такрорланувчи хатти-ҳаракатлар, машқлар, топшириқлар ва ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчининг ҳар бири (тизимли фойдаланиши сабабли) ўқув жараёнида нималарга жавобгар бўлиши ҳақида хабардорлигини кафолатловчи жараён деб аталади. Бу ўқувчилар имкониятларини орттириш, уларнинг потенциалини очиш имконини беради.

Ҳар бир стратегия тавсифи бошида таълим жараёнида айнан нимани: мазмунни (дастурни), таълим жараёнини (усулларни, машқларни, топшириқларни), ўқувчилар қизиқишини оширишга ёрдам берувчи муҳитни ёки баҳолаш шаклини дифференциациялаш муҳимлиги кўрсатилади. Шунингдек, тавсия қилинаётган стратегиядан фойдаланишда эътибор бериш муҳим бўлган у ёки бу универсал дизайн тамойилини амалга ошириш таклиф қилинади.

Ҳар бир стратегияда таълим мақсади кўрсатилади, синф тавсия қилинади, таълимнинг кутилган натижалари аниқланади, стратегиядан фойдаланиш учун зарурий материаллар рўйхати ва синфда ишлашни ташкил қилиш шакли таклиф қилинади. Кейин стратегиядан фойдаланишнинг қадам-бақаддам тартиби тасвирланади. Тавсиф дифференциацияланган баҳолаш бўйича тавсиялар билан яқунланади.

Шуни белгилаб ўтиш зарурки, таълим дифференциацияси ўқувчилар билан ишлашни ташкил қилишда жиддий ўзгаришларни: ўқитувчининг ўқув предметлари мазмунини битта синф ўқувчилари томонидан турли даражада ўзлаштирилиши билан бир вақтда ишлашни атрофлича ўйлаб чиқишни, ҳар бир дарсга турли мураккаблик даражасидаги топшириқларни ишлаб чиқишни, баҳолашнинг турли мезонларидан фойдаланишни, ўқув вақтидан оқилона фойдаланишни ҳисобга олишни талаб қилади. Таклиф қилинаётган стратегиялар Қирғизистон Республикаси Умумтаълим мактаблари давлат таълимий стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Дифференциал таълимдан фойдаланиш учун қуйидаги стратегиялар таклиф қилинади.

1-стратегия. Станциялар бўйича ротация

Ўқувчилар малакалар шаклланганлиги бўйича ва сўз бойлигини тўлдириш ва кенгайтириш стратегиясидан фойдаланишни билишига кўра учта гуруҳга бирлашадилар. Сўнгра бир станциядан бошқасига ўтиб (ҳаммаси бўлиб станциялар

тўртта бўлади), ўзлаштириш (модаллик)нинг турли хилларини ҳисобга олган ҳолда, ўқиганини тушуниш учун сўз маъносини қидириш бўйича стратегиялардан фойдаланишни (ёки бу стратегияларни мустақил равишда қўллашни) ўрганадилар.

Ушбу стратегия мазмун ва жараён дифференциацияси қандай ишлашини намоён қилиш, шунингдек, ўқувчиларни ўқув гуруҳларига бирлаштириш ғоясини тақдим қилиш учун шу модулда келтирилган.

2-стратегия. Китобхонлик тақризлари менюси.

Ўқувчиларга менюдан яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ишлашни, улар хоҳлаган топшириқни бажаришни танлаш имконияти берилади.

Бундай танловнинг тақдим қилиниши таълим жараёнига ўқувчиларнинг жалб қилинишини ва қизиқишини орттириш имкониятини беради. Ўқитувчи, ўқувчиларга у ёки бу стратегияларни, шунингдек, ўқиганини тушуниш малакаларини қўллаш имкониятларини иложи борида очишга ёрдам берувчи, бажарилган топшириқ тақдимотининг шаклини танлашни таклиф қилади.

3-стратегия. Кўп даражали топшириқлар

Ўқувчиларга билимлар ва компетентликларни шакллантириш энг самарали бўладиган мураккаблик даражаси ёрдамида топшириқ ёки лойиҳанинг мураккаблик даражасини танлаш имконияти берилади. Менюда топшириқларнинг оддийдан мураккабга томон берилган учта мураккаблик даражаси таклиф қилинади. Ўзларини кучли сезган ва анча мураккаб топшириқни бажариб матн билан ишлай оладиган ўқувчилар бор, лекин бошқаларга топшириқнинг бир мунча энгил варианты ва ўқитувчининг ёрдами талаб қилинади. Бу стратегиядан фойдаланишда барча ўқувчиларга танлаш ҳуқуқи тақдим қилинади.

4-стратегия. Олдиндан айтиб беришнинг турли йўллари

Ўқувчиларга матн ғоясига нисбатан ўз тахминини олдиндан айтиб бериш, сўнгра уни ўқиб чиққанидан кейин, ўз тахмини ва ўқиб чиқилган матн ўртасидаги боғланишини аниқлаш таклиф қилинади. Бу ўқиш мақсадини белгилаш ва ўқиб чиқилган асарни чуқурроқ тушуниш имкониятини беради. Дифференциация олдиндан айтиб бериш ишларининг турли шаклларида мавжуд бўлади: номи, таянч сўзлар, фикрлар бўйича ва ш.к.

5.1. 1-СТРАТЕГИЯ. СТАНЦИЯЛАР БЎЙИЧА РОТАЦИЯ

Стратегияни қўллашдан мақсад – ўқувчиларни ўқув гуруҳларига бирлаштириш ва турли даражадаги топшириқларни бажариш орқали кўникмалар ва идрок турлари (модаллик) шаклланишининг турли даражаларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш.

Дифференциация: жараён, ўқув муҳити, ўқув материаллари.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилишнинг турли йўллари, таълим натижаларини кўрсатишнинг турли усуллари ва баҳолашнинг турли шакллари.

Таълим мақсадлари

- ◆ сўз бойлигини тўлдириш ва кенгайтириш;
- ◆ сўз бойлигини кенгайтириш стратегияларидан фойдаланиш қобилияти;
- ◆ ўқилган матн ёки бутун китобни тушуниш стратегияларидан фойдаланиш.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ нотаниш сўзлар маъносини аниқлаш учун турли стратегиялардан фойдаланадилар (луғат, энциклопедия ва шу каби ёрдамчи ресурслардан фойдаланиш орқали сўз маъносини аниқлаш), синонимлар билан ишлаш, контекст орқали, семантик тахминлардан фойдаланиш орқали сўзнинг маъновий нозилиklarини аниқлаш;
- ◆ ўқилган матнни тушуниш стратегиясидан фойдаланиш (матндаги таянч сўзлар билан ишлаш);
- ◆ биргаликда (ўқув гуруҳида) ва мустақил равишда ишлаш.

Тавсия қилинган синф: 2чи – 4чи

Зарурий материаллар: дарслик, матндан олинган 5-6та таянч (ёки янги) сўзлар, маълумот манбалари (луғатлар, энциклопедиялар), станциялар белгилари, қоғоз, қаламлар, таянч сўзлар, жумладан, синонимлар ёзилган учта ёки бундан кўпроқ карточкалар тўплами, вақтни кузатиб туриш учун асбоб (таймер).

Синфда ишлашни ташкил қилиш шакли: бутун синф иши, кичик гуруҳларда ишлаш, якка тартибда ишлаш.

Бажариладиган иш тартибининг тавсифи: Режалаштириш: ўқитувчи дарсга матн ва матнда кўрсатилган мавзунини тушунтиришга, тушунишга ёрдам берувчи матндан олинган бешта таянч сўз тайёрлайди.

Стратегияни қўллашдан аввал:

- ◆ кичик гуруҳларда ишлаш учун тўртта жой ташкил қилиш керак. Иш жараёнида ўқувчилар бир жойдан бошқасига ўтиб турадилар. Бу жойлар станциялар дейилади, бир станциядан бошқасига ўтиш эса – ротация деб аталади.
- ◆ ўқитувчи сўз бойлиги даражасини баҳолаш натижаларини ва кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг учта гуруҳини тузиши лозим.

Гуруҳларга бирлаштириш вариантлари

Биринчи гуруҳ	Сўз бойлигини тўлиқлаш ёки сўзлар маъносини қидириш стратегияларидан фойдаланишда қийинчилик сезган ва педагог ёрдамига муҳтож бўлган ўқувчилар.
Иккинчи гуруҳ	Сўз бойлигини тўлиқлаш стратегияларидан фойдаланишни биладиган, лекин қўшимча амалиётга муҳтож бўлган ўқувчилар. Бу жуда катта гуруҳ бўлиши мумкин, шунинг учун уни иккита гуруҳга бўлиш эҳтимоли бор.
Учинчи гуруҳ	Сўз бойлигини тўлиқлаш стратегияларидан мустақил фойдалана оладиган ўқувчилар, уларга ўз сўз бойлигини янада бойитиши ва тўлиқлаши зарур бўлади.

Изоҳ: бу гуруҳларни ташкил этишда турли хил камситадиган лақаблардан сақланиш учун мевалар номларидан фойдаланинг (олма, нок, апельсин).

Ўқувчилар гуруҳи – учта, станциялар эса – тўртталигига эътибор бериш муҳим. Ўқувчилар гуруҳлари станциядан станцияга ўтадилар.

Дастлаб ўқитувчининг ёрдамисиз мустақил равишда стратегиялардан фойдалана олмайдиган ўқувчиларнинг биринчи станцияда ишлашлари кўзда тутилади. Иккинчи,

учинчи ва тўртинчи станцияларда мустақил равишда стратегиялардан фойдалана оладиган ўқувчиларнинг ишлашлари кўзда тутилади.

Стратегиялардан фойдаланиш тартибининг тавсифи

Бутун синф билан ишлаш

1-қадам. Таълим мақсадларини тушунтириш ва кутилган натижалар рўйхати.

2-қадам. Дастлабки билимларни фаоллаштириш. Стратегияларни кўриб чиқиш: сўзлар маъносини аниқлаш учун контекстдан фойдаланиш, луғатлардан фойдаланиш ва синонимлар ёрдамида сўз маъносини қидириш. Ўқитувчи доскага таянч сўзларни ёзади ва ўқувчилардан, улар қайси сўзларни билишини, матннинг бош ғояси нима, мавзу нима эканлигини сўрайди.

3-қадам. Ҳар станция учун белгиланган топшириқни тушунтириш.

Ўқитувчи ўқувчиларга ҳар бир станцияда ишлаш учун уларнинг 10 дақиқа вақти борлигини, уларга айтилмагунча ўз станцияларини алмаштира олмасликларини айтади. Станциялар қандай тартибда ишлаши ҳақида уларни хабардор қилиш муҳим.

<p>Биринчи станция Гуруҳда ишлаш Сўзлар маъносини аниқлаш учун ўқувчилар контекстдан⁸ фойдаланадилар. Бу сўз нимани англатишини аниқлаш учун контекстдан қандай фойдаланиш ва матндан таянч сўзни қандай топишни кўрсатиб бериш мақсадида ўқитувчи шу гуруҳ билан ишлайди.</p>	<p>Иккинчи станция Якка тартибда ишлаш Сўзлар маъносини аниқлаш учун ўқувчилар манбалар (луғатлар, маълумотномалар) билан ишлайдилар. Агар вақт бўлса, ўқувчилар ҳар бир сўз нимани англатишини кўрсатиш учун расмлар чизадилар.</p>
<p>Учинчи станция Жуфтликда ишлаш Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги сўзлар тўплами ва уларга эҳтимолий синонимлар тўплами оладилар. Улар синонимлар билан таянч сўзларни муҳокама қилишлари ва қиёслашлари лозим.</p>	<p>Тўртинчи станция Гуруҳда ишлаш Ўқувчилар матнни биргалиқда ўқийдилар ва таянч сўзлар ва матннинг бош ғояси ўртасидаги боғланишни муҳокама қиладилар.</p>

4-қадам. Гуруҳлар ўртасида карточкаларни тақсимлаш. Ўқитувчи бу стратегиядан фойдаланишда кўпроқ ёрдам зарур бўлган ўқувчиларга биринчи станциядан иш бошлашни таклиф қилади. Нотаниш сўзлар билан ишлаш стратегияларидан фойдаланишни олдиндан билган ўқувчилар ишни тўртинчи станциядан бошлашсин.

5-қадам. Ўқитувчи ўқувчилардан матнни ўқиб чиқишни ва сўзлаб бериш режасини тайёрлашни сўрайди. Ўқувчиларга жуфтликларда ишлаб кўришни таклиф қилиш мумкин.

⁸Контéкст (лотинча contextus — улаш, қўшиш, боғланиш) матн ёки нутқнинг маъносига кўра нисбатан тугал парчаси бўлиб, унинг доирасида унга кирувчи ёки цитата сифатида ундан олинган алоҳида сўз (ибора)нинг маъно ҳамда мазмуни жуда аниқ ва лўнда кўрсатилади.

Стратегия қўлланилгандан кейин

Уй вазифаси. Ўқувчилар таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда матнни сўзлаб беришга тайёрланадилар. Улар сўзлаб беришнинг батафсил, танланган, қисқартирилган, ижодий турини танлаши мумкин. Шунингдек, ўқувчилар сўз маъносини аниқлаш учун расмлар танлаши ёки дарсда ўрганилаётган матнларда ишлатилган янги сўзлар билан гаплар ўйлаб топишлари мумкин.

Баҳолаш

Ўқитувчи ўқувчиларга сўз бойлигини тўлдириш стратегияларидан фойдаланиш, матндаги таянч сўзлар маъносини топиш учун контекстли йўл-йўриқлар ва луғат билан ишлашдан фойдаланиш бўйича ўз қобилиятларини мустақил баҳолашни таклиф қилади (Ўзини ўзи баҳолаш варағини қаранг).

Ўзини ўзи баҳолаш варағи

Ўқувчининг исми _____ Сана _____

Менга нотаниш бўлган сўз маъносини тушуниш учун мен матндаги (контекстдаги) бошқа сўзлардан фойдаланишни биламан.

Буни қандай бажариш ҳақида мен кўпроқ билиб олишим керак.				
Мен буни бажара оламан.				
Мен буни яхши уддалайман.				
Мен буни аъло даражада уддалайман.				

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Стратегиялардан фойдаланмайдиган ва улардан фойдаланишда қийналадиган ўқувчилар. Биринчи станцияда ўқитувчи уларга стратегиялардан қандай фойдаланишни намоиш қилади. Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга унинг ёрдами билан стратегиядан фойдаланишни таклиф қилади ва йўналтирувчи қайта алоқа таклиф қилади.
- ◆ Кўпроқ амалиётга мухтож бўлган ўқувчилар. Ўқувчилар топшириқни тўғри бажараётганлигини ёки ҳар қандай саволга жавоб бера олиши ҳақида ишонч ҳосил қилишлари учун ўқитувчи ҳар хил станцияларда ўқувчиларнинг сўз бойлиги даражасини текшириши мумкин.
- ◆ Сўз бойлигини мустақил тўлдира оладиган ўқувчилар. Иккинчи станцияда, матнда кўрсатилган мавзу билан ёки таянч сўзлар билан боғлиқ бўлган топшириқларни бажариш таклиф қилинади. Ўқувчиларга, улар билиб олган нарсаларни бу маълумот қандай тўлдириши мумкинлигини муҳокама қилиш таклиф қилинади.

5.2. 2-СТРАТЕГИЯ. КИТОБХОНЛИК ТАҚРИЗЛАРИ МЕНЮСИ

Стратегияни қўллашдан мақсад – ўқувчиларнинг шахсий таълим олиш имкониятларини, компетенциянинг шаклланганлик даражасини ва таълим натижаларини кўрсатишнинг турли йўллари билан фойдаланиш имкониятини таъминлаш

зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини жамлаш (бирлаштириш)дан иборат.

Дифференциация: мазмун, жараён, таълим муҳити.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилишнинг турли йўллари.

Таълим мақсадлари

- ◆ ўқувчиларни юқори даражада фикрлаш малакаларидан фойдаланишни ва ўқиганини тушунишни яхшилаган ҳолда қўйилган саволларга матндан жавоблар қидириш мақсадида матн ичига киришни рағбатлантириш;
- ◆ ўқиганлари ҳақида ёзув қобилиятларини ривожлантириш;
- ◆ ўқувчиларни ўқишга бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи турли шаклдаги топшириқларни танлаш ҳуқуқи билан таъминлаш.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ топшириқлар шаклини танлаш бўйича қарор қабул қиладилар;
- ◆ ўқиганини тушуниш бўйича турли стратегиялардан фойдаланиш малакаларини ривожлантирадилар;
- ◆ уларга матнни тушунишда ёрдам берадиган стратегияларни танлайдилар.

Ўқитиладиган синф: 2чи – 4чи

Зарурий материаллар: ўқувчиларнинг ўқиш малакалари даражасига мос келувчи матнлар, китобхон тақризлари менюси бўйича жадваллар кўринишидаги тарқатма материал.

Синфда ишлашни ташкил қилиш шакли: бутун синф билан ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, якка тартибда ишлаш.

Бажариладиган ишлар тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчига қуйидагилар тавсия қилинади:

- ◆ китобхон тақризлари менюсида ўқиганини тушунишнинг турли хил малакаларини ривожлантиришга қаратилган вариантлар ишлаб чиқиш;
- ◆ ўқувчиларда ўқиш малакаларининг ривожланганлик даражасини эътиборга олган ҳолда дарс пайтида фойдаланиш учун керакли матнларни танлаб олиш зарур, чунки китобхон тақризлари менюсидаги топшириқлар танлаб олинган матнларга асосланган бўлади;
- ◆ китобхон тақризлари менюсини барча ўқувчилар бемалол кўрадиган қилиб жойлаштириш;
- ◆ ўқувчилар матнни –китобни мустақил равишда танлай олиши учун ҳар хил ўқиш даражаларига мўлжалланган матнларни ҳамма кўра оладиган жойга жойлаштириш;
- ◆ синфда якка тартибда ишлаш учун ва кичик гуруҳларда муҳокама қилиш учун ҳамда бутун синф фаолияти учун жой ташкил қилиш;

Китобхон тақризлари менюсига мисоллар

Меню А (иккинчи синф ўқувчилари учун)

1 ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР	2 АСАРНИНГ СЮЖЕТ ЧИЗИГИ	3 АСАРНИНГ БОШ ҚАҲРАМОНИ ТАВСИФИ
4 АСАРНИНГ БОШ ҒОЯСИ	5 ВОҚЕАЛАР РЎЙ БЕРАЁТГАН ЖОЙ ТАВСИФЛАРИ	6 АСАРДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ВОҚЕАЛАР ТАВСИФИ
7 ОДДИЙ БИР БЎҒИНЛИ ЖАВОБ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ САВОЛЛАР ҚЎЙИШ	8 АСАР ЖАНРИНИ АНИҚЛАШ	9 ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ
10 ҚАҲРАМОНЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ	11 АСАРНИНГ ИККИТА ҚАҲРАМОНИНИ СОЛИШТИРИШ	12 БАТАФСИЛ КЕНГ ЖАВОБ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ САВОЛЛАР ҚЎЙИШ

Меню В (учинчи-тўртинчи синфлар ўқувчилари учун)

1 Бу асарнинг бош қаҳрамони олдин ўқилган китоблар қаҳрамонларига нимаси билан ўхшайди?	2 Ушбу асар Сизда қандай ҳис-туйғулар уйғотди?	3 Келгусида нималар рўй бериши ҳақида Сизнинг тахминларингиз қандай?
4 Нима учун бош қаҳрамон ўзини бошқача эмас, балки айнан шундай тутганлиги ҳақида қандай тахмин қилиш мумкин?	5 Бу ҳикоянинг сюжети сиз ўқиб чиққан бошқа ҳикоянинг сюжети билан қандай ўхшаши мумкин?	6 Сизнингча, бош қаҳрамон билан нима рўй берди?
7 Агар Сиз бош қаҳрамон бўлганингизда, ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз?	8 Қандай асосий фикрни (сабоқни, панд-насиҳатни) муаллиф ўз асари орқали етказишга уринмоқда?	9 Ҳикояда рўй бераётган нарсалар ва жорий (масалан, ҳаётимиздаги) воқеалар ўртасида қандай параллеллар ўтказиш мумкин?
10 Ушбу асарда ҳикоя қилинаётган нарсалар ва бизнинг ҳаётимизда рўй бераётган нарсалар ўртасида ўхшашлик борми?	11 Бош қаҳрамон қандай қилиб аниқ бир вазиятнинг уддасидан чиққанлигига Сиз қандай муносабатдасиз?	12 Сизнингча, бош қаҳрамон тўғри хатти-ҳаракатлар қилдими?
13 Агар Сиз айнан бош қаҳрамон тушиб қолган вазиятда бўлиб қолсангиз, қандай хатти-ҳаракатлар қилган бўлар эдингиз?	14 Бош қаҳрамон – яхши ёки ёмон одам эканлигига қандай хислатлар (қилиқлар, хатти- ҳаракатлар) Сизни ишонишга мажбур қилди?	15 Агар Сиз бу ҳикоянинг қаҳрамони бўла олганингизда матннинг қандай қисмини танлаган бўлар эдингиз? Нима учун?

Стратегияни қўллаш вақтида

1-қадам. Ўқитувчи синфга кираётиб ҳар бир ўқувчини олқишлайди. Бу ўқувчилар билан алоқа ўрнатишга ва бу орқали ҳар бир ўқувчининг ташрифига хурсанд эканликлари ҳақида уларга тушунча беришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг исмларидан фойдаланиш ўқувчиларга бу ер уларнинг ўз жойи, уйи эканлигини ҳис қилиш имконини беради, таълим жараёни янада индивидуаллаштирилган бўлиб қолади. Ўз исмини эшитиш ҳаммага ёқади.

2-қадам. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргалашиб, улар дарс пайтида риоя қиладиган қоидалар ўрнатади. Бу қадам, ўқувчилар ўз ҳулқ-атвориغا, мулоқотига ва ўз ўқиши мониторингига масъулиятни ҳис қилгандагина муваффақиятли бўлади. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам кутилган натижалар ҳақида билиб оладилар. Агар уларга ёрдам керак бўлса ёки улар ўзларини ноқулай сезишса, нима қилиш кераклигини билишда кутилган натижалар уларга ёрдам беради. (Қаранг: 4-бўлим. Дифференциал таълимда синфни бошқариш).

3-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу дарсда фойдаланишни ўрганиб оладиган стратегиянинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради. Ўқувчилар китобхон тақризлари менюсидан матнни янада чуқурроқ англашга ёрдам берадиган топшириқлар танлайдилар. Тақдим қилинган вариантлар (опциялар) ўқувчиларга ўзларининг кучли томонларидан фойдаланишга имкон беради ва ўқитувчи таълим жараёнига ўқувчиларнинг қизиқишини ва фаоллигини ошириш орқали ўқув муҳитини яхшилади.

4-қадам. Ўқувчиларга ўқиш малакаларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ ҳолда матнлар ёки китоблар тақдим қилинади. Матн ёки китобни ўқиб чиққанларидан сўнг ўқувчилар яқка тартибда ишлаш учун китобхон тақризлари менюсидан битта вариант (опция) танлайдилар.

5-қадам. Ўқувчилар ўз топшириқларини бажариш устида ишлайдилар; шунингдек, улар ўз ишларининг натижаларини қандай тақдим қилишларини ўзлари танлашлари керак. Бу

- ◆ плакат;
- ◆ расм;
- ◆ ёзма иш (тасвирлаш, ҳикоя қилиш, мулоҳаза юритиш);
- ◆ саҳналаштирилган асар;
- ◆ график ташкилотчи;
- ◆ ўқувчилар ташаббуси бўйича қандайдир бошқа нарсалар ҳам бўлиши мумкин.

6-қадам. Ўқитувчи яхши бажарган ишларга эътибор бериш орқали ўқувчиларга ижобий қайта алоқа тақдим қилиши жуда муҳимдир.

Қайта алоқа турли шаклларда ва ҳар хил йўللар орқали тақдим қилиниши мумкин, масалан, қайта алоқанинг мазмуни ёзилган стикерларни доскага ёпиштиришдан фойдаланиш мумкин.

Баҳолаш

Ушбу машғулотни бажариб бўлгандан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар билан ўқиган нарсаларини тушунишларини яхшилаш учун қандай қилиб яхшироқ ёрдам бериш кераклигини муҳокама қилиши муҳим.

Ўқитувчи ўқувчилардан нима учун ўз вариантларини (менюдаги опцияларни) танлаганини ва таълим жараёнида уларга бу танлов қандай ёрдам берганини

аниқлайди. Ушбу нарсалар уларга долзарб (керакли) ва норелевант (керак бўлмаган) маълумотни ажратишга ёрдам бердими? Бундай иш матндаги маълумотларни қайта ишлашни ва матн, китобнинг мазмунини тушунилганини намоиш қилиш имконини бердими?

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш малакаларини ҳали ҳам ўстириш зарур бўлган ўқувчиларга (уларнинг савияси ҳозирча талаб қилинган даражага жавоб бермайди) китобхон тақризлари менюсидаги топшириқлардан бирини қандай бажариш ҳақида янада аниқроқ кўрсатмалар, топшириқни бажариш учун босқичма-босқич жараён ёки топшириқнинг қандайдир бир қисмини бажаришда ёрдам бериш (скаффолдинг) таклиф қилинади. Ўқитувчи ўқувчилардан анча мураккаб вазифани бажаришни илтимос қилиши ҳам мумкин.
- ◆ Стандартларга мувофиқ келган натижаларга эришишни намоиш қилган ўқувчиларга мураккаблаштирилган вазифаларни ёки қўшимча топшириқни бажариш таклиф қилинади. Бунинг учун ўқитувчи аввал анча мураккаб матн тайёрлаб қўйиши ёки бошқа топшириқни беришлари зарур.

5.3. 3-СТРАТЕГИЯ. КЎП ДАРАЖАЛИ ТОПШИРИҚЛАР.

Стратегияни қўллашдан мақсад – ўқувчиларга вазифанинг мураккаблик даражасини танлаш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда, асарнинг бош қаҳрамонини тавсифлаш орқали ўқиганни тушуниш малакаларидан фойдалана олишни ўргатиш.

Дифференциация: мазмун, жараён, таълим муҳити.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилишнинг турли йўллари, ўрганилган мавзунга тақдим қилишнинг ҳар хил шакллари.

Таълим мақсадлари – топшириқнинг мураккаблик даражалари бўйича қаҳрамон тавсифини таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш.

Асарнинг бош қаҳрамонини тасвирлаш бўйича топшириқлар даражасига мисоллар

Топшириқнинг биринчи даражаси

Қуйидаги берилганларни ҳисобга олган ҳолда асарнинг бош қаҳрамонига таъриф бериш:

- ◆ асар бош қаҳрамонининг ташқи хусусиятларини;
- ◆ қаҳрамоннинг ҳулқ-атвори, қилган ишларини;
- ◆ ҳис-туйғулари, кечинмалари, ўй-фикрларини;
- ◆ қаҳрамон қандай ва нима ҳақида сўзлаши – нутқини;
- ◆ қаҳрамоннинг одамларга, ўз ишига муносабатини, унинг бошқа қаҳрамонлар билан ўзаро алоқасини.

Топшириқнинг иккинчи даражаси

Бош қаҳрамонни бошқа қаҳрамонлар билан ёки бошқа муаллифнинг адабий қаҳрамони билан таққослаш:

- ◆ улар ўртасида нималар умумий эканлигини аниқлаш;
- ◆ улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаш;

- ◆ қаҳрамонларга муаллифлик муносабатини: ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш;
- ◆ таърифларни умумлаштириш ва иккита қаҳрамонни таққослаш.

Топшириқнинг учинчи даражаси

Асарнинг бош қаҳрамонига ўз муносабатини шакллантириш:

- ◆ муаллифнинг қаҳрамон ҳақидаги асосий фикрини аниқлаш;
- ◆ унинг хатти-ҳаракатларига, қилган ишларига баҳо бериш;
- ◆ қаҳрамон тажрибаси ва ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ўртасида алоқа ўрнатиш (ўхшашлик ва тафовутлар);
- ◆ асарнинг бош қаҳрамони ҳақида ўз фикрини ифодалаш.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ◆ ўқувчилар асар қаҳрамони, персонажини унинг тасвири, фикрлари, далиллари ва қилган ишлари, хатти-ҳаракатларининг табиати, асарнинг бошқа қаҳрамонлари билан ўзаро алоқаси орқали тавсифлайдилар ва таърифлайдилар;
- ◆ ўқувчилар нималарни тушунишгани ва билиб олишганини кўрсатиш учун қулай бўлган шаклни танлайдилар.

Тавсия қилинган синф: 2 чи – 4 чи

Керакли материаллар: персонажнинг батафсил таърифи бўлган ҳикоя; лойиҳалар, топшириқлар менюси (ўқувчилар танлаши мумкин бўлган лойиҳалар, топшириқлар рўйхати); лойиҳа учун назорат қилиш варағи (ўқувчилар ўз лойиҳасига нималарни киритиши кераклигининг рўйхати, шунингдек, ўқитувчи учун баҳолаш рубрикалари); расм чизиш учун керакли нарсалар; ёзув-чизув учун керакли нарсалар; агар қўлланилса, компьютер (PowerPoint иловасидан фойдаланиш учун). Ҳар бир ўқувчига ёки ҳар бир гуруҳга бир нусхадан назорат қилиш рўйхати тарқатиб берилса яхши бўлади.

Синфда ишлашни ташкил қилиш шакли: якка тартибда ёки гуруҳларда ишлаш.

Стратегиядан фойдаланиш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчига лойиҳалар, (мураккаблик даражаси бўйича) топшириқлар менюси бўлган плакат тайёрлаш ва уни ўқувчилар кўрадиган қилиб синфга илиб қўйиш тавсия қилинади. Таклиф қилинган лойиҳалар, мураккаблик даражаси бўйича топшириқлар қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳисобот ёзиш; қўшиқ ўйлаб топиш, шеър ёзиш, содда гаплар орқали тузилган матн ёзуви бўлган расмли китоб яратиш, пьеса ижро этиш, плакат тузиш, хронология тузиш, компьютерда тақдимот яратиш, масалан, PowerPoint иловасида тақдимот яратиш; бош қаҳрамонни энг яхши ифодаловчи расмларни Интернетдан топиш ва тақдим қилиш. Қуйида лойиҳа менюсининг мисоли келтирилган.

Таклиф қилинган вариантлардан бирини танлаб, ўз қаҳрамонингиз ҳақида айтиб беринг:

- *Ҳисобот ёзиш.*
- *Қўшиқ ёзиш.*
- *Плакат яратиш.*
- *Расмли китобча яратиш.*
- *Хронология тузиш.*

Шунингдек, лойиҳа ва топшириқ учун бажарилган топшириқда бўлиши керак нарсаларни (топшириқ бажариш учун индикаторларни) ўз ичига олган назорат қилиш рўйхати тузиш зарур. Масалан, назорат қилиш рўйхати қаҳрамон исмини, нима учун бу қаҳрамонни танлаганингизни, қаҳрамон ҳаракатларидан бирини, қаҳрамон фаолияти турларидан бирини ва шахснинг битта хусусиятини, шунингдек, бу шахс хусусияти эканлигини қандай билганингизни ўз ичига олиши мумкин. Назорат қилиш рўйхатига ўқувчилар намоёниш қилиши керак бўлган грамматик малакаларни, масалан, шахслар исмларида бош ҳарфлар ёзишни ёки сифат ва равишларни тўғри ёзиш қоидаларини ҳам қўшиш мумкин. Қуйида лойиҳа учун назорат қилиш рўйхатининг мисоли келтирилган.

Лойиҳа учун назорат қилиш рўйхати

Иш якунида рўйхат пунктларидан ҳар бирини текшириб чиқинг

Қаҳрамон	Мен бунки киритдим	Мен кўпроқ маълумот қўшишим керак
Исми		
Мен нима учун айнан шу қаҳрамонни танладим?		
Қаҳрамоннинг битта хатти-ҳаракати		
Битта феъл-атвор хусусияти ва мен бу ҳақида қандай билиб олдим?		
Грамматика қоидаларига кўра ёзилган		
Шахсий исмларнинг барчасида бош ҳарфлар ишлатилган		
Тўлиқ тугал гаплардан фойдаланилган		
Камида учта қизиқарли сифатлардан фойдаланилган		

Топшириқни бажаришда ишлаш шаклини: якка тартибда ёки гуруҳда ишлашни аниқлаб олиш муҳим. Гуруҳда ишлаш пайтида ўқитувчи битта ўқувчини қаҳрамон хатти-ҳаракатларини, бошқасини – шахсий хусусиятларни, характеристикасини, учинчисини эса – унинг фаолиятини аниқлаш учун жавобгар қилиб қўйиши мумкин.

Стратегияни қўллаш вақтида

1-қадам. Ўқитувчи ўқувчилардан муаллиф қаҳрамонларини уларнинг хатти-ҳаракатлари, нутқ ва фаолияти орқали қандай ифодаланишига эътибор беришни сўрайди. Асарни ўқиётганда ўқитувчи ўқувчиларга қаҳрамоннинг шахсий хусусиятларига оид маслаҳатларни бошқа қаҳрамонлар у ҳақида нима дегани ва у нима қилаётгани ҳақида топшириқга таклиф қилади.

2-қадам. Ўқитувчи лойиҳа, топшириқлар менюсини ва уларнинг мураккаблик даражасини ҳамда таклиф қилинаётган назорат қилиш рўйхатини тушунтиради. Меню – бу ўқувчилар эндигина ўқиб чиққан ҳикоядан олинган қаҳрамон ҳақида сўзлаб бериш учун улар бажара оладиган лойиҳалар, топшириқлар рўйхати. Ўқитувчи менюда таклиф қилинган барча опцияларни (вариантларни) овоз чиқариб ўқийди ва биттасини танлашни сўрайди.

Ўқитувчи назорат қилиш рўйхати – бу лойиҳада, топшириқда бўлиши керак бўлган барча нарсанинг рўйхати эканлигини тушунтиради.

Ўқувчилар менюда таклиф қилинган топшириқлардан бирини танлайдилар ва уни бажарадилар. Ўқувчилар топшириқни бажараётиб, бир вақтнинг ўзида топшириқни назорат қилиш рўйхати билан солиштириб кўришлари керак. Агар ўқувчиларга ёрдам керак бўлса ёки кўпроқ маълумот қўшиш кераклигини сезишса, улар “Мен кўпроқ

маълумот қўшишим керак” устунчасига белги қўйиши мумкин. Ўқувчилар ўз топшириқларини бажараётганида фақат шу рўйхат билан чегараланиб қолмасликлари керак. Ўқитувчи ҳам уларнинг лойиҳаларини баҳолаётганида назорат қилиш рўйхатидан фойдаланади. Ўқитувчи ўқувчиларга материаллар олиш, саволлар бериш ёки ёрдам сўраш учун риоя қилиш керак бўлган синфда ўзини тутиш қоидалари ҳақида айтиб бериши зарур.

3-қадам. Ўқувчиларга (якка тартибда ёки гуруҳларда) ишлаш шаклини тушунтириб бериш муҳим.

Стратегия қўлланилгандан кейин

Уй вазифаси: ўқувчиларга топшириқни уйда яқунлаш учун вақт керак бўлиши мумкин.

Баҳолаш

Ўқитувчига бир варақ қоғозни ғижимлаш (коптокча қилиб) ва саволлар берган ҳолда уни ўқувчиларга отиш таклиф қилинади: “Қаҳрамонимизнинг исми нима?”. Қоғоз “коптокни” ушлаб олган ўқувчи саволга жавоб беради. Сўнгра коптокни кейинги ўқувчига отган ҳолда, ўқитувчи қаҳрамон ҳақида тегишли саволларни беришда давом этади.

Баҳолаш вариациялари

- ◆ Материални соддалаштириш керак бўлган ўқувчиларга ўқиш қобилиятлари даражасида ҳикоя (соддалаштирилган ёки ўзгартирилган) таклиф қилинади; тегишли баҳолаш воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.
- ◆ Тил ўрганишда қийинчилик сезаётган ўқувчиларга лойиҳанинг назорат қилиш рўйхатини шу тарзда таклиф қилиш зарурки, тилга оид талаблар ўхшаш ва таҳлил қилинадиган бўлсин (масалан, қизиқарли сифатлар ва равишлардан фойдаланишни талаб қилиш ўрнига иккита сифатдан ва битта равишдан фойдаланишни талаб қилиш керак).
- ◆ Стандартга жавоб берадиган малакаларни намоиш қилаётган ўқувчиларга комикс, манго, кроссворд ёки ижодий ишнинг кўпроқ мустақиллик талаб қилувчи бошқа турлари таклиф қилинади.

5.4. 4-СТРАТЕГИЯ. ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ИШЛАШНИНГ ТУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

Стратегияни қўллашдан мақсад – ўқувчиларга олдиндан айтиб беришнинг турли йўлларида фойдаланишни ўргатиш.

Олдиндан айтиб бериш – бу фараз қилиш, олдиндан билиш, матн мазмуни асосида тахмин қилиш қобилиятидир. Олдиндан айтиб беришни асар номи, жанри, расмлар, таянч сўзлар, сўз бирикмалари ёки гаплар бўйича амалга ошириш мумкин.

Олдиндан айтиб бериш мақсадида ўқувчилар аввал ўзлари билган нарсалар, мавзу бўйича қандай тажрибага эга бўлганлари (шахсий ҳаёти ёки бошқа китобларни ўқиш тажрибаси, турли предметларни ўрганиш тажрибаси), нимани ўқишлари ҳақидаги тахминий муносабатларни ўрнатадилар.

Олдиндан айтиб бериш ўқувчилар матнни яхши тушунишига, ўқиганларини ўз тажрибалари билан боғлашга, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Дифференциация: таълим натижаларини намойиш қилиш.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш ва қизиқтириш.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқувчилар ўрганилаётган мавзу ва мақсадларга мос келадиган ҳамда зарур ҳисобланган бир неча шаклларда олдиндан айтиб бериш стратегиясидан фойдаланиш маҳоратини намойиш қиладилар;
- ◆ Ўқувчилар янги мавзунини ўзлаштириш учун мавжуд билимлар ва дастлабки тажрибаларни актуаллаштирадилар;
- ◆ Ўқувчилар ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар билан фикр алмашишнинг турли шаклларида фойдаланадилар.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ олдиндан айтиб бериш стратегиясидан фойдаланадилар;
- ◆ ўқиганини тушуниш стратегияларидан фойдаланадилар.

Тавсия қилинган синф: 2чи – 4чи

Зарурий материаллар: бир қисми матн мавзусига оид, бир қисми – матн мавзусига оид бўлмаган матнлар, расмлар; бир қисми матн мавзусига тегишли, бир қисми – тегишли бўлмаган объектлар; матн мавзуси бўйича ёзилган, тўғри бўлиши мумкин ёки аксинча, бўлмаслиги мумкин бўлган фикрлар; олдиндан айтиб бериш бўйича қўлланма (мисолни қаранг).

Олдиндан айтиб бериш бўйича қўлланмага мисол

Ўқишдан аввал		Фикр	Ўқишдан кейин	
Қўшиламан	Қўшилмайман		Қўшиламан	Қўшилмайман

Синфда ишлаш шакли: бутун синф бўлиб, кичик гуруҳларда, якка тартибда.

Стратегиядан фойдаланиш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчи қуйидагиларни тайёрлаб қўйиши зарур:

- ◆ ўқувчи қандай жавоб беришининг вариантлари: компетентлиликни оғзаки ёки ёзма намойиш қилиш учун бир неча шаклларни;
- ◆ топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмаларни;
- ◆ ўқувчилар олдиндан айтиб бериш стратегиясидан фойдалана олишлари ва ўқиганини тушунганлигини ифода этиши учун болалар адабиётининг турли асарларини;
- ◆ баҳолашнинг турли шакллари бўйича кўрсатмаларни;
- ◆ дарс бошланишидан аввал матндаги асосий тушунчаларни танлаш;

- ◆ ўқувчилар предмет, мавзу ёки тушунчага нисбатан кенг тарқалган янглиш фикрлар ҳақида фикр юрита олишлари учун ҳаммага одатдаги эътиқодларга қарши чиқувчи учтадан бештагача фикр (масалан, “Ер ясси”, “Қуёш Ер атрофида айланади”, “Юлдузлар фақат кечаси нур сочади” каби). Ушбу фикрлар ўқувчиларнинг мавжуд билимларини фаоллаштиради ва уларни ўқиганлари тўғрисида башорат қилишга ундайди, бундай ўринларда асарда гап бораётган предметлар тасвирланган карточкалардан фойдаланиш мумкин;
- ◆ ўқувчилар гуруҳлари кўриб чиқиши ва бир-бири билан алмашиши учун расмлар тўплами ва предметлар солинган қутичаларни.

Стратегияни қўллаш вақтида

1-қадам. Ўқитувчи ўқувчилар ўзлари фойдаланишни ўрганадиган олдиндан айтиб бериш стратегиясини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ўқувчиларга тушунтиради. Олдиндан айтиб бериш биз ўқиётган нарсани тушуниш учун бизга ёрдам беради. У китобхон олдида ўқиш мақсадини қўяди. Шунингдек, у биз билган нарсалар ҳақида ўйлашга ҳам ёрдам беради.

2-қадам. Ўқувчиларга тайёрлаб қўйилган фикрлар таклиф қилинади. Ўқувчилар ҳар бир фикрни ўқиб чиқишлари керак ва улар бу фикрларга рози бўлиши, ёки қўшилмаслигини билдиришлари лозим. Улар ёзма фикрлар ўрнига расмлар ёки мавзулар танлаши мумкин.

Ўқитувчи фикрлар хусусида саволлар бериши ҳақида огоҳлантиради, бу ўринда ўқувчилар жавоби тўғри ёки нотўғри деб белгиланмайди, фақатгина ўқувчилар таклиф қилган нарсалар бўлади. Ўқувчиларга ўйлаб кўриш учун 30 сония вақт берилади; дастлаб ўқитувчи уларнинг биридан қуйидаги каби саволларга жавоб беришни сўрайди: Сиз бу фикрга қўшилмасизми ёки қўшилмайсизми? Нега “ҳа”, ёки нега “йўқ”? Сиз қандай расмлар танладингиз? Сиз қандай мавзулар танладингиз? Ўз жавобларингизни тушунтиринг.

3-қадам. Иш қандай ташкил қилиниши тушунтирилгандан сўнг ўқувчиларга матн билан танишиш йўлини танлаш ҳуқуқи тақдим қилинади:

- ◆ ўқитувчи овоз чиқариб ўқийди;
- ◆ ўқувчилар мустақил ўқийдилар;
- ◆ ўқувчилар навбатма-навбат ўқийдилар.

4-қадам. Матнни ўқиб тугаллангандан кейин ўқувчилар предмет-расм-фикрларга қайтадилар ва матндан олинган маълумот матнга нисбатан илгари қилинган башоратларга қандай зид келиши ёки уларни қандай тасдиқлашини, ўқувчилар матн, мавжуд билимлар ёки ҳам унинг, ҳам бунинг ёрдамида ўз мулоҳазаларини тасдиқлай олиш-олмасликларини муҳокама қиладилар.

Муҳокама вақтида “Мен-Сен-Биз” стратегиясидан фойдаланиш мумкин: ўқувчилар мавзу бўйича ўз башоратларининг тўғри ёки зид келишини муҳокама қилишидан аввал, улардан 30 сония мобайнида мустақил ўйланиб кўришларини илтимос қилинг. Сўнгра ўқувчилар буни синфдоши билан бирга жуфтликда муҳокама қиладилар. Кейин ҳар бир жуфтлик ўз фикрини бутун синф билан ўртоқлашадилар.

Стратегия қўлланилгандан кейин

Уй вазифаси: ўрганилаётган мавзу ёки матн бўйича БИО жадвалини тўлдириш.

Баҳолаш

Ўқувчилардан “чиқиш чиптаси” усулидан фойдаланишни илтимос қилган ҳолда, таълимни баҳолаш учун қуйидаги иш-ҳаракатларнинг ҳар қайсисидан фойдаланиш мумкин:

- ◆ ўқувчилар бугун ўрганган нарсалардан биттасини ёзиш;
- ◆ бугунги дарс ўқувчиларнинг ҳар куни қиладиган ишлари билан қандай боғланганлигини муҳокама қилиш;
- ◆ бугунги дарсда нимани тушунмаганингизни, ... ҳақида кўпроқ билишни хоҳлашингизни, ... ҳақида кўпроқ тушунтириш талаб қилинишини, бугун ... ҳаммасидан кўра кўпроқ ҳайрон қолдирганини айтиб бериш;
- ◆ бугунги дарс хусусида пайдо бўлган битта савол ёзиш.

Ўқитувчи ўқувчиларга плакатда ёки доскада кўра олиши мумкин бўлган оғзаки ёки визуал тарзда йўл-йўриқ кўрсатиши лозим: ҳамма ўқувчиларнинг эҳтиёжларини янада кўпроқ қаноатлантириш учун, ўқитувчидан таълимни қандай ўзгартириш талаб қилишларини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ўз жавобларини ёзишлари мумкин бўлган 3x5 ўлчамдаги карточкалар тарқатиши мумкин.

Баҳолаш вариантлари

- ◆ талаб қилинадиган даражадан қуйи малака даражасини намойиш қилаётган ўқувчиларга ўқитувчи айнан ўша мавзу бўйича матн бериши мумкин, лекин улар учун скаффолдинг тузиши зарур;
- ◆ тегишли даражадаги малакаларга эга бўлган ўқувчиларга ҳеч қандай ўзгаришлар талаб қилинмайди;
- ◆ малакаларини аъло даражада қўллаб, намойиш эта олган ўқувчиларга айнан шу мавзуга оид, шунингдек, ўқиш малакалари жуда кучли бўлиб, илгарилаб кетган ўқувчилар учун ёзилган матн беришга тўғри келади.





Фойдаланилган адабиётлар

1. Center for Applied Special Technology, 2020: URL:www.cast.org. Universal design for learning at a glance. URL:www.cast.org, дата обращения к источнику 1.06.20.
2. Wood D., Bruner J., Ross G. The role of tutoring in problem solving // Journal of Child Psychology and Psychiatry. 1976. Vol. 17. P. 89—100. Портал психологических изданий PsyJournals.ru URL: <https://psyjournals.ru/kip/2011/n2/44482.shtml>[Три понятия о реальности детского развития: обучаемость, зона ближайшего развития и скаффолдинг // Культурно-историческая психология. - 2011. -Том. 7, № 2]
3. Ellis, E. S., & Worthington, L. A. (1994). Research synthesis on effective teaching principles and the design of effective tools for educators. Technical report no 5. URL:https://files.eric.ed.gov/full_text/ED386853.pdf, дата обращения к источнику 1.06.20.
4. Explorer Elementary School. (n.d.). Reading response menu. URL:https://explorer.asd20.org/ees/Teachers/Darlene_Burkhart/Documents/Reading%20Response%20menu%204-5.pdf, дата обращения к источнику 17.04.20.
5. Gersten, R., Compton, D., Connor, C. M., Dimino, J., Santoro, L., Linan-Thompson, S., & Tilly, W. D. (2008). Assisting students struggling with reading: Response to intervention and multi-tier intervention in the primary grades. A practice guide (NCEE 2009-4045). The Institute of Education Sciences URL:http://ies.ed.gov/ncee/wwc/publications/practice_guides/дата обращения к источнику 17.04.20.
6. Hayes, A., Turnbull, A., & Moran, N. (2019). Universal design for learning to help all children to read: Promoting literacy for learners with disabilities. Toolkit for international education stakeholders. USAID.
7. Meyer, A., Rose, D. H., & Gordon, D. (2014). Universal design for learning: Theory and practice. CAST Professional Publishing.
8. Montgomery County Public Schools. (n.d.). UDL quick guide.
9. Narkon, D. E., & Wells, J. C. (2013). Improving reading comprehension for elementary students with learning disabilities: UDL enhanced story mapping. Preventing School Failure, 57(4), 213–239.
10. O'Connor, R. E., & Jenkins, J. R. (1999). The prediction of reading disabilities in kindergarten and first grade. Scientific Studies of Reading, 3(2), 159–197.
11. Reading Rockets. (n.d.). Exit slips. URL:https://www.readingrockets.org/strategies/exit_slips, дата обращения к источнику 1.05.20.
12. Simonsen, S. G. (2018). In south Kyrgyzstan, multilingual education is path to opportunity and inclusion. UNICEF.
13. Stan, R. (2014, November 7–9). The importance of literature in primary school pupils' development and personal growth [Conference presentation abstract]. The 6th International Conference Edu World 2014 “Education Facing Contemporary World Issues.”
14. Tunmer, W. E., & Greaney, K. T. (2009). Reading Intervention Research: An Integrative Framework in The Sage Handbook of Dyslexia (pp. 241–267). Sage Publications.
15. Quality reading project. United States Agency for International Development, 2013–2017.
16. Время читать! Руководство для учителей начальных классов (1-5), Бишкек, 2020. United States Agency for International Development. (2017–2020). URL:www.montgomeryschoolsmd.org/departments/hiat/udl_implementation/downloads/UDL_checklist_lessons.pdf, дата обращения к источнику 21.03.20.

17. West Virginia Department of Education. (n.d.). UDL guidelines checklist. URL: wvde.state.wv.us/osp/UDL/7.%20UDL%20Guidelines%20Checklist.pdf, дата обращения к источнику 18.04.20.
18. Аромштам М.С. Читать! - Минск: Дискурс, 2018. – 160 с.
19. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: АСТ, 2005. – 670 с.
20. Государственный образовательный стандарт школьного общего образования Кыргызской Республики. В редакции постановления Правительства КР от [15 ноября 2016 года № 590](#)
21. Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей. – М:Манн, Иванов, Фербер 2016.- С. 213-2018.
22. Лефрансуа Г. Прикладная психологическая психология. - СПб, ПРАЙМ-ЕВРО-ЗНАК, 2005. -285 с.
23. Панфилова А.П. Наставничество и обучение на рабочем месте: терминологический анализ зарубежных методов// Современные технологии управления. —2016. -№12 (72).
24. Стратегия развития образования в Кыргызской Республике на 2012–2020 гг.



ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР

1. Антропова М.В. Дифференцированное обучение: педагогическая и физиолого-гигиеническая оценка // Педагогика. –1992. –№9-10. –С.39–51.
2. Вендровская Р.Б., Шахмаев Н.М. Дифференциация обучения//Российская педагогическая энциклопедия. Т. 1.–М., 1993.
3. Выготский Л.С. Психология развития ребенка. — М: Изд-во «Смысл», изд-во «Эксмо», 2004. — 512с.
4. Касымова Г.А. Педагогические условия формирования у будущих учителей начальной школы компетентности оценивания достижений учащихся / Автореф. дисс. канд.пед.наук:13.00.01.–Б., 2014. – 23 с.
5. Кирсанов А.А. Индивидуализация учебной деятельности как педагогическая проблема - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1982. - 224 с.
6. Оценивание учебных достижений учащихся. Методическое руководство/ Сост. Р. Х. Шакиров, А. А. Буркитова, О. И. Дудкина. – Б.: Билим, 2012. – 80 с.
7. Токтомаматов А. Сабактын максаттары, баалоо жана компетенттүүлүк//КББАнын кабарлары. – 2017. - № 1.
8. Токтомаматов А. Кенже курактагы балдар текстти кандай кабылалышат жана адабий окуу китептеринде бул маселе кандай чечилген//КББАнын кабарлары. – 2015. - № 4. (36)..
9. Формативное оценивание в начальной школе. Практическое пособие для учителя/Сост. О. И. Дудкина, А. А. Буркитова, Р. Х. Шакиров. – Б.:Билим, 2012. – 89 с.
10. Хамзина С. А., Низовская И. А., Фадеева Г. Н., Мааткеримова А. Д. Оцениваем навыки чтения в начальных классах: методическое пособие. – Бишкек: Папирус Принт, 2016.– 72 с.
11. Эсенгулова М., Усупова М. Башталгыч класстардын окуу көндүмдөрүн жакшыртуу боюнча ресурстар материал. [Текст] / Эсенгулова М., Усупова М. - Бишкек, 2014.



ГЛОССАРИЙ

“Скаффолдинг” (scaffolding) технологиясининг асосий тавсифи ўқувчининг мустақил ишлаш пайтида педагог томонидан “аста-секин тўхтайдиган ёрдами” (fading help) ҳисобланади.

Адаптацияланган (мослаштирилган) дастур – ўқувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини қондириш учун ўзгаришлар билан ёки ҳаракатдаги таълимий дастур асосида модификацияланган дастур.

Дастлабки билимлар – ўқувчининг ниманидир ўргатгунга қадар мавжуд тажриба асосидаги билимлари. Кўпинча *дастлабки билимлар* деб атаймиз. Дастлабки билимлар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар асосида ўқувчилар янги билим ва тажрибаларни онгли равишда қўллашга тайёрланадилар. Масалан, мактабгача таълим муассасаларига қатнаган ўқувчиларнинг ҳарфлар ва товушлар билан ишлаш тажрибаси мактабгача таълим ташкилотларига қатнамаган ўқувчиларга нисбатан юқори бўлади, қишлоқ жойларда яшайдиган ўқувчилар эса шаҳар ҳаёти ҳақида ҳамма нарсани тушунмасликлари мумкин.

Дисграфия– ёзув “техникаси”ни ўзлаштириш яқунланган деб ҳисобланган вақтда, мактаб таълими босқичида ёзувни амалга ошириш жараёнининг болада қатъий бузилиши.

Дислексия – (грекча *δυσ-* — сўзнинг ижобий маъносини йўққа чиқарган қўшимча ва *λέξις* «нутқ») — таълимга бўлган умумий қобилиятларни сақлаб қолишда ўқиш кўникмаларини ўзлаштиришга бўлган қобилиятнинг бузилиши.

Дифференциал таълим (мазмун, жараён, маҳсулот, ўқув муҳити) – таълимга бўлган ёндашув, унда ўқитувчилар ўзларининг кундалик амалиётида ҳар бир ўқувчининг ўқишдаги кучли томонларини ва эҳтиёжларини инобатга олади. Дифференциациянинг мақсади – ҳар бир ўқувчини унинг имкониятлари, қобилиятлари ва ўзига хос хусусиятлари даражасида ўқитиш. Дифференциал таълим контекстида ўқитишнинг учта элементини ўқувчиларнинг тайёргарлик ва қизиқишлари даражасига боғлиқ равишда модификациялаш мумкин: мазмун – ўқувчи ўрганадиган маълумот; жараён – ўқувчиларга мазмунни тушунишга ва ўзлаштиришга ёрдам берадиган ўқув фаолияти; маҳсулот – таълим жараёни натижаси.

Жараён мониторинги – ўқувчиларнинг белгиланган таълим мақсадларига етишиш даражаси ва ривожланишига ҳамда уларнинг таълимга қандай муносабатда бўлишига қараб баҳолаш.

Маълумот ва билимларни тақдим этиш усуллари – маълумотларни турли шаклда тақдим этиш, шу жумладан визуал (масалан, матн, тасвир), аудио ва амалий усулларда. Бу барча ўқувчиларнинг материалларга шундай усул билан йўл очиш имкониятини беради, бу уларнинг таълимдаги кучли томонларига энг яхши тарзда мувофиқ бўлади.

Натижалар (таълимий) – ўқув жараёнининг муайян босқичида ўқувчиларнинг асосий ва предметли компетенцияларни ўзлаштириш даражасида ифодаланган маълум таълимий ютуқлари **мажмуи**.

Рефлексия ўқитувчиларга муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ўқитишни режалаштириш ва назорат қилишда ёрдам беради.

Скаффолдинг– катталар болани унинг яқин ривожланиш зонасига силжишини ташкил қиладиган педагогик қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тури, технологияси.

«Ска́ффолдинг» технологияси замонавий муаллифлар томонидан ўқув ўқитиш жараёнининг махсус тури сифатида қаралади, бу ўқитувчи педагог ва ўқувчининг ҳал қилиш бўйича ўзаро ҳаракат қилиш вазиятларида ўз ўрнига эга бўлган йўл-йўриқ кўрсатишнинг ўзига хос жараёни сифатида кўриб чиқилади.

Стратегиялар – синфда ўқиш тартибини амалга ошириш бўйича ўқитувчилар учун йўл-йўриқлар.

Таълим натижаларини намойиш этиш усуллари – ўқувчиларнинг материал билан ўзаро таъсир этишнинг турли усуллардан фойдаланиш ва кейин улар нимани ўзлаштирганликларини намойиш этиш. Масалан, ўқувчиларга топшириқни бажариш усулларида бирини танлаш имконини бериш: ўз қўли билан бажарилган иш, оғзаки тақдимот ёки гуруҳда лойиҳалаш.

Таълим стратегияси – маълум изчилликда, маълум режага кўра, маълум мақсадларга эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қўлланиладиган ўқув материаллари билан ишлаш усуллари тизими.

Таълимда полимодал ёндашув – ўқувчиларга тақдим этиш ва маълумот беришнинг бир неча шакли (аудиовизуал, кинестетик, рақамли ва ҳ.к.).

Таълимнинг универсал дизайни (тақдим этиш, ифодалаш, жалб этиш) – **таълим олишга шароит яратиш усули**, ўқитиш тамойилларининг бошқарувчи мажмуаси, у барча ўқувчиларга ўрганиш ва ўрганган нарсаларини намойиш этиш учун баробар имкониятлар яратадиган таълим принциплари тўплами.

Ўқитувчи рефлексияси – педагог ўзи томонидан бажарилган фаолиятнинг англаши ва фикрлаши, жумладан, шу фаолиятнинг бажарилишида ҳиссий ҳолат, муваффақиятлар ва қийинчиликлар, қуроллар ва усуллар, шунингдек, ўқувчилар томонидан мавзуни, матнни тушуниш кабилар.

Ўқув жараёнига ўқувчиларни жалб этиш усуллари – ўқувчиларни жалб этишнинг турли усулларида фойдаланиш ва мотивация қилиш. Келтирилган намуналар ўқувчиларга ўзлари учун муҳим деб ҳисоблаган топшириқларни танлаш, янги кўникмаларни ўйин шаклида амалиётга татбиқ этиш ва ўқувчиларнинг синф бўйлаб ҳаракатланишлари учун имкониятлар яратиш киради.



ИЛОВА. ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

Ҳаракатлар режаси

Тренинг якунида ҳар бир иштирокчи ўз педагогик амалиётига Тренинг пайтида олинган билим ва малакаларини жорий қилиш бўйича кейинги хатти-ҳаракатлар режасини тузиши жуда муҳим. Бу режа икки нусхада тузилади. Бир нусхани ўзида қолдиради, иккинчисини ўз тренерига топширади. Бу Режа ҳам иштирокчи учун, ҳам тренер учун муҳим аҳамиятга эга, чунки тренер иштирокчининг тренинг пайтида ҳақиқатан нималарни билиб олгани ҳақида маълум даражада қайта алоқа ўрнатади, бу пайтда иштирокчининг унга тақдим қилинган режа асосида таълим ҳақида фикр юритиш ва олинган тажрибани қўллаш, мукамаллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконияти бўлади. Бундан ташқари, ушбу Режа мактабга ташриф буюрган пайтда тренер томонидан иштирокчига келгусида менторлик ёрдамни таъминлайди.

1-қадам: Айни пайтда нима қилишингиз кераклигини ҳал қилинг.

Сиз тренингда олган ва ундан осон фойдалана оладиган янги ғояни айтиб беринг:
Ушбу ғояни ўқитиш жараёнингизда қачон жорий эта оласиз?
Ушбу ғояни амалга оширишда нимани ўргатасиз?
Сизнингча, бу ўқувчиларга қандай ёрдам бериши мумкин?

2-қадам: Кейинги икки ой мобайнида янги стратегияни жорий қилиш режасини тузинг.

Кейинги икки ой мобайнида ўз амалиётингизда фойдаланадиган битта стратегияни айтинг.
Ўзингиз ўқитадиган предмет ва нима ўқитишингизни номланг:
Сиз иш бошлайдиган сана:
Ушбу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришини аниқланг:
Сизга керак бўладиган ресурслар ва материаллар:
Сизга керак бўладиган ёрдам (агар бунга зарурат бўлса):

3-қадам: Фойдаланиладиган янги стратегияни баҳоланг.

Ўқувчиларингизга бу стратегия қандай ёрдам берди?
Сиз нимани яхши бажардингиз?
Қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
Кейинги сафар нимани бошқача қилган бўлар эдингиз?

4-қадам: Кейин нима қилишингизни ҳал қилинг.

Сиз кейинги сафар қандай стратегиядан фойдаланишни хоҳлайсиз?



ИЛОВА. ЎҚИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ФОРМАТИВ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ВААЛООАРР ИЛОВАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА

Форматив (қолиплантирувчи) баҳолаш – ўқиш ва ёзув кўникмаларини ўқитиш жараёнининг мажбурий қисми ҳисобланади. Лойиҳа бошланғич синф ўқитувчиларига ўқиш дарсларида форматив баҳолашдан тез ва самарали фойдаланиш учун BaalooApp иловасини тақдим қилади. Форматив баҳолаш қуролларининг катта қисми USAIDнинг (“Бирга ўқиймиз”, “Ўқиш фурсати”) аввалги лойиҳалари доирасида ишлаб чиқилган эди, бироқ бу қуроллар эндиликда рақамли шаклга ўтказилган ва илова нафақат натижалар таҳлилини тезкор ўтказишга, балки ҳам ўқувчига, ҳам ўқитувчига таълим жараёнини ва ўқиш кўникмаларини баҳолашни яхшилаш учун аниқ ва конструктив қайта алоқани олишда имкон беради. Илова 12 мактабда йигирма тўртта бошланғич синф ўқитувчилари томонидан апробация қилинди. Ўқитувчилар бошланғич синфларда ўқиш кўникмаларини ривожлантириш даражаси воситаларининг мажмуасига мувофиқлиги ва бу кўникмаларни яхшилаш учун иловадан мунтазам равишда фойдаланишнинг самарадорлигини белгилаб ўтишди.

Эслатиб ўтамиз, **форматив баҳолаш** –бу таълим жараёнида баҳолаш, ўқувчилар у ёки бу таълим натижаларига эришиш жараёнининг қайси даражасида турганликлари ҳақидаги муҳим маълумот билан ўқитувчини таъминлайди; улар қаерда қийинчиликларни бошидан кечиришмоқда; ва шунга биноан, англаш ва таълим жараёнини яхшилаш учун ўқитувчи ва ўқувчининг қўйиши зарур бўлган келгуси қадамлари қайси эканлиги ҳақида⁹.

Ҳар бир синф учун изчилликда шаклландиган, ўқиш ва тушунишнинг таянч кўникмалари бўйича ўзимизнинг воситалар мажмуасини таклиф этамиз¹⁰:

Фонематик идрок - нутқ товушларини идрок қилиш ва фарқлаш қобилияти, сўзнинг товуш структурасини тузиш, товушлар ва ҳарфлар орасидаги алоқани аниқлаш.

Декодлаш – бу график рамзлар, ҳарфлар, сўзлар, жумлалар, матнни нутққа ўтказишни ўз ичига олган ёзма матнни таниш (маъносини айтиб бериш).

Сўз бойлиги – ўқувчи ўзининг оғзаки ва ёзма нутқида тушунадиган ва қўллайдиган сўзлар мажмуи.

Равон ўқиш – бу ўқувчининг маълум ёши ва таълим йили талабларига мувофиқ келадиган тўғри (хатосиз), тиниш белгиларига риоя қилган ҳолда, тез ифодали ўқиши.

Ўқиганни тушуниш – ўқилган матн мазмунини тушуниш қобилияти, уни талқин қилиш ва ўқиганига ўз муносабатини шакллантириш маҳорати. Бу ўқиш ва тушуниш таълим «воситаси» бўлиб қолган пайтда, ўрта синфларда муваффақиятли таълим учун муҳим кўникмадир.

Ҳар бир санаб ўтилган кўникмалар бўйича маълум синф учун форматив баҳолашнинг воситалари таклиф қилинади.

Жами 17та восита берилган:

№	Синф	Ярим йиллик	Ўқиш кўникмаси	Восита
1	1	1	Фонематик идрок	Сўзда биринчи товушни аниқлаш

⁹ Бола саломатлиги ва инсон ривожланиши миллий институти, 2000.

¹⁰ Ўқиш фурсати. 1-5 модуллар. Бошланғич синф ўқитувчилари учун қўлланма. – Б.: Триада Принт, 2020

№	Синф	Ярим йиллик	Ўқиш кўникмаси	Восита
2	1	1	Алифбо билан танишиш	Сўзда биринчи ҳарфни таниш(аниқлаш)
3	1	½	Декодлаш	Таниш сўзларни ўқиш
4	1	1	Равон ўқиш	Ўқишнинг равонлиги
5	1	2	Равон ўқиш	Ўқишнинг равонлиги
6	2	1	Декодлаш	Мавжуд бўлмаган (ўйлаб топилган) сўзларни ўқиш
7	2	2	Сўз бойлиги	Чалкашлик
8	2	1	Равон ўқиш	Ўқишнинг равонлиги
9	2	2	Ўқиганни тушуниш	Асар харитаси
10	3	½	Сўз бойлиги	Синонимларни топиш
11	3	2	Сўз бойлиги	Тушириб қолдирилган сўзларни топиш
12	3	1	Равон ўқиш	Ўқишнинг равонлиги
13	3	2	Ўқиганни тушуниш	Асар харитаси
14	4	1	Сўз бойлиги	Синонимларни топиш
15	4	2	Сўз бойлиги	Антонимларни топиш
16	4	1	Ўқиганни тушуниш	Асар харитаси
17	4	2	Ўқиганни тушуниш	Сюжет чизиғи

Баҳолаш қандай ўтказилади?

Таклиф қилинган ҳар бир воситаларнинг амалиётда улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаси берилган.

Форматив баҳолашдан фойдаланиш

1. Сиз шу каби **таълим усуллари**ни ўз дарсларингизда қўллайсиз, яъни ўқувчилар шундай тажрибага эга, мисол учун, асар харитаси ёки ривоя матннинг сюжет чизиғини аниқлашни кўзда тутаяди.
2. Сиз топшириқлар бажарилганлиги учун **баҳо қўймайсиз**, балки ўқувчига сифатли қайта алоқани бериш учун ўқувчи кўникмаларини баҳолаш натижалари, маълум ўқувчининг ўқиш кўникмаларини ривожлантириш даражасини хусусий баҳоланишини яхшилаш учун ва дарсда таълим жараёни ва усуллари тизатишни қўллайсиз.
3. Сиз форматив баҳолашни **мунтазам равишда** бутун синф, ўқувчилар гуруҳи билан ёки яқка тарзда қўллайсиз. Биз ҳар ярим йилликда (жадвалга қаранг) иккита маълум бир воситадан фойдаланишни таклиф этамиз, бироқ сиз синфингиз ўқувчиларининг ўқиш кўникмалари даражасидан келиб чиқиб баҳолаш воситасини танлашингиз мумкин. Энг муҳими, сизда ўқув йили мобайнида таълимда келгусидаги қадамларни режалаштириш учун ҳар бир кўникма бўйича ўқувчиларингиз қаерда турганлиги ҳақида етарлича маълумот бўлиши зарур. Шунинг учун Сиз ўқув йили мобайнида ўқиш кўникмаларини баҳолашни ўтказишни таълим жараёнининг бир қисми сифатида **режалаштирасиз**.
4. Тест ўтказиб ёки топшириқни бажариб бўлгандан сўнг, сиз қатъий равишда ўқувчига **қайта алоқани** (дастурда берилган қайта алоқани ўз сўзларингиз билан ўқиб ёки тушунтирган ҳолда) тақдим этасиз, тавсияларнинг ўқувчига ва ота-онага нисбатан бажарилишини кузатасиз.

5. Сиз ўзингиз баҳолашдан сўнг, энг ози билан икки ҳафта давомида битта ёки бир нечта ўқувчилар билан биргаликда форматив баҳолашни ўтказиб бўлгандан сўнг дастур берадиган **тавсияларни ўзингиз бажарасиз.**

Синовга оид тест ўтказиш учун кўрсатма

1. Шундай қилиб, дастлаб сиз ўзингизнинг индивидуал гаджет – телефон ёки планшет/компьютерингизга илова ўрнатишингиз зарур. Бунинг учун Лойиҳанинг <https://okuukeremet.com/>, онлайн таълим платформасига кириш, BaalooАрга ҳаволани топинг. Ҳавола бўйича ўтинг ва иловани телефон ёки компьютерга юклаб олинг.
2. Сиз шу ердан топадиган, ушбу иловага берилган видеокўрсатма билан танишиб чиқинг. Кўрсатмаларга амал қилиб илова рўйхатидан ўтинг, шу жойда ўз синфингизни тузинг.
3. Вақтга ва синфингизга мувофиқ бўлган воситаларни танланг. Масалан, агарда сиз 2-синфни ўқитаётган бўлсангиз ва ҳовлида ноябрь ойи турган бўлса, 2-синф биринчи ярим йилликда қўлланиш учун таклиф қилинган: «Мавжуд бўлмаган (ўйлаб топилган) сўзларни ўқиш» ва «Равон ўқиш» каби воситаларни танланг.
4. Таълим воситаларини мустақил ўрганинг. Техник видеокўрсатмага амал қилган ҳолда ҳамкасбингиз билан биргаликда битта тестни ўтказиб кўришга уриниб кўринг.
5. Ўқувчиларингиздан бири билан индивидуал тарзда воситаларни апробация қилинг. Унга бу иш баҳоланмаслигини, бироқ ўзининг ўқиш кўникмаларини кўрсатиш учун уни яхшилаб бажаришга ҳаракат қилишини тушунтиринг. Тахминан қуйидагича айтинг: «Бугун биз маъновий жиҳатдан бир хил бўлган, яъни синоним сўзларни қандай аниқлашингизни кўришимиз зарур (қандай ўқий оласиз ва ш.к.)». Биз буни дарсда ўрганганмиз, шунинг учун топшириқни тез ва тўғри бажаришга ҳаракат қилинг. Бу иш баҳоланмайди, аммо сўз бойлигимизни яхшилаш учун нима қилишимиз зарурлигини телефондаги дастур орқали билиб оламиз (равон ўқишни яхшилаш ва ҳ.к.)».
6. Кўрсатмага мувофиқ таклиф қилинган тестлардан бирини ўтказинг.
7. Болага натижалар бўйича тақдим этилган қайта алоқани ўқиб беринг, иштироки учун унга миннатдорчилик билдиринг.
8. Қайта алоқанинг тўлиқ матнини диққат билан ўқиб чиқинг. Эътибор берган бўлсангиз, у икки қисмдан ташкил топган: биринчиси ўқувчига мўлжалланган, у қўштирноқда берилган. Иккинчи қисми - ўқиш кўникмаларини яхшилаш учун ўқувчи билан қандай ишлаш кераклиги ҳақида сизга берилган тавсиялар. Бу тавсияларда мактабингизда мавжуд (USAID лойиҳасининг “Ўқиш фурсати”, “Оқуу керемет!” модуллари) материаллардан олинган, Таълим ва фан вазирлиги сайтида <https://edu.gov.kg/kg/schools/school-books/proekt-usaid-po-razvitiyu-navykov-chteniya-vremya-chitat/>), Лойиҳанинг он-лайн таълим платформасида <https://okuukeremet.com/> ўқишга ўргатиш стратегияларига ҳаволалар бор.

Тавсияларда, шунингдек, китобхонлик кўникмаларининг маълум даражасига лойиқ бўлган болалар китобларига ҳаволалар берилган. Бундай китоблар мактаб кутубхонангизда, шунингдек ҚР ТФВ <https://kitep.edu.gov.kg/kg/catalog/okuukeremet> сайтида электрон кўринишда бор. Ҳар бир китоб муқовасининг орқасида китобхонлик компетентлиги/китобнинг мураккаблиги даражаси кўрсатилган. Мисол учун, агар китоб учинчи синфнинг бошида мўлжалланган бўлса – 3.1., агарда илгариланган учинчи синф даражаси учун бўлса – 3.2. ва ҳ.к. деб ёзилган бўлади.

9. Олинган тавсиялардан фойдаланинг ва ўқувчингизнинг ўқиш кўникмалари даражаси қандай ўзгарганини пайқайсиз!

Иловадан мунтазам равишда фойдаланиш учун кўрсатма

Синовга оид тест олишдан ўтганингиздан сўнг, синфингиз билан биргаликда иловадан фойдаланишга тайёрсиз.

Бунинг учун:

1. Дарслардан сўнг вақтни режалаштиринг ёки ўқиш дарсида форматив баҳолаш учун вақт ажратинг.
Баъзи воситалардан бутун синф билан биргаликда фойдаланса бўлади (масалан, «Чалкашлик»), баъзилари эса (масалан, «Сўзда биринчи товушни аниқлаш») – индивидуал тарзда. Баҳолашни фақат айни дамда ўқиш ва тушунишда қийналган ўқувчилар гуруҳи билан ўтказишингиз мумкин, кейинчалик эса кўникмаларни баҳолаш учун бошқа ўқувчилар гуруҳини танлашингиз мумкин.
2. Ўқиш учун матнлар ёки тўлдириш учун формаларнинг зарур миқдорини ўқувчилар сонига мувофиқ, уларни иловадан юклаб олиш орқали босиб чиқаринг ёки мактабингизда мавжуд Модуллар нусхасини кўчириб чиқаринг (саҳифалар сизнинг кўрсатмангизда берилган).
3. Синф билан, гуруҳ ёки ўқувчилар билан индивидуал тарзда тест ўтказинг.
4. Маълумотларни телефон ёки планшет/шахсий компьютер иловасига киритинг.
5. Дастурда натижалар таҳлили ва қайта алоқани олинг. Қайта алоқани ҳар бир болага якка тарзда ўқиб беринг. Кўникмалар ривожланиш даражасига кўра ўқувчиларингиз қандай тақсимланганлигини кўриб чиқинг. Ўқишнинг ушбу кўникмалари ривожланиш даражаси критик ёки етарли бўлмаганлигини намоён этган гуруҳ ёки ўқувчи борми? Энг катта ўқувчилар гуруҳи қандай: «аъло», «яхши»? «ўрта»? «қоникарсиз» ёки «критик»? Агар болаларнинг катта қисми ўрта ёки қуйи даражада бўлса, сиз қандай йўл тутасиз? Таваккалчи гуруҳни қўллаб-қувватлаш учун дифференциал ишни (скаффолдинг) ¹¹ қандай уюштириш мумкин?
6. Дарсларда ўқитиш бўйича қўшимча ёрдамга ва ушбу ўқиш кўникмаларига муҳтож болалар гуруҳига нисбатан келгуси 2-4 ҳафта давомида тавсиялардан фойдаланинг.

Ва хулоса қилиб айтганда...


Умид қиламизки, сиз иловани ўзлаштирасиз, ўз амалиётингизда қўллайсиз ва ўқишда ўқувчиларингизнинг ўсишини кўра оласиз. Эҳтимол, иш жараёнида сизнинг ўз топилмаларингиз ва ғояларингиз пайдо бўлади, баҳолаш воситаларининг ўз вариантларингизни ишлаб чиқасиз ва ҳамкасбларингизга тақдим этишингиз мумкин. Биз сизга омадлар тилаб қоламиз!

*Приложение BaalooApp разработано на основе программы Tangerine (RTI).
Разработчики на русском и кыргызском языках: Хамзина С.А., Юсупова А.Д.,
Омуралиев Т.Ж., Торогельдиева Б.А.*

¹¹ См. Модуль 1-2 проекта USAID «Окуу керемет!»

2-МОДУЛЬ


**Предмет ва тилни
интеграциялаб ўқитиш**



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ АСОСЛАРИ	8
1.1. Ўқувиларнинг тилга оид тайёрлик даражаси: таълимдаги чақириқлар	8
1.2. CLILнинг асосий тамойиллари ва тушунчалари	10
1.3. CLIL элементлари бўлган дарсни қандай режалаштириш керак	18
2-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШДА МАТНЛАР НУТҚ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС СИФАТИДА	21
2.1. Матн билан ишлаш предмет ва тилни интеграциялаб ўқитишнинг асоси сифатида (яхлит ва нояхлит матнлар).....	21
2.2. Ўқиш саводхонлигини қандай текшириш керак?	33
2.3. Матн нутқий фаолиятнинг тўртта тури (ўқиш, тинглаш, сўзлаш ва ёзиш)ни комплекс равишда ривожлантириш учун асос сифатида	35
3-БЎЛИМ. СКАФФОЛДИНГ: ПРЕДМЕТ МАЗМУНИ ВА ТИЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ	38
3.1. Скаффолдинг CLILни амалга ошириш учун асос сифатида	38
3.2. Скаффолдинг асосини тузувчи таълим тамойиллари	42
4-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ ДОИРАСИДА БАҲОЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР	49
4.1. CLIL дарсларида баҳолашга бўлган ёндашувлар	49
4.2. Ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқлари юксалишини баҳолаш учун дескрипторлар	56
4.3. CLILда ўз- ўзини баҳолаш	62
5-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ	66
1-стратегия. СЎЗДАН НУТҚҚА.....	66
2-стратегия. ЭШИТЯПМАН, ЎҚИЯПМАН, ТУШУНЯПМАН	75
3-стратегия. МАТН ЯРАТАМАН.....	82
Фойдаланилган адабиётлар	88
Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар	90
ГЛОССАРИЙ	92
1-илова. Таълимда CLIL бўйича ёндашувдан фойдаланишнинг АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ (МАШҒУЛОТЛАР ЛАВҲАЛАРИДАН НАМУНАЛАР)	97
Она тилида/биринчи тилда (мактабдаги таълим тилида) предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш	97
Қисман ва тўлиқ шўнғиш дастурларида предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш ...	105

Предмет ва тилни яхлит ўқитиш.....	122
2-илова. “СЛІЛ АСОСИДА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН ЎЙИНЛАР, УСУЛЛАР ВА УСЛУБЛАР ТЎПЛАМИ”.....	126
3-илова. ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ	127
ИЛОВА. ДАРСНИ КУЗАТИШ ШАКЛИ	129



КИРИШ

2-модуль **предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш (CLIL)га бағишланган (CLIL: “Content and Language Integrated Learning”** дан умумий қабул қилинган қисқартма). Бу тил муҳити орқали тилга оид бўлмаган предметни ўқитишнинг турли ҳолатларини қамраб олган кенг тушунча ҳамда предмет мазмуни ва тилга оид таълим ўртасидаги мувозанатни назарда тутди. Бу ўринда тилдан мазмунни ўрганиш воситаси сифатида фойдаланилади, мазмундан эса, ўз навбатида, тилни ўрганиш учун ресурс сифатида фойдаланилади. Бу ёндашувни танлаш нафақат ўқувчиларнинг дарсда тавсия қилинган материални идрок қилиш ва ўзлаштириш қобилиятлари нуқтаи назаридан, балки таълим тилини билиш даражасига боғлиқ ҳолда таълим жараёнини дифференциалаш имконини беради.

Бундай ёндашув ҳар бир ўқувчига жамиятда фаолият кўрсатадиган бир неча тилни ўзлаштиришга имкон берувчи Қирғизистон таълим тизимидаги замонавий стратегия шароитларида айниқса долзарб бўлиб бормоқда. Бу мактаб амалиётига **кўп тилли таълимни** босқичма-босқич жорий қилиш билан боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида икки ёки ундан кўпроқ тилдан фойдаланишни ўз ичига олади, бу эса тил амалиёти учун қўшимча имконият яратиб беради.

Ҳозирги кунда республика мактабларида тилга оид қуйидаги вазиятлар юзага келди.

1-вазият. Таълим болаларнинг она тилида олиб борилади. Таълим жараёнида ўқувчилар ўз она тилидан фойдаланадилар, бу билимларни ўзлаштириш воситаси, мактабдаги ва кейинги таълимдаги барча ўқув фанларини ўрганиш воситасидир. Янги билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар она тилидан фойдаланиш малакаларини узлуксиз равишда мукамаллаштирадилар.

2-вазият. Таълим билингвал¹ равишда олиб борилади (қисман шўнғиш). Таълим жараёнида иккита: она тили/биринчи ва иккинчи/мақсадли тилдан фойдаланилади. Стандарт талабларига мувофиқ ўқитувчи вазифаларига она тили/биринчи тилда мулоқот қилиш малакаларини шакллантириш ва ўқувчиларда мақсадли тилдан функционал фойдаланиш малакаларини ривожлантириш киради. Бунинг учун биттадан бештагача бўлган фанлар қисман мақсадли тилда олиб борилади (жумладан, дарснинг бошланғич босқичида ўтилган материал билан ишлаш мақсадли тилда олиб борилади, янги материал эса – таълим тилида киритилади). Ўқувчилар бунга мослашгандан кейин мақсадли тилдан фойдаланиш фоизи оширилади, пилот предмет доирасида тўлиқ шўнғишгача етказилади. Қоида бўйича, бу босқичда педагогнинг тилга оид компетентлигига боғлиқ ҳолда, “Санъат” таълимий соҳасидаги фанлар (муסיқа ва бадий-тасвирий ижод), жисмоний тарбия, меҳнат таълими, ватаншунослик, математика танланади, улар терминологик жиҳатдан ҳали ортиқча юкланмаган, лекин дарсларда қўллаб-қувватланадиган коммуникатив ҳолатларни осонгина яратиш имконини беради.

¹ Билингвал (икки тилли) таълим – шундай таълимки, унинг жараёнида иккита тил – она тили (биринчи) ва иккинчи (давлат ёки расмий) тилдан фойдаланилади.

3-вазият. Таълим болалар учун она тили бўлмаган тилда олиб борилади (тилга тўлиқ ботиш). Бундай жараён шуниси билан тавсифланадики, бутун вақт мобайнида ўқув фаолияти болалар учун иккинчи/мақсадли бўлган тилда олиб борилади. Ўқувчилар улар учун янги бўлган тилни ўрганишади, ўқув предметлари мазмунини ўзлаштиришади ва бир вақтнинг ўзида иккинчи тилда фикрлаш малакаларини ривожлантиришади. Бошқача айтганда, тил, бир вақтнинг ўзида ўқув тили ҳисобланган ҳолда, уни қўллаш жараёнида ўрганилади. Шу билан бирга ўқув предметлари мазмуни болалар учун янги бўлган тилда берилади ва синфдан синфга ўтган сари янада мураккаб, мавҳум бўлиб боради ва сўзлашув тилидан фарқ қиладиган тилнинг бошқа рўйхатидан (регистрдан) фойдаланишни талаб қилади. Бундай ўқувчиларнинг ўқув жараёнида бемалол ишлаши ва барча ўрганилаётган предмет соҳалари бўйича ютуқларини намойиш қилишлари учун иккинчи тилни қисқа вақт мобайнида ўзлаштириб олиши кутилади.

Таълимнинг иккита стратегияси CLILни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради: дифференциация ва интеграция.

Дифференциация – бу бир синфдаги барча ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, имкониятларини ва қобилиятларини ҳисобга олиш имконини берувчи ўқув стратегияси.

Дифференциация орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг қайси даражада эканлигини аниқлай олади ва материалнинг ўзлаштирилишини ошириш учун ўқитишда уларнинг кучли томонларидан фойдаланиши мумкин.

Дифференциаланган таълимда ўқитувчилар синфдаги ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини, қизиқишларини, имкониятларини ва қобилиятларини эътиборга оладилар ва шунга мос равишда таълимни ўзгартирадилар (1-модулга қаранг: Бошланғич синфда дифференциаланган таълимни қўллаш). Ўқитувчилар таълим жараёнини тезлаштириши, қандайдир малакаларни шакллантириш бўйича ёки мазмунни ўзлаштириш бўйича қайта иш олиб боришлари; ўқувчиларга қачон қўшимча ёрдам кераклигини аниқлаши; ўқувчилар нималарни билиб олишганини ва нималарни ўрганиб олишганини қандай намойиш қилиш мумкинлигини уларга таклиф қилиши мумкин.

Интеграция – бу ўқувчилар билиб олганларини уларга яхлит қилиб бирлаштириш имконини берувчи, яъни ўқувчиларга янги билимларни, улар олдиндан билганлари (аввалги билимлар) ва/ёки қўлидан келганлари билан боғлашга ёрдам берувчи ўқув стратегияси. CLILда ўқитувчилар ўқитишни бирма-бир индивидуал предметлардан олган билимларини изчил бутунликка боғлаш учун фойдаланадилар (1-расм).

Бундай таълим алоҳида ўқув предметлари бўйича билимларни бир бутун қилиб бирлаштирадиган, ўзаро тўлдирадиган, тартибга соладиган, боғлайдиган дарслар тизимини ифодалайди, бунинг асосида болаларда оламни яхлит идрок қилиш шаклланади. Бундай таълимда ўқув предметлари бир-бирига ўзаро таъсир қилади, шу билан бирга, мазмуни, тузилиши ва уларни ўрганишга ажратилган вақт миқдори бўйича мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолаверадилар. Бундай таълим туфайли ўқувчилар тилларни, математикани, бадий-тасвирий ижодни ва бошқа фанларни ўрганаётганларида битта предметни ўрганишда шаклланган билим ва қобилиятлардан нафақат ҳаётий амалиётда, балки бошқа предметни ўрганишда ҳам фойдаланса яхши бўлишлигини англайдалар. Предметларни бир бутун қилиб интеграция қилиш (яхлит ҳолга келтириш) таълимнинг бошланғич босқичида энг кўп фойда келтиради.

Интеграция









1-расм. Бошланғич мактабда предметлар интеграцияси

Ушбу модул CLIL нима эканлигини ва уни амалда қандай қўллашни тушунтиради. *Биринчи бўлимда* предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш (CLIL) нинг асосий тамойиллари ва афзалликлари кўриб чиқилади. *Иккинчи бўлим* предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда асос бўлиб ҳисобланган ва нутқий фаолиятнинг барча турларини ўзаро боғлаб ўқитишни таъминлайдиган предмет матнлари билан ишлашни ташкил қилишга бағишланган. *Учинчи бўлимда* ўқувчиларни предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш жараёнида қандай қўллаб-қувватлаш йўллари таърифланади. *Тўртинчи бўлимда* предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда баҳолашга оид асосий ёндашувлар ифодаланган. Модулнинг *бешинчи бўлимида* предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишни амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш стратегияси келтирилган. 1-иловада предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишдан фойдаланишнинг амалий мисоллари (тўлиқ ва қисман шўнғиш дастурларида, она тили машғулотлари парчалари мисолида) келтирилади. 2-иловада предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш асосида ишлаш учун усуллар ва услублар тўплами таклиф қилинади, ва ниҳоят “Иш-ҳаракатлар режаси” номли 3-илова модулни яқунлайди.

Модуль қуйидаги ташкилий структура бўйича тузилган (қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал. Модуль тузилиши

?	Ҳар бир бўлим китобхон диққатини муҳим маълумотларга қаратиш учун йўналтирувчи саволлардан бошланади. Ушбу саволлар тегишли бўлимнинг барча мазмунини қамраб олган.
💡	Модулда тақдим этилган мавзуларнинг қисқача шарҳи мавзуларнинг муҳимлиги ва таянч тамойиллардан синфда фойдаланиш ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.
☑	Ҳар бир бўлим охирида резюме - асосий қоидалар ва тамойилларнинг умумий хулосаси берилган.

	<p>«Стратегиялар» ўқитувчилар дарсларда бу ёндашувларни қандай амалга оширишлари ҳақида аниқ кўрсатмаларга эга эканлигини намойиш этадилар. Ҳар бир стратегия а) ўқитувчининг дарсгача, дарс пайтида ва дарсдан кейинги фаолияти баёнини, б) ўқув ва баҳолаш жараёнини дифференциациялаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.</p>
	<p>Матнда бўлимнинг таянч қоидаларини тасдиқловчи муҳим тадқиқотлар ҳақида қўшимча маълумотлар берилади.</p>
	<p>Фойдаланилган адабиётлар</p>
	<p>Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар</p>
	<p>Глоссарий</p>
	<p>Иловалар</p>



1-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ АСОСЛАРИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Тил ва нутқни билиш предмет мазмунини ўзлаштиришга қандай таъсир қилади?
- ◆ Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш (CLIL) нима?
- ◆ CLILнинг асосий тамойиллари ва афзалликлари қайсилар?
- ◆ CLIL элементлари бўлган дарсни қандай режалаштириш керак?

1.1. ЎҚУВИЛАРНИНГ ТИЛГА ОИД ТАЙЁРЛИК ДАРАЖАСИ: ТАЪЛИМДАГИ ЧАҚИРИҚЛАР



Қирғизистон мактабларида кўп тилли таълим дастурларининг жорий этилиши муносабати билан уч тилга оид ҳолат вужудга келди: она тилида ўқитиш, тўлиқ шўнғиш дастурлари асосида ўқитиш, қисман шўнғиш дастурлари асосида ўқитиш (қаранг: Кириш). Бу ҳолатларнинг бирон бирига тушиб қолган ўқувчилар таълим жараёнида бир қатор тўсиқларга дуч келади.

Ўз она тилида ўқийдиган ўқувчилар ўрганилган материал бўйича ўз фикрларини баён қилишда ундан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келадилар (ҳар доим ҳам янги ғояларни тўлиқ айта олишмайди, ўқиб чиққан маълумотни бошқача кўрсатиб бера олишмайди, ўз вазияти, ҳолатини ифодалай олишмайди, тегишли белгиларни қўя олишмайди, таҳлил қила олишмайди, саволлар бера олишмайди ва бошқалар). Бундай ҳолатда ўқитувчининг фаолияти ушбу малакаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак, ўқувчилар ўз мақсадларига эришиш учун фойдалана оладиган тил таянчлари билан бирга олиб борилади.

Қисман ёки тўлиқ шўнғиш дастурларида иккинчи тилда ўқийдиган ўқувчилар ҳам она тилида ўқийдиган ўқувчилар сингари дуч келган қийинчиликларни ҳис қиладилар, бунинг устига ўқув предметлари мазмунини ўзлаштираётган, улар учун янги бўлган тилни ўрганаётган ва шу вақтнинг ўзида фикрлаш малакаларини ривожлантираётган ҳолатга тушадилар.

Бир томондан тил улар учун таълим воситаси бўлса, иккинчи томондан – тил ҳар сафар, ўқувчилар тилдан қийинчилик сезаётган пайтда ўрганиш мазмунига айлана бошлайди.

Улар ўқитувчининг тушунтиришлари ва кўрсатмаларини қийинчилик билан тушунадилар (*эшитиш кўникмаси*), ўз ғояларини билдиришда қийналадилар (*сўзлаш кўникмаси*) ва айниқса ўз фикрларини ёзма равишда етказиш уларга қийинчилик туғдиради (*ёзув малакаси*). Синфда муваффақиятга эришиш учун ўқувчилар тилга оид бўлган икки хил ёрдамга муҳтож бўлади. Биринчидан, улар янги тилни бевосита ва тизимли ўрганишга муҳтож.

Ўқитувчи ўқувчиларга лексикани пухта танлаш ва ундан ўзлаштириш учун қулай бўлган содда синтактик конструкцияда фойдаланиш йўли билан ёрдам бериши зарур.

Иккинчидан, ўқувчилар ўқув предметларини уларга тушунарли бўлган ва уларнинг бу тилдаги умумий малакаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган тилда ўрганишга муҳтож.



Тавсифланган ҳолатларнинг ҳар биридаги ўқувчилар билимининг самараси уларнинг ўқиш ва ўқиганини тушуниш қобилиятларига бевосита боғлиқ. 4-синф ЎТЮМБ (ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини миллий баҳолаш)нинг назорати шуни кўрсатдики, ўқиш малакалари етарлича яхши ривожланмаган, секин ва қийналиб ўқийдиган, ўқиганини тушуниши қийин бўлган ўқувчилар матнни (адабий асарни, масала шартини ёки дарсликнинг ўрганилаётган бўлимидаги маълумотни) ўқиш ва англаш билан боғлиқ бўлган топшириқларни бажаришда бир қатор қийинчиликларга дуч келадилар.

ЎТЮМБ ўқиш ва тушуниш, математика, табиий фанлар асослари (ватаншунослик ўқув предмети доирасида) каби таълим соҳаларини қамраб олади. Текшириш натижаларининг кўрсатишича, 2017 йили ўқувчиларнинг тахминан 60 фоизи асосий даражадан қуйи даражада бўлган, яъни баъзи предметлар бўйича бир қанча тўлиқсиз, кўпинча ўзаро боғланмаган билимларга эга бўлганлар. Улар баъзи бир иш бажариш тартибига оид айрим қобилиятларга ва амалий малакаларга қисман эга бўлиши мумкин, шунга қарамай ўрганилаётган предметдаги асосий тушунчаларни тушунишни намоёйиш қилмайдилар, ҳаттоки стандартда берилган ечимни қийин бўлмаган топшириқларни бажаришда ва енгил масалалар ечишда ҳам хатога йўл қўядилар. Ўқувчилар мактабда эгаллаган билим ва қобилиятларидан фойдаланиб, реал ҳаётга яқин бўлган осон масалаларни ҳам ечишни кўпинча билмайдилар. Ўқувчиларнинг бу даражада бўлган янада юқорироқ фоизи (79%), таълим ўқувчилар учун она тили бўлмаган тилда олиб бориладиган мактабларда кузатилади (4-синф ЎТЮМБ, 2017).

Бундай натижалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг аксарияти ўқитувчиларнинг қўшимча ёрдамига муҳтождирлар, чунки улар ўқув дастурини янада муваффақиятли ўзлаштириш учун етарли билим ва кўникмаларга эга эмас:

- ◆ ҳар бир машғулоти предмет мазмунини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкил қилиш зарур (олдинги билим асосида ва ўқувчиларнинг мавжуд тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янги билим эгаллаш); коммуникатив (алоқа учун хизмат қиладиган) малакалар (тилни ўрганиш ва ундан фойдаланишда интерфаоллик ва биргаликда ишлаш, ривожланиш);
- ◆ ҳар бир машғулоти аниқ фойдаланган мақсадларга, таълим натижаларига, танлаб олинган усулларга, баҳолаш мезонларига ва рефлексия ташкил қилишга эга бўлиши керак;
- ◆ қўллаб-қувватлайдиган шакллантирувчи баҳолашдан ва баҳолашнинг альтернатив шаклларида амалда фойдаланиш, ўқувчиларнинг иккинчи тилни билиш даражасини эътиборга олиш, машқларнинг ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига мос келишига ҳаракат қилиш зарур;
- ◆ сифатли материаллар, кўргазмалар қуроллар ва аслига тўғри матнлар ишлаб чиқиш ва танлаш ҳамда ўқув материалларини нафақат предмет бўйича, балки тил бўйича ҳам билим манбаи сифатида қабул қилиш;

Дарсларда CLIL (предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш) бўйича ёндашувни қўллаш юқорида тавсифланган муваффақиятли таълим шарт-шароитларини таъминлаш имконини беради.

1.2. CLILНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ

CLIL нима?

Content and Language Integrated Learning (CLIL) атамаси биринчи марта 1994 йили Дэвид Марш томонидан қўлланган.

CLIL ғояси шундан иборатки, тил таълимнинг мустақил мақсади бўлиб ҳисобланмасдан, балки предметлар бўйича билимларга эришиш воситаси сифатида бўлиши зарур.

Терминологик жиҳатдан CLIL – бу икки томонлама ёндашув, бу ерда иккинчи тил бир вақтнинг ўзида ўқув воситаси ва ўрганиш объекти сифатида қўлланади (Marsh D., 2002).

Бошқа предметларни ўрганиш учун восита сифатида тилни ўрганиш ўқувчиларда ўқишга бўлган эҳтиёжни шакллантиради ва уларга фикр алмашувида ўз қобилиятларини ривожлантириш имконини беради.

Бошқача айтганда, таълим жараёнида диққат-эътибор фақатгина тил ва предметга берилмайди. Гарчи маълум пайтларда қайсидир битта жиҳатга кўпроқ диққат-эътибор берилсада, тил ва предметни ўқитиш чатишиб кетади (1-схемани қаранг) (Лиз Дейл ва Роза Таннер, 2012).



1-схема. Предмет ва тил интеграцияси

Бу таърифда *чатишиб кетиш* ҳал қилувчи сўз бўлиб ҳисобланади. Математика, этика, ватаншунослик дарсларини ўтишда ўқитувчи тилни ўргатиш элементларини қўшади, тил дарсларида эса фақат тилни ўргатибгина қолмасдан, балки предмет билимларини ҳам киритади. Лиз Дейл ва Рози Таннер ўзларининг “CLIL Activities” номли қўлланмасида бундай чатишиб кетиш ғоясини энг яхши кўринишда акс эттирадиган кўрғазмалилик сифатида М.К.Эшернинг машҳур ёғочдан ясалган “Осмон ва сув” (1988) ўйма суратини (2-расм) келтирадилар. Предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда қушлар предметга оид билимларнинг, балиқлар эса тил билан боғлиқ бўлган дарс элементларининг рамзи бўлиб ифодаланади. Баъзида дарс боришида ўқитувчи “қушларни” – предметни ўқитишни алоҳида таъкидлаб кўрсатади, баъзида эса “балиқларга”– тилни ўқитишга алоҳида урғу беради. Баъзан, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам “қушларга”, ҳам “балиқларга” (дарснинг предмет ва тилга оид таркибий қисмларига) урғу беради, бунда уларнинг янада зичроқ, қалинроқ чатишиб кетиши ва ўзаро боғланиши рўй беради (Лиз Дейл ва Рози Таннер, 2012).



2-расм. “Осмон ва сув” (1988)

М.К. Эшер

CLIL бўйича ёндашувнинг самарадорлиги илмий адабиётларда кўпинча иккита нуқтаи назардан тасвирланади: 1) мия ва хотира ишини кучайтирадиган параллель фикрлаш жараёнларининг фаоллашиши ҳисобига ижобий натижага эришиладиган одам миясининг ишлаш ва идрок қилиш хусусиятлари нуқтаи назаридан (Mehisto P., Marsh D., Frigols M., 2008); дарсда тилнинг турли регистрдан фойдаланиш орқали ижобий натижага эришиладиган фикрлаш жараёнига тиллар таъсири нуқтаи назаридан.

Бу ерда гап муваффақиятли таълим олиш ва мулоқот асоси сифатида тил ҳақида бормоқда. Ж. Камминс билинговал компетентликнинг иккита жиҳатини – “BICS” (basic interpersonal communicative skills) – кундалик мулоқотнинг асосий коммуникатив малакаларини ва “CALP” (cognitive/academic language proficiency) – кундалик мулоқот ҳолатларидан ташқари таълимий мақсадлар учун зарур бўлган когнитив/академик тил компетентлигини ажратган ҳолда сўзлашув тили ва муваффақиятли мақсадлар учун тил (академик тил)ни ажратган. Иккинчи тилни тушуниш учун контекстуал таянч бор жойда BICS намоён бўлади. Бевосита алоқанинг “контекстли-ўзаро боғланган” ҳолатлар тушунишни осонлаштирувчи оғзаки бўлмаган ёрдамни таъминлайди. Мимика, имо-ишоралар тили, жуда тез қилинадиган қайта алоқа, сигналлар ва йўл-йўриқлар нутқий мулоқотни тўлдиреди. CALP, ўз навбатида, юқоридаги каби фикрий малакаларни талаб қиладиган “контекстли-ўзаро боғланмаган”, масалан, баҳолаш, таҳлил қилиш, синтез (таққослаш, тахминлар таклиф қилиш, таснифлаш, олдиндан айтиб бериш ва умумлаштириш), яъни тил контекст билан ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолатларда бор бўлади. CALP таълим жараёнига хос бўлади. (Cummins, J., 1991).

CLIL тамойиллари

CLIL бўйича ёндашувдан фойдаланилганда амал қилиш керак бўлган тамойиллар мавжуд. Одатда, улар 4C Framework тушунчасига асосланган (2-схемага қаранг). 4C Framework – *content* (предмет мазмуни), *communication* (мулоқот), *cognition* (билиш: фикрлаш қобилияти), *culture* (маданият, маданиятга оид билимлар) каби CLILнинг

тўртта асосий компонентлари интеграциясига асосланган таълим тизими. У маълум бир контекст, вазият доирасида предмет мазмунини ва тилни ўрганишни бирлаштиришни назарда тутаяди, бу дарсда қуйидаги компонентларнинг ўзаро муносабатини аниқлайди. Бу компонентлар До Коил томонидан аниқланган (Coyle, D., Hood, P., Marsh, D., 2010).



2-схема. 4C Framework тамойили (Coyle, D., Hood, P., Marsh, D., 2010)

МАЗМУН (тил орқали) шуни назарда тутаядики, тил малакалари фаол табиий таълимга ёрдам берадиган тарзда бериладиган тематик мазмун ёрдамида шаклланади. Тил ўзлаштиришда асосий диққат-эътибор структура (тузилиш) ёки грамматикага эмас, балки (маълум бир масалаларни ҳал қилиш) реал ҳаётий шароитларда тилдан фойданишга берилади.

КОММУНИКАЦИЯ (АЛОҚА) тилдан самарали фойдаланишни таъминлайди. Ҳам тил ўрганиш, ҳам ундан ўқув мақсадларида: асосий кундалик мулоқот (BICS) учун, таълимий мақсадлар (CALP) учун фойдаланиш мақсад бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатда вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва, шунингдек, ғояларни ифодалаш учун восита сифатида тилдан фойдаланилади. Тилга оид зарурий материални ўзлаштириш ва мулоқот орқали ундан таълим учун фойдаланиш янги билимлар тайёр ҳолда берилмасдан, балки ўқувчиларнинг бири-бири билан, ва уларнинг ўқитувчилар билан биргаликдаги фаолияти ва мулоқоти орқали ташкил этиладиган ўқув жараёнидаги фаол ролини назарда тутаяди, шу билан бирга, нутқни, унинг барча кўринишлари (тинглаш, ўқиш, сўзлаш ва ёзиш)да идрок қилиш ва ишлаб чиқариш рўй беради.

ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИ иккинчи тилдан она тили билан параллель равишда тафаккур тили сифатида фойдаланилишини кўрсатади. Бу ўқувчиларга “ҳақиқий билимлар” беришдан чиқиб кетишни ва фикрлашнинг юқори тартибдаги (масалан, баҳолаш, таҳлил қилиш, синтез, хулоса чиқаришни билиш) малакаларини, шунингдек, самарали таълим малакаларини ривожлантиришни таъминлайди (масалан,

сарлавҳаларни ўқиш, кўриб чиқиш учун ўқиш, сарлавҳалар ва суратлар ўртасидаги боғланишни аниқлаш, қора ҳарфлар; аннотация ёзиш ва ҳ.к.). Ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва тушунишга бўлган ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади (кўп учрайдиган ақл-идрок турлари назарияси²).

КУЛЬТУРОЛОГИК БИЛИМЛАР тил ўрганиш – шу тилдан фойдаланадиган маданиятларни ўрганиш эканлигини ҳисобга олади. Ўқувчилар уларни ўз шахсий маданияти билан солиштиради, бунинг натижасида маданиятлараро таъсирчанлик, одамларга, буюмларга ва ҳодисаларга бошқа маданият таъсири остида қараш қобилияти шаклланади.

Бу тамойилларга риоя қилиш бир қатор афзалликларга эга.



CLIL афзалликлари

Бошланғич мактабда CLIL ёндашувидан фойдаланиш ўқувчиларга тилни ривожлантиришга, тилга оид малакаларини яхшилашга, тил ўрганишга ажратилган соатларни кўпайтирмасдан, тилга оид амалиётни ошириш имкониятини беради. Тил ва предмет мазмунини бир вақтда ўрганиш туфайли ўқувчилар қўшимча тилда ўйлаш ва ўқишни ҳам ўрганадилар; улар иккинчи/мақсадли тилдан мулоқот учун, маълумот билан ишлаш учун фойдаланишни ўрганади; саволлар бериш ва тушунтиришни, исботларни таҳлил қилиш ва баҳолашни, хулоса чиқариш ва уни асослашни ўрганадилар.

Ўқитувчилар ватаншунослик, БТИ ва математика каби предметларни иккинчи/мақсадли тилда ўқита олади ва бир вақтнинг ўзида ўқувчиларга асосий грамматик қонуниятларга эътибор беришда ёрдам бера олади. Шунингдек, ўқитувчилар ўқувчиларнинг предмет мазмунини тушуниш ва етказиш учун зарур бўлган таянч сўз бойлигини ривожлантиради. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг маданиятлараро билимдонлигини ривожлантиришда рағбатлантириши мумкин ва иккинчи/мақсадли тилда оғзаки ва ёзма нутқни билиш даражасини оширишлари мумкин (Лиз Дейл и Роза Таннер, 2012). Дейл ва Таннер (2012) юқорида санаб ўтилган афзалликларга қўшимча қилиб, тил ва предмет мазмунини ўқитиш интеграцияси бошқа афзалликларни ҳам бериши мумкинлигини тахмин қиладилар (3-схемага қаранг). Улар ўз тахминларини когнитив таълим назарияларида, таълимнинг ижтимоий конструктив назарияларида ва иккинчи тилни ўрганиш назарияларида асослайдалар.

² Гарднер ақл-идрокнинг ушбу: вербал-лингвистик, мантиқий-математик, фазовий, жисмоний-кинестетик, муסיқага оид, шахслар ичидаги, шахслар ўртасидаги, натуралистик турларини ажратган. Ақл-идрокнинг ҳар бир тури ўзига хос истеъдод, малака ва қизиқишлар орқали ўзини намоён қилади. Қаранг: Говард Гарднернинг кўп учрайдиган ақл-идрок назарияси // http://roachinthenet.blogspot.com/2016/01/blog-post_5.html#.Xu-WtGgzaUI (дата обращения: 18.06.2020)



3-схема. CLILning асосий афзалликлари

фойдаланадиган ўқувчилар кўпроқ ғайратли бўлади. Иккинчи тилни ўрганиш назариясига мувофиқ, предметни бошқа тилда ўрганиш шунчаки тилнинг ўзини ўрганишдан кўра ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин (Harrop, 2012).

Ўқувчиларга предметни шу тарзда ўрганиш, уларнинг ўзларида нафақат предмет бўйича билим бойлиги ортаётганини, балки тилни билиш ҳам яхшиланаётганини сезаётгани учун ёқиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг белгилашича, предмет ва тилни бир вақтда ўрганиш кераклиги ҳақидаги чақириқ ёқиб қолиши мумкин. Улар тилни билишдаги ўсишни сезганида уларда мамнунлик ҳисси пайдо бўлиши эҳтимоли юқори бўлади (Лиз Дейл ва Роза Таннер, 2012). Баъзи тадқиқотчилар CLILга асосланган ўрганувчиларнинг анъанавий дастурларда ўқитётганларга нисбатан иккинчи/мақсадли тилни ўрганишга бўлган қизиқиши ва мотивацияси ошганлигини белгилайдилар.

Бироқ Харропнинг таъкидлашича, мотивацияни таъминлаш учун ўқитувчилар CLILнинг бошланғич босқичларида иложи борица кўпроқ ижобий қайта алоқа бериши керак.

CLIL асосланган ўқитиш жараёнида ўқувчиларда когнитив малакалар фаол равишда ривожланади ва уларнинг мияси жадалроқ ишлайди. Фикрлашнинг когнитив назарияси, миянинг янада зўр бериб ишлашида одамлар маълумотни яхшироқ эслаб қолади, деб тахмин қилади. Масалан, икки тилни биладиган ва предметни она тили бўлмаган тилда ўрганадиган одамларнинг хотираси яхшироқлиги исботланган. Предметни ўрганиш она тили бўлмаган тилда содир бўлаётганлиги боис,

ўрганилаётган предмет чуқурроқ тушунилади, шу билан бирга танқидий ва ижодий тафаккур малакалари ҳам ривожланади.

Когнитив таълим назарияларининг тахмин қилишича, агар одамларнинг мияси у ёки бу вазифани бажариш учун кўпроқ зўр бериб ишласа, улар маълумотни янада унумли равишда эслаб қолишади. Масалан, баъзиларнинг ҳисоблашича, икки тил билган ва предметни она тили бўлмаган тилда ўрганаётган одамларнинг хотираси яхши, чунки, эҳтимол уларнинг мияси ғайрат билан ишлашга тўғри келади. Предметни бошқа тилда ўрганиш ўқувчилар томонидан предмет концепцияларини тушуниши, уларнинг фикрлаш малакаларини ва уларнинг ижодий қобилиятларини кенгайтириши ва чуқурлаштириши мумкин (Лиз Дейл ва Роза Таннер, 2012).

CLILдан фойдаланаётган ўқувчилар коммуникатив малакаларини ривожлантирадилар. CLIL асосидаги таълим жараёнида ўқувчилар нафақат тилни билишни, балки коммуникатив малакаларни ҳам яхшилашади (Harrop, 2012). CLILда ўқувчиларнинг предметлар доирасида ўрганиладиган ҳам умумий, ҳам махсус мавзулардаги оғзаки ва ёзма нутқни тушуниш малакаси ривожланади. Шунингдек, улар турли вазиятларда ўзларининг коммуникатив мақсадларига эришиш мақсадида ҳам тилни ўрганадилар.

CLILдан фойдаланаётган ўқувчилар иккинчи тилда материал ҳақида ўзларининг тушунчаларини ривожлантирадилар.

Конструктивизм назариясига мувофиқ, ўқувчилар ўз билимларини ўзлари шакллантиради.

Таълим янги материал ҳақида ўз тушунчасини шакллантириш ва янги билимларни мавжуд билимлар билан бирлаштириш орқали юзага келади.

Ўқитиш ўқувчилар ўрганилаётган нарсаларни идрок этгандагина муваффақиятли бўлади. CLILдан фойдаланилган дарсларда ўқувчилар она тилидаги янги билимларни шу тилидаги олдиндан мавжуд билимлар билан бириктирадилар.

Синфда бажариладиган машқлар реал ҳаётни акс эттиради ва ўқувчиларга тушунилган материални бир тилдан иккинчисига ўтказишда ёрдам беради (Лиз Дейл ва Роза Таннер, 2012). Тадқиқотларнинг кўрсатишича, CLIL ўқувчилари CLILда иштирок этмаётган ўқувчилар билан тенг ёки улардан устун туради (Harrop, 2012). Бироқ, CLIL юқори даражали ўқувчилардан кўра, ўзлаштириши қуий ва ўрта бўлган ўқувчиларга кўпроқ фойда келтиради. Ваҳоланки, ўзлаштириши юқори бўлган ўқувчилар кутилган ютуқларни кўрсатишмаса ҳам, ўзлаштириши қуий ва ўрта бўлган ўқувчиларда кутилгандан кўра анча юқори натижа кўрсатишади. CLILдан қиз болалар ўғил болалардан кўра кўпроқ фойда олишини кўрсатадиган битта далил бор (Harrop, 2012). Харропнинг огоҳлантиришича, гарчи CLIL предмет мазмунини ўрганишни яхшилаш учун имкониятга эга бўлса ҳам, тил ўрганишни, шунингдек, предмет мазмунини ўрганишни яхшилайдиган таълимнинг самарали стратегиялари ва платформаларига кўп нарса боғлиқ бўлади. Масалан, ўқувчиларга иккинчи/мақсадли тилни тушунишда ва ўрганиб олишда ёрдам бериш учун ўқитувчиларга ҳар хил стратегиялар керак.

CLILдан фойдаланадиган ўқувчилар бир-бири билан онгли равишда ўзаро алоқада бўладилар. Ўқувчилар бир-бири билан онгли равишда ўзаро алоқада бўлганларида билим олиш билан бирга ундан фойдаланишни ўрганадилар. Онгли равишда бир-бири билан қилиш – бу CLILнинг ўзига хос хусусияти. Ўрганилаётган нарсанинг маъносини муҳокама қилишга тўпланган ўқувчилар, одатда, фақат грамматикага диққат-эътиборини берган ўқувчилардан кўра билим олишда анча юқори натижаларга эришади.

CLILдан фойдаланадиган ўқувчилар сўзлаш ва ёзиш малакларини ривожлантирадilar. Натижавийлик (output) назариясига мувофиқ, иккинчи/мақсадли тилни ўрганиб олиш учун ўқувчилар иккинчи/мақсадли тилда ўқиши ва ёзишлари керак. CLILдан фойдаланиб ўқитувчилар ўқувчиларни ёзиш ва сўзлашга рағбатлантиради ва шу орқали тил билиш даражасини оширадilar.

Ўқувчилар қисман ва тўлиқ шўнғиш дастурларида она тили бўлмаган тилда сўзлаш ва ёзишга ҳаракат қилиш жараёнида тил устида тажриба ўтказиб, ушбу жараёнга ижодий ёндашадilar (Лиз Дейл ва Роза Таннер, 2012). Иккинчи тилни эгаллаш малакаларини ривожлантиришда CLILнинг самарадорлигини тасдиқловчи тадқиқотларнинг маълумотлари бир хил маънога эга эмас. Баъзи тадқиқотларнинг кўрсатишича, тинглаш, ўқиш ва ўқиганни тушуниш, нутқ равонлиги ва сўз бойлигининг кўлами бўйича CLIL асосида ўқийдиган ўқувчилар таълимнинг анъанавий дастурлари бўйича ўқийдиган ўқувчилардан устун туради, лекин талаффуз қилишда, оғзаки ва ёзма нутқнинг аниқлигида ва мураккаблигида улардан устун турмаслиги муқаррар. Бошқа тадқиқотлар натижалари бўйича эса, CLIL ўқувчилари CLILда иштирок этмаётган ўқувчиларга қараганда иккинчи тилни билишнинг анча юқори даражасини намоиш қиладilar. Бироқ лонгитюд (боғлама) тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошқалар олдида CLIL ўқувчиларининг дастлабки устунликлари вақт ўтиши билан тўпланмаслиги ҳам, кўпаймаслиги ҳам мумкин. CLIL ўқувчилари анъанавий тил дастури бўйича ўқийдиган ўқувчилар сингари иккинчи тилни ўрганишда битта даражада бўлиб қолиши мумкин (Harrop, 2010). Харропнинг белгилашича, CLIL ўқувчиларининг иккинчи/мақсадли тилдан фойдалана олмаслик ёки уни тўғри талаффуз қила олмаслик сабабларидан бири шундан иборатки, CLIL ўқитувчилари ўқувчилар талаффузини ёки грамматикасини тўғрилашмайди. Ундан кўра, ўқитувчилар тилдан тўғри фойдаланишни бошқача йўллари ва моделини тайёрлайдилар. Харроп, CLIL тарафдорлари хатоларни тузатишни кўриб чиқишни кераклигини таклиф қилади.

CLILдан фойдаланадиган ўқувчилар маданиятлараро онглиликни ривожлантирадilar. CLIL ёрдамида ўқитувчилар ўқувчиларга маданиятлараро онглиликни ривожлантиришга ёрдам беради – улар ҳар хил ғояларни ўрганиб чиқадilar ва турли маданият вакиллари билан биргаликда ҳаракат қиладilar. Ўқувчилар турли миллат вакилларининг ўрганилаётган материал ҳақидаги фикрини билиб олишлари мумкин. Она тилида бўлмаган материаллар маданиятлар ҳақида ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам янги бўлган маълумотни ўз ичига олган бўлиши мумкин (Coyle et al., 2010; Dale and Tanner, 2012).

CLILнинг муҳим хусусиятлари бу кўп қиррали ўқув йўналиши, хавфсиз ва бойитувчи ўқув муҳити, манбага аниқлиги ва яқинлиги, фаол таълим, таянч структураси ва ҳамкорлик ҳисобланади (Стоянова А., Глушкова М., 2012):

2-жадвал. CLILнинг асосий хусусиятлари

<p>Кўп томонлама диққат маркази</p>	<ul style="list-style-type: none"> • тилга ўргатиш предмет ва соҳа бўйича дарсларида қўллаб-қувватланади; • тилга ўргатиш предмет мазмунини ўзлаштириш дарсларида қўллаб-қувватланади; • предметлар интеграцияси амалга оширилади; • муфассал мавзулар фаол ишлатилади; • таълимнинг таҳлили ва ўз-ўзини таҳлил қилиш ўтказилади.
--	--

<p>Хавфсиз ва бойитувчи ўқув муҳити</p>	<ul style="list-style-type: none"> • мунтазам ҳаракатлар ва тил клишеларидан фойдаланилади; • ўрганилаётган предмет мазмуни ва тил тизимлари яққол акс эттирилади; • тил хатолари тузатилмайди, лекин ўқитувчи ўқувчи томонидан айтилган жавобларни бошқача ифодалайди ва тил структурасидан тўғри фойдаланиш учун намуна беради; • ҳақиқий (асл) ўқув материаллари ва тил муҳити ишлатилади; • ўқувчида табиий онгли тил билиш ривожланади.
<p>Асл нусхага мослик ва манбага яқинлик</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ўқувчи гапириш, ёзиш имкониятидан фойдаланади, шунингдек, оғзаки ва ёзма нутқ малакалари таҳлилини ўтказиши; • таълим жараёнида ўқувчи ўз манфаатларини ҳисобга олиши мумкин; • ўрганилаётган материал ўқувчининг кундалик ҳаёти билан боғланади; • мақсадли тилнинг бошқа соҳиблари билан алоқа қилиш учун имкониятлар яратилади; • ўқувчилар ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларидан ва бошқа манбалардан (масалан, хариталар, жадваллар, диаграммалар ва бошқалардан) олинган тегишли материаллардан фойдаланади.
<p>Фаол таълим</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ўқувчилар дарсда ўқитувчидан кўпроқ гапирдилар (80/20 тамойили); ўқитувчилар очик саволлар бериб, ўқувчиларни суҳбатга тортади; • ўқувчилар предмет мазмунини ўзлаштириш ва тил ҳамда ўқув малакаларини ривожлантириш учун мақсад ва вазифаларни шакллантирадилар; • ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда таълим натижалари ва уларга эришиш йўлларини ифодалайдилар; • дарсда жуфтлик ва гуруҳларда ишлашдан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратилади; • ўқувчилар ва ўқитувчи суҳбат ва турли топшириқлар (масалан, БИО, қаҳрамонларни таърифлаш ва шу қабиларни) бажариш ёрдамида предмет ва тил материали мазмунини тушунишга эришади; • ўқитувчининг вазифаси – синфда имкониятлар яратиш ҳамда қуйидаги уч жараённи: ўқув (самарали ўқув стратегияларидан фойдаланиш; иккинчи тилдаги таълимни қўллаб-қувватлаш) жараёни, ҳамкорликка олиб келувчи, гуруҳда муносабатларни ривожлантирувчи жараёни, шунингдек, шахсий ривожланиш жараёнини бошқаришдан иборат.
<p>Таянч структураси</p>	<ul style="list-style-type: none"> • таълимий жараёнда ўқитувчи ўқувчилар эга бўлган билим, тажриба, қобилият, фикр, ишонч ва қизиқишларга таянади; • дарсни режалаштиришда ва ўтказишда Таълимнинг универсал дизайни тамойиллари ҳисобга олинади (қаранг: 1-модуль: Бошланғич мактабда дифференциал таълимни қўллаш); • ижодий ва танқидий тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратилади; • ўқувчига оғир вазиятда қолиш имконияти берилади, унга ҳиссиётларни енгил ва оғир вазиятдан чиқиш учун ёрдам кўрсатилади.

Ҳамкорлик	<ul style="list-style-type: none"> • предмет дарслари, тил дарслари ва мавзулар ўқитувчилар томонидан биргаликда ишга оид мулоқот жарёнида ва ҳамкорликда режалаштирилади; • ота-оналар ўқув жараёнида ҳам она тилини ва маданиятни ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш учун, ҳам мақсадли тилдан фойдаланиш учун имкониятлар яратиш учун иштирок этадилар (масалан, иккинчи/мақсадли тилда мультфильм кўриш, иккинчи/мақсадли тилда ёзилган матн суратларини кўриб чиқиш ва биринчи тилда муҳокама қилиш); • таълимий жараёнга маҳаллий уюшма, бошқармалар, иш берувчилар ва бошқа мақсадли гуруҳлар жалб қилинади (масалан, синфдан ташқари тадбирлар ўтказишади, ўқувчилар томонидан ўрганилаётган мазмун билан боғлиқ бўлган тақдимотлар ўтказишади ва улар бу билимлардан келгусида қандай фойдалана олишини тушунтиришади).
------------------	--

1.3. CLIL ЭЛЕМЕНТЛАРИ БЎЛГАН ДАРСНИ ҚАНДАЙ РЕЖАЛАШТИРИШ КЕРАК

CLIL бўйича ёндашувдан фойдаланилган дарс икки: предметга оид ва тилга оид бўлган мақсадларга эга. Дарсни режалаштириш, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг предмет материални ўзлаштиришда эҳтимолдаги тилга оид қийинчиликларини олдиндан кўриши ва бу қийинчиликларни “бекор қилиш” учун асосларни таъминлаши кераклигини тахмин қилади. Ўқиш мазмуни сифатида мактаб циклидаги предметлардан олинган ҳар қандай мавзу танланиши мумкин. Тилга оид мазмунни режалаштириш қийинроқ, чунки у, бир томондан, предмет мазмуни билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса – ҳам когнитив, ҳам коммуникатив соҳаларга хизмат қилиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг тил ҳақидаги билимини бойитиши керак.

CLIL дарсида, мумкин қадар, нутқий фаолиятнинг барча турлари иштирок этиши керак: CLIL бўйича ёндашувнинг хусусияти шундан иборатки, ўқиш дарсга ажратилган вақтининг катта қисмини эгаллайди. Шунга қарамай, ўқитувчи дарсни шундай режалаштириш мумкинки, материалнинг бир қисми аудио матн кўринишида тақдим қилиниши мумкин ҳамда таълимнинг қидирув усулларида фойдаланган ҳолда диалог ва суҳбат орқали материални тушунишга эришиш мумкин.

Тинглашни ёзиш билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин (жадваллар тўлдириш, схемалар чизиш, тушириб қолдиришларни тиклаш). Ўқув материални танлашда ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятларига ва тилга оид тайёргарлик даражасига жавоб берадиган услуб бўйича ҳар хил аслига тўғри³ матнлар танлаш зарур. Шунингдек, аудио ва видео материаллардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ўқув материали икки: предметга оид ва тилга оид мақсадларга эришишда ёрдам бериши керак. Агар матнлар кичкина бўлакларга бўлинган ва суратлар, схемалар, хариталар ва бошқа нарсалар билан берилган бўлса, улар яхшироқ ўзлаштирилади. Матнларда матндан олдинги ва матндан кейинги топшириқлар бўлиши керак. Бу топшириқлар нафақат тилга оид, балки нутқий малакаларни ва когнитив малакаларни ҳам шакллантиришлари керак. Когнитив малакаларга нисбатан шуни ёдда тутиш муҳимки, уларни фикрлашнинг қуйи шакллари (аниқлаш, тенглаштириш, тушуниш)дан юқори шакллари (таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш) га қараб ўсиб бориш бўйича шакллантириш зарур.

³ Аслига тўғри матнлар – бу реал ҳаётда ўқувчиларга дуч келиши мумкин бўлган материаллар (рекламалар, эълонлар, жадвал ва кўплаб бошқа нарсалар).

Диаграммалар ёки жадваллар билан жиҳозланган матнлар билиш босқичи учун жуда тўғри келади.

Ўқувчи матндан олинган материални жадвалга ёки бошқа ҳар қандай график ташкилотчига киритиб, маълумотни таснифлайди, асосийсини иккинчи даражалигидан ажратади, тушунишни шакллантиради ва билимларни “кўчириш” учун замин тайёрлайди.

Дарс предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишнинг тўртта тамойили асосида тузилади (4C Framework: мазмун, алоқа, билим, маданият).

Дарсни режалаштиришда ўқитувчи қуйидаги саволларга таяниши мумкин (Машрапова А. С., 2017):

Предмет мазмуни

- ◆ Дарснинг мақсад ва вазифалари қандай?
- ◆ Мен таълимнинг қандай кутилган натижаларига қараб иш тутаман?
- ◆ Мен қандай ибора ва махсус атамаларни тайёрлашим керак?
- ◆ Мен ўқувчиларнинг грамматик билимларини текширишим керакми (масалан, сифатларни солиштириш даражаларини)?
- ◆ Мен мунозара ва муҳокамаларни қандай ўтказаман?

Коммуникатив (алоқа)

- ◆ Мен қандай ибора ва махсус атамаларни фаоллаштиришим керак?
- ◆ Мен ўқувчиларнинг грамматик билимларини текширишим керакми (масалан, сифатларни солиштириш даражаларини)?

Билим

- ◆ Танқидий тафаккур малакаларини ривожлантириш учун қандай саволлар беришим керак?
- ◆ Танқидий тафаккур малакаларини ривожлантириш учун қандай топшириқларни тайёрлашим керак?
- ◆ Танқидий тафаккур малакаларини ривожлантиришда тил ва предмет мазмуни қандай қилиб яхлит ҳолга келтириш мумкин?

Маданият

- ◆ Мен шу дарс асосида қандай ижтимоий-маданий малакаларни шакллантиришим мумкин?
- ◆ Мен ўқувчиларнинг эътиборини дарсга танланган материал асосида қандай маданиятлараро хусусиятларга қарата оламан?

Модулнинг давомида бу саволларнинг кўпчилигига жавоблар бор.

Дарс ўтаётганда

- ◆ мақсад ва кутилган натижаларни аниқ айтиш;
- ◆ тил ўрганиш учун қулай таълим муҳитини яратиш;
- ◆ нутқий фаолиятнинг 4та тури (ўқиш, тинглаш, ёзиш, сўзлаш) ни ривожлантириш;
- ◆ агар зарур бўлса, ўқувчилар учун тушунарсиз гаплар ва ибораларни бир неча марта такрорлаш;

- ◆ ўқувчилар ўзлаштиришлари учун қулай бўлган сўз бойлигидан фойдаланиш ва эксплицит (очиқ-ойдин) тарзда лексикани ўргатиш;
- ◆ таянч сўзлар билан иш олиб бориш;
- ◆ ўқувчиларни (ҳам мазмун нуқтаи назаридан, ҳам тилдан фойдаланиш нуқтаи назаридан) самарали бажарган иши учун рағбатлантириш;
- ◆ ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш учун фаолиятнинг ҳар хил (фронтал, гуруҳдаги, жуфтликдаги) турларидан фойдаланиш зарур.

CLIL фойдаланилган дарслардаги энг муҳим нарса – бу ўқувчиларнинг тилни воқелик билан боғлаши. Ўқитувчи ишлатаётган стратегиялар ёрдамида ўқувчилар лексика, грамматикани табиий ҳолатларда, реал ҳаётда бўлгани каби, ҳамда саволлар берган ҳолда ва уларга жавоблар топган ҳолда ўзлаштирадилар.



Резюме

Шундай қилиб, предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш таълим жараёни қандай тилда (она тили/биринчи ёки тил ўрганаётган болалар учун иккинчи/мақсадли тилда) боришидан қатъий назар дарсларда тилдан ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда мунтазам равишда фойдаланишга асосланади. Ўқитувчилар ўзларининг CLIL дарсларини 4C Framework (мазмун, алоқа, билим ва маданият) асосида режалаштиришади. CLIL дарсларининг муҳим элементлари: (а) мазмун ва тилга ҳар томонлама эътибор бериш, (б) ўқувчилар иккинчи/мақсадли тилдан фойдаланиш устида бемалол тажриба ўтказа оладиган бехатар таълим муҳити, (в) аслига тўғри материаллардан фойдаланиш, (г) фаол таълим ва бошқа ўқитувчилар, ота-оналар ва уюшмадаги одамлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

CLIL бўйича ёндашув афзалликларини текшириш бир хил маънога эга эмаслигига қарамай, у бир қатор устунликларга эга. Тил ва саводхонлик ўқув режасининг барча предметларини ўқитиш ва ўрганишнинг ичига сингиб кетган. Ҳар қандай предметда ва ҳар қандай мавзуни ўрганишда ўқитувчи ўз ўқувчиларини шу предмет билан боғлиқ бўлган тушунчалар ва лексика билан таништиради, мавзуни ўрганган сайин уларни тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишга жалб қилади. Ўқувчилар ўқув матнларини ўқишади, уларнинг мазмуни ҳақида ёзиб боришади, матнни ўқиб чиққандан сўнг ўз иши натижаларини кўрсатишади ва ўқитувчи ёки бошқа ўқувчилар ўз натижаларини қандай тақдим қилишини тинглайдилар. Бундан ташқари, CLIL методикасининг асосий афзалликларига ўқувчилар қизиқишининг анча юқори даражасини (тил ўрганиш янада мақсадга йўналтирилган бўлиб боради, чунки тил аниқ коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш учун ишлатилади), ушбу методиканинг “инклюзив” характерини (тил билишнинг бошланғич даражаси ҳар хил бўлган ўқувчилар учун таълимнинг очиқлиги, шунингдек, “психологик” деб аталувчи тўсиқларни табиий бартараф қилиш, тилдан фойдаланишда дадилликка эришишни) киритиш мумкин. Ўқитувчининг CLILдан қандай фойдаланишига ва ҳам предмет мазмунини ўзлаштиришда, ҳам иккинчи/мақсадли тилни ўзлаштиришда ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш учун таълимнинг қандай стратегияларини қўллашига кўп нарса боғлиқ бўлади.



2-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШДА МАТНЛАР НУТҚ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС СИФАТИДА

? Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Предмет ва тилни яхлитлаб ўқитишда матн билан ишлаш қандай роль ўйнайди?
- ◆ CLIL дарсларида матнларнинг қандай турлари билан ишлаш муҳим?
- ◆ Матн билан ишлашда ўқувчиларнинг қобилиятларини қандай ривожлантириш зарур?

2.1. МАТН БИЛАН ИШЛАШ ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА (ЯХЛИТ ВА НОЯХЛИТ МАТНЛАР)



Предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда матн билан ишлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳаммага маълумки, матнлар билан ишлаш дарсдаги ва ўқувчиларнинг мустақил ўқишдан ташқари фаолиятидаги ишларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Матнлар билан ишлашни билиш ўқувчи билиши керак бўлган қобилиятлар қаторига тегишли, чунки биринчи синфдаёқ ўқувчида маълумот қидириш, уни таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш малакаларини шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Айнан матн билан ишлаш нафақат ўқиш ва тушуниш малакаларини, балки нутқий фаолиятнинг ҳамма турларини бир-бирига боғлиқ ҳолда ўргатишни ривожлантиради (4-схемани қаранг).



Бу нима учун муҳим? Бошланғич мактабда дарсликларда тавсия қилинган деярли барча ўқув маълумотлари ўқитувчи томонидан олдиндан батафсил баён қилинганлиги

ва изоҳланганлиги, шундан сўнггина ўқувчиларга материални мустаҳкамлаш учун ўқиб чиқишга берилганлиги ҳақида далолат берувчи ҳолат юзага келди.


Бу предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда зарур шарт ҳисобланган ўқув китоби билан ишлаш натижасида мустақил билим олишга эмас, балки ўқувчиларнинг фақат ўқитувчи ёрдамида билим олишга ўрганиб қолишига олиб келади (Хохлова Н.С., 2004).

Ўқувчилар томонидан олинадиган ўқув маълумотининг ҳажми борган сари кўпаяди, янги ўқув предметлари киритилади, ўқиш учун матнлар мураккаблашади.

ЎТЮМБ томонидан ўқиш ва тушуниш малакаларини текшириш натижаларининг кўрсатишича, ўқувчилар таълим олишда қийинчиликлар сеза бошлайдилар.

Ўқув материали мазмунини тушунмаслик ўрганилаётган предметга, келгусида эса – умуман бутун таълим жараёнига қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Зарур билимларни мустақил ўрганишни, ўқув материални танқидий англашни билмаслик оқибатида кўпчилик ўқувчиларда илмий-ўқув адабиётларини ўқишни ёқтирмаслик пайдо бўлади (4-синф ЎТЮМБ, 2017).

Агар ўқувчилар она тили бўлмаган тилда ўқишса, бу вазият янада оғирлашади. Ўрганилаётган предметлар мазмунини йўқотиш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарни камайтириш учун ўқитувчи матн билан ишлаш бошланғич мактабдаги барча дарсларнинг асоси ҳисобланишини тушуниши керак, аслида маълумотни ўқиш ва тушуниш малакасини шакллантириш нафақат китобхонлик адабий тажрибасини ривожлантириш йўналишида, балки маълумотни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш мақсадида ҳам амалга оширилиши керак (Логвина И., Рождественская Л., 2012). Бошқача айтганда, матн билан ишлаш асосида, ўқувчиларга матнлардан турли маълумот топишни ўрганиш имконини берадиган ва ундан, ҳам ўқув вазифаларини ҳал қилишда, ҳам ҳаётда фойдалана олишни тахмин қиладиган китобхонлик саводхонлигини (ўқишнинг функционал саводхонлигини) ўқувчиларда шакллантириш ётади. Матнга ва матндан ташқари билимга таяниш орқали китобхонлик саводхонлиги шаклланади, бу ўз навбатида маълумот топиш ва олиш, уни тушуниш ва талқин қилиш, англаш, таҳлил қилиш, баҳолаш каби малакаларни ривожлантиради (5-схемани қаранг).



5-схема. Китобхонлик саводхонлиги.

Матнлар билан ишлашга ўргатиш учун бир қанча шартларга риоя қилинади (Логвина И., Рождественская Л., 2012):

1. Маълумот топа билишни ривожлантириш учун нафақат бадиий, балки ўқувчиларнинг ёшига тўғри келадиган илмий-маърифий (дарсликлардан, болалар энциклопедияларидан олинган, табиатшуносликка оид мазмундаги) предметга оид матнлардан, ҳаётий воқеалардан, ОАВдан фойдаланиш лозим.

2. Болалар олинган маълумотни талқин қилишни ўрганиши учун турли хил услубдаги, лекин мазмуни бўйича ўқув материалга яқин бўлган матнларни танлаш керак (қаранг: 3-модуль. Бошланғич мактабда болалар китоби).


3. Шу билан бирга ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш устида ишлаш олиб борилади (сўзлаб бериш топшириқлари, шахсий мулоҳазалар тузиш, сўз бойлигини кенгайтириш, нутқ ҳиссиётини, тўғрилигини, аниқлигини ва ифодалилигини шакллантириш).

4. Матн билан ишлашда ўқувчиларнинг қизиқиши ва мотивацияси нафақат мазмун даражасида, балки маъно даражасида англаш қобилияти ҳам ҳисобга олинади.

Ўқувчи нималар қила олиши керак?

- ✓ онгли равишда ўқиши ва эшитиб ўзлаштириши, шунингдек, ҳар хил (ахборот ва амалий характердаги, адабий) матнларни ишлаб чиқиши;
- ✓ турли манбалардан маълумот ола билиши;
- ✓ ОАВ, Интернетдан маълумот топишни ва танқидий баҳолашни ўрганиши;
- ✓ манбалардан фойдалана олишни ва улардан далил келтиришни билиши;
- ✓ жадваллар, диаграммалар, схемалар, шартли белгиларни ўқишни билишни ва ўз матнларини тайёрлашда улардан фойдалана билиши;
- ✓ матн билан ишлашда ўқишнинг турли стратегияларини амалга оширишни.

Матннинг асосий турлари



7-расм. Матнларнинг асосий турлари

5. Турли ҳажмдаги асарлар ўқитувчига ўқувчиларнинг турли хил даражадаги тайёрлигини ҳисобга олиш имконини беради. Таълимдаги дифференцияланган, алоҳида ёндашув замонавий бошланғич таълимнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ишга дифференциал ёндашувнинг зарурати шунга боғлиқки, ҳар бир синфда ҳар хил хусусиятларга эга бўлган ва таълим тилини турли даражада билган бошқа ўқувчилар бўлиши ҳам мумкин. (қаранг: 1-модуль. Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш).


Матнларни маълум бир тоифалар ёки мезонлар бўйича аниқ тақсимлаш мумкин эмас, чунки айнан бир матн, одатда, турли белгиларга эга ва бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин. PISA тестининг тузувчилари томонидан ишлаб чиқилган тестлар таснифидан методик мақсадларда фойдаланиш қулай. Улар матнларни **яхлит** ва **нояхлит** матнларга бўлади (7-расм).

Ўқувчилар мактабда, жумладан, кундалик ҳаётида ўқийдиган матнлар *яхлит* матнларга киради:


- тавсифлаш (ҳикоядан парча, шеър, одамни, жойни, предметни таърифлаш ва бошқалар);
- айтиб бериш (ҳикоя, шеър, қисса, масал, хат, газета ёки журналдаги мақола, дарсликдаги мақола, кўрсатма, реклама, фильм ёки спектаклнинг қисқа мазмуни, блог пости, сайтларнинг турли материаллари);
- ўйлаб кўриш (мулоҳаза-матн, шарҳлаш, шахсий фикрини далиллаш).

Нояхлит матнларга:

- графиклар;
- диаграммалар;
- схемалар (кластерлар);
- жадваллар;
- географик хариталар ва жойлар хариталари;
- бино, жойлар, иншоотларнинг чизма режаси;
- кириш чипталари;
- транспорт ҳаракати жадвали;
- сайтлар хариталари ва бошқалар киради. (8-расм)



ЗСБП-БИДИРМЕ СЧЕТ-ИЗВЕЩЕНИЕ		Бишкек ш. мэриясы "Тазалык" муниципалдык ишканасы. Муниципальное предприятие "Тазалык" мэрии г. Бишкек	
июнь 2020 г.	5007511-0	Булатов Р.Р.	90,00
Свердлов району	Аламедин 1 мкр. д.15 кп.14	Жашагандардын саны / К-во проживающих 4	Телефон 34-47-53
Свердловский район	Маматкулова Чолпонай.	пенсиягерлер саны / В том числе пенсионеров 0	30.08.2020 16:18:44
Свердлов району		Бишкек ш. мэриясы "Тазалык" муниципалдык ишканасы. Муниципальное предприятие "Тазалык" мэрии г. Бишкек	
Маматкулова Чолпонай.		ул.Ростовская 19 Б Телефон для справок 34-47-53	
июнь 2020 г.	5007511-0	Таштандыларды чыгаруу үчүн эсеп / Расчет платежа за вывоз мусора	90,00
1 адамга баанын коюлушу/Расценка на 1-го жильца 22,5		Жашагандардын саны / К-во проживающих 4	
1 пенсионерге баанын коюлушу/Расценка на 1 пенсионера 0		пенсиягерлер саны / В том числе пенсионеров 0	
Кыргыз Долг	Алдын ала төлөм Предоплата	Эсептеди Накислено	Кайталан эсептеди Передоплат
0,00	0,00	90,00	0,00
СЧС / НСП 0%		0,00	Пени 0,00
		Бардык төлөм Итого к оплате: 90,00	



8-расм. Нояхлит матнларга мисоллар

Ўқувчилар ўқиш, ватаншунослик ва бошқалар юзасидан дарсликлардаги яхлит ва нояхлит матнларни ўқишнинг турли стратегияларини эгаллаши зарур. Ўқитувчилар учун яхлит бадиий ва илмий-маърифий матнлар ўқиш стратегияларини қай тарзда ўргатишни кўрсатувчи жуда кўп кўрсатмалар мавжуд, лекин болаларга нояхлит матнни қандай ўқиш, хулосалаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва фойдаланиш ҳақида тавсиялар етарлича эмас. Шундай бўлса-да, нояхлит матндан олинган маълумотдан фойдаланиш – ҳам мактабда, ҳам ундан ташқарида бошланғич мактаб ўқувчилари учун зарур бўлган реал малака ҳисобланади. Мактаб дарсликларида жадваллар, схемалар, жойларнинг чизма режалари, хариталар ва бошқалар бор. Нояхлит матн ичидаги маълумотни тушуниш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш ўқувчиларга ўрганилаётган мазмунни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. 3- ва 4-жадвалларда ўқувчиларга яхлит ва нояхлит матнлар мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган ўқиш стратегиялари тавсифланади.

3-жадвал. Яхлит илмий-ўқув матнларни уларнинг ўқиш турлари билан боғлиқликда ўқиш турлари ва усуллари (Бунеева Е.В., Чиндилова О.В., 2014)

	Кўриб чиқиш учун ўқиш	Танишиб чиқиш учун ўқиш	Ўрганиб чиқиш учун ўқиш
Мақсад	Матн мазмуни ва маъноси ҳақида даслабки умумий тушунча	Асосий маълумотни олиш	Матнни таҳлил қилиш ёрдамида мазмунини тушуниб олиш
Охирги натижа	Қарор: матнни ўқиш ёки ўқимаслик	Қарор: маълумот етарлича ёки матнни қайтадан ўқиб чиқиш ва таҳлил қилиш	Матннинг барча маъновий даражаларини тушуниш
Усуллар	<ul style="list-style-type: none"> • сарлавҳани таҳлил қилиш, мазмунни олдиндан айтиб бериш; • кичик сарлавҳаларни таҳлил қилиш, сурат, схема, агар бор бўлса, уларнинг ости ёки устидаги ёзувларни, шрифтга оид ва график ажратишларни кўриб чиқиш; • матн тузилиши билан танишиш; • матннинг биринчи ва охирги абзацларини кўриб чиқиш; • агар бор бўлса, мундарижа билан танишиб 	<ul style="list-style-type: none"> • матнни абзацлар бўйича ўқиш, ҳар бир абзацдаги отларга, биринчи ва охирги гапларга диққатни жалб қилиш; • ўқиш пайтида муҳим аҳамиятга эга маълумотни ажратиш; • ўқиш пайтида ўқиётган одам ўзи қабул қилган шартли график белгиларни кўйиб чиқиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • матннинг маъновий қисмларини ажратиш; • ўқиб чиқилганга таяниб, матннинг кейинги қисмлари мазмуни ва маъносини олдиндан айтиб бериш; • таянч сўзларни ажратиш; • маъновий қисмларни уларнинг қисқартирилган вариантлари, эквивалентлари билан алмаштириш; • матн тафсилотларини, туб маъноли маълумотни аниқлаш; • матннинг у ёки бу функционал услубга тегишлилигини аниқлаш; • матнни ўқиш пайтида ва ўқишдан кейин муаммоли саволлар тузиш; • асосий фикрларни кўчириб олиш; • матн тузилишини ва матн қисмларининг ўзаро боғланишини аниқловчи режа ва график схемалар тузиш; • қайта ишлаш: берилган матн

	Кўриб чиқиш учун ўқиш	Танишиб чиқиш учун ўқиш	Ўрганиб чиқиш учун ўқиш
	чиқиш; • агар бор бўлса, аннотацияни ўқиш.		асосида иккиламчи матнлар яратиш; • ўқувчининг матнга шарҳлари.

4-жадвал. Нояхлит илмий-ўқув матнларни ўқиш турлари ва усуллари (Бунеева Е.В., Чиндилова О.В., 2014)

	Танишиб чиқиш учун ўқиш	Таҳлил қилиш учун ўқиш
Мақсад	Матндаги асосий маълумотни топиш.	Аниқ ва яширин маълумотларни олиш.
Охирги натижа	Матндаги асосий маълумотни тушуниш.	Барча матн маълумотларини тушуниш.
Ўқиш усуллари	<ul style="list-style-type: none"> • нояхлит матн турини аниқлаш (жадвал, схема, харита ва бошқалар); • матн тузилиши билан танишиш, устунлар, қаторлар ва бошқалар сонини аниқлаш; • таянч сўзларни ажратиш (белгилар, ишоралар ва ҳ.к.); • нояхлит матннинг турли маъновий блокларини аниқлаш; • нояхлит матннинг асосий мазмунини ифодалаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • матн тузилишини таҳлил қилиш, устунлар, қаторлар ва бошқалар сонини асослаш; • ажратиб кўрсатилган таянч сўзлар (белгилар, ишоралар ва ҳ.к.) асосида матн мазмуни ҳақида бир бутун тушунча тузиш; • матннинг маъновий блокларини (элементларини) уларнинг муфассал эквивалентлари билан алмаштириш; • нояхлит матн мазмунини, шу жумладан мавҳум кўринишда берилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда баён қилиш.

Нояхлит матнлар билан ишлашнинг энг самарали усули бу унумли ўқиш технологияси бўлиб (Бунеева Е.В., 2013), у баъзи масалалар бўйича ўқувчилар билан муҳокама қилишни ўз ичига олиши мумкин:

- ◆ Матн қандай номланган?
- ◆ Матн қандай шаклда берилган?
- ◆ Матнда қандай маълумот кўрсатилган?
- ◆ Бу маълумот қандай амалий аҳамиятга эга?

Агар жадвал ёки диаграммалар кўриб чиқиладиган бўлса, унда қўшимча саволлар ишлатилади:

- ◆ Маълумотлар қандай birlikларда ўлчанади? (Бу ерда гап рақамли маълумотлар ҳақида бормоқда, масалан, математика дарсларида: километр, метр, тонна, центнер ва бошқалар).
- ◆ Сиз маълумотларнинг қандай қонуниятларга асосланганини кузатмоқдасиз? Аниқланган қонуниятларга ўз изоҳингизни таклиф қилинг. (Масалан, схемалар таққослашни ёки масалалар шартини кўриб чиқишда нимадир ...га кўп ёки оз бўлса, қўшиш ёки айиришни ишлатамиз, агарда нимадир ... марта кўп ёки оз бўлса, унда – кўпайтириш ёки бўлишдан фойдаланамиз).

- ◆ Аниқланган қонуниятлар ичида мустаснолар борми ва улар нималар билан боғланган?
- ◆ Ва шу кабилар.

Бунеева Е.В. бошланғич мактабда нояхлит илмий-ўқув матнларни тўлақонли ўқишни (яъни идрок қилиш ва тушунишни) таъминловчи умумий ўқув қобилиятлари ва машқлар (топшириқлар) типологияси рўйхатини таклиф қилади (Бунеева Е.В., 2013):

1. Яхлит ва нояхлит матнларни фарқлаш, нояхлит матн турини аниқлаш қобилияти: а) матн қандай гуруҳга тегишли эканлигини (яхлит ёки нояхлит ҳисобланишини) аниқлаш; б) нояхлит матн турини аниқлаш (бу нояхлит матннинг қайси тури? Сиз буни қандай аниқладингиз? Бу топшириқда нояхлит матннинг қандай турлари берилган? Сизнинг олдингизда қандай матнларни ўқиб чиқиш турибди?).

2. Ноябрьхлит матнни ўқиш қобилияти (уни ўзлаштириш, ундан очиқ ва мавҳум кўринишда берилган маълумот олиш, уни талқин қилиш): а) сарлавҳа асосида матн мазмуни ҳақида ўз тахминларини билдириш; б) матн тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; в) ўқиш пайтида махсус график белгилар қўйиш; г) таянч сўзларни (белгиларни) ажратиш; д) матн ичида очиқ кўринишда бўлган маълумотни ифодалаш; е) ўқиш пайтида ва ўқишдан кейин муаммоли саволлар қўйиш; ж) ўз таърифини тушунтириш билан туб маънони (матн ичида мавҳум кўринишда бўлган маълумотни) ифодалаш; з) нояхлит матнга сарлавҳа қўйиш.

3. Маълумотни бошқа матнга оид шаклларга ўтказиш қобилияти: а) берилган жадвал (схема,...) асосида оғзаки (ёзма) яхлит матн тузиш; б) нояхлит матн асосида қоида (таъриф, қонуният) ифодалаш; в) берилган яхлит матндан олинган маълумотни жадвал шаклида кўрсатиш: устунлар сонини аниқлаш, сарлавҳа қўйиш ва ҳ.к.; г) матнни, қоидани (таърифни) схема, таянч конспект ва бошқалар шаклида кўрсатиш.

4. Ноябрьхлит матн кўринишини ўзгартириш қобилияти: схемани жадвалга ўтказиш ва ҳ.к.

5. Мустақил равишда нояхлит матн яратиш ва безаш қобилияти: а) берилган жадвални (схемани) етишмаётган маълумотлар билан тўлдириш; б) яхлит матнни ўқиш, янги маълумотни ажратиш ва таянч сўзларни ёзиш; в) дастлабки нояхлит матнни кенгайтириш; г) яхлит матнни ўқиш ва нояхлит матн кўринишини танлашни асослаш; д) унинг асосида жадвал (схема, график, диаграмма ва ҳ.к.) тузиш.

6. Ўқув вазифасини ҳал қилиш учун олинган маълумотдан фойдаланиш қобилияти: а) ўқиб чиқилган нояхлит матн мазмуни асосида саволлар (топшириқлар) тизимини ифодалаш; б) олинган маълумотдан янги вазиятда фойдаланиш; в) янги ва олдин олинган маълумотни таққослаш; г) шу жумладан, нояхлит матндан олинган маълумотни ишлатиш орқали маълум бир мавзудаги лойиҳа (мини-лойиҳа) бажариш.

Рус тили дарсларида жадвал кўринишидаги нояхлит матндан фойдаланишнинг бир неча мисолини кўриб чиқамиз.

1-МИСОЛ:

ГЛАСНЫЕ ПОСЛЕ ШИПЯЩИХ		
Жи Ши	пиши с буквой И	 жираф  машина
чу щу	пиши с буквой У	 чучело  щука
ча ща	пиши с буквой А	 чайка  щавель

Масалан, рус тили дарслигида жи, ши, ча, ща, чу, щу ҳарфий бирикмаларининг имло қоидаси жадвалда берилган.

Ўқувчи уни мустақил равишда ўқиб чиқиши ва эслаб қолиши керак. Агар ўқитувчи ҳамма ўқувчилар маълумотни тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун суҳбат ўтказмаса, ўқувчиларнинг бир қисми жадвал ўқишни билмаслиги сабабли бу қоидани ҳақиқатан ўзлаштира олмаслик хавфи бор. Масалан, суҳбат қуйидагича ташкил қилиниши мумкин:

9-расм. Жадвал кўринишидаги қоида
(https://klike.net/uploads/posts/2020-06/1592726963_9.jpg)

Ўқитувчи: Матн қандай номланган?

Ўқувчилар: Жадвал.

Ўқитувчи: Келинлар, исботлашга уриниб кўрамиз.

Ўқувчилар: Унда қаторлар, устунлар бор, рус тили фанидан маълумот ёзилган.

Ўқитувчи: Матндаги қаторларда қандай маълумотлар кўрсатилган?

Ўқувчилар: жи, ши, ча, ща, чу, щу ҳарфий бирикмаларида шипилдоқ ундошлардан кейин биз қандай ҳарфлар ёза олишимиз кўрсатилган.

Ўқитувчи: У қандай кўринишда берилган?

Ўқувчилар: Схема кўринишида.

Ўқитувчи: Устунларда биз нималарни кўряпмиз?

Ўқувчилар: жи, ши, ча, ща, чу, щу ҳарфий бирикмалари иштирокида ёзилган сўзларни.

Ўқитувчи: Устунлардаги маълумот қандай кўринишда берилган?

Ўқувчилар: Расмлар ва уларнинг остида сўзлар берилган, керакли унлилар қизил ранг билан ажратилган.

Ўқитувчи: Биз жадвалдан нималарни билиб олдик?

Ўқувчилар: жи ҳамда ши ҳарфий бирикмаларини и ҳарфи орқали, чу ҳамда щу ҳарфий бирикмаларини у ҳарфи орқали, ча ҳамда ща ҳарфий бирикмаларини а ҳарфи орқали ёзиш кераклигини билиб олдик.

2-МИСОЛ:

Яна битта мисол кўриб чиқамиз (Е. Бунеева томонидан таклиф қилинган //

<https://pedsovet.org/beta/article/cto-takoe-nesplosnye-teksty-i-kak-ih-citat>): ўқувчилар “Ёзма нутқда тиниш белгиларининг вазифалари” номли жадвални тўлдириши, сўнгра жадвал асосида айнан шу мавзу бўйича оғзаки ҳикоя тузиши керак.

ЁЗМА НУТҚДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ	УЛАР ҚАНДАЙ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ

Жадвал устунларининг сарлавҳалари: | *Тиниш белгилари* | *Қандай роль ўйнайди* | ва бу устунлар бўйича жойлаштириш керак бўлган сўзлар берилган: *нуқта, кўп нуқта, савол белгиси, ундов белгиси, вергул, нуқтали вергул, тире, икки нуқта, қўштирноқ, иккита вергул, иккита тире, қавслар, яқунлаш, бўлиш, ажратиш.*

Ҳамма ўқувчилар топшириқни тушунганига ва жадвал кўринишида ўзининг нояхлит матнини туза олишига ишонч ҳосил қилиш учун ушбу ишни ўтказиш мумкин:

1. Жадвалдаги “Ёзма нутқда тиниш белгиларининг функциялари” номли сарлавҳани ўқиймиз.

Нима ҳақида очиқ айтилган? *Тиниш белгиларининг ёзма нутқда маълум бир функциялари бор.* Сарлавҳанинг асл маъноси нимада? *Бундай функциялар бир нечта (кўплик шакли ишлатилган – функциялар).* Ўқитувчида қандай савол пайдо бўлади? Бу функциялар нечта ва улар қанақа?

2. Бу саволга жавоб қидирамиз: жадвал устунлари номларини ўқиймиз: Тиниш белгилари. Қандай роль ўйнайди?

Улар қандай қўшимча маълумот билдиради? *Тиниш белгиларини айтиш керак ва уларнинг ёзма нутқдаги ролни кўрсатиш керак.* Бу ерда тубмаъноли маълумот бор: *иккита устун кўрсатилган, демак, барча берилган сўзларни уларга жойлаштириб, иккита гуруҳга бўлиш керак.*

3. Жадвалга қўйилиши керак бўлган сўзларни ўқиймиз: нуқта, кўп нуқта, савол белгиси, ундов белгиси, вергул, нуқтали вергул, тире, икки нуқта, қўштирноқ, иккита вергул, иккита тире, қавслар, яқунлаш, бўлиш, ажратиш.

Барча тиниш белгилари ва уларнинг функциялари бўйича гуруҳлари бу ерда кўрсатилган. *Тиниш белгиларининг функциялари нечта ва улар қайсилар, деган саволга жавоб мана шу.* Тубмаъно: тиниш белгиларини гуруҳлаш керак, рўйхатда функция бўйича учта гуруҳ номи (яқунлаш, бўлиш, ажратиш) берилгани, устунлар эса иккиталиги учун жадвалда олтита катак бўлади. Топшириқда бу ҳақида бевосита айтилмаган, лекин биз бу маълумотни матннинг асл маъносидан топдик.

Иш натижаси – жадвал. Унга таянган ҳолда, функция бўйича тиниш белгиларининг учта гуруҳи ҳақида айтиб бериш керак.

ЁЗМА НУТҚДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ		УЛАР ҚАНДАЙ РОЛЬ УЙНАЙДИ
.	Нуқта	яқунлаш
...	Кўп нуқта	
?	Савол белгиси	
!	Ундов белгиси	
,	Вергул	бўлиш
;	Нуқтали вергул	
:	Икки нуқта	
–	Тире	
«...»	Қўштирноқ	ажратиш
, ... ,	Иккита вергул	
–...–	Иккита тире	
(...)	Қавслар	

Қуйида нояхлит матн (моҳир-синфга чипта) билан ишлашга мисол келтирилган, унда 4-жадвалда кўрсатилган баъзи топшириқлар амалга оширилади.

Нояхлит матн билан ишлашга мисол “Моҳир-синфга чипта”

Таълимий дастур доирасида	<i>«Музейдаги дам олиш»</i>	Моҳир-синфга таклиф этамиз:
---------------------------	-----------------------------	-----------------------------

«ПЛАСТИЛИНЛИ АКВАРИУМ»


Ўқитувчи: Жестовский Николай
Материалли: сузувчи пластилин

6 октябрь соат 12:00да

Давомийлиги: 45 дақиқа

Болалар учун **5+**

	Гапар Айтиев номидаги Қирғизистон Миллий тасвирий санъат музейи	Телефонлар орқали қайд этиш: 0312-664-959,0779-526-966	Чипта баҳоси 150 с
---	---	---	---------------------------

Иш мазмуни	Ўқитувчи учун изоҳлар
<p>Матнни ўқиб чиқинг ва топшириқни бажаринг.</p> <div style="background-color: #0070C0; color: white; padding: 5px; text-align: center;"> <p>Таълимий дастур доирасида <i>«Музейдаги дам олиш»</i> Моҳир-синфга таклиф этамиз:</p> </div> <div style="background-color: #0070C0; color: white; padding: 5px; text-align: center;"> <p>«ПЛАСТИЛИНЛИ АКВАРИУМ»</p> <p>Ўқитувчи: Жестовский Николай Материалли: сузувчи пластилин</p> <p>6 октябрь соат 12:00да</p> <p>Давомийлиги: 45 дақиқа</p> <p>Болалар учун 5+</p> </div> <div style="background-color: #0070C0; color: white; padding: 5px; text-align: center;"> <p> Гапар Айтиев номидаги Қирғизистон Миллий тасвирий санъат музейи Телефонлар орқали қайд этиш: 0312-664-959,0779-526-966 Чипта баҳоси 150 с</p> </div> <p>1-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.</p> <ol style="list-style-type: none"> Ушбу чипта билан қандай моҳир-синфни бориб кўришингиз мумкин? Моҳир-синф дарслари ўтказиладиган таълим дастури қандай номланади? Моҳир-синф қаерда ўтказилади? <ol style="list-style-type: none"> Тарихий музейда Тасвирий санъат музейида Ҳайвонот музейида Моҳир-синфда Сиз нималарни ўрганиб олишингиз мумкин? <ol style="list-style-type: none"> пластилиндан нарсалар ясашни 	<p>Нояхлит матнларни ўқиш ўқувчилар учун осон масала эмас ва бундай матнларни ўқишга ўргатиш учун ўқитувчидан мунтазам амалиётни ва тизимли ишни талаб қилади.</p> <p>Сизнинг эътиборингизга “Моҳир-синфга чипта” матни билан ишлаш вариантларидан бирини ҳавола қиламиз. Матн ва унинг топшириқлари 3-4 синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Изоҳларда келтирилган ушбу матн билан ишлашнинг мисоллари мумкин бўлган ягона мисоллар эмас. Ўқитувчи уларни тузатиши, тўлдириши ва ўзгартириши мумкин. Ўқувчиларга чиптани ўқиб чиқишни ва матн топшириқларини бажаришни таклиф қилишдан аввал, матн турини ва ушбу матндан қандай маълумотларни олишимиз мумкинлигини аниқлаш устида иш олиб борилиши муҳим.</p> <p>Бунинг учун ўқитувчига ушбу саволлар бўйича суҳбат уюштириш тавсия қилинади: – Сиз ҳозир қаршингизда нимани кўряпсиз? (<i>Чиптани</i>). <i>Биз чиптадан қандай маълумотни билиб олишимиз мумкин? (Қандай тадбир бўлади, у қачон ва қайси вақтда бўлиб ўтади, нархи қанча, бу тадбир қаерда ўтказилади).</i></p> <p>Энди, ўқувчилар чиптада қандай маълумот борлигини билиб олишгандан кейин, топшириқни бажаришга ўтишлари мумкин. – <i>Келинлар, бу маълумотни билишга уриниб кўрамиз. Бунинг учун биз 1-топшириқни бажаришимиз ва барча</i></p>

Иш мазмуни	Ўқитувчи учун изоҳлар														
<p>б) аквариум тозалашни в) балиқлар чизишни</p> <p>5. Чипта сотиб олганингиздан кейин Сизда 50 сом қолди. Сиз ўз дўстингиз учун яна битта чипта сотиб олишингиз мумкинми?</p> <p>6. Тўрт яшар укангизнинг Сиз билан боргиси келяпти. Сиз уни ўзингиз билан бирга олиб боришингиз мумкинми?</p> <p>7. Моҳир-синф 12:00да бошланади. Онангиз Сизни кутиб олгиси келяпти. У соат нечада музей олдига келиши керак?</p>	<p><i>саволларга жавоб топишга уриниб кўришимиз керак.</i></p> <p>Ушбу машғулоти бажаришда ўқувчилар излаб ўқиш малака-сини мустақамлайдилар. Ушбу топшириқдаги таклиф қилинган саволлар қуйидаги кўникмаларни ривожлантиради: 1-4 саволлар аниқ шаклда берилган маълумотни топиш ва олиш қобилиятини ривожлантиришга, 5-7 саволлар эса – билвосита бериладиган маълумотларни олишга йўналтирилган.</p>														
<p>2-топшириқ. Тўғри фикрларни V белгиси билан белгиланг.</p> <table border="1" data-bbox="165 965 759 1518"> <tbody> <tr> <td data-bbox="165 965 663 1043">1) Моҳир-синфга музейда ёзилиш мумкин.</td> <td data-bbox="663 965 759 1043"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1043 663 1122">2) Музей Қирғизистонда жойлашган.</td> <td data-bbox="663 1043 759 1122"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1122 663 1200">3) Болалар моҳир-синфга 6 октябрда борадилар.</td> <td data-bbox="663 1122 759 1200"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1200 663 1238">4) Чипта нархи 150 сом.</td> <td data-bbox="663 1200 759 1238"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1238 663 1317">5) Моҳир-синф 1 соат давом этади.</td> <td data-bbox="663 1238 759 1317"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1317 663 1435">6) Болалар моҳир-синф ўтказадиган ўқитувчининг исми-шарифини билмайдилар.</td> <td data-bbox="663 1317 759 1435"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="165 1435 663 1518">7) Моҳир-синфда ишлаш учун пластилин керак.</td> <td data-bbox="663 1435 759 1518"></td> </tr> </tbody> </table>	1) Моҳир-синфга музейда ёзилиш мумкин.		2) Музей Қирғизистонда жойлашган.		3) Болалар моҳир-синфга 6 октябрда борадилар.		4) Чипта нархи 150 сом.		5) Моҳир-синф 1 соат давом этади.		6) Болалар моҳир-синф ўтказадиган ўқитувчининг исми-шарифини билмайдилар.		7) Моҳир-синфда ишлаш учун пластилин керак.		<p>Иккинчи топшириқ устида ишлашни ҳар хил йўллар билан ташкил қилиш мумкин. Масалан, ўқувчилар ишлашни мустақил равишда бажаришлари мумкин: аввал матнни ўқишади, кейин тўғри ва нотўғри фикрларни белгилаган ҳолда қўйилган саволларга жавоб берадилар, сўнгра фронтал сўроқлашда ўз танловини тушунтирадилар. Иккинчи вариант – жуфтликда ишлаш: бир ўқувчи фақат тўғри фикрларни, иккинчиси эса – нотўғри фикрларни қидиради ва изоҳлайди. Учунчи вариант – гуруҳда ишлаш. Гуруҳлар топшириқни бажаришади, сўнг ким нечта тўғри/нотўғри фикр топганини таққослашади.</p> <p>Ушбу машқ ўқувчилар диққат-эътиборини матннинг айрим жиҳатларига жалб қилиш, матн қанчалик тўғри тушунилгани ёки очик кўринишда берилган маълумот қай даражада аниқ ўзлаштирилганини аниқлаш имконини беради. – <i>Келинелар, биз сизлар билан бу матнни қай даражада тўғри тушунганимизни текшириб кўрамиз. 2-топшириқни бажаринг. Тасдиқланган маълумотни матнда (чиптада) белгиланг (тагини ёки атрофини чизиб чиқинг ва ҳ.к.).</i></p>
1) Моҳир-синфга музейда ёзилиш мумкин.															
2) Музей Қирғизистонда жойлашган.															
3) Болалар моҳир-синфга 6 октябрда борадилар.															
4) Чипта нархи 150 сом.															
5) Моҳир-синф 1 соат давом этади.															
6) Болалар моҳир-синф ўтказадиган ўқитувчининг исми-шарифини билмайдилар.															
7) Моҳир-синфда ишлаш учун пластилин керак.															
<p>3-топшириқ. “Мумкинми ёки мумкин эмасми?”. Сўзларни учта устунга ёзинг.</p> <p>Ёрдамчи-сўзлар: <i>телефонда моҳир-синфга ёзилиш; моҳир-синфга бепул кириш; беш ёшдан катталарга моҳир-синфда қатнашиш; бино ичига устки кийимда кириш; беш ёшдан кичик болаларни олиб келиш; 16 октябрда моҳир-синфга бориш; 150 сомга чипта сотиб олиш; пластилиндан ясалган ҳайкалчаларни суратга олиш.</i></p>	<p>3-топшириқ ўқитувчига мавҳум кўринишда берилган маълумот қанчалик ўзлаштирилганини текшириш имконини беради. Бундан ташқари, бу топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг нояхлит матн кўринишини ўзгартириш/матнни бошқа матн шакллариغا ўтказиш қобилияти ривожланади. Ушбу машқни мустақил бажариш тавсия қилинади. Ўқитувчи ўқувчилар билан жадвални қандай тузишни олдиндан муҳокама қилиб олиши; маълумот жадвалда қандай жойлашганлигини улардан ёдга олишларини илтимос қилиши; устунлар</p>														

Иш мазмуни			Ўқитувчи учун изоҳлар																
МУМКИН	МУМКИН ЭМАС	МАЪЛУМОТ ЙЎҚ	сарлавҳасини ва қаторлар сонини муҳокама қилиши; зарур бўлганда ўқувчилар эътиборини қаторлар сони, у ёки бу устунга нечта сўз бирикмаси киритиши мумкинлигини кўрсатиб беришига қаратиши керак. Топшириқни мустақил бажариш учун вақт ажратиш, сўнгра умумий гуруҳда муҳокама ташкил қилиш керак.																
<p>4-топшириқ. Моҳир-синф ҳақида нималарни билиб олганингизни ёзинг.</p> <p>1-вариант. Моҳир-синф ҳақида нималарни билиб олганингизни ёзинг. Бунинг учун гапларни тўлдилинг. Мен моҳир-синф _____ деб аталишини билиб олдим. У _____ да ўтказилади. Моҳир-синф _____, соат _____ да бўлиб ўтади. Чипта нархи _____. Унга _____ ёзилиш мумкин. оҳир-синфга фақат ёши _____ болалар бориши мумкин.</p> <p>2-вариант. Моҳир-синф ҳақида нималарни билиб олганингизни ёзинг. Жадвални тўлдилинг.</p> <table border="1"> <tr><td>Номи</td><td></td></tr> <tr><td>Санаси ва вақти</td><td></td></tr> <tr><td>Ўтказиш жойи</td><td></td></tr> <tr><td>Давомийлиги</td><td></td></tr> <tr><td>Нархи</td><td></td></tr> <tr><td>Рухсат берилган ёш</td><td></td></tr> <tr><td>Ўқитувчи</td><td></td></tr> <tr><td>Моҳир-синфга ёзилиш телефонлари</td><td></td></tr> </table> <p>3-вариант. Моҳир-синф ҳақида нималарни билиб олганингизни ёзинг.</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>_____</p>			Номи		Санаси ва вақти		Ўтказиш жойи		Давомийлиги		Нархи		Рухсат берилган ёш		Ўқитувчи		Моҳир-синфга ёзилиш телефонлари		<p>4-топшириқ сермаҳсул ҳисобланади. Бир томондан, бу топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг нояхлит матн кўринишини ўзгартириш қобилияти ривожланади, иккинчи томондан – ўқувчилар ўзларининг шахсий матнини тузишни ўрганишади. Ўқувчиларга ушбу топшириқни дарсда (агар вақт бўйича улгуришса) ёки – уй вазифаси сифатида бажаришни таклиф қилиш мумкин. Топшириқда кўрсатилган вариантлар ўқитувчига ўқувчилар яратадиган маҳсулни дифференциалаш имконини беради. Биринчи ва иккинчи вариантлар нояхлит матн асосида шахсий яхлит матн яратиш учун қобилияти айни вақтда унча яхши ривожланмаган ўқувчиларга мосланган. Биринчи вариантда таклиф қилинган қурилмалар ва чипта матнидан олиш мумкин бўлган маълумотлар иккинчи вариантда улар учун таянч бўлиб хизмат қилади. 3-вариант мустақил равишда матн ярата оладиган ўқувчиларга мўлжалланган. Қайси ўқувчи қандай топшириқни аниқ уддалай олишини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи ўзи топшириқлар вариантларини бўлиб бериши мумкин. Бу ҳар бир ўқувчи учун муваффақиятга эришиш вазиятини яратиш имконини беради. Бошқа томондан – ўқувчиларга қизиқарли бўлган вариантни мустақил танлашни таклиф қилиш мумкин. Топшириқ сермаҳсул бўлгани учун ўқувчилар ишини баҳолаш лозим. Буни, масалан, ўқувчиларга баҳолаш мезонларини таклиф қилган ҳолда бажариш мумкин. – <i>Агар Сиз бу топшириқ учун “5” олишни хоҳласангиз, Сиз баҳолаш мезонларида тавсифланган шартларга риоя қилишингиз керак:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Матн яратишда чиптада кўрсатилган камида 8та далил акс этиши – 4 балл (ҳар бири учун 0,5 баллдан). 2. Матн хатосиз ёзилиши (орфографик, пунктуацион хатолар йўқ) – 1 балл. Мезонли баҳолаш ўқитувчига ўқувчилар ишини текширишда янада холисона бўлиш имконини беради. Агар матн ёзишда ўқувчи кўплаб грамматик хатога йўл қўйган бўлса ҳам, баҳо қўйишда фақат бир балл
Номи																			
Санаси ва вақти																			
Ўтказиш жойи																			
Давомийлиги																			
Нархи																			
Рухсат берилган ёш																			
Ўқитувчи																			
Моҳир-синфга ёзилиш телефонлари																			

Иш мазмуни	Ўқитувчи учун изоҳлар
	олинишига эътибор беринг (дарсда фақат ёзилган матннинг хатосизлигига баҳо қўйилган ҳолатлар бўлади: агар ўқувчи топшириқни бажарса-да, лекин 5тадан кўп хатога йўл қўйган бўлса, у “2” олади. Гарчи у умуман бу топшириқни бажармай “2” олиши мумкин эди. Бу ҳолатда у кейинги сафар, ҳар қандай ҳолда ҳам “2” олишини тахмин қилиб, шунга ўхшаш топшириқларни бажаришга ҳаракат қилмаслигининг хавфи бор).

2.2. Ўқиш САВОДХОНЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТЕКШИРИШ КЕРАК?

Ўқишнинг хатосизлиги махсус саволлар ва топшириқлар ёрдамида теширилади, уларни тузишда матнни тушуниш даражалари ҳисобга олинади. Бу даражаларга тўғри келадиган қобилиятлар, саволлар, топшириқларнинг тавсифи 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал. Ўқишнинг хатосизлиги: матнни тушуниш даражалари (Логвина И., Рождественская Л., 2012)

Матнни тушуниш даражаси	Мураккаблик даражаси	Текшириладиган қобилиятлар рўйхати	Саволлар турлари	Тест топшириқлари турлари
Умумий тушуниш	Билиш Тушуниш Қўллаш	1) матн мавзусини ва асосий ғоясини аниқлай олиш;	Матннинг мавзуси қандай?	<ul style="list-style-type: none"> • жавоб танланадиган (масалан, сўзлари тушириб қолдирилган матн); • мувофиқликни ўрнатиш; • ортиқчасини чиқариб ташлаш; • маълумотни гуруҳлаш; • кетма-кетликни аниқлаш; • таққослаш, жавоби чекланган ёки очиқ қисқа жавобли саволлар.
		2) матн сарлавҳаси орқали мавзунини ёки асосий фикрнинг пайқай олиш;	Сарлавҳа нимани акс эттиради: матннинг мавзусининг ёки асосий фикрнинг?	
		3) иккита ёки ундан ортиқ матнлардаги фарқни топа олиш / матнлар мазмунини таққослай олиш;	Берилган матнларнинг нима бирлаштирилади? Улар нима билан фарқ қилади?	
		4) асосий маълумотнинг иккинчи даражаси маълумотдан фарқлай олиш;	Қандай муаммолар ҳақида ...? Қандай воқеа ...? Қайси ўзгаришлар ...? Қаҳрамоннинг нима ... мажбур қилди? Муаллиф кимнинг ... деб атайди/ҳисоблайди?	

Матнни тушуниш даражаси	Мураккаблик даражаси	Текширилаётган қобилиятлар рўйхати	Саволлар турлари	Тест топшириқлари турлари
Маълумотнинг аниқланиши	Билиш Тушуниш Қўллаш	5) матнни тез кўриб чиқа олиш;	Матнда нечта қаҳрамон бор? Бош қаҳрамоннинг ташқи кўриниши қаерда тавсифланганини топинг? ва шу кабилар.	
		6) матннинг маъновий тузилишини аниқлай олиш ва керакли маълумотни танлаб олиш;	Матннинг биринчи қисмида нима ҳақида айтиб ўтилади? Иккинчисида-чи? Учинчисида-чи? Ҳар бир қисмга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? ва ҳ.к.	
		7) саволда бошқача ифодаланган зарурий маълумотни топа олиш;	Сиз муаллифнинг фикрига қўшиласизми? Нима учун? Ўз жавобингизни асосланг.	
		8) матнга жойланган маълумотни бошқа манбалардан олинган маълумот билан ёки шахсий тажриба билан ўзаро муносабатини аниқлай олиш;	Сиз ... га қўшиласизми? Нима учун? Ўз жавобингизни асосланг.	
Матнни талқин қилиш	Қўллаш Таҳлил қилиш Синтез	9) матнга жойланган маълумотни бошқа манбалардан олинган маълумот билан ёки шахсий тажриба билан ўзаро муносабатини аниқлай олиш;	... ўзаро муносабатини аниқланг.	<ul style="list-style-type: none"> • очиқ ёйиқ жавобли саволлар; • ўхшашликка оид топшириқлар, далиллар билан исботланган, жавоблар талаб қиладиган топшириқлар; • муҳим белгиларни ажратиш топшириқлари; • объектларни таққослаш.
		10) матн мазмуни бўйича хулоса чиқара олиш;	Ушбу ҳолатда Сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?	
		11) фикр ёки мулоҳазаларни тасдиқловчи далиллар топа олиш;	Матндан ... фикрни тасдиқловчи далил/далиллар топинг.	
		12) матн сарлавҳасини тушунтира олиш;	Матн сарлавҳасини Сиз қандай тушунасиз? Матнга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? Нима учун?	

Матни тушуниш даражаси	Мураккаблик даражаси	Текширилаётган қобилиятлар рўйхати	Саволлар турлари	Тест топшириқлари турлари
Матн мазмуни даражасидаги рефлексия	Таҳлил қилиш Синтез Баҳолаш	13) субъектив ва объектив маълумотни ажрата олиш;	Муаллиф/қаҳрамон фикрига нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.	<ul style="list-style-type: none"> • очиқ ёйиқ жавобли саволлар; • ўхшашликка оид топшириқлар, далиллар билан исботланган жавоблар талаб қиладиган топшириқлар; • муҳим белгиларни ажратиш топшириқлари; • объектларни таққослаш.
		14) матн маълумотини реал воқелик фактлари / воқеалари билан боғлай олиш;	Муаллиф қаҳрамонга қандай муносабатда? Нима учун Сиз шундай деб ўйлайсиз? Ўз фикрингизни асосланг.	
		15) ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослай олиш;	Ушбу парчада Сизни нима ҳаммасидан кўпроқ ҳайрон қолдирди? Нима учун?	
		16) маълумотнинг ҳаётий тажриба билан ўзаро муносабатини аниқлай олиш;	Бу маълумот бизга қаерда асқатиб қолиши мумкин?	
Матни бериш шакли даражасидаги	Таҳлил қилиш Синтез Баҳолаш	17) сўз билан ифодаланган истехзони, ҳазилни, маънонинг турли бўёқларини пайқай олиш;	Муаллиф/қаҳрамон ҳазил-мутойиба туйғусига эгами? Матндан мисоллар келтиринг.	<ul style="list-style-type: none"> • очиқ жавобли эркин топшириқлар; • шахсий фикрни ифодалаш ва далиллар билан исботлаш талаб қилган саволлар; • хатоси бор матн; • воқеаларни қайта тиклаш топшириқлари.
		18) бошқа асарлар билан, бошқа маълумот билан таққослай олиш.	Ушбу мавзу яна қандай асарларда кўтарилади? Шу асарлар қаҳрамонларини таққосланг?	

2.3. МАТН НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ТЎРТТА ТУРИ (ЎҚИШ, ТИНГЛАШ, СЎЗЛАШ ВА ЁЗИШ)НИ КОМПЛЕКС РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС СИФАТИДА

CLIL доирасида матнлар билан ишлашда дарсларда тил ўрганишга тизимли ёндашув қўлланади, бу нутқий фаолиятнинг тўртала малакасининг ҳаммасини: тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни ўқув жараёнига киритишни англатади.

Нутқий фаолиятнинг асосий турларини билиш мезони одамнинг коммуникатив компетентлиги асосида ётади ва эшитилаётган нутқни (тинглаш қобилиятини) ва босма сўзни (ўқиш қобилиятини) онгли равишда ўзлаштириш; шунингдек, нутқий мулоқот шартлари (ёзиш ва сўзлаш қобилиятлари)ни ҳисобга олган ҳолда, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда хатосиз, аниқ, мантиқий тўғри, ифодали етказиш кабилар инсон қобилиятларида ифодаланади.

Бошланғич мактабда коммуникатив компетентлик турли дарсларда шаклланиши мумкин. Ҳар бир шундай дарсда ўқувчилар ўқув матнларини ўқийдилар, ёзиб борадилар, матн ўқиб чиқилгандан кейин ўз фикрларини билдирадилар ва бошқалар қандай бажаришини тинглайдилар.

Масалан, агар матн билан ишлаш **тил дарсларида** олиб борилса, матнга шўнғиш рўй беради, таклиф қилинган (шакли ўзгартирилган, тугалланмаган, тушириб қолдирилган қисмлари, гаплари, сўзлари бўлган ва ҳ.к.) матн таҳлили, луғат иши, ўз - ўзини таҳлил қилиш ўтказилади. Турли топшириқлар: таянч сўзлар, сўз бирикмалари бўйича матнни тиклаш, хусусий билимларидан келиб чиққан ҳолда ўз сўзлари билан ва (луғатлар, энциклопедиялар ва ўхшаш маъноли бошқа матнлардан) қўшимча маълумот қидириш орқали ёзиш таклиф қилинади. Ўқиб чиқилган асарга аннотация (2-3та гап) ёзиш, табиат манзаралари ёки қаҳрамон тасвири тавсифларини ёзиш, қаламини синаб кўриш (саноқ (ҳисобли шеър)лар, эртақлар, ҳикоялар ёзиш орқали). Бўғинлаб ўқиш, кўчириш учун сўзларни бўғинларга бўлиш, сўзлардаги урғули бўғинни аниқлашни ўз ичига олган лингвистик машқлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилади. Алоҳида сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар билан, шунингдек, тўлиқ матнли материал билан ишлаш кўз хотирасини машқ қилдириш имконини беради, демак, орфографик зийракликни ривожлантиради.

Математика дарсларида: матнли масалалар билан ишлаш. Масала таҳлили ўтказилади, уни ечиш учун у ёки бу амални танлашдан аввал берилган ва изланган катталиклар ўртасида боғланиш ўрнатилади. Матнли масалани жадвал, схема ёки график моделга ўтказиш ва аксинча. Шунингдек, ўқитувчи масала матни устида ишлашга ҳам ижодий тус беради: савол ёки шартни ўзгартириш, қўшимча саволлар қўйиш. Бу бола савиясини кенгайтириш, атроф-муҳитни ўраб турувчи воқелик билан алоқа ўрнатиш имконини беради.

Тасвирий санъат дарсларида: айрим кўринишларни ва кичик ҳажмли асарларни расмлар билан безаш; расмларнинг айнан бир матнга чизган расмларини кўриб чиқиш ва таққослаш; қўлда ясалган китобларни расмлар билан безаш, асар қаҳрамонларига нисбатан ўз муносабатини билдириш учун ранглардан фойдаланиш, ўқиш мавзулари бўйича биргаликдаги ижод дарслари.

Ватаншунослик дарсларида: муҳим аҳамиятга эга ва эга бўлмаган белгиларни ажратиб олиш, таснифлаш, илмий матннинг бош ғоясини тушуниш, кузатишлар натижаларини қайд қилиш; кроссвордлардан фойдаланиш. Тарбиявий-маърифий руҳдаги ҳажми бўйича кичкина матнлар танланади. Бу баҳолаш, хулоса чиқариш, баҳо бериш ва ўз мисолларини келтириш қобилиятига таъсир қилиш имконини беради, шунингдек, атроф-муҳит ҳақидаги билимлар мукаммаллашиб боради.

Технология дарсларида: матн элементлари билан ишлаш, энциклопедик материал билан ишлаш, қўлда қилинадиган китоблар тайёрлаш, гуруҳга оид ижодий ишлар (“Афсонавий уйчалар”, “Эртақ ҳузурида меҳмон бўлиш” ва ҳ.к.).

ҲҲА дарсларида ишни ўқувчиларга янги ғоялар ишлаб чиқиш, ўз нуқтаи назарини ифодалаш, шахсий тажрибадан фойдаланиш, ўқиш, ёзиш, белгилар қўйиш ва ҳ.к. имкониятини бериш тарзида уюштириш мумкин.



Резюме

Шундай қилиб, предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитишда матн билан ишлаш нафақат матнни ўқиш ва тушуниш малакаларини ривожлантиришни таъминлайди, балки нутқий фаолиятнинг барча турларини ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитишни рағбатлантиради.

Дарсларда яхлит ва нояхлит матнлардан фойдаланиш ўқувчиларга улардан турли маълумот топишни ўрганиб олиш, уни тушуниш ва таҳлил қилиш, ўқиганни талқин қила олиш ва баҳолай олиш имконини беради. Матн билан ишлаш натижасида ўқувчиларнинг тўлақонли ўқишни (яъни ўзлаштириш ва тушунишни) таъминлайдиган умумўқув қобилиятлари ривожланади. Матн билан ишлаш тил ўрганишга тизимли ёндашувни назарда тутаяди, бу нутқий фаолиятнинг тўртала малакасининг ҳаммасини: тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни ўқув жараёнига киритишни аниқлатади.





3-БЎЛИМ. СКАФФОЛДИНГ: ПРЕДМЕТ МАЗМУНИ ВА ТИЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Скаффолдинг нима?
- ◆ Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш жараёнида скаффолдинг қандай роль ўйнайди?
- ◆ Скаффолдинг қандай тамойилларга асосланади?

3.1. СКАФФОЛДИНГ СЛІЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АСОС СИФАТИДА



Скаффолдинг нима?

Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш жараёнида скаффолдинг муҳим роль ўйнайди.

Скаффолдинг (Гиббонс (Gibbons), 2015) рус психологи Лев Виготскийнинг (1932-34 йиллар) асарларидан бошланган, америкалик психолог Жером Брунер (1966) томонидан ривожлантирилган (қаранг: 1-модуль. Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш); у болага муаммони ҳал қилиш, топшириқ бажариш ёки маълум бир босқичда унинг шахсий кучи ва имкониятлари доирасидан ташқарида бўлган дарс мақсадларига эришиш имкониятини берадиган ёндашувни ифодалайди (Ж. Брунерга кўра).

Муҳим ғоя: скаффолдинг

Скаффолдинг ғояси Л.С.Виготский асарларига(1932-34) асосланади, Вуд, Брунер ва Росс (1966) асарларида ривожлантирилган. Қурувчилар бино қуришда ҳавозадан фойдаланишда ва бино қурилиб битгач, ҳавозани олиб ташлайдилар. СЛІЛдан фойдаланиб ўқитишда ўқувчиларга ёрдам беришни ташкил қилишда худди шундай ёндашув қўлланади (метафора “скаффолдинг” – “қурилиш ҳавозаси”).

Ёрдам бериш скаффолдингдан нимаси билан фарқ қилади?

Ўқувчи ўқитувчидан маълум бир сўзни қандай ёзилишини сўраганида ўқитувчи унга ана шу сўзни бўғинлаб ёздириши **ёрдам беришг мисол бўлади.**

Бунинг ўрнига ўқитувчи ўқувчига сўзни бўғинлаб айтишни, сўнгра ундан айтганларини ҳарфлаб ёзишни илтимос қилса – бу **скаффолдингга мисол** бўлади. Ўқувчи айнан шу масалани ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Скаффолдинг технологияси ўқув муаммоларини ҳал қилиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсири шароитида содир бўладиган махсус таълим тури сифатида қаралади. Ўқитувчи 1) ўқувчига вақтинча ўзи уддалай олмайдиган топшириқларни бажаришда ёрдам бериши; 2) ўқувчига мустақил равишда уддалай оладиган ҳажмдаги ёки миқдордаги топшириқларни бажариш имконини бериши зарур. Бу технология Л.С. Виготскийнинг (ўқувчи ўқув вазифасини мустақил равишда ҳал

қилиши мумкин бўлган) актуал ривожланиш даражаси ва (ўқувчи фақат ўқитувчи ёрдамида ёки бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда эришишга қодир бўлган) потенциал ривожланиш даражаси ўртасида тафовут бор бўлган (1932-34 йиллардаги асарларида тавсифланган) энг яқин ривожланиш зонаси ҳақидаги ғояси асосида тузилган.

Технологиянинг моҳияти тизимли ёрдам кўрсатишдан иборат: ўқитувчи махсус маърифий ёки муаммоли-қидирув топшириқлар ва кўрсатмалар ёрдамида ўқувчига кўмаклашади ва унда мавжуд бўлган тажрибага таянган ҳолда янги билимлар очишга йўналтиради, шу билан бирга бу ёрдам турли шаклда, масалан, блок-схема, таянч ёки йўлловчи саволлар, тавсиялар ва ҳ.к. кўринишида ифодаланиши мумкин.

Ёрдам кўрсатиш предмет ва тил интеграцияси шароитларида бир неча мақсадларга хизмат қилади (Meyer O., 2013):

1. Предмет мазмунини (аслига тўғри материаллар ёрдамида) киритишда когнитив ва лингвистик ишларни камайтириш. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга ҳар қандай ўқув материалнинг мазмунини ва тилини тушунишда ёрдам беради.
2. Ўқувчиларга қўлловчи тузилмалар ёрдамида қўйилган вазифани бажариш имконини бериш.
3. Якуний маҳсулни тақдим қилишда ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш. Ўқитувчи топшириқни бажариш учун зарур бўлган иборалар, предметга оид-сўз бойлиги ва сўз бирикмаларини ҳавола қилади. Бу ўқувчиларга муҳокама мавзусига мувофиқ тарзда ўз фикрларини ифодалашда ёрдам беради.

Ушбу “ёрдам” ҳақиқий материал таркибида нотаниш лексика ва ўқувчилар тушуниши қийин бўлган грамматик вазифаларни ўз ичига олганлиги сабабли зарурдир.

Шунинг учун саволлар ва топшириқлар дарс мазмунини осонроқ ўзлаштириш, предмет мазмунини ва ўрганилаётган тилни енгилроқ тушуниш учун махсус тарзда ташкил қилиниши керак; хариталар, диаграммалар ёки расмлар билан ишлаш амалиётда мунтазам равишда амалга оширилиши ва ҳар бир CLIL дарсининг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак. Бундан ташқари, ёрдам бериш стратегияси “скаффолдинг” ўқувчиларга, уларнинг ўз қобилиятларига бўлган ишончини оширган ҳолда, она тили бўлмаган тилда нутқий мулоҳазалар тузишда ёрдам беради (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал. Скаффолдинг турлари

Вербал скаффолдинг (ўқувчиларнинг тилга оид компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган)	Процессуал скаффолдинг (кооперация техникалари ва топшириқлар бажаришни структуралаштириш)	Инструктив скаффолдинг (ўрганаётганларни ўрганиш жараёнида қўллаб-қувватлайди)
<ul style="list-style-type: none"> • бошқача ифодалаш; • “think-aloud”⁴ техникасидан фойдаланиш; • контекстан таърифлар чиқариш; • “Блум таксономияси” бўйича саволлар ишлаб чиқиш; 	<ul style="list-style-type: none"> • мавжуд билимларни фаоллаштириш; • билим даражаси қуйироқ ўқувчиларни билим даражаси юқорироқ ўқувчилар билан биргаликда ишлайдиган жуфтликлар/гурuhlарга бўлиш; 	<ul style="list-style-type: none"> • график ташкилотчилар; • кўргазмалилик, расмлардан фойдаланиш; • интерфаол лексик девор (сўзлар девори); • луғатлар;

⁴ Батафсилроқ; https://www.readingrockets.org/strategies/think_alouds

Вербал скаффолдинг (ўқувчиларнинг тилга оид компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган)	Процессуал скаффолдинг (кооперация техникалари ва топшириқлар бажаришни структуралаштириш)	Инструктив скаффолдинг (ўрганаётганларни ўрганиш жараёнида қўллаб-қувватлайди)
<ul style="list-style-type: none"> • кўрсатмалар ёза олиш; • антоним ва синонимлардан бирор мақсадда фойдаланиш; • ўқувчилар жавобларини мукамаллаштириш; • кутиш вақтидан самарали фойдаланиш; • дарсда тез-тез такрорланадиган ифодалардан фойдаланиш; • сўзларни аниқ (зарур бўлганда секин) талаффуз қилиш; • фикрларни аниқлаш; • сўзларни график ташкил қилиш бўйича тилга оид машқлар; • парафраз малакаларини ривожлантириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • “think-pair- share”⁵ технологияси; • билимларни шахсийлаштириш; • “зигзаг” техникаси; • “dictogloss”⁶ техникаси ; • ҳар хил эскирган топшириқлардан фойдаланиш; • Г. Гиббонснинг топшириқлар доираси (оғзаки-ноформал, оғзаки-формал, ёзма-ноформал, ёзма-формал); • баҳоланадиган мунозара; • симуляциялар, ролли ўйинлар. 	<ul style="list-style-type: none"> • жадвални жойлаштириш; • тоифалар бўйича бўлиш.

Скаффолдинг характеристикалари

1. Асосий саволлар бериш орқали дарс мақсади билан таништириш (бу ўқувчиларга бўлғуси дарснинг тўлиқ манзарасини кўришда ёрдам беради).
2. Топшириқлар бажариш учун кўрсатма бериш (кутилган натижаларга эришиш учун ўқувчилар нима қилиши кераклигини тушунтириш).
3. Ўқувчилар топшириқлар бажаришда ўзгарувчан бўлиши лозим, бунинг учун топшириқ бажариш бўйича қадамлар ва кўрсатмаларни пухта аниқлаб олишлари керак.
4. Скаффолдинг доимо форматив баҳолаш билан кечади (бунинг учун баҳолаш рубрикаторларига эга бўлиш, мезонли баҳолашни қўллаш керак).
5. Зарур манбаларни тақдим этиш, шу билан бирга ўқувчиларга керакли маълумотларни ўзлари топишга имконият бериш лозимлигини ҳисобга олиш даркор.
6. Қўрқув, фрустрация ва бошқа салбий ҳис-туйғуларнинг олдини олиш керак. Бунда ўқитувчи илҳомлантирувчи ва ёрдамчи ролида чиқади.
7. Скаффолдинг билан ўтган дарс тиришқоқлик билан ишлаш тартибида ўтказилиши керак. Ўқувчилар фақат ишлашга куч сарфлаган ҳолатлар ҳам самарали ҳисобланади.
8. Скаффолдинг билимларни ташкил қилишга ёрдам беради, компетентликларни

⁵ Батафсилроқ; <https://www.readingrockets.org/strategies/think-pair-share>

⁶ Батафсилроқ; <https://englishpost.org/dictogloss/>

шакллантириш учун ўрганилаётган мавзу аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради.

Скаффолдингнинг асосий кўрсаткичи ўқитувчи томонидан “сўнаётган ёрдам”, яъни ўқувчи тўлиқ алоҳида ва мустақил бўлган пайтгача ёрдам кўрсатиш жадаллиги кўрсаткичининг пасайиши ҳисобланади (10-расм).

Агар самарадорлик кўрсаткичи ўқувчи мақсадли малакани мустақил бажариш йўлида эканлигини кўрсатса, у ҳолда ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатиш аста-секин “сўниб боради”, кейинчалик эса умуман йўқолади. Малака шаклланишининг пировардида ўқитувчи томонидан “сўнаётган ёрдам” кўрсатиш тез-тез ва сермазмун бўлиши мумкин, охирига борганда эса – анча камаяди ёки умуман бўлмайди. Шу билан бирга, агар ўқув ютуқларининг характеристикалари ўқувчида етарлича ривожланиш йўқлигини кўрсатса, таянчлар қўшилиши мумкин.



10-расм. Скаффолдинг: жараён



Скаффолдингнинг асосий афзалликлари – қизиқтириш ва самарадорлик. Малакаларнинг ўзлаштирилганлик даражаси кўтарилиши биланоқ, ўқувчиларда таълим олишдаги мустақиллик ҳисси пайдо бўлади, бу уларни янада камолотга эришишга қизиқтиради.

Оливер Майер тадқиқотларининг кўрсатишича, тил ўрганишда бошқалардек истеъдодли бўлмаган ўқувчилар қўллаб-қувватловчи структураларни фойдаланишдан катта фойда оладилар. Улар, масалан, тасвирларни тавсифлашда, диаграммаларни таҳлил қилишда ёки мультфильмларни талқин қилишда қандай ва қайси тартибда ҳаракат қилишни ва айнан қандай иборалардан фойдаланишни тушунишганда, уларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқиши кўпинча ортади (Meuer O., 2013).

3.2. СКАФФОЛДИНГ АСОСИНИ ТУЗУВЧИ ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Предмет ва тилни яхлит ҳолда ўқитиш жараёнида скаффолдингдан фойдаланиш самарали бўлиши учун ўқитувчи дарсларда “муваффақият қозониш” вазиятларини яратишни таъминловчи тамойилларга риоя қилиши зарур. Ўқитувчи олдида: 1) таълим жараёнини мослаштириш; 2) предмет мазмунини ўзлаштириш учун ёрдамни таъминлаш; 3) ўқувчиларнинг тилга оид компетентликларини ривожлантириш имконини берувчи кўмакни таъминлаш ишлари туради.

1. Скаффолдинг: мослаштирилган таълим

Таълимнинг юқорида тавсифланган шакллари, усуллари ва услубларининг вазифаси, таълим олиб борилаётган тил ва ўқув фанининг шу тилдаги мазмуни тушунарли ва самарали бўлишидан иборат. Бу муаммони ҳал қилиш учун мослаштирилган таълимдан фойдаланилади.

У кузатса бўладиган учта асосий бўлим (“Тайёрланиш”, “Ўқитиш” ва “Баҳолаш”) бўйича тақсимланган стратегик ва методик компонентлардан иборат. Бу компонентлардан мослаштирилган таълимни режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш учун фойдаланилади.

Мавжуд билимлар билан алоқа ўрнатиш. Янги билимлар ва тушунчалар ўқувчиларнинг тажрибаси ва олдинги дарслар билан боғланган. Муҳим сўзларга алоҳида эътибор берилади. CLILни амалга оширишда янги билимларни мавжуд билимлар билан боғлаш йўллари билан бири – бу мазмунда мавжуд бўлган муҳим сўзлар, атамалар ва тушунчаларга диққат-эътиборни қаратишдир. Шунингдек, БИО, график ташкилотчилар ва концептуал хариталар каби услублардан ҳам фойдаланиш мумкин. Иккинчи/мақсадли тилда ўқитишда ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштиришга тайёргарлик кўришини қўллаб-қувватлашнинг йўллари билан бири мавжуд билимларни фаоллаштиришда ёки чиқаришда уларнинг асосий ёки биринчи тилидан фойдаланиш ҳисобланади.

Маълумотни тушуниш учун осон қилиб киритиш. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг тилга оид тайёргарлик даражасига боғлиқ ҳолда ўз нутқини мослаштиради, ўқув топшириқларини аниқ қилиб тушунтиради ва ўқув материали мазмунини ўқувчилар тушунишини таъминлаш учун турли усуллардан (масалан, моделлаштириш, кўргазмалилик, график ташкилотчилар, кундалик ҳаётга тегишли бўлган амалий вазифалардан) фойдаланадилар.

Стратегиялар. Ўқувчиларга маълумот билан ишлаш ва улардан фойдаланишнинг турли стратегиялари билан танишиш имконияти берилади. Ўқитувчилар бутун дарс давомида скаффолдинг услубларидан фойдаланишади. Масалан, ўқувчиларга муҳим концепцияларни аниқлашда йўл-йўриқ кўрсатиш, таянчлар тақдим қилиш, кўрсатмаларни аниқроғидан мавҳумроғига қилиб тартибга солиш, вазиятларни моделлаштириш ва ҳ.к. Бундан ташқари, ўқитувчилар ўқувчиларда анча юқори тартибда фикрлаш малакаларини ривожлантириш учун саволларнинг ҳар хил турларини ишга солишади, масалан: *Нима учун? Сиз яна қандай тушунтира оласиз? Бу Сиз олдиндан билиб олган нарса билан қандай ўзаро муносабатда бўлади? ва ҳ.к.*

Ўзаро муносабат. Ўқитувчилар ўқитувчиларга тез-тез ўзаро муносабатда бўлиш имкониятини тақдим қилади, ўқувчиларни бирлаштиришнинг турли йўллари билан фойдаланадилар (масалан, бутун синф бўлиб, гуруҳларда, жуфтликларда ишлаш), айниқса саволларга жавоб беришдан олдин уларга материални яхшилаб ўйлаб кўриш учун вақт беради ва уларнинг она тилида муҳим тушунчаларни аниқлайдилар.

Амалиёт/Қўллаш. Ўқитувчилар ўқувчиларни нутқий фаолиятнинг тўртта турининг барчасини (тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишларни) яхлит ҳолга келтириш имконини

берадиган амалий топшириқларни бажаришга, ўқув материали мазмуни бўйича билимларни ва тилга оид билимларни ҳамда малакаларни қўллашга жалб қилади.

Дарснинг бориши. Тилга ва мазмунга оид мақсадлар дарс бориши билан тўлиқ қўллаб-қувватланади, дарс суръати таълим жараёнига жалб қилинган ўқувчиларнинг тилга оид тайёргарлиги даражасига тўғри келади.

Баҳолаш. Ўқувчилар ютуқларини баҳолаш, айниқса, агар баҳолаш боланинг “кучли” тили бўлмаган тилда ўтказилса, ҳаққоний ва (баҳолаш мезонлари асосида) асосланган ҳисобланади. Тизимли равишда форматив баҳолашдан фойдаланилади.

2. Скаффолдинг: предмет мазмунини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш

Ушбу тамойил ўқувчиларга умумий ғоялар ва тушунчалар берилганда ўқувчиларни ўрганишни рағбатлантириш учун етарли даражада қўллаб –қувватлашга асосланади.

Ёрдам даражаси ва кўриниши вақт ўтиши билан бевосита ёрдамни таклиф қилиш, рағбатлантириш, кузатишгача ўзгариб боради. Энг яхши натижа берадиган скаффолдинг бошқалар ёрдамида таълим олишдан мустақил таълим олишга ўзгаради.

Аслида ўқувчи ички фикрлаш орқали билим олишда ўзига ўзи ёрдам бериши керак. Шу билан бирга, скаффолдинг, ўқитиш ва ўқув фаолияти ажралмас жараёнлардир: бу ерда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам масъулиятни ўз зиммасига олган ҳисобланади. Таълимни қўллаб-қувватлаш қуйидагилардан иборат.

Ресурслар билан таъминлаш

Дарс мақсадларига тўлақонли эришиш учун керак бўладиган ресурсларни: кўргазмалилик, грамматик маълумотнома, луғатлар, аудио ва видеоресурслар, Интернет ресурсларини олдиндан тайёрлаб қўйинг.

Ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат қилиш

Ўқувчилардан таълим мазмуни бўйича шахсий тажрибаси ва бу уларга қандай тегишлилиги билан ўртоқлашишни илтимос қилинг. Ўз ўқувчиларингизнинг шахсий тажрибасига асосланган ҳолда ўқитишни бошланг.

Қийинчиликларни олдиндан бартараф қилиш

Ўқувчиларга янги матн беришдан олдин, улар билан атамалар ва сўзлар устида ишлаш жараёнида қизиқишини йўқотиб олмаслик мақсадида уларни доимий равишда рағбатлантириб туриш зарур. Бунинг учун фотосуратлардан, метафоралардан фойдаланиб таққосланг ёки ўқувчиларга қизиқарли бўлган сўзлар иштирок этган контекстлардан фойдаланинг.

Таянчлар тақдим қилиш

Ҳар доим у ёки бу топшириқни бажариш учун намуна ёки ёзма топшириқнинг модель матнини таклиф қилинг. Баҳолаш мезонлари бўлган турли даражадаги топшириқларни тавсия қилинг. Мисоллар келтиринг. Тушунарли кўрсатмалар беринг.

Маълумотни визуаллаштириш (кўрсатиш) услубларидан фойдаланиш

График ташкилотчилар, суратлар, диаграммалар кўринишидаги таянчлар ғояларни визуал тарзда тасаввур қилишда ва изчиллик ҳамда сабаб-оқибат алоқалар каби тушунчаларни англашда ўқувчиларга ёрдам беради. График ташкилотчи – ўқувчилар фикрлашини шакллантиришда иштирок этувчи скаффолдинг воситаси.

Муҳокама қилишга вақт бериш

Барча ўқувчиларга янги маълумотни англаш учун вақт талаб қилинади. Ўқувчилар томонидан янги материални бир-бири билан, жуфтликларда ёки гуруҳларда муҳокама қилиш учун шароитлар яратиш зарур.

Муҳокама қилиш жараёнида тўхтам сақлаш

“Тўхтам, саволлар, тўхтам, муҳокама” деб аталадиган услубдан фойдаланинг. Бу услуб ўқувчилар томонидан матн ёки мавзунинг тушунилишини текшириш имконини беради. Аввал ўқувчилар матнни ўқишади, кейин уни муҳокама қилишади, шундан сўнг олинган маълумотни тушунишга вақт берилади. Сўнгра ўқитувчи йўналтирувчи ва очиқ саволлар беради. Савол бергандан кейин тўхтам сақлаш ва сўнгра жавоб бериш имкониятини тақдим қилиш лозим.

Қайта алоқа бериш

Қайта алоқа таълим жараёнига ижобий таъсир қилади. Қайта алоқа ёрдамида ўқувчилар ютуқларининг ҳозирги даражаси ва таълимнинг қўйилган мақсади ўртасидаги номувофиқликни озайтириш мумкин. Қайта алоқа ўқитувчига ўқитиш режаларига ўзгаришлар киритиш, ўқувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим усуллари ва йўллари тўғрилаш; ўқувчиларга эса – билимлар шакллантиришга ёндашувларни ўзгартириш, ўз таълимий ютуқлари даражасини ошириш учун ўқитувчи билан қайта алоқадан фойдаланиш имконини беради. Қайта алоқа аниқ бўлиши керак. Шунчаки: *“Яхши иш”* демасдан, ўқитувчи ўқувчиларга аниқ нима яхши чиққани ва/ёки нимани яхшилаш кераклигини айтиши зарур. Масалан, ватаншунослик дарсида ўқитувчи дарахт қисмларини айтиш ва тавсифлаш топшириғини берди. Ўқувчи топшириқни охиригача уддалай олмади. Шунда ўқитувчи баҳони пасайтириш ўрнига: *“Сиз дарахт қисмларининг тўрттасидан учтасини аниқладингиз. Тўртинчи қисмини топиш учун дарахт тузилиши схемасига қаранг”* дейиши мумкин. Ёзма топшириқда ўқитувчи: *“Сиз предмет ва ҳаракатларни айтиб, тўлиқ гаплар ёздингиз. Энди отларга таъриф қўйиш мумкин бўлган учта гап танланг”* ва ҳ.к. дейиши мумкин. Қайта алоқага мисолларни Баҳолаш номли 4-бўлимда кўришингиз мумкин.

Қуйида ўқитувчилар ватаншунослик ва математика каби тилга оид бўлмаган фанларни ўқитишда фойдаланиши мумкин бўлган скаффолдингнинг бир неча мисоллари келтирилган (11-расм).

Скаффолдингга мисоллар


дм – дециметры	см – сантиметры
10 дм = 1 м.	100 см = 1 м.
(10 (десять) дециметров равно 1 (одному) метру.	
100 (сто) сантиметров равно 1 (одному) метру)	
+ сложение	< меньше
x умножение	> больше
= равно	

Ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат



Нима деб ўйлайсиз, Қирғизистонда бу дарахтлар ўсадими?
Нега шундай деб ўйлайсиз?
Шу дарахтлар ҳақида нималарни биласиз? Энг баланд дарахт қайси? Улардан қайси бири энг мустаҳкам?
Дарахтлар нима учун керак?

Кўргазмалилик



Тасвир тили

Дарахтларни бўйига қараб таққосланг.

Баландлиги (ниманинг?) ... – ... метр.
Энг ... дарахт – ...
... – энг баланд дарахт.
Энг қисқа дарахтлар – ...
(нима?)... баланд ... (ниманинг?)
(нима?)... паст ... (ниманинг?)

11-расм. Тилга оид бўлмаган мавзулар бўйича скаффолдинг мисоллари

3. Скаффолдинг: тилга оид ёрдам кўрсатиш

CLIL доирасида ёрдам кўрсатиш ўқитувчиларга она тил бўлмаган тилда дарсни режалаштириш ва ўтказишга йўналтирилган. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан обдан ўйлаб кўради ва “предмет тилини” тайёрлайди: предмет тили тавсифи берилади, ушбу предмет бўйича ундан нима учун аниқ фойдаланилади; тилни оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд кўргазмали воситалар орқали киритиш мисоллари таклиф қилинади; тилга оид мисоллар орқали асосланган оғзаки, ёзма ёки кўргазмали маълумотнинг баъзи муҳим хусусиятлари санаб чиқилади.

Тилга оид ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари қуйида кўрсатилган.

Материални баён қилиш тили. Ўқувчиларга хронологик тартибда айтиб бериш ёки ўқув матни мазмунини кетма-кет етказиш имконини берадиган тил конструкциялари ва нутқий намуналар таклиф қилинади.

Мисол

Бу матнда гап ... ҳақида бормоқда.

Аввал муаллиф ... тушунчани киритади.

У ...ни белгилайди.

Сўнгга ...

Шундай қилиб, муаллиф бизни ... хулосага олиб келади.

Таърифлаш ва маълумот бериш тили. Ўқувчиларга мавзунинг хусусиятларини тавсифлаш; ҳақиқий, маълумотли тилдан сюжет чизиб чиқилиши; таърифлар бериш, объектларни тавсифлаш ва ҳ.к. имконини берадиган тилга оид таянчлар таклиф қилинади.

Мисол. Топширик: Ёз фасли ҳақида ёзинг (ўқувчиларга бу топширикни уддалашда ёрдам бериш учун ўқитувчи ёз фасли белгиларини тавсифлашга ёрдам берадиган тилга оид таянчларни таклиф қилади).

А) Ёз фасли қанақа?

Намуна: ёз (қанақа?) — иссиқ.

Ёзда осмон (қанақа?) _____

Қуёш (қанақа?) _____

Дарахтлардаги барғлар (қанақа?) _____

Б) Ёзда нима рўй беради?

Намуна: Ёзда қуёш (нима қилади?) — иситади, ловуллаб нур сочади, қизитади.

Гуллар (нима қиладилар?) _____

Қушлар (нима қиладилар?) _____

Болалар (нима қиладилар?) _____

В) “Аксинча айтинг”. Гапни якунланг.

Намуна: Кузда қуёш оз нур сочади, ёзда эса – чарақлайди.

Кузда ҳаво салқин, ёзда эса _____

Кузда кунлар ёмғирли, ёзда эса _____

Кузда болалар ўқийди, ёзда эса _____

Тушунтириш тили. Ўқувчиларга ўз хатти-ҳаракатларини тушунтиришда, масалан, у ёки бу топширикни улар қандай бажармоқчи эканлигини айтиб беришларида ёрдам берадиган тилга оид таянчлар берилади. Бунинг учун феълнинг ноаниқ шаклидан ва буйруқ майлидаги феъллардан, топширикни бажаришда қадамларни санаб чиқишга ёрдам берадиган иборалардан фйдаланилади.

Мисол (математика дарсида предмет мазмунини тавсифлаш учун таянчлар)

... топиш учун ... керак.

Номаълум қўшилувчини топиш учун йиғиндидан маълум қўшилувчини айириш керак.

Номаълум камаювчини топиш учун, айрилувчга айирмани қўшиш керак.

Мисол (бажарилган амаллар кетма-кетлигини тавсифлаш учун таянчлар)

Мен аввал (нима қилдим?)...

Кейин...

Ва, охирида, ...

Ишонч ҳосил қилиш тили. Ўқувчиларга ўз нуқтаи назарини ифодалаш ва айтиш ёки ёзиш имконини берадиган тилга оид таянчлар таклиф қилинади.

Мисол

Мен ... деб ўйлайман, чунки...

Биринчидан, ...

Иккинчидан, ...

Шунинг учун мен ... деб ҳисоблайман.

Муҳокама қилиш тили. Ўқувчиларга ўрганиб чиқилган материал мазмунини муҳокама қилиш, мавзуни муҳокама қилиш пайтида ўз далилларини келтириш, ниманидир баҳолаш, кимнингдир фикрига эътироз билдириш ва ҳ.к. имконини берадиган тилга оид конструкциялар таклиф қилинади.

Мисол

Мен ... деб ўйлайман.

Мен (кимга?) ... қўшиламан/қўшилмайман.

Мен ҳам ... деб ҳисоблайман.

Мен (кимга?) ... қўшилмайман, чунки ...

Қуйида 7-жадвалда учала тамойилнинг ҳаммасини ҳисобга олувчи рецептив малакаларни (тинглаш, ўқишни) ва сермахсул малакаларни (гапириш, ёзишни) ривожлантиришга йўналтирилган ёрдам кўрсатишнинг вариантлари келтирилган.

7-жадвал. Ўқитувчининг қабул қилиш (рецептив) ва самарали нутқ кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ёрдам кўрсатиш вазифалари

Ўқитувчининг тинглаш ва ўқишда ёрдам кўрсатиш вазифалари	Ўқитувчининг дарсдаги фаолияти
<p>Вазифалар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мавзу бўйича ҳақиқий билимларни фаоллаштириш. • Болаларга эшитишлари, ўқишлари мумкин бўлган нарсаларни башорат қилишларига имкон бериш. • Ўқишдан аввал янги тушунчалар, атамалар билан таништириш. • Ўқувчилардан таянч сўзлар, муҳим гапларнинг тагига чизиб қўйишни илтимос қилиш. • Нима учун айнан шу сўзлар ишлатилганини муҳокама қилиш. • Визуал ташкилотчилар (схемалар, графикалар)дан фойдаланиш. • Тинглаш ва ўқиш учун ҳар хил матнлар бериш. 	<p>Матн билан ишлаш мисолида</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга муаммони жуфтликларда муҳокама қилишни таклиф қилинг. • Матн номини доскага ёзинг ва матн нима ҳақида бўлишини сўранг. • Матндан 8-9та муҳим сўзни олдиндан танлаб олинг. • Предмет бўйича атамаларни ажратинг, таърифларнинг атамалар билан ўзаро боғланишини аниқланг. • Матнда фойдаланилган тилни муҳокама қилинг. • Доскага 2-3та визуал ташкилотчи чизиб қўйинг, муаммоларни намоиш қилиш ва ҳал қилиш учун қулайини танланг.
<p>Гапириш ва ёзишда ёрдам кўрсатиш учун ўқитувчининг вазифалари</p>	<p>Ўқитувчининг дарсдаги фаолияти</p>
<p>Вазифалар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Нима ҳақида гапириш, ёзишни ўқувчилар билан муҳокама қилиш. • Гапириш ва ёзишдан аввал тинглаб олиш, ўқиб чиқиш имконини бериш. • Ўқувчилар билан бирга таянч сўзлар 	<p>“Компьютер” мавзуси мисолида Ўқувчиларга компьютер қисмларини аниқлаш ва таснифлашда қандай ёрдам бериш мумкин?</p> <ul style="list-style-type: none"> • Компьютер қандай тузилганлиги ҳақида матнни беринг. • Компьютер вазифаларини

<p>ва муҳим гапларни ёзиб бориш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар бир-бирига ёрдам бера олишлари учун биргаликда ишлашни рағбатлантириш. • Ўқувчиларга нима ҳақида гапираётгани, ёзаётгани ва буларни нима учун қилаётганини тушунишга ёрдам бериш. 	<p>тавсифлайдиган ибораларнинг тагига чизиш топшириғини беринг.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Компьютер қисмларини тавсифлаш учун дарахт-диаграмма таклиф қилинг. • Диаграммани матн билан таққослаш учун ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлинг. • Ўқувчиларга диаграммада берилган бу маълумот кимга кераклигини, маълумотнинг мақсади нимадан иборат эканлигини аниқлашни таклиф қилинг.
---	--



Резюме

Скаффолдинг болага муаммони ҳал қилиш, топшириқни бажариш ёки ҳозирча боланинг ўз кучи ва имкониятлари чегараси ташқарисида бўлган дарс мақсадларига эришиш имкониятини берадиган ёндашувдир. Уни қўллаш болаларни тилдан ўқув жараёнида ва кундалик мулоқот ҳолатларида фойдаланишга қизиқтиради. Бунинг учун ўқитувчи томонидан таълим жараёнида ўқувчиларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳисобланган ва ҳар бир ўқувчига қўйилган мақсадларга эришишида ёрдам берадиган турли кўринишдаги вақтинчалик таянчлар таклиф қилинади. Компетентликларни шакллантиришда ўқувчилар олдинга силжигани сари бу таянчлар аста-секин олиб ташланади. Скаффолдинг ўқувчиларни мунтазам равишда диагностика қилишга асосланган бўлиб, у орқали ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва ўқувчиларга билим ва малакаларни эгаллашга ёрдам берадиган, таянчлар олиб ташланганидан кейин ҳам уларни қўллай оладиган тарзда режалаштиришади.





4-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ ДОИРАСИДА БАҲОЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ CLIL дарсида нима ва қай тарзда баҳоланади?
- ◆ Предмет мазмунини ва тилни баҳолаш учун қандай воситалар ишлатилади?
- ◆ Дескрипторлар ўқувчиларнинг ривожланишини баҳолашда қандай роль ўйнайди?
- ◆ CLIL дарсида ўқувчилар ўзига ўзи баҳо бериши учун қандай воситалардан фойдаланишлари мумкин?

4.1. CLIL ДАРСЛАРИДА БАҲОЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР



Ҳар қандай синф дарсларида бўлгани каби CLIL га асосланган таълимни баҳолаш ўқувчининг билим натижаларининг Предмет стандартларида кутилган натижалар сифатида ифодаланган таълим мақсадларига қанчалик мувофиқ келишини аниқлашга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, CLIL таълимини баҳолаш ва анъанавий баҳолаш ўртасида муҳим фарқ мавжуд.

CLILда ўқувчилар янги мазмун ва янги тилни бир вақтнинг ўзида ўргангани учун иккала жиҳат комплекс (уйғун) равишда баҳоланиши керак.

CLIL ўқитувчилари ўқувчиларни мавзу мазмунини тушунишни ривожлантириш ва уларни тилдан тўғри ва ўринли фойдаланишга жалб қилиш учун баҳолаш ва қайта алоқадан фойдаланишлари мумкин.

Агар мазмун ва тил баҳоланмаса, CLILнинг икки йўналишга эгаллиги йўқолади (Sandra Attard Montalto et al., 2018). Албатта, бундай ёндашув, баъзида мазмунни тушунишга, баъзан эса тилдан аниқ фойдаланишга устивор аҳамият берилиши мумкинлигини инкор этмайди.

CLIL дарсларида баҳолашнинг қўшалок фокуси



МИСОЛ

Масалани ечинг

Қутида 20та (сариқ қора ва яшил) қалам бор9та сариқ, 4та қора.
Қутида нечта яшил қалам бўлган?

Математик операциялар

Ўқувчи:

- ✓ Мухим сўзларни аниқлади ;
- ✓ Масала шартини тўғри тузди ;
- ✓ Икки амалли ечимни бажарди (қўшиш ва айириш) ;
- ✓ Мураккаб мисол тузди ;
- ✓ Жавобни ёзиб қўйди.

Сўз бойлиги

Ўқувчи:

- ✓ Масала ечими ни изоҳлайди ;
- ✓ Нутқда сонлардан тўғри қўлланади ;
- ✓ Ранглари белгиловчи сифатлардан тўғри фойдаланади .

6-схема. CLIL дарсида баҳолашга мисол

Ўқувчилар ютуқларини баҳолаш учун ўқитувчи нима, нима учун, қандай ва қачон баҳоланиши кераклигини аниқ билиши керак. Бунинг учун баҳолаш уч йўналишда амалга оширилади: таълимни баҳолаш, таълим учун баҳолаш ва таълим билан баҳолаш (9-жадвалга қаранг: “Баҳолаш: нимани, нима учун, қандай ва қачон”).

Масалан, ўқитувчи қуйидагиларни билишни хоҳлайди:

- ◆ Ўқувчилар мавзу бўйича нималарни ўзлаштирдилар ва улар тил бўйича қанчалик олдинга силжишди?
- ◆ Ўқувчиларда қизиқиш борми?
- ◆ CLIL дарсини режалаштиришда кучли ёки заиф томонларни аниқлашга нима ёрдам беради?
- ◆ Режалаштириш самарали бўлдимми?
- ◆ Предмет мазмунини ўзлаштиришдан ва тилга оид ёрдам кўрсатишдан қанчалик самарали фойдаланилган?
- ◆

CLILнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, баҳолаш кўп ўлчовли ва ҳар хил баҳолаш материалларидан фойдаланган ҳолда бўлиши керак. Ўқитувчи топшириқ, дарс, мавзу ёки модуль охирида режалаштирилган мақсадларга мувофиқ ўқувчиларидан нималарни кутаётганига боғлиқ ҳолда баҳолаш стратегияларини танлаши керак.

9-жадвал. “Баҳолаш: нимани, нима учун, қандай, қачон” (CLIL for Children, 2018)

НИМАНИ	БАҲОЛАШ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ	ҚАНДАЙ	НИМА УЧУН	ҚАЧОН
Таълимни баҳолаш	Умуман олганда, билимлар ўзлаштирилганлигини ва компетентлиги шаклланганлигини	Давлат стандартига мувофиқ ўқувчига ёзиб қўйиладиган якуний баҳолаш асосидаги сифатли ва миқдорий кўрсаткичлар (фоизлар мазмун ва тил учун фарқ қилиши мумкин) Тест ва имтиҳонлар	Таълим мақсадларига эришишни текшириш	Мавзуни, бир неча мавзуни, модулни ўрганиш охирида; чорак, ярим йиллик, ўқув йили охирида
Таълим учун баҳолаш	Ўқувчилар ютуқларини кузатиш учун форматив баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> • Оғзаки тақдимотлар; • диагностик тестлар; • кузатиш варақлари; • иш варақлари; • фаолиятни кўриб чиқиш ва умумлаштириш; • савол-жавоб ўтказиш; • қисқа жавобли саволлар; • белгилаш ишлари; • ўқий олиш; • аудио ёзувлар; • текшириш топшириқлари; • жавоблар танлови кўп бўлган машқлар; • вазифа бажариш; • ўзини ўзи баҳолаш; • лойиҳалар портфолиоси. 	<ul style="list-style-type: none"> • ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам, улар муҳтож бўлган келгуси ўқитиш/ўргатиш амалиёти ҳақида хабардор қилиш; • камчиликларни аниқлаш; • тақризлар тақдим қилиш; • ўқувчиларни жалб қилиш; • ўқув жараёнида ёрдам бериш (скаффолдинг). 	Доимий равишда

Таълим орқали баҳолаш	Ўқувчиларни ўқитиш жараёни ҳақида уларнинг хабардорлигини ошириш учун баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> • Топшириқ бажариш; • ўзини ўзи баҳолаш; • бамаслаҳат баҳолаш; • портфолио; • қайта алоқа. 	Акс эттириш ва баҳолаш: <ul style="list-style-type: none"> • она тили бўлмаган тилни билишни; • предмет мазмунини; • ҳам тилга, ҳам предмет мазмунига бўлган ижобий муносабатни; • тил ва мазмун масалаларидаги стратегик компетентлиликни; • маданиятлараро тушуниш. 	Мунтазам равишда: <ul style="list-style-type: none"> • топшириқ бажаришдан кейин; • дарсдан кейин; • мавзунини, модулнинг ўрганишдан кейин.
-----------------------	---	--	--	--

CLIL асосида ўқитишни баҳолаш самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчи навбатда ўқитувчи ўқув дастурига мувофиқ равишда таълим мақсадларини аниқлаши зарур, сўнгра баҳолаш мезонларини аниқлаш/ишлаб чиқиш керак, улар асосида қўйилган мақсадларга эришиш кузатилади (мезонлар Б. Блум таксономияси асосида ишлаб чиқилиши мумкин). Сўнг ўқитувчи шундай топшириқлар танлаши ёки ишлаб чиқиши керакки, уларни бажариш таълим натижаларига эришишни таъминлайди. Ўқувчилар ютуқларининг ўсишини баҳолаш учун ўқитувчи кузатув ишлари олиб боради, дескрипторлар асосида предмет мазмунини ва тилни баҳолаш учун ўқувчилар ўзини ўзи баҳолашни бажарадилар ва қайта алоқа шаклини тўлдирадилар. Қуйидаги расмда CLILда баҳолаш компонентлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар кўрсатилган (12-расм).

CLIL дарсларида баҳолаш самарадорлиги нимага боғлиқ?



12-расм. CLILда баҳолаш

Предмет мазмуни бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини ва иккинчи тилни билиш даражасини баҳолаш учун ўқитувчилар турли воситалардан фойдаланиши мумкин.

1. Тест

Предмет мазмуни ва тилни ўзлаштиришни баҳолашнинг энг кўп учрайдиган усули тест ҳисобланади. Уни ҳам диагностик ва форматив баҳолаш учун, ҳам сумматив баҳолаш учун қўллаш мумкин: тест ўқувчиларнинг дастлабки тил билиш даражасини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражасини баҳолаш, ўқувчилар қийинчиликларини диагноз қилиш ва уларни бартараф қилишни ҳисобга олган ҳолда келгусида ўқув жараёнини тўғрилаш, шунингдек, бутун таълим жараёнини назорат қилишни амалга ошириш имконини беради.

Тест топшириқларини ишлаб чиқиш тамойиллари уларнинг шакллари билан боғланган:

- 1. Тўғри / Нотўғри (Ҳақиқат ёки Ёлғон, ингл. True or False)** – ўқувчи қўшилиши ёки қўшилмаслиги керак бўлган фикрларга эга бўлади. Тест топшириқларининг ушбу шакли ўқитувчи томонидан уларни тузиш учун ҳам, ўқувчи томонидан уларга жавоб беришда ҳам энг содда йўлдир. Топшириқнинг бундай шакллари тўғри жавобни топишнинг юқори даражаси билан ажралиб туради.
- 2. Жавоблар танлови кўплиги (бир ёки бир нечта тўғри жавоб танлаш мумкин бўлган топшириқ).** Бу тест топшириқларининг энг кўп учрайдиган шакли. У фикр (савол)га ва альтернатив жавобларга эга. Битта тўғри жавоб танлаш керак бўлган топшириқлар учун 4тадан кам бўлмаган (агар ундан оз бўлса, тўғри жавоб топиш эҳтимоллиги ортади) ва 6тадан кўп бўлмаган жавоблар тавсия

қилинади (ҳақиқатга яқин альтернативаларни ўйлаб топиш қийин). Бир неча тўғри жавоб танлаш керак бўлган топшириқлар учун камида 5та альтернатив жавоблар тавсия қилинади.

3. **Мувофиқлик ўрнатиш топшириқлари.** У иккита устундаги элементлар тўпламини ифодалайди. Ўқувчи чап ва ўнг устунлардаги элементлар ўртасида мувофиқлик ўрнатиши керак. Устунлардаги ҳар бир тўплам учун сарлавҳа бор бўлиши мажбурий ҳисобланади: у ўқувчига устунлардаги элементларни умумлаштириш учун вақт сарфламаслик ва дарҳол машқ бажаришга ўтиш имконини беради.
4. **Кетма-кетлик ўрнатиш топшириқлари.** Бу топшириқ мантиқий кетма-кетликлар, технологик занжирча, қандайдир ишларни бажариш алгоритмлари тузишда ўқувчилар билимини текшириш учун, хронологик кетма-кетликлар тузиш учун унумли бўлади.
5. **Тўлдириш (қисқа жавоб).** Бу топшириқларда ўқувчи тўғри жавобнинг чаласини ёзиб тўлдириши зарур. Топшириқларнинг бундай турини яна **очиқ турдаги топшириқлар** деб аташади. Юқорида кўриб чиқилган тест топшириқлари шаклларида фарқли ўлароқ, тўғри жавобни топиш, эслаш ва бошқалар каби стратегиялар “ишламайди”. Шунинг учун топшириқнинг ушбу тури ўқувчилар учун анча мураккаб бўлиб ҳисобланади.

2. Текшириш ишлари

Баҳолаш тизими самарали ишлаб чиқилган бўлиши учун ўқув предмети бўйича стандарт, ўқув дастури ва текшириш иши ўртасида мустақкам боғлиқлик бўлиши керак. Текшириш ишининг топшириқлари таълим мақсадларига ва предмет мазмунини ўрганиш пайтида шаклландувчи қобилиятларга тўғри келиши керак. Саволлар стандарт томонидан кўзда тутилган шаклланган компетентликлар даражасига мос келиши керак. Саволларнинг ифода қилиниши қандай билимлар ва қобилиятлар текширилаётгани ҳақида аниқ тасаввур бериши керак. Текшириш ишида таклиф қилинган топшириқлар ўқувчиларга ҳам предмет, ҳам тил бўйича ўз компетентликларини, ишга муносабатини ва ижодий ёндашувини намойиш қилиш имкониятини бериши керак.

Текширувчилар эса ўқувчилар маълумотни эслашга, ўзи учун зарур бўлган маълумотни танлашга ва нотаниш ҳолатда ундан ва ўз қобилиятларидан фойдаланишга қодир ёки қодир эмаслигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Текшириш ишларининг баъзи турларидан ҳар куни, бошқаларидан – ойда бир марта ва ундан ҳам камроқ фойдаланилади, лекин ҳар қандай текшириш ишининг мақсади – маълум бир вақт оралиғида ўқувчиларнинг ютуқларидаги ўсишни қайд қилишдир. Бундай ҳолатда “ўсиш” сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчига, ҳам ўқувчига тегишли. Ўқувчи учун бу шахсий ютуқларининг ўсиши, ўқишдаги юксалишидир, ўқитувчи учун эса – касбий маҳоратининг тараққиёти, мақсадга йўналтириб режалаштириш, умуман олганда, ўқувчи учун мувофиқ ва ҳар бир ўқувчига алоҳида тўғри келадиган режани амалга ошириш туфайли муваффақиятга эришилганининг исботидир.

Албатта, текшириш ишларининг натижалари ҳар доим ҳам ўқитувчилар кутган натижаларни оқламайди. Бунинг энг кўп учрайдиган сабаблари қуйидагилар:

- 1) **Текшириш ишлари мазмуни қўйилган мақсадларга мувофиқ эмас.** Масалан, математика дарсида ўқувчилар натурал сонларни қўшиш ва айиришни ўрганишган, текшириш ишида эса уларга масала ечиш таклиф қилинади. Масала ечиш (шарт тузиш, амаллар тартибини аниқлаш) уларга

ўргатилмаган. Бунда, масала қўшиш ва айириш амалларини бажаришни кўзда тутганига қарамай, ўқувчилар бу топшириқни уддалай олишмайди.

- 2) **Текшириш ишига киритилган топшириқларнинг ифодаланиши ўқувчилар томонидан идрок қилиниши учун етарлича аниқ ва тушунилиши осон эмас.** Топшириқлар шартини узун қилиб ифодалашнинг кераги йўқ. Ўқувчи шартнинг фақат боши ёки охирини ўзлаштириши ва айнан шунинг учун топшириқни бажармаслиги мумкин. Ўқувчига ўқув жараёни давомида шаклланган компетентликни намойиш қилиш имконини берадиган шароитлар яратиш муҳим. Текшириш ишига киритилган топшириқлар турлари ўқувчи учун мутлақо янги бўлмаса, яъни у ўқув жараёнида бундай топшириқларни олдин ҳам бир неча марта бажарган бўлса яхши бўлади.
- 3) **Текшириш ишини баҳолаш мезонлари ноаниқ ишлаб чиқилган.** Ишда нима текширилаётган бўлса, ўша баҳоланиши керак, масалан, агар иш мақсади – қандайдир қизиқарли факт ҳақида ўқув фикрини билиш бўлса, иш бажариш тезлиги асосий мезон бўла олмайди. Шунингдек, баҳолаш мезонлари ўлчашга қулай бўлиши керак (масалан, топшириқ бажаришнинг ўзига хослик даражасини ўлчаш қийин, бу баҳолашнинг субъектив мезони).
- 4) **Ўқув жараёнида эътиборнинг аксарияти** текшириш ишида баҳоланадиган шаклланаётган билим ва қобилиятларга эмас, балки **таълим шаклига берилган.** Шундай бўлиши ҳам мумкинки, ўқитувчи томонидан материални тушунтириш шакли ўқувчиларга жуда ёқди ва улар биринчи навбатда шуни эслаб қолишади, лекин янги маълумотни қайд этишмайди ва ўқув мазмунини тушунишмайди, шунинг учун мароқли ўқув жараёнидан кейин кутилган натижалар йўқ. Бундан қутулиш учун форматив баҳолашни мунтазам равишда қўллаш ва ўқув жараёнига тузатишлар киритиш зарур.
- 5) **Топшириқ бажариш учун зарур бўлган вақт режалаштирилган вақтга мувофиқ эмас.** Ўқув жараёни давомида ўқувчиларнинг ҳар хил турдаги топшириқларни қандай суръатда бажаришга қодир эканлигини қайд этиш, шунингдек, текшириш ишини тузишда, уни ўқитувчилар эмас, балки маълум бир ёшдаги катталардан тафаккури билан фарқ қиладиган ўқувчилар бажаришини эсда тутиш муҳим. 10 балли тизим бўйича текшириш осонлиги учун текшириш ишига 10та топшириқ киритмаслик керак. Мўлжалланган вақтда синф ўқувчиларининг камида 80%и топшириқни бажаришга улгуриши керак. Таълимий эҳтиёжларга эга бўлган ёки саломатлик имкониятлари чекланган болаларга топшириқ бажариш учун кўпроқ вақт керак бўлишини ҳисобга олиш зарур. Навбатдаги текширишни барча ўқувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини ва ҳар бир ўқувчи ажратилган вақтда ишни яқунлай олишини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш керак.
- 6) **Ўқувчиларнинг текшириш иши мазмуни ва уни баҳолаш мезонлари ҳақида олдиндан хабари йўқ.** Агар ўқувчилар баҳолаш мезонларини олдиндан билишса, улар анча юқори натижалар кўрсатишади, чунки мезонларни тушунтириш пайтида ўқув материални мустаҳкамлаш ва таълим олиш малакаларини мукамаллаштириш рўй беради. CLIL текшириш ишида ўқувчилар предмет мазмуни ва тилга оид билимлар қайси мезонларга ва қандай фоизда баҳоланишини албатта билиши керак (Григуле Л., 2016).

3. Форматив баҳолаш

Форматив баҳолаш – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги узлуксиз қайта алоқа жараёни. Қайта алоқа оғзаки ва ёзма, расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Бу ўқув мақсадига

эришиш учун келгусидаги иш-ҳаракатларни тўғрилаб туриш мақсадида ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида доимий маълумот олиш жараёни.

П. Блек ва Д. Уильям форматив баҳолашнинг 5та компонентини ажратиб кўрсатишган:

1. Ўқувчиларни самарали қайта алоқа билан таъминлаш.
2. Ўқувчининг ўқув жараёнида фаол қатнашиши.
3. Баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнига тузатишлар киритиш.
4. Баҳолаш ўқувчиларнинг ўзини ўзи ҳурмат қилиши ва дарсларга қизиқишига чуқур таъсир қилади, бу эса, ўз навбатида, ўрганишга катта таъсир кўрсатади.
5. Ўқувчилар ўз билимларини баҳолай олиши керак (Black and William, 1989).

CLIL дарсида асосан форматив баҳолашнинг “Кўл сигналлари”, “Светофор”, “Беш дақиқали эссе”, “Нутқий намуналар (йўл-йўриқлар)”, “Тушуниш хатолигини текшириш”, “Уч дақиқали тўхтам”, “Ҳарорат ўлчаш”, “Бир гап ёки бир сўз билан умумлаштириш”, “Ёзма изоҳлар (ёзма қайта алоқа)” каби техникалари ишлатилади. Бу техникаларнинг батафсил таърифлари билан ушбу қўлланмада танишиб чиқиш мумкин: Ўқувчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш. Методик қўлланма/Тузувчилар Р. Х. Шакиров, А.А. Буркитова, О.И. Дудкина. – Б.: «Билим», 2012. – 80 с. // http://www.tverobr.ru/data/docs/171116_3.pdf. Қўшимча мисолларни “Ўқиш фурсати” номли USAID лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган форматив баҳолаш номли 7-модулдан топиш мумкин // <https://edu.gov.kg/media/files/785bd9c2-5f90-4c2b-bdb8-32e85d1171c3.pdf>

4.2. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИШДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЮКСАЛИШНИ БАҲОЛАШ УЧУН ДЕСКРИПТОРЛАР

CLIL доирасида баҳолашда ҳам тил, ҳам предмет мазмунига баҳолашнинг айнан битта фоизли кўрсакичини беришда ўқитувчилар бирмунча эркин бўлиши мумкин. Умуман олганда, тилдан кўра мазмун баҳоланиши анча юқори фоиз (масалан, якуний баҳолашнинг 70%ини) олади, лекин бу мойилликни иложи борича тил ва мазмун мақсадларини бирлаштирувчи баҳолаш дескрипторларига бир бутун қилиб бирлаштирган ҳолда тўғрилаш керак.

Дескрипторлар – бу ўқувчилар компетентликларини шакллантириш даражасини тавсифловчи ва уларнинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш имконини берадиган сифатли баҳолаш мезонларидир (минимал, ўртача, максимал).

CLIL доирасида баҳолаш учун бошланғич мактабда предмет мазмунига хос бўлган дескрипторлар билан бирга фойдаланиш мумкин бўлган CEFR – A1 ва A2 тил дескрипторларидан жуда кўп фойдаланилади (CEFR (русча версияси), 2003).

Дескрипторлар ишлаб чиқишда аниқ бир дарс ёки модуль учун баҳолаш дескрипторларини таснифлаш, гуруҳлаш ва ифодалашга ёрдам берадиган, таълим мақсадларини аниқлашда ишлатиладиган ҳаракат феълларининг рўйхатига⁷ таяниш тавсия қилинади.

⁷Когнитив, аффектив ва психомотор соҳалар учун феъллар рўйхатини “Мулоқот” номли Марказий Осиё давлатларида кўп тилли ва кўп маданиятли таълим ҳақидаги маълумот-услубий ахборотномадан топиш мумкин. 11-нашр. – OSCE, 2016 – С. 6 – 8 // URL: <http://www.edu-resource.net/images/docs/vestnik/DIALOG%2011%20RUSS.pdf>

CLIL учун жоиз дескрипторлар (A1 и A2)

Малакалар	Дескрипторлар учун даражалар: A1, A2 ⁸ (бошланғич мактаб)			
Предмет малакалари (мазмунни баҳолаш)	Тилга оид таянчлар ёрдамида жараён натижаларини тушунтиради. Натижаларни таққослайди. Маълумотлар йиғади ва уюштиради. Тилга оид таянчлар ёрдамида умумий тамойилларни тушунтиради. Жараён ҳақида хулоса чиқаради.			
Ўқув малакалари (тажриба)	Ўқитувчининг кўрсатмаларини тушунади. Визуал воситалар ёки имо-ишора орқали қўллаб-қувватланадиган маълумотни тушунади. Маълум бир иш-ҳаракатларни бажариш учун ўқитувчининг кўрсатмаларига риоя қилади.			
Тил малакалари	ТИНГЛАШ Визуал воситалар ёки имо-ишора орқали қўллаб-қувватланадиган маълумотни тушунади. Ўқитувчининг кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини тушунади. Ўқитувчининг изоҳларини тушунади. Аудио-видео материални тушунади. Маълум бир иш-ҳаракатларни бажариш учун ўқитувчиларнинг кўрсатмаларига риоя қилади.	ЎҚИШ Матн мазмуни ва тушунтиришларни тушунади. Ўқув материалларидаги ёзма кўрсатмалар ва топшириқларни тушунади. Маълумотнинг жойлашган ўрнини топади ва аниқлайди. График тарзда (жадвал, график, харита, белгиларда), шунингдек, фотосурат, сурат ва расмларда берилган маълумотни ўқийди ва таҳлил қилади.	СЎЗЛАШ Тавсифлайди ва тушунтиради. Хулосалайди. Суҳбат олиб боради, синфдошларининг фикрларига жавоб қайтаради. Гуруҳ ишида биргалашиб ҳаракат қилади.	ЁЗИШ Тавсифлайди. Хулосалайди. Уюштиради. Таққослайди ва солиштириб кўради.

⁸Қирғизистонда бошланғич мактабда иккинчи тиллар бўйича предмет стандартлари талабларига мувофиқ тил билишнинг элементар (бошланғич) даражаси (A1) шакланмоқда ва базавий (асосий) даражани (A2) шакллантириш учун асос солинмоқда.

“Математика” предмети учун тил дескрипторларига мисол⁹

Тинглаш

Малакалар	A1	A2
Аниқ маълумотни ва тушунтиришларни тушунади	Агар жуда секин, тушунарли гапиришса ва такрорлашга вақт ажратилса, ўқитувчи ёки синфдошлари тушунтиришларининг ёки қисқа, тушунарли, содда тақдимотнинг асосий ғоясини тушунади.	Агар секин гапиришса, предмет мавзуси бўйича ўқитувчи ва синфдошларининг содда тақдмоти ва тушунтиришларини тушунади.
Кўрсатмалар ва йўл-йўриқларни тушунади	Агар тушунарли ва секин айтилса, ўқитувчи ва синфдошларининг нима қилиш ҳақидаги содда ва тушунарли кўрсатмаларини тушунади.	Ўқитувчи ва синфдошларининг масалани қандай ечиш ҳақидаги содда кўрсатмаларига ва йўл-йўриқларига риоя қилади.
Фикрларни тушунади	Агар фикр билдиришлар секин ва тушунарли артикуляция қилинган бўлса, одам бирор нарсага “Рози” ёки “Қарши” эканлигини тушунади.	Муҳокама қилишда асосий нуқтаи назарни тушунади.
Далиллар ва изоҳларни тушунади	Агар нутқ секин ва тушунарли артикуляция қилинган бўлса, содда изоҳлардаги асосий фикрни тушунади.	Топшириқларга кўрсатмалар бўйича содда изоҳларни ёки математика бўйича ниманидир қандай исботлашни тушунади.
Предмет бўйича муҳокама ва мунозараларни тушунади	Агар атрофдагилар секин, тушунарли гапиришса ва такрорлашга вақт берилса, предмет бўйича содда, эскирган муҳокамаларга қараб иш тутади.	Предмет бўйича тушунарли, содда муҳокамаларга қараб иш тутади.
Аудио-видео материални тушунади	Яхши таниш бўлган предмет саволлари бўйича секин ва тушунарли қилиб айтилган қисқа аудиоматн-ларнинг асосий ғоясини тушунади ва ажрата олади.	Предмет саволлари бўйича тушунарли, секин, бир қолипдаги нутқли ёзувнинг асосий ғоясини тушунади.

Ўқиш

Малакалар	A1	A2
Аниқ маълумотни ва тушунтиришларни тушунади	Таниш мавзулар бўйича қисқа, содда ўқув материалдаги энг муҳим маълумотни тушунади.	Тушунарли ёзилиб, далиллар билан асосланган ўқув материалдаги асосий хулосаларни аниқлайди. Таниш мавзу контексти бўйича сўзлар ва гаплар маъносини аниқлайди. Содда матндаги

⁹Language skills for successful subject learning асосида тайёрланган. EFR linked descriptors for mathematics and history/civics // URL: https://www.researchgate.net/publication/333237759_CEFR-linked_descriptors_for_mathematics_and_historycivics_Language_skills_for_successful_subject_learning_PROMOTING_EXCELLENCE_IN_LANGUAGE_EDUCATION

Малакалар	A1	A2
		аниқ тузилишга ва таниш мавзуга эга бўлган асосий фактларни тушунади.
Ўқув материалидаги ёзма кўрсатмалар ва топшириқларни тушунади	Ўқув материалидаги содда эскирган кўрсатмаларни/ топшириқларни тушунади.	Ўқув материалларида тушунарли ёзилган оддий кўрсатмаларни/топшириқларни тушунади.
Фикрларни тушунади	Қисқа, содда параграфларни ўқишда муаллиф бирор нарсага “Рози” ёки “Қарши” эканлигини тушунади.	Содда ўқув материалларидаги тарихий ва ижтимоий масалалар бўйича турли фикрларни аниқлайди.
Далиллар ва изоҳларни тушунади	Оддий изоҳлардаги асосий фикрни тушунади.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Маълумот бор жойни топади ва аниқлайди	Оддий ўқув материаллари ва Интернетда аниқ ва тахмин қилинадиган маълумотнинг ўрнашган жойини топади ва аниқлайди.	Маълум бир керакли маълумотларни аниқлаш учун узоқроқ, аниқ тузилган матнларни ўрганаётгандек ўқиши мумкин.
График тарзда тақдим этилган (жадвал, график, харита, белгиларда), шунингдек, сурат, фотосурат ва расмларда берилган маълумотни ўқийди ва таҳлил қилади.	Содда жадвалларда, графикларда, хариталарда берилган асосий маълумотни аниқлайди.	Ўзига тегишли бўлган маълумотни тушунади ва жадваллардан, графиклардан, хариталардан фактлар танлайди.

Сўзлаш

Малакалар	A1	A2
Тавсифлайди	Оддий тартибда санаш орқали воқеалар, иш-ҳаракатларни тавсифлайди.	Маълумот етказиши ва оддий сўзлар билан воқеа, кузатиш, ва жараёнларни қисқа тавсифлайди, топшириқ бажаришда қилинган мулоҳазани тавсифлайди.
Тушунтиради	Бирор нарсани қандай қилишни ёки нималар қилинганини содда гаплар билан тушунтиради.	Бирор нарсани қандай қилишни ёки нималар қилинганини содда гаплар билан тушунтиради, мисоллар келтиради.
Фактларни, асосий фикрни, бирор нарсанинг изоҳини ифодалайди	Мавзу ҳақида қисқа хулосалар чиқаради.	Иш-ҳаракатларнинг, режанинг қисқа рўйхатини тузади, савол ёки муаммо бўйича қисқа изоҳ беради.
Фикр билдиради, баҳслашади	Нима деб ўйлаётгани ҳақида содда тилда гапирди, у бирор нарсага “Рози” ёки “Қарши”.	У нима учун бирор нарсага “Рози” ёки “Қарши” эканини оддий тилда тушунтиради.
Далиллар кўрсатади, исботлайди	У предмет контекстида нима қилганини ёки қилишини қисқа ва содда тилда тушунтиради.	Бирор нарсани қандай исбот қилиш кераклиги ҳақида қисқача изоҳ бериши мумкин. Масалан, математик

Малакалар	A1	A2
		масалани ечиш бўйича оддий далиллар келтиради.
Хулосалайди	Синфдошлари ёки ўқитувчи томонидан айтилган муҳим сўзлар, иборалар ёки қисқа гаплар ичидан бирини танлаб тиклайди.	A1да ёзилганнинг ўзи. Хулоса бўйича қисқача изоҳ беради.
Аниқлайди	Математик ёки тарихий концепциялар учун таърифларни қисқа ва оддий сўзлар билан худди ўзидай қайтаради.	Оддий сўзлар орқали математик ёки тарихий концепциялар таърифларини беради.
Баҳолайди, сўзлаб беради	Содда гаплар ёрдамида нималар яхши ёки ёмонлиги, ижобий ёки салбийлиги ҳақида фикр билдиради.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Таққослайди ва солиштиради	Қисқача фикр билдириш, альтернативалар ва объектларни танлаш учун оддий тавсифловчи тилдан фойдаланади.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Аниқ тушунтиришлар беради, тушунмовчиликларни бартараф қилади	Агар унга ёрдам беришса, содда тилда тушунарли тушунтиришлар беради. Тушунмаётганини ёки нимадир шунақа эмаслигини айта олади.	A1да ёзилганнинг ўзи. Уни ўқитувчи, синфдошлари тушунганини, ўзи тўғри тушунганини текширади ва нима учун тушунмаётганини тушунтиради.
Синфдошлари, ўқитувчи билан суҳбат олиб боради.	Агар синфдошлари секин, тушунарли гапиришса ва қайтариб олишга вақт бўлса, улар билан қисқа, содда, мутаассиб суҳбат олиб боради.	Агар бошқалар тушунарли гапиришса, синфдаги суҳбатларнинг кўпчилигида иштирок этади.
Изоҳлар сўрайди	Англай олмаётганини айтиши мумкин, тушунмаётганида изоҳлар сўраши мумкин.	Нима айтилганини кимдандир изоҳлаб беришни илтимос қилиши мумкин.
Бошқа одамлар фикрига жавоб қайтаради	Синфдошлари ва ўқитувчи томонидан айтилганларга оддий тилда жавоб беради.	Синфдошлари ва ўқитувчи томонидан айтилганларга содда тилда жавоб беради.
Гуруҳ ишида биргаликда ҳаракат қилади	Ўзи яхши билган предмет мавзуси бўйича содда саволлар беради ва сўрайди.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Синфда мавзу бўйича тақдимот ёки оғзаки маъруза қилади	Мавзу бўйича қисқа, пухта тайёрланган ва содда тақдимот қилади, иш мавзуси бўйича синфда сўзга чиқади.	Мавзу бўйича тайёрланиб содда тақдимот қилади, агар такрорлашга вақт бўлса, тушунарли саволларга жавоб беради.

Ўзиш

Малакалар	A1	A2
Тавсифлайди	Асосий воқеалар ва ҳодисаларнинг қисқача тавсифини ёзади.	Воқеа, кузатиш ва жараённи қисқача тавсифлайди. Асосий хусусиятларни ажратган ҳолда, визуал тақдимотни (график, жадвал, расмни) қисқача тавсифлаши мумкин.
Тушунтиради	Ниманидир қандай қилишни ёки нима қилинганини оддий сўзлар билан тушунтиради.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Бирор нарсанинг тавсифи, асосий ғояси, фактларини тақдим қилади	Предмет саволлари бўйича баёнот қилади.	Режа ва иш-ҳаракатларни қисқача санаб ўтади. Савол ёки муаммони қисқача шарҳлайди.
Фикр билдиради	Нима деб ўйлаётганини оддий сўзлар билан ифодалайди, у бирор нарсага “Рози” ёки “Қарши”.	У нима учун бирор нарсага “рози” ёки “қарши” эканини оддий тилда ёзма равишда тушунтиради.
Далил келтиради, исботлайди	Мавзу бўйича нима қилингани ёки қилинишининг асосий сабабларини оддий тилда қисқача кўрсатади.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Хулосалайди	Қисқа матн асосида қисқа жумлалардаги калит сўзлар ва ибораларни ажратиб туради ва худди ўзидай қилиб қайтаради.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Аниқлайди	Математик ва тарихий концепцияларнинг таърифини қисқа ва оддий усул билан худда ўзидай қайтаради.	Математик концепцияларнинг таърифини ва оддий усул билан ёзма равишда беради.
Тузади	Намунага ўхшатиб қисқа матн ёзади.	Кириш, асосий, якуний қисмлари бўлган матн тузади.
Баҳолайди, сўзлаб беради	Содда гаплар орқали яхши ва ёмон, ижобий ва салбий нарсалар ҳақида фикр билдиради.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Таққослайди ва солиштиради	Оддий тавсифловчи тилдан қисқа фикр билдириш, объектлар ва альтернативаларни таққослаш учун фойдаланади.	A1да ёзилганнинг ўзи.
Белгилар, жадваллар, графиклар билан ишлайди	Асосий маълумотни савол ва жавобларга жойлайди, топшириққа мувофиқ рўйхат, жадвал тузади.	Саволлар бериш учун тайёрланади, жадваллар, графиклар тузади ва маълумотни оддий тарзда тартибга солади.

4.3. СЛІДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ

Мактабда ўқиш бошиданоқ болаларни ҳар бир бажарилган ишга ўзлари ҳам баҳо беришлари зарурлигига одатлантириш муҳим – нималарга эришилди, нималар қийинчиликлар туғдирди, нималарни яхшироқ бажарса бўлар эди, кейинги сафар нималарни бошқачароқ қилган бўлар эди ва ҳ.к.

Ўқитувчилар кўпинча ўқувчиларнинг дарсда ўзини қандай ҳис қилаётганини, уларга дарс қизиқарли ёки қизиқарсиз бўлганини аниқлаш учун турли расмлар, смайликлардан фойдаланишади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз – ўзини баҳолашнинг бундай тури ўқитувчи учун предмет мазмунини тушуниш ва тил малакаларини ривожлантиришга нисбатан оз .

Шунинг учун, баҳолаш варақлари, ўзини ўзи баҳолаш хариталари иложи борича аниқ мазмунни ўз ичига олган ҳолда ва бир вақтнинг ўзида, уларни тўлдириш кўп вақт эгалламаслиги кераклигини эътиборга олган ҳолда, пухта ўйлаб тузилиши керак.

Бошланғич мактабда ўзини ўзи баҳолаш малакаларини ривожлантиришни рағбатлантириш йўлларида бири ўқувчиларга шахсий **рефлексив ўқув журналлари** яратишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўқув журналлари ўқувчиларни ўз ютуқлари ва муаммолари ҳақида фикр юритишга (фикрлаш малакалари ва мустақилликни ривожлантириши) ундайди. Шунингдек, улар ўқитувчига дарс мазмуни тушунилганини ва ўзлаштирилганини текшириш учун фойдали.

Ўқув журнаliga мисол

Менинг ўқув журналим	
Мавзу	Ўсимликларнинг турли қисмлари
Мен нималарни биламан.	...
Мен нималарни ҳануз охиригача тушунмайман.	...
Мен нималарни билишни истайман (мени нималар қизиқтиради).	...

Ўз- ўзини баҳолаш малакаларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг яна бир усули – бу ўз-ўзини баҳолашнинг таққослаш жадвалидан фойдаланиш, бунда ўқувчининг ўзини ўзи баҳолашини ўқитувчи ва синфдошлари берган баҳо билан таққослаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчилар ўзлари ўрганган ва дарсда қўллай олган нарсаларни ўзлари баҳолайдилар. Сўнгра улар баҳолаш шаклини бошқа ўқувчига тўлдириш учун беришади. Ва, ниҳоят, ўзини ўзи баҳолаш шаклини ўқитувчи тўлдиради. Шундан сўнг ўқувчи натижаларни таққослаши ва ўзлари билган нарсаларни яхши етказишда моҳир эканликларига қарор қилишлари мумкин.

Ўзини ўзи баҳолашнинг қиёсий жадвалига мисол (CLIL for children, 2018)

Ўзини ўзи баҳолашнинг қиёсий варағи. 1-дарс. Ҳайвонот олами: Яшаш муҳити, қобилиятлари.									
Ушбу смайликлар қўлланадиган катакни белгиланг	Ўзини ўзи баҳолаш			Синфдошларининг баҳолаши			Ўқитувчининг баҳолаши		
Мен 8та жонивор номини биламан.									
Мен 8та жонивор яшаш жойини биламан. (ферма, ўрмон, уй, саванна).									
Мен 8та жонивор ҳаракатини тавсифлай оламан.									
Мен 8та жонивор номини ёза оламан.									

Баҳолашнинг яхши мисоли – **ўқувчи портфолиоси**. У ўқувчилар ўқув фаолиятини: тест натижалари, расмлар, ёзма хотиралар, лойиҳаларни ва ҳ.к. ўз ичига олади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг афзал кўришлари ва имкониятларига мувофиқ портфолио қўлда ясалган бўлиши ёки бу электрон кўринишдаги портфолио бўлиши мумкин. Портфолио болалар, ота-оналар ва ўқитувчиларга таълим жараёнини ва унинг боришини тушуниш имконини беради.

Агар болаларда ёзиш малакалари ҳали етарлича ривожланмаган бўлса, **ўзини ўзи баҳолаш хариталаридан** фойдаланиш мумкин (Григуле Л., 2016), унда жадвалдаги қаторнинг маълум бир қисмини бўяб чиқиш таклиф қилинади, масалан:

_____ ўзини ўзи баҳолаш харитаси

(исми, фамилияси)

Жадвалнинг ҳар қаторида сизнинг билимларининг ҳажмини акс эттирувчи қисмини бўяб чиқинг

1. Мен Қирғизистонга қўшни бўлган давлатларни айтиб бера оламан.		
2. Мен Қирғизистоннинг энг катта кўлларини айтиб бера оламан.		
3. Мен Қирғизистоннинг энг баланд тоғларини айтиб бера оламан.		

Бундай карточкаларга аниқ бир ўқув предмети стандарти талабларига жавоб берадиган саволларни киритиш мумкин.

Агар ўқувчининг ўзи стандартнинг тегишли талабларини қай даражада ўзлаштирганлигини ҳали баҳолай олмаса, ота-оналар ўз фарзандларига саволлар бериш орқали уларга баҳо бериш жараёнида нималарни билиши ва билмаслигини аниқлашда иштирок этишлари мумкин. Бу ўқитувчига ўқув жараёнига ота-оналарни жалб қилиш имконини беради ва шу билан уларга маълум бир ўқув предмети доирасида ўқувчи нималарни билиши кераклигини тушунишда ёрдам беради.

Кейинги ўзини ўзи баҳолаш харитаси мисолида, ўқувчи биринчи синфни тугатгандан кейин нималар қила олиши кераклигини тавсифлайдиган “Ватаншунослик” предмети бўйича стандарт талабларидан фойдаланилган:

_____ ўзини ўзи баҳолаш харитаси
(исми, фамилияси)

Жадвалдаги ҳар бир қаторнинг Сиз фикрга қанчалик қўшилишингизни кўрсатувчи қисмини бўяб чиқинг.

1. Мен ўсимликларнинг ўсиш жараёнини тавсифлай оламан.	
2. Мен фойдали озуқани фойдасиз озуқадан фарқлай оламан.	
3. Мен уй жониворларини тавсифлай оламан.	

Бироқ кўпинча ҳам боланинг ўзига, ҳам ота-оналарга нимани ва қай даражада билиш зарурлигини, масалан, ўсимликларнинг ўсиш жараёнини қанчалик батафсил тавсифлашни билиш кераклигини аниқлаш қийин. Бундай вазиятда, бирор нарсани қай даражада қила олиш зарурлигини кўрсатган ҳолда ўзини ўзи баҳолашнинг батафсилроқ харитасидан фойдаланиш мумкин, масалан:

_____ ўзини ўзи баҳолаш харитаси
(исми, фамилияси)

Жадвалдаги ҳар бир қаторнинг Сиз фикрга қанчалик қўшилишингизни кўрсатувчи қисмини бўяб чиқинг.

1. Мен бешта уй жониворини айта оламан.					
2. Мен бешта балиқ турини айта оламан.					
3. Мен бешта геометрик фигурани айта оламан.					

Билингвал (икки тилли) таълим жараёнида ўқитувчи ўзини ўзи баҳолаш харитасидан бола икки тилдаги предмет лексикасини қай даражада билишини аниқлаш учун фойдаланиши мумкин, масалан:

_____ ўзини ўзи баҳолаш харитаси
(исми, фамилияси)

Ушбу фикрларга қўшилмасизми ёки йўқми, X белгисини қўйинг.

Фикр	Ҳа	Йўқ
1. Мен ўсимликнинг барча қисмларини қирғизча айта оламан.		
2. Мен ўсимликнинг барча қисмларини русча айта оламан.		

3. Мен <i>фотосинтез</i> тушунчасини русча ва қирғизча тушунтира оламан.		
4. Менга материални ўрганган тилимда жавоб бериш осонроқ.		
5. Менга она тилимда жавоб бериш ҳар доим осон.		

Ўзини ўзи баҳолаш харитасидан ўқувчига бажарилган ишдаги камчиликларни кўрсатиш ва иш ўқитувчи томонидан баҳолангунча уни тўғрилаш имконини бериш учун унумли фойдаланиш мумкин.

Ўзини ўзи баҳолашнинг турли харитасидан фойдаланиш ўқувчиларга билимини яхшилаш имконини берибгина қолмай, балки зарур бўлганда ўқув жараёнига маълум бир тузатишлар киритиш учун ўқитувчига ўқув жараёни бориши ҳақида маълумотни ҳам беради.



Резюме

CLIL дарсида баҳолаш ўқувчига кутилган натижалар кўринишида ифодаланган ўқув фаолияти натижалари белгиланган таълим мақсадларига қанчалик мувофиқ келишини аниқлашга ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Предмет мазмуни ҳам, тил ҳам баҳоланиши лозим.

Предмет мазмунини ўзлаштириш даражаси ва тил малакаларини шакллантириш даражасини баҳолаш учун иккала томон ҳам текшириладиган махсус тестлар ва текшириш ишлари ишлаб чиқилмоқда.

Таълим билан бирга содир бўладиган доимий жараён – форматив баҳолаш ҳисобланиб, у ўқувчиларнинг шахсий ва ижодий фаолиятига алоҳида эътибор берган ҳолда, предмет ва тил бўйича билимларни шакллантиришни ва зарурий қобилиятлар ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта иш бажаришни ўз ичига олади.

Тил малакаларини шакллантиришда ўқувчининг олға силжишини баҳолаш учун предметни ўзлаштириш доирасида тил дескрипторлари ишлатилади.

CLIL дарсларида баҳолаш тизимининг муҳим компоненти бўлиб бажарилган ишни ўқувчиларнинг ўзлари баҳолаши ёки ўзини ўзи баҳолаш ҳисобланади. Ўзини ўзи баҳолаш одатда учта хусусиятни ўз ичига олади: 1) бажарилган ишдан қаноатланганлик даражаси (нима ёқди ва нима учун, нима ёқмади ва нима учун); 2) бажарилган ишнинг (ишлаб чиқилган мезонлар асосида) кутилган натижаларга мувофиқлиги; 3) ўзлаштириш жараёнини таҳлил қилиш (нима дарров тушунарли бўлди ва нима учун, нима қийинчилик туғдирди ва уни қандай уддалаш мумкин, нимани яхшироқ қилса бўлар эди, нимани умуман қилиш керак эмас эди, кейинги сафар нимани ҳисобга олиш керак ва ҳ.к.).





5-БЎЛИМ. ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ИНЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Қандай стратегиялар ўқувчиларни тилга оид ёрдам билан таъминлашга ва CLILни амалда қўллайди?
- ◆ Ўқувчиларга қандай топшириқлар таклиф қилиш лозим?



Бу бўлимда ўқувчиларга тилга оид ёрдам кўрсатиш учун мисоллар келтирилади, улардан ўқувчилар матн ўқиши лозим бўлган пайтда мактаб дастурининг турли предметлари бўйича машғулотларда: ватаншунослик, ХҲА, этика ва бошқа дарсларда фойдаланиш мумкин. Мисоллар қадам-бақадам кўрсатмаларга эга бўлган стратегиялар кўринишида берилган ва ҳар қандай дарсда ҳамда турли хил материал билан қўлланилиши мумкин. Бу стратегиялар америка педагогик адабиётида бошқача қилиб “мутаассибликлар” – такрорланувчи ҳаракатлар, машқлар, топшириқлар, жараён деб аталади.

Ҳар бир стратегия бошида таълим жараёнида айнан нимани: мазмунни (дастурни), таълим жараёнини (усуллар, машқлар, топшириқларни), ўқувчилар қизиқишини оширишга ёрдам берувчи муҳитни ёки баҳолаш форматини дифференциациялаш муҳимлиги кўрсатилади. Шунингдек, таклиф қилинган стратегиядан фойдаланишда эътибор бериш муҳим бўлган универсал дизайн тамойили кўрсатилади.


Ҳар бир стратегияда таълим мақсадлари белгиланади, ўқитиш синфи тавсия қилинади, таълимнинг кутилган натижалари аниқланади, стратегиядан фойдаланиш учун зарур бўлган материаллар рўйхати ва синфда иш ташкил қилишнинг мумкин бўлган шакли таклиф қилинади. Сўнгра стратегиянинг қадам-бақадам бажариладиган иш тартиби тавсифланади, ҳар бир босқичда тавсия қилинадиган машқларнинг бўлиши мумкин бўлган турлари келтирилади.

Тавсиф баҳолашни дифференциациялаш бўйича тавсиялар билан яқунланади.

1-СТРАТЕГИЯ. СЎЗДАН НУТҚҚА

Стратегиянинг тавсифи

“Сўздан нутққа” стратегияси ўқувчиларга янги сўз, тушунча, атамалар билан танишиш, унинг маъносини тушуниш, ундан фойдаланиш бўйича бирмунча вақт машқ қилиш ва келгусида бу сўзни ўзининг (ҳам ёзма, ҳам оғзаки) нутқига қўшиш имконини беради.



7-схема. “Сўздан нутққа” стратегиясининг асосий қадамлари

Стратегияни қўллашдан мақсад – ўқувчиларнинг нутқий малакаларини шакллантириш учун лексик асос билан таъминлаш.

Дифференциация: мазмун, жараён.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилишнинг турли йўллари, дарсда материал тақдим этишнинг турли шакллари.

Таълим мақсадлари

- ◆ ўқувчининг ўқув фаолияти ёки ҳаётий мулоқоти учун минимал луғат билан (долзарб мавзу орқали бирлаштирилган лексика танлаш ва киритиш асосида) таъминлаш;
- ◆ эшитганда ва матнлар ўқишда лексик бирликларни тушунишга ўргатиш;
- ◆ бу лексик бирликлардан нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларида фойдаланишни ўргатиш.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ янги сўзлар, тушунчалар, атамаларни ажратадилар;
- ◆ янги сўзлар, тушунчалар, атамаларнинг маъносини аниқлайдилар;
- ◆ оғзаки ва ёзма нутқда янги сўзлар, тушунчалар, атамалардан фойдаланадилар.

Ўқитиш синфи: 1-чи – 4-чи

Зарурий материаллар: ўқувчилар ўқиш малакаларининг шаклланганлик даражасига мувофиқ келадиган матнлар, дарсликлар, китоблар, лексик бирликларни киритишда кўргазмалилик учун тарқатма материал.

Синфда ишлашни ташкил қилиш шакли: бутун синф иши, жуфтликларда, гуруҳларда ишлаш.

Бажариладиган иш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчига қуйидагилар тавсия қилинади:

- ◆ янги сўзлар, тушунчалар, атамалар учрайдиган дарсликдаги машқларни ёки матнларни ўрганиб чиқиш;
- ◆ дарс жараёнида асосий эътибор бериладиган сўзлар, тушунчалар, атамалар рўйхатини тузиш (дарсда 3тадан 7тагача лексик бирлик киритиш тавсия қилинади, чунки, лексика устида ишлашдан ташқари, дарсда бошқа вазифалар ҳам ҳал қилинади);
- ◆ ўқувчиларга маълум бўлган қандай сўзлар билан янги сўзлар мувофиқ келишини, уларни қандай конструкцияларда ишлатиш мумкинлигини олдиндан аниқлаш (6 – 7та ибора);
- ◆ янги лексикани тақдим қилиш ва тушунтиришнинг энг унумли йўлларини танлаш;
- ◆ танлаб олинган лексикани мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш учун машқлар комплексини пухта ўйлаб чиқиш (машқлар турларини ва сонини аниқлаш).

Стратегияни қўллаш пайтида

1-қадам. Сўз, тушунча, атамани тақдим этиш.

Бу босқичда лексик бирликлар тақдим этилади. Бу ишнинг мақсади - янги сўзни талаффуз қилиш ва ёзиш билан танишиш ҳамда келгусида янги сўз устида ишлаш жараёнида ўқувчиларни уни худди ўзидай қайтаришга тайёрлаш ҳисобланади.

Лексик бирликлар ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда берилади, босма матнда улар қандай кўринишга эга эканини кўрсатиш мумкин. Янги сўзларни ўқувчилар дарсликда ўқиши, ўқитувчининг тушунтириш пайтида ёки видеоролик кўриш вақтида эшитиши мумкин; сўзлар доскада ёки флипчартда олдиндан ёзиб қўйилган бўлиши (сўз + ибора); проектор орқали экранда тасвири берилиши мумкин; ўқитувчи бирорта сўз айтиши, сўнгра ўқувчилардан уни китобнинг қандайдир топшириғидан топишни ва уни дафтарга кўчириб олишни сўраши мумкин; янги сўзлар учрайдиган қисқа матнли карточкаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш, ўқувчиларга матнни ўқиб чиқишни ва тушунарсиз сўзлар тагига чизиб қўйишни таклиф қилиш мумкин. Бошқача айтганда, иш шундай тарзда уюштириладики, ўқувчилар:

- 1) сўзни (сўз бирикмасини) эшитадиган ва унинг товуш таркибини (унда “қийин” товушлар, урғу ўрни борлигини) англайдиган;
- 2) сўзни кўрадиган ва уни ёзиш хусусиятларини (жаранглаши ва ёзилиши ўртасидаги муносабатни) англайдиган;
- 3) янги сўзларни талаффуз қиладиган, ўқиб чиқадиган ва ёзадиган бўлади.

Лексик бирликни тақдим қилиш алоҳида эмас, балки контекстда (сўз бирикмасида, иборада ёки гапда) содир бўлса яхши бўлади, чунки сўзни айнан сўз бирикмасига ёки гапга қўшганда, у мавқе ва маълум бир маънога эга бўлади.

2-қадам. Сўз, тушунча ва атама маъносини тушунтириш (семантизация¹⁰).

Ушбу босқичда сўзни тушунтириш жараёни амалга оширилади. Сўзни тушунтириш жараёни уни тақдим қилиш билан бевосита боғлиқ, кўпинча бу иш бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Бу ерда ўқувчилар а) янги лексик бирликни бошқа сўзлар билан бирликда гаплар таркибида кузата олиши ва нутқда уни тўғри ишлатиш мисолларини кўриши; б) лексик бирлик маъносини (ўқитувчи тушунтиришини эшитиб ёки луғатдан мустақил фойдаланиб; дарслик расмларини кўриб ёки янги сўз ишлатилган гапнинг умумий маъносига таяниб) англаши муҳим.

Сўз маъносини тушунтиришда **семантизациянинг турли усулларидан** фойдаланилади:

- ◆ Кўрғазмалиликдан фойдаланиш. Кўрғазмалилик турлича бўлиши мумкин. Предметга оид кўрғазмалардан, яъни синфда ёки ўқитувчи ва ўқувчиларда бўлиши мумкин бўлган предметларни намоиш қилишдан ва аташдан фойдаланиш мумкин (канцелярия буюмлари, мебель предметлари, кабинет қисмлари, кийим, тана аъзолари). Ҳаракатни намоиш қилишни ва уни аташни назарда тутадиган тасвирий кўрғазмаларни (расмлар, фотосуратлар, схемаларни) ёки механик кўрғазмаларни (ҳаракатли кўрғазмалиликни) (феъл лексикаси: ёзиш, ухлаш, сузиш, очиш, ёпиш ва ҳ.к.) ёки мимикалар ёрдамида сўзларни семантизациялашни (ҳис-туйғуларни: ҳайрон бўлиш, хафалик, ғазабни намоиш қилишни) жалб қилиш мумкин. Кўрғазмалиликнинг маълум бир турини танлаш мезонлари бўлиб осонлик, оддийлик ва мақсадга мувофиқлик ҳисобланади.

10 Семантизация – бу ўқувчиларга нотаниш сўзлар маъносини турли йўллар билан тушунтириш, шунингдек, уларни ишлатиш хусусиятларини очиб бериш.

Масалан, ушбу тасвирий кўргазмадан фойдаланган ҳолда ўқитувчи нафақат тарбиячи ва ўқитувчи сўзларининг маъносини тушунтириши, балки предметлар (стол, доска, харита, ҳайинчак, кумдон, ўйинчоқ) ва ҳаракатларни ҳам айтиб бериши мумкин (қўлидан ушлаб турибди, ҳайинчакда учяпти, доска ёнида турибди).



тарбиячи



ўқитувчи

- ◆ Ушбу сўз билан номланган объектларни санаб чиқиш йўли билан сўз маъносини тушунтириш. Ушбу усул асосан мактаб ёшига етмаган болалар учун қўлланилади. Лекин кичик ёшдаги ўқувчи сўзнинг лексик маъносини тушунтираётганда кўпинча бу қобилиятдан фойдаланади. Масалан, ликоп – бу ошхона идиши тури ёки бу идиш предмети бўлиб, у Қушлар – бу қарға, лочин, чумчуқ, чайка... . Идиш – бу ликоп, пиёла, чойнак, чинни... .
- ◆ Синонимлар ёрдамидаги семантизация. Ушбу усул ўқувчи маъно жиҳатдан янгисига яқин сўз олдиндан маълум бўлгандагина қўлланади. Масалан, “улкан” сўзининг маъносини унинг “жуда катта” синоними ёрдамида, “ўртоқ” сўзини – “дўст”, “оғайни” синонимлари ёрдамида тушунтириш мумкин.
- ◆ Антонимлар ёрдамидаги семантизация. Агар антоним олдиндан ўқувчига маълум бўлса, антонимлар ёрдамида семантизация қилиш мумкин. Масалан, “чиройли” сўзини билган ҳолда, ўқувчилар “бадбашара” сўзининг маъносини осонгина фаҳмлаши мумкин. Семантизация қилиш мақсадида антонимлардан фойдаланишнинг самарадорлиги, антонимик муносабатлар орқали боғланган сўзлар, ўхшаш, бирга қўшила олиш хоссаларига эгаллиги билан ҳам аниқланади (мен хафаман – мен хурсандман, ишлашни ёқтираман – дам олишни ёқтираман).
- ◆ Сўз яшашнинг маълум усулларида фойдаланиб семантизация қилиш. Бундай семантизация қилиш турли шаклларга эга бўлиши мумкин.
 - а) Сўз яшашнинг суффиксал-префиксли усули. Ўқувчилар таниш суффикслар ва префикслар (олд қўшимчалар) ёрдамида ҳосил бўлган янги сўзлар маъносини осон тушуниши мумкин, чунки улар ўз маъноларига эга. Масалан, китобхон – китоб + (-хон) (нарс-буюм сўзидан шу буюмдан фойдаланадиган шахс ясаляпти); индамас – инда+ (-мас), инда +(-моқ) феълидан (шахснинг қандайдир хусусияти, сифатини англатади) = жим туради, гапиришни ёқтирмайди.
 - б) Сўз қўшиш. Ўқувчилар мураккаб сўзни, агар унинг элементларини яхши билишса, тушунишлари мумкин. Масалан, «ёруғсевар ўсимлик» сўз бирикмасида ёруғсевар – иккита сўздан ташкил топган: ёруғ ва севар, шунга кўра, «ёруғсевар» = ёруғни севади. Ёруғсевар ўсимлик – ёруғлик яхши тушадиган жойда, яъни қуёш тушадиган жойда яхши ўсишини англатади.
 - в) Сўз яшаш занжирчасини кўрсатиш. Масалан, “хафа қилиб қўймоқ” феълени тушунтирганда, у “хафа қилмоқ” феълининг ҳосиласи эканлигини, бу феъл эса, ўз навбатида, ўқувчиларга таниш бўлган “хафа” сўзидан ҳосил қилинганини айтиш мумкин.

- ◆ Контекст орқали тилга оид фаразни ривожлантириш. Бу ўқитувчи ва ўқувчилар учун сўзлар семантизациясининг энг мураккаб, шу билан бирга, тилни амалий эгаллашнинг энг муҳим усули, чунки иборадаги, нутқдаги янги сўзни намоиш қилади, фаразни ривожлантиради ва матнни ўзлаштириш малакаларини қўшимча тарзда ривожлантиришни тахмин қилади. Масалан, ўқувчилар дарслиқдан ушбу маълумотни ўқиши мумкин:

*Одамлар дунё океанлари ва дарёларида яшовчи дельфинларнинг 30 дан ортиқ турига кўп жиҳатдан ўхшайди. Дельфинлар – худди инсонлардек сут эмизувчилар ҳисобланади ва нафас олиш учун сув бетига сузиб чиқиши керак бўлади. Шунингдек, дельфинлар жуда ақлли жониворлардир. Улар худди Сизнинг мактабингиз ўқувчилари каби тўдаларга бирлашадилар, турли вазифаларни бажариш учун **когорталарга** йиғилишади.*


“Когорта” сўзининг маъносини тушуниш учун ўқувчиларга матнни ўқиб чиқиш, ундан янги сўз маъносини фаҳмлашга ёрдам берадиган сўзларни, сўз бирикмаларини топиш ва кўчириб олиш таклиф қилинади.

Сўз	Матндан кўрсатмалар
когорта	тўдаларга бирлашадилар
	йиғиладилар

Сўзни ишлатиш доираси “очиқ-ойдин”, яъни аниқ, тушунарли ёки осон ажратиб олинадиган бўлиши муҳим.

- ◆ Оғзаки изоҳ бериш усули (дефиниция¹¹, изоҳ, шарҳ). Семантизациянинг бу тури ўқувчиларда етарлича сўз бойлиги ҳосил бўлганда қўлланади. Бошланғич мактабда ўқитувчига энг аниқ, ихчам изоҳ танлаб олиш тавсия қилинади. Масалан, овқат – “ейиладиган нарсаси”, элтмоқ – “бирор нарсани олиб бориш” ва ҳ.к.

Кўпчилик сўзларнинг лексик маъносини тўлиқ тушуниш учун ушбу услубдан, уни кўргазмалилик билан боғлаган ҳолда фойдаланиш, яъни нафақат **оғзаки изоҳдан**, балки **суратлар кўрсатишдан** ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Масалан, “қизилдум чумчуқ” сўзи. Албатта, ўқувчиларга номланиши бўйича бу қуш бундай аталишини фаҳмлаши мумкин, лекин унинг сурати ёки расми у ҳақида янада аниқроқ тасаввур беради.

Изоҳ + расм	
Қизилдум чумчуқнинг ярқираган қизғиш думи борлиги ва унинг яшил дарахтлар орасида олов сингари ярқираши туфайли бу қуш шундай номланган.	

- ◆ Таржимадан фойдаланиш. Таржима семантизациянинг энг илгариги ва кўп учрайдиган усули. Бу лексик тушунчани изоҳлаб беришнинг самарали ва тежамкор воситаси. Лекин таржима семантизация воситаси сифатида бир қатор чекловларга эга эканлигини ёдда тутиш зарур: биринчидан, таржима – лексик семантизациянинг бир марталик усули бўлиб, биз уни пассив луғатга киритамиз, лекин фаоллаштирмаймиз; иккинчидан, таржимада гап таркибидаги сўз бирикмаси ҳисобга олинмайди ва вазиятни англашдан маҳрумдир.

¹¹ Дефиниция – ўқувчиларга таниш бўлган соҳадаги илмий тушунчанинг қатъий мантиқий таърифи.

Реал ўқув жараёнида дарслиқда кўрсатилган ёки олдиндан ўқитувчи томонидан танлаб олинган лексика билан кифояланиш мумкин эмас. Қўшимча лексик бирликлар эҳтиёжи муқаррар пайдо бўлади (ўқувчилар матнда ўқиган сўзлар маъноси ҳақида ёки ўз фикрини ифодалаш учун зарур бўлган сўз ҳақида сўраб қолиши мумкин). Ўқитувчига бу сўзни кўрсатиш ёки тушунтиришдан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Бундай ҳолатда ўқитувчига асосий лексик минимумдан четга чиқаётган ҳар бир киритилувчи сўзни (кейинчалик ўқув жараёнида бу сўз ишлатилиши учун) қоғозга ёзиб қўйиш тавсия қилинади.

3-қадам. Сўзни ғайриихтиёрий хотирада мустаҳкамлаш

Бу босқич ҳар бир машғулотда жуда муҳим ҳисобланади, чунки у ўқувчини лексик бирликлардан амалий фойдаланишга тайёрлаш ва машқ қилдириш босқичи бўлади. Унда ўқувчиларга ғайриихтиёрий хотирада¹² барча янги сўзларни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган кўп ва хилма-хил машқларни амалга ошириш рўй беради. Ўқитувчи уларни ўз нутқида ишлатиши, ўқувчилар бу сўзларни ишлатишга мажбур бўлган вазиятларни атайлаб яратиши, ўқиб чиқилган матн, ўйинга оид машқлар ёки карточкали машқлар асосида савол-жавоб машқларини ишлаб чиқишда уларни ҳисобга олиши мумкин.

Тематик кластер, ассоциатив занжирчалар, лексик занжирчалар, “Учинчиси ортиқча” ўйини, “Қисқаси” ўйини, сўз бирикмалари тузиш, “Бошқача қилиб қандай айтса бўлади?” ўйини, “Расм чизамиз” ўйини, кроссворд тузиш каби усуллар бу босқичдаги энг кўп учрайдиган усуллар ҳисобланади (баъзи усулларнинг тавсифини ушбу модулнинг 2-иловасида қаранг).

Шунингдек, бу босқичда топшириқларнинг иккита комплексидан фойдаланиш тавсия қилинади: 1) машқ қилиш топшириқлари; 2) шарт-нутқий топшириқлар.

Машқ қилиш топшириқлари – бу шундай топшириқларки, улар ёрдамида сўзларни қисқа муддатли хотирадан узоқ муддатли хотирага ўтказиш мумкин.

Топшириқларга мисоллар

- ◆ Аниқлаш топшириқлари. Аниқлаш – бу матндаги сўзларни топиш усули бўлиб, у ўқитувчининг қуйидаги кўрсатмаларида амалга оширилади: “... сўз матнда неча марта учрайди?”, “Матндаги ... билан боғлиқ бўлган сўзларни топинг”, “Матндан бешта феъл топинг”. Топшириқларни матн ўқишдан олдин ҳам, кейин ҳам ифодалаш мумкин (“Эслаб кўринг-чи, ... сўз матнда учрадимиз? Сиз уни қандай тушундингиз?”).
- ◆ Сўз танлаш топшириқлари. Аниқлаш топшириқларидан кўра бу топшириқлар анча маърифий ҳисобланади, чунки улар ҳам сўзларни аниқлаш жараёнини, ҳам улар орасидаги танлаш мезонларини аниқлашни ўз ичига олади (масалан, “Рўйхатдан ортиқча сўзни ўчиринг”, “Фақат ... мавзуга тегишли бўлган сўзларни ёзинг”).
- ◆ Мослаштириш топшириқлари. Булар топшириққа мувофиқ сўзларни аниқлаш ва уларни жуфт-жуфт қилиб жойлаштиришни кўзда тутаяди, масалан: “Синонимлар, антонимлар, аниқловчилар, сўз бирикмалари жуфтликларини тузинг”.

¹² Ғайриихтиёрий хотира маълум бир дастур ва мақсад орқали бошқарилмайди. Хотирада сақлаб қолиш ўқувчи томонидан иродани ишга солмасдан рўй беради. Ўқувчилар хотирада сақлаб қолишнинг қандайдир бир механизмлари ва техникасини қўлламайдилар, у дарс вазифаларини ҳал қилиш ҳисобига рўй беради.

- ◆ Саралаш топшириқлари. Бундай топшириқларни бажараётганда ўқувчилар сўзларни анча йирик тоифалар ичида маълум тарзда таснифлаши керак, масалан: “Ижобий ва салбий маъноли сўзларни иккита устунга жойлаштиринг”. Баъзи топшириқлар ўқувчилар ўзлари саралаш мезонларини аниқлаши керак бўлган тарзда ифодаланган бўлиши мумкин, масалан: “Қуйидаги сўзларни ҳар бири учта сўздан иборат бўлган тўртта гуруҳ бўйича жойлаштиринг”.
- ◆ Сўзларни маълум бир тартибда жойлаштириш топшириқлари, масалан: “Сизнинг оилангиз хонадонингизга янги мебель сотиб олмоқчи, лекин молиявий имкониятлар бир ҳафтада фақат битта буюм сотиб олиш имконини беради. буюмларни, Сизлар уларни қандай тартибда сотиб олишни хоҳласангиз, шундай тартибда жойлаштиринг”.

Шарт-нутқий топшириқлар – бу ўқувчиларни нутқдаги янги лексик бирликлардан фойдаланишга тайёрлайдиган топшириқлар комплекси. Бу комплексга машқларнинг тўртта тури (имитатив (тақлидий), ўрнига қўйиш, трансформацион (ўзгартириш) ва репродуктив (қайта тиклаш)) киради.

Машқларга мисоллар

- Имитатив машқлар – бу шундай машқларки, уларда ўқувчи нутқий вазифани бажариш учун ўқитувчининг луқмаларидаги (ёки нутқий намунадаги) лексик бирликларни топади ва ўзгартирмаган ҳолда улардан фойдаланади.

Масалан: ***Худди шунинг ўзини қиламан, деб айтинг.***

- *Мен уйда яна бир марта ҳашаротлар ҳақидаги маълумотни ўқиб чиқаман.*

- *Мен ҳам ҳашаротлар ҳақидаги маълумотни ўқиб чиқаман.*

- Ўрнига қўйиш машқлари шуниси билан ажралиб турадики, уларда лексик бирликларни қандайдир бир нутқий намунанинг ўрнига қўйиш рўй беради.

Масалан:

Сизнинг мақадингиз бошқа эканлигини билдиринг.

- *Мен ҳашаротлар ҳақидаги маълумотни дарсликдан ўқиб чиқаман.*

- *Мен эса ҳашаротлар ҳақидаги маълумотни энциклопедиядан ўқиб чиқаман.*

Ким нима билан озиқланишини айтиб беринг.

Балиқлар бошқа ҳашаротлар билан озиқланади.

Чумолилар одамлар озукаси билан озиқланади.

Ўргимчаклар ўсимликлар шираси (суви) билан озиқланади.

- Трансформацион машқлар ўқитувчи (синфдоши) луқмаси (ёки луқма қисми) нинг маълум бир трансформацияси (ўзгариши)ни назарда тутаяди, бу сўзлар тартибини, феъл шахси ёки замонини, от келишиги ёки сонини ва ҳ.к. ўзгартиришда ифодаланади. Лексик малакалар учун трансформация худди ўша мазмунни бошқа сўзлар билан етказишда ифодаланиши мумкин.

Масалан:

Сиздан илтимос қилишган нарсани бажаришга рози бўлинг.

- *Эртага музейга бор. У ерда ноёб ҳашаротлар кўрғазмаси бўлади.*

- *Яхши. Мен албатта бораман.*

- Репродуктив машқлар ўқувчиларнинг луқмаларида олдинги машқларда ўзлаштирилган шакллар ёки лексик бирликларни мустақил равишда тўлиқ қайта тиклашни назарда тутди.

Масалан: **Ҳашаротлар ҳақида билиб олган нарсаларингиз билан ўртоқлашинг.**

Ў1: *Мен олимлар ҳашаротларнинг миллиондан ортиқ турини аниқлаганларини билиб олдим.*

Ў2: *Мен эса энг кучли ҳашарот – бу чумоли эканлигини билиб олдим.*

Ў3: *Мен эса ниначи – сайёрамиздаги энг тез ҳашарот эканлигини билиб олдим.*

Ў4: ...

4-қadam. Лексик бирликларни нутққа қўшиш

Бу босқичда ўқувчиларга маҳсулдор топшириқлар таклиф қилинади, уларни бажаришда дарсда ўзлаштирилган лексикадан фойдаланиш мажбурий шарт ҳисобланади.

Бу босқичда қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

- ◆ Гапларни тўлиқлаш топшириқлари. Улар очиқ ва ёпиқ турдаги ҳамда жавоблар танлови кўп бўлган топшириқларга бўлинади. Очиқ турдаги топшириқларда ўқувчилар ўз лексик бойлигидан фойдаланишади, ёпиқ турдаги топшириқларда – матндаги керакли жойга мувофиқ олдиндан таклиф қилинган сўзларни қўйишади, жавоблар танлови кўп бўлган топшириқларда эса – сўзни танлашади (у зарурий шаклда турган бўлади).
- ◆ Шахсий гаплар яратиш топшириқлари. Контекст олдиндан тақдим қилинган гапларни тўлиқлаш топшириқларидан фарқли ўлароқ, бу ерда ўқувчилар ўзлари маълум сўзлардан керакли контекст тузиши лозим бўлади (“Қуйидаги сўзлардан гап тузинг”; “Рўйхатдан учта сўз танлаб олинг ва уларнинг ҳар бири иштирокида гап тузинг”; ва бошқалар).
- ◆ Шахсий матн яратиш топшириқлари. Машқларнинг бундай тури нутқий фаолиятнинг маҳсулдор турлари (сўзлаш ва ёзиш)га ўтишни таъминлайди, бу ўз навбатида, ўқувчиларнинг узоқ муддатли хотирада сўзларнинг катта қисмини сақлаб қолиш имкониятини оширади. “Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб, кичкина ҳикоя ёзинг: ...”; “Бош қаҳрамонни тавсифланг”; “Расмни тавсифланг”; “Карточкалар серияси бўйича ҳикоя тузинг” ... (Tornbury S., 2007).
- ◆ Нутқий (ҳолатга оид) машқлар. Бундай машқлар маълум бир ҳолатда матн яратишни назарда тутди. Одатда, улар ўқувчиларнинг монологик ва диалогик нутқини шакллантиришга йўналтирилган.

Нутқий машқлар белгилари ва топшириқлар мисоллари.

1. Сўзловчи стратегияси мавжудлиги.

- ✓ Сизнингча, мактабда энг қизиқарли ўқув предмети қайси (Ишонтириш)
- ✓ Сиз дугонангиз билан кўчада борар эдинглар, сиз кичкина қизчалар пакет ташлаганини кўрдингиз. Сиз уларга нима дейсиз? (Маслаҳат).
- ✓ Сиз дўстларингиз билан саёҳатга бормоқчисиз. Қандай буюмлар олиб

кетишни муҳокама қилинг. (Ўз нуқтаи назарини ифодалаш).

2. Мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини актуаллаштириш

✓ Сизнинг синфингизга янги ўқувчи қиз келди.

а) Сиз уни табриклаб қандай саломлашасиз? (Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш)

б) Мактабда биринчи навбатда унга нимани кўрсатасиз? (Дўстона муносабатни намойиш қилиш).

3. Янги вазият

а) Синфдошларингизга ўз спорт секциянги ҳақида айтиб беринг.

б) Синфдошингизни секциянги аъзоси бўлишга кўндиринг (вазифани алмаштириш).

в) Дўстларингизни секциянгидаги иш қизиқарли эканлигига ишонтиринг (адресатни алмаштириш).

4. Нутқий фаоллик ва мустақиллик

Шунга ўхшаш машқларни ўқувчилар ҳам жуфтликларда, кичик гуруҳларда, ҳам алоҳида бажариши мумкин. Лексикани фаол нутққа олиб чиқишда сўзсиз гуруҳларда ишлаш керак (ўқувчилар бир-бирига савол бериши, жуфтликларни ўзгартириши ва бир неча синфдошлари билан бирга ишлаши мумкин ва ҳ.к.).

Баҳолаш. Лексика ўзлаштирилгандан кейин лексик материални ўзлаштириш сифатини назорат қилиш босқичи бошланади. Бу назорат ҳар хил шаклга эга бўлиши мумкин. Бу мавзу бўйича мини-эссе ёзиш, саҳналаштирилган асар, тақдимот, лойиҳа, плакат тайёрлаш бўлиши мумкин – яъни таклиф қилинган стратегияга мувофиқ лексика билан ишлашнинг тўртинчи босқичида ўқувчиларга таклиф қилинган ҳар қандай маҳсулдор топшириқ бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни баҳолаш ижод қилинган маҳсул тақдимотини ва бажаришни кузатиш жараёнида ўтказилади.

Лексик малаканинг шаклланиши қуйидаги мезонлар бўйича аниқланиши мумкин:

Малака шаклланиши даражаси	Баҳолаш дескрипторлари
Юқори	Ўқувчи <ul style="list-style-type: none">• қўйилган вазифага мос келадиган лексикани ишлатади;• лексик бирлик танлашда ва ишлатишда амалий жиҳатдан хатоларга йўл қўймайди;• нутқ оқимидаги барча товушларни амалда тўғри талаффуз қилади: фикр мазмунини ўзгартириб юборадиган хатоларга йўл қўймайди;• тўғри урғу беришга риоя қилади.
Ўртача	Ўқувчи <ul style="list-style-type: none">• қўйилган вазифага мос келадиган лексикани ишлатади;• мос келадиган лексикани танлаш ва фойдаланиш қобилиятини намойиш қилади, лекин айрим хатоларга йўл қўяди;• нутқ оқимидаги товушларни умуман олганда тўғри талаффуз қилади, лекин қўпол хатоларга йўл қўймайди;

Малака шаклланганлиги даражаси	Баҳолаш дескрипторлари
	<ul style="list-style-type: none"> • умуман олганда тўғри урғу беришга риоя қилади (хатоси 2-3тадан кўп эмас).
Ўртачадан қуйи	Ўқувчи <ul style="list-style-type: none"> • қўйилган вазифага мос келадиган керакли сўз танлашда қийналади; • талаффуз қилишда қийналади.

Вариациялар


- ◆ Катта сўз бойлигига эга бўлган ўқувчиларга топшириқларни кўрсатмаларга мувофиқ равишда мустақил бажариш таклиф қилинади. Ўқитувчи топшириқ тўғри тушунилганига ишонч ҳосил қилиши, уни бажариш бўйича ўқувчилар фикрини қулоқ солиб тинглаши зарур.
- ◆ Сўз бойлиги даражаси стандартларга тўғри келадиган ўқувчиларга топшириқни ўқитувчининг кўрсатмалари ва изоҳларига мувофиқ равишда бажариш таклиф қилинади. Ўқитувчи топшириқ тўғри тушунилганига ишонч ҳосил қилиши, уни бажариш бўйича ўқувчилар фикрини қулоқ солиб тинглаши, иш жараёнини йўлга солиши зарур.
- ◆ Сўз бойлиги ўртачадан қуйи даражада бўлган ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмалари, изоҳларига ва таклиф қилинган таянчларга (визуаллаштириш, тилга оид кўрсатмалар, абзацлар бошламаси, қолиплар ва бошқаларга) мувофиқ равишда бажарадилар.

2-СТРАТЕГИЯ. ЭШИТЯПМАН, ЎҚИЯПМАН, ТУШУНЯПМАН

Стратегия тавсифи

“Эшитяпман, ўқияпман, тушуняпман” стратегиясининг мақсади – (ҳам оғзаки (эшитилаётган), ҳам ёзма (босма)) маълумотни тушунишда қийналаётган ўқувчиларга ёрдам беришдан иборат.

Стратегияни амалга ошириш жараёнида ҳар қандай маълумот – бу матн эканлигини ва у ҳам аудиал, ҳам визуал равишда берилиши мумкинлигини ўқитувчининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам тушуниши жуда муҳим. “Эшитяпман, ўқияпман, тушуняпман” стратегияси тинглаш ва ўқиш – маълумот ўзлаштиришга, қабул қилишга ва келгусида уни қайта ишлашга йўналтирилган нутқий фаолият турлари эканлигига асосланади. Бу нутқий фаолият турларининг натижаси бўлиб маълумот олаётган тингловчи ёки китобхон (бизнинг ҳолатда – бу ўқувчилар) чиқараётган хулоса ҳисобланади. Маълумотни ўқувчилар тушунишлари ҳамда кейинчалик улар томонидан фойдаланилиши учун, матн билан ишлашда фойдаланиладиган олдиндан таниш стратегия – “ўқишдан аввал, ўқиш пайтида ва ўқишдан кейин” стратегиясига асосланган мураккаб иш талаб қилинади. Босқичларнинг ҳар бирида ўтказиладиган топшириқлар турлари айнан ўхшаш бўлади.



8-схема. “Эшитяпман, ўқияпман, тушуняпман” стратегиясининг асосий қадамлари

Дифференциация: мазмун, жараён, муҳит.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқув жараёнига ўқувчиларни жалб қилишнинг турли йўллари, материал тақдим қилишнинг турли шакллари.

Таълим мақсадлари

- ◆ ўқувчиларда (оғзаки ва ёзма) маълумот ўзлаштириш малакаларини шакллантириш;
- ◆ асосий маълумотни иккинчи даражали маълумотдан ажратишни ўргатиш;
- ◆ олинган маълумотдан мулоқот жараёнида фойдаланишни ўргатиш;
- ◆ маълумот ўзлаштиришнинг шахсий қобилиятини ривожлантиришга қизиқтириш ҳосил қилиш.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ (оғзаки, ёзма) маълумотни ўзлаштиришади;
- ◆ ахборот, мавзусини аниқлашади;
- ◆ матнни маъновий бўлимларга, бўлақларга ажратишади;
- ◆ бош ғояни ажратишади;
- ◆ асосий нарсани иккинчи даражали нарсадан ажратишади;
- ◆ матнда мантиқий алоқалар ўрнатишади.

Ўқитиш синфи: 2-чи – 4-чи

Зарурий материаллар: (яхлит, нояхлит) матнлар, аудиоёзувлар, маърифий видеоматериаллар, ўқувчиларнинг ёшига ва тилга оид компетентликларига тўғри келадиган фильмлар, мультфильмлар парчалари, топшириқли карточкалар.

Синфда ишлашни ташкил қилиш шакли: бутун синф бўлиб ишлаш, жуфтликларда ишлаш, гуруҳларда ишлаш.

Бажариладиган иш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчига тавсия қилинади:

- ◆ дарсликдаги матнни ўрганиб чиқиш ёки машғулот мавзусига тўғри келадиган матн, аудиоёзув, видеоматериал танлаб олиш;
- ◆ қайси маълумотни батафсил ишлаб чиқиш талаб қилинишини аниқлаш;
- ◆ берилган маълумотни қайта ишлашга йўналтирилган топшириқлар комплексини ўйлаб чиқиш (топшириқларнинг турларини ва уларнинг сонини аниқлаш).

Стратегияни қўллаш пайтида

1-қадам. Ўқувчиларни маълумот ўзлаштиришга тайёрлаш

Тайёрлов машқларининг мақсади (матн тинглаш ёки ўқишдан аввал) тилга оид ёки психологик хусусиятга оид бўлган қийинчиликларни олдиндан бартараф қилишдан иборат, бу ўқувчиларга ўз диққат-эътиборини мазмунни ўзлаштиришга жалб қилиш имконини беради.

Бу босқичда ўқувчилар сўзлар, гаплар, расмлар билан ишлашади, лекин буларнинг ҳаммаси, сўзсиз, ўқувчилар дарсда ишлаши кутилган маълумот мисолида бўлиши керак. Бу иш қизиқтириш ва уюштириш йўл-йўриғини яратади, фаол ишлашга ундайди, унга ўқувчиларнинг қизиқиш даражаси, бинобарин, мазмунни ўзлаштириш фоизи ҳам боғлиқ бўлади.

Матн билан ишлашнинг ушбу босқичи учун хос бўлган топшириқлар:

- *Вазиятга олиб кириш учун тинглашдан, ўқишдан олдин суратлар, расмларни кўриб чиқиш.*
- *Тингланаётган матн сарлавҳаси берилади, масалан, матн номи “Ким айбдор?” бўлсин. Ўқитувчи матн нима ҳақида бўлишини олдиндан айтиб беришни сўрайди. Ўқувчилар ўз тахминлари билан ўртоқлашишади.*
- *Калит сўзлар берилади. Ўқувчилар тингланаётган матн нима ҳақида бўлишини олдиндан айтиб беришади.*
- *Иборалар берилади. Ўқувчилар тингланган ёки ўқиб чиқилган матн билан кейин таққослаш учун уларни мантиқий тартибда жойлаштиришади.*
- *Матннинг кириш қисми берилади. Ўқувчилар матннинг давоми қандай бўлиши мумкинлигини топишга ҳаракат қилишади.*
- *Матннинг охири берилади. Ўқувчилар бунгача нима бўлганини топишади.*
- *Ўқувчилар тажрибасини актуаллаштириш, қизиқиш уйғотиш учун матннинг кутилган натижалари ҳақида суҳбат.*
- *Ўхшаш вазиятларни ижро этиш, масалан, “кўчадаги учрашув”, “бегона шаҳарда адашиб қолиш”.*
- *Муаммоли саволлар қўйиш, масалан: “Нима учун одамлар уришиб қолади?”, “Хушмуомала одам нима дегани?”, “Ҳашаротлар фойда келтирадимми ёки зиёнми?”.*
- *Маълумот олишни асословчи саволлар: “Нима учун қуёнлар ва олмахонлар қишда тусини ўзгартиради?”, “Мамлакатимиздаги энг катта ҳайвон қайси?”*
- *Ўқитувчи матн нима ҳақида бўлишини, нималарга эътибор бериш кераклигини қисқача айтиб беради.*
- *Ўқитувчи ўқувчиларни янги сўзлар билан таништиради: нотаниш сўзлар нутқни идрок қилишга халақит бермаслиги керак.*
- *Ўқувчилар кроссворд ечишади. Кейин жавобларни эшитишади ва тўлдирилган вариант билан таққослашади, тўлдиришади.*

2-қадам. Маълумотни ўзлаштириш

Ушбу босқичда ўқувчиларга (оғзаки, ёзма) матн ўзлаштириш ва тушунишга йўналтирилган машқлар таклиф қилинади. Бу босқичда матн билан ишлаш икки жиҳатга асосланади: 1) унинг мазмунини ва маъносини очиш бериш; 2) уни расшифровка қилиш (нималигини айтиб бериш) (алоҳида сўзлар, иборалар, гаплардан умумий мазмун юзага келади). Ўқувчилар матнни кўриб чиқишади ёки тинглашади, сўзлар маъносини аниқлашади, фактларни билиб олишади ва ҳ.к.

Асосан бу босқичда ўқувчиларга топшириқларнинг бешта тури таклиф қилинади:

Топшириқларнинг турлари	Иш вариантлари
Жавоби кўп бўлган топшириқлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ таклиф қилинган вариантлардан тўғри жавобни танлаш; ◆ матн мазмунига мувофиқ/номувофиқ/матнга алоқаси бўлмаган фикрлар вариантларини аниқлаш; ◆ матн мазмунига нисбатан чин/ёлғон маълумотни аниқлаш.
Маълумотни тўлиқлаш топшириқлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ матнни тушириб қолдирилган гаплар, бир нечта сўзлар, битта сўз билан тўлдириш; ◆ гапларни тўлиқлаш (яқунлаш).
Маълумотни кейинги сатрга кўчириш топшириқлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ўқилганлар асосида жадвал тўлдириш; ўқилганлар асосида жадваллар, схемалар тузиш.
Шакли ўзгартирилган матнни тиклаш топшириқлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ матннинг «чалкаштирилган» бўлакларини изчил, тўғри жойлаштириш.
Изданишга оид топшириқлар ва маълумотни мақсадга мувофиқ йўналтириш	<ul style="list-style-type: none"> ◆ фактга асосланган материални топиш, саволлари ким? нима? қаерда? қачон? нима қилди? ◆ матнда аниқ ифодаланган маълумотни аниқлаш; ◆ матнда аниқ ифодаланмаган маълумотни аниқлаш.

Матн билан ишлашнинг бундай босқичи учун одатдаги энг кўп кўрсатма-топшириқлар:

- расмни чизинг, тўлиқланг;
- матнга иллюстрациялар танланг (турли матнларга иллюстрациялар тақдим қилинади, ўқувчилар мазмунга мувофиқ бўлганларигина танлашади);
- расмлар, иллюстрацияларни тартиб билан жойлаштиринг;
- гап нима ҳақида кетаётганлигини, воқеа қаерда содир бўлаётганини ва ҳ.к. аниқланг;
- нима тушунарсиз қолганлигига эътибор беринг ва шу ҳақда савол тузинг;
- матнни тингланг, ўқинг, ўз тахминларингизни текширинг;
- матнни тингланг ва гапларда тушириб қолдирилган сўзларни жойига қўйинг;
- матнни ўқинг ва унда қуйидаги сўзларга оид қандай таърифлар учраганлигини айтинг; сўзларга берилган таърифларни ёзиб олинг;
- ўқилган, тингланганлар асосида жумлаларни тўлиқланг;
- матнни тингланг, ўқинг ва унда нима ҳақда гапирилганлигини айтинг (қаҳрамон, жой, қаерда содир бўлганлиги, қаҳрамоннинг ташқи тузилиши ва ш.к.).
- таклиф қилинган фикрлар тўғрилигини аниқланг;
- матнда учрамаган гапларни чизиб қўйинг;
- гапларни уларни матнда турган тартибда жойлаштиринг;
- матнда мавжуд гапларни галочка билан белгиланг;
- матнни тингланг, ўқинг ва воқеа қаерда (ёки қачон) содир бўлишини сўзлар билан айтинг;

- тингланг, ўқинг ва берилган матн бўйича сўралаётган саволда қатнашаётган шахсларнинг қайси бири хатти-ҳаракатлар содир этаётганлигини аниқланг.

Ушбу босқичда ўқувчилар матнга бир неча мартаба, ҳар сафар турли топшириқлар билан мувожаат қилиш имконига эга бўлишлари жуда муҳим.

3-қадам. Маълумот билан ишлаш

Бу босқич асосида ҳам иккита жиҳат туради: 1) идрок қилинган маълумотни ижодий қайта ишлаш; 2) мулоқотда ва фаолиятнинг бошқа турларида олинган маълумотлардан фойдаланиш. Асосий вазифа мазмун ва маъно даражасида матн билан ишлаш ҳисобланади.

Мазмун даражасида	Маъно даражасида
<ul style="list-style-type: none"> ◆ маълум фикрни акс эттирувчи хабар ёки маълумотларни матндан топиш; ◆ матндаги асосий фикрларни аниқлаш; -фактга оид материални топиш, асосан ким? (нима?), қаерда?, қачон?, нима қилди? каби саволларга жавоб топиш; ◆ матнда аниқ фойдаланган маълумотни аниқлаш; ◆ матнда аниқ фойдаланмаган маълумотларни аниқлаш; ◆ мавжуд билимлар ёрдамида топилган фактларни тушунтириш; ◆ фикрларни тасдиқлаш учун маълумотдан фойдаланиш; ◆ тартибга келтириш ва таснифлаш, фарқлаш, қиёслаш ва зид қўйиш, гуруҳлаш; ◆ матннинг умумий ғояси билан аниқ детални мувофиқлаштириш; ◆ матн номини талқин қилиш; таҳлил ва умумлаштириш; ◆ матндаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида хулосаларни шакллантириш. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ матн ва контекст устида фикрлаш; ◆ матн қисмлари ёки иккита (бир нечта) матнлар орасидаги алоқаларни ўрнатиш; ◆ шахсий тажриба билан мувофиқлаштириш; ◆ матн муаллифи ўрнини аниқлаш; ◆ матн қаҳрамонлари қилиқлари (ҳаракатлари) баҳоси; ◆ ўз нуқтаи назарини асослаш ёки билим ва тажрибага асосланган ҳолда матн мазмунини баҳолаш; ◆ иллюстрациялар ролини аниқлаш; ◆ матн қаҳрамонларининг ҳаракатларини (қилиқларини), воқеалар кетма-кетлигини «башорат қилиш» ёки талқин қилиш (янги вазиятлар ёки янги шароитлар киритилади); ◆ матнда мавжуд бўлган маълумотдан келиб чиқиб матндан ташқаридаги воқеаларни «олдиндан кўриш»; ◆ Моделлаштириш ва умумлаштириш, (амалда ҳаётда, ўқишда қўллаш).

Матн билан ишлашнинг ушбу босқичи учун одатдаги энг кўп кўрсатма-топшириқлар:

- саволларга жавоб беринг;
- эпизодни тасвирлаб беринг;
- режа тузинг, матнни сўзлаб беринг (матндаги турли қаҳрамонлар тилидан);

- хаётий ҳолатлар билан таққосланг;
- мулоҳазаларни тасдиқланг ёки рад этинг;
- режанинг бўлимларини тўғри изчиллик билан жойлаштиринг;
- қаҳрамон маршрутини харитада белгиланг;
- тўғри жавобни белгиланг (3-4 танловдан иборат кўп танловли тест – бири тўғри, қолганлари чалғитади);
- маъновий қисмлар миқдорини аниқланг;
- матнни тингланг, матн мазмунига тўғри келган, берилган сарлавҳалардан бирини танланг;
- матн хотимасини ўйлаб топинг (таклиф қилинган намуналардан бирини танланг);
- матнга мувофиқ келган бир нечта номлардан бирини танланг;
- иштирок этувчи шахслардан бирини тавсифлаб беринг (уларнинг муомалаларига қараб);
- кўришга оид ва оид бўлмаган таянчлар ёрдамида матнни қайта сўзлаб беринг;
- матнга саволлар тузинг;
- матннинг альтернатив якунини ёзинг;
- реклама ўйлаб топинг, плакат яратинг.

Дарсни қуришнинг ушбу шаклига барча ўқувчилар жалб қилинган, бу эса уларнинг предмет ва тилни ўрганишга бўлган рағбатини оширади.

Баҳолаш

Тинглаш ва ўқиш қобилиятларини баҳолашда асосий эътибор матнни тушунишга, матнни унинг аҳамияти ва маълумот мазмуни, тил материаллари бўйича баҳолаш қобилиятига қаралади. Масалан:

Кўникманинг шаклланганлик даражаси	Баҳолаш дескрипторлари		
	Матнни тушуниш	Матнни унинг аҳамияти ва маълумотлилик нуқтаи назаридан баҳолаш кўникмаси	Тил материаллини билиш
Юқори	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ўқувчи умумий характердаги саволларга тўғри жавоб беради; ◆ жавоби кўп бўлган тестни бажаради; ◆ матн мазмуни билан сарлавҳалар, 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ матн тури ва асосий мавзуларни аниқлашнинг илғор кўникмаларини намойиш қилади; қайта тинглашда калит сўзларни, реалликни тўғри танлайди; маъно қисмлари учун сарлавҳа шаклида 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ она тили, иккинчи тилда асосий мазмунни тўғри узатишни билади; асосий фактларни уларни матнда берилган изчилликда санаб беради.

Кўникманинг шаклланганлик даражаси	Баҳолаш дескрипторлари		
	Матнни тушуниш	Матнни унинг аҳамияти ва маълумотлилик нуқтаи назаридан баҳолаш кўникмаси	Тил материални билиш
	иллюстрацияларни тўғри мувофиқлаштиради.	режа тузишни билади.	
Ўрта	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар умумий характердаги саволларга тўғри жавоб беради; айрим тафсилотлар ёки фактларга алоқадор бўлган саволларга жавоб беришда 1-2 та хатога йўл қўйган ҳолда кўп танловли тестни бажаради. 	<ul style="list-style-type: none"> Матн турини ва асосий мавзунини аниқлашда кўникмаларини намойиш этади, бироқ муҳимини иккинчи даражалигидан ажратишда 1-2 хатога йўл қўяди. 	<ul style="list-style-type: none"> Материал ўқувчи томонидан тўғри тушунилади, бироқ матнни маъновий қисмларга бўлишда ва уларга сарлавҳа қўйишда қийинчиликлар бор.
Ўртадан қуйи	<ul style="list-style-type: none"> Аудиоматнни чекланган ҳажмда тушунади; Ўқувчилар матнга берилган топшириқларни бажаришда кўп хатоларга йўл қўядилар. 	<ul style="list-style-type: none"> Матн тури ва асосий мавзунини аниқлашда кўникмаларнинг шаклланмаганлигини намойиш этади, режа тузишда 3 та хатога йўл қўяди. 	<ul style="list-style-type: none"> Материал қисман тушунилади, ўқувчи асосий мазмунни аниқлашда ва унинг иккинчи тилда узатишда қийинчиликларни бошидан кечиради.

Вариациялар

- Кўникмаларини аъло даражада намойиш қилган ўқувчиларга матн, ўқув материаллари ва мураккаблик даражаси юқори бўлган топшириқлар таклиф қилиниши мумкин.
- Даражаси стандарт талабларига жавоб берадиган ўқувчиларга матн/ўқув материаллари ва керакли даражадаги малака йўналтирилган топшириқлар таклиф қилинади.
- Қуйи даражадаги ўқувчиларга матн, кўрсатмалли ўқув материаллари, ўқитувчи изоҳлари, таянчлари билан (визуаллаштириш, тил конструкциялари, абзацлар боши, шаблонлар ва б.) таклиф қилинади.

3-СТРАТЕГИЯ. МАТН ЯРАТАМАН

Стратегияни тавсифлаш

Ушбу стратегия ёзув ва сўзлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

Нутқ фаолиятининг ушбу турлари нутқни шакллантиришга қаратилган, шунинг учун уларни маҳсулдор деб аташади. Ёзув ва сўзлашнинг асосий ўхшашликлари шундаки, улар маълумотни узатиш учун хизмат қилади.

Сўзлаш маълумотни бевосита, контактли узатишга, ёзув эса маълумотни оралиқдан узатишга қаратилган. Маълумотни асосий узатиш усули – бу матн.

Стратегиянинг мақсади – ўқувчиларга ўз матнларини яратиш алгоритминини тушунишга ёрдам бериш.

Шахсий мулоҳазани (оғзаки ёки ёзма) яратиш учун ўқувчилар машҳур тил воситаларини танлашади ва улар ёрдамида зарур маълумотни беришга ҳаракат қилишади. Айнан матн тил воситаларининг ишлашини изчил баёотда акс эттиришга имкон беради, шунинг учун у ўзгартирилмайдиган таянч турларидан бири бўлиб хизмат қилади.

«Матн яратаман» стратегияси ўқувчиларга ўз матнини яратиш учун намунадан, кутилган натижа моделидан, калит сўзлар, тезислар, сарлавҳалардан ва ҳ.к. фойдаланиш имкониятини беради.

Стратегия 3та қадамда амалга оширилади.



2-схема. «Матн яратаман» стратегиясининг асосий қадамлари

Дифференциация: мазмун, жараён, муҳит.

Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилишнинг турли усуллари, материални тақдим қилишнинг турли шакллари.

Таълим мақсадлари

- ◆ матннинг маълум тури ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш;
- ◆ оғзаки ёки ёзма матнни тузиш учун ўқувчиларда мавжуд зарур тил воситаларининг заҳирасини танлашга ўргатиш;
- ◆ уларни ягона бир бутун ҳолга бирлаштиришни ўргатиш.

Таълимнинг кутилган натижалари

Ўқувчилар

- ◆ матн намуналари билан танишадилар;
- ◆ уларнинг структураси ва тузилишининг ўзига хос хусусиятларини тушунишади;
- ◆ матнни мустақил яратишади.

Таълим синфи: 2-4 синфлар

Зарур материаллар: намуна-матнлар, эҳтимолдаги тил таянчлари берилган карточкалар.

Синфда ишни ташкил қилиш шакллари: бутун синф билан ишлаш, жуфтликда ишлаш, гуруҳларда ишлаш.

Жараёни тавсифлаш

Стратегияни қўллагунга қадар

Ўқитувчига қуйидагилар тавсия қилинади:

- ◆ мақсадга боғлиқ ҳолда (табрикнома, эълон, маълумот ахбороти, шахсий мактуб, миннатдорчилик, ҳикоя, тавсиф, муҳокама) ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида ўқувчилар томонидан қандай матн яратиш мумкинлигини аниқлаш;
- ◆ тегишли матнлар намуналарини танлаш;
- ◆ шахсий матнларни яратишда ўқувчилар таяниши мумкин бўлган тил таянчларини тайёрлаш;
- ◆ яратилган матнни баҳолаш критерийларини тайёрлаш.

Стратегияни қўллаш вақтида

1-қадам. Матн намунаси билан ишлаш

Ушбу босқичда ўқитувчи матн намуналари билан ишлашни ташкил қилади. Ўқувчилар таклиф қилинган матн намуналарини ўқишади, англашади, таҳлил қилишади ва уларнинг тузилиш моделини ўзлаштирадilar. Асосан ўқиганни тушуниш ва тил тизимларини таҳлил қилиш¹³ топшириқлари берилади.

2-қадам. Таянчлар билан ишлаш

Бу босқич ўқитувчи томонидан таклиф этилган таянчлар билан матн яратишни кўзда тутлади. Ўқувчилар намуна-матн таркибидаги турли даражадаги структур бирликлар билан аналогия бўйича мулоҳазаларини тузади. Шу билан бирга туширилганларни қўйиш, гапларни тўлиқлаш; матн бирликларини яхлитлаш, содда гапларни қўшма гапга, гапларни - абзацларга бирлаштириш; гапларни, абзацларни мантиқий қайта гуруҳлаш; матнни кенгайтириш - муҳим гап асосида абзацни тузиш, абзац асосида матн яратиш ва б. ни бажарадилар.

3-қадам. Шахсий матнни яратиш

Бу босқич ўқитувчи томонидан яратилган, пайдо бўлган вазиятни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда матнни ёзиш ёки оғзаки матн тайёрлашни ўз ичига олади.

Баҳолаш

Иш якунига кўра ўқувчи яратган матн баҳоланади. Баҳо мезонлари ўқитувчи томонидан намуна матннинг тури ва тузилишига мувофиқ ишлаб чиқилади. Баҳолашни ўқитувчи амалга оширади, шунингдек, ўзаро баҳолашни ташкил қилиш ҳам мумкин: критерийларга мувофиқ матнларни таҳлил қилиш ва тавсиялар беришни ўқувчилардан илтимос қилиш. Агар ўқувчилар ёзма матн устида ишлаган бўлсалар, тавсияларни инobatга олган ҳолда уларга матн устида охиригача ишлашга вақт бериш муҳим ва шундан кейин ўқитувчининг текширувиغا топшириш керак.

¹³Дидактик вазифасига кўра таҳлил маъновий, композицион, тилга оид, стилистик бўлиши мумкин.

СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА НАМУНАЛАР

1-намуна. Табрикнома-матн яратиш намуналари асосида стратегияларни амалга ошириш

Табрикнома-матн ҳам оғзаки, ҳам ёзма бўлиши мумкин. Иш тамойиллари бундан қатъий назар ўзгармайди.

Стратегия қадамлари	Топшириқлардан намуналар															
Матн намунаси билан ишлаш	<p>1. Табрикномани ўқинг.</p> <div style="border: 1px solid black; padding: 10px; text-align: center;"> <p>Қадрли Анара Исмаиловна! Сизни Янги йил билан табриклайман! Сизга соғлик, омад, бахт тилайман. Оилангизга бизнинг табрикларимизни етказинг. Ўрнат билан Ойбек.</p> </div> <p>2. Оқриткада аниқланг а) табрик сўзларни (уларни оддий қалам билан белгиланг); б) тилаклар қандай ифодаланган (кўк қалам билан остига чизиб қўйинг); в) табрикни етказиш илтимоси (яшил қалам билан белгиланг).</p>															
Таянч билан ишлаш	<p>3. Табрик сўзларни берилган шакллардан бирига алмаштиринг:</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 30%;">Мен хоҳлайман Мен истардимки</td> <td style="width: 30%;">табриклаш (кимни?)</td> <td style="width: 40%;">Туғилган кун билан! Янги йил билан! 8 март билан!</td> </tr> <tr> <td>Чин юракдан Чин қалбдан Самимий Қайноқ салом</td> <td>табриклайман (кимни?)</td> <td>23 февраль билан! Ғалаба байрами билан! Наврўз байрами билан!</td> </tr> </table> <p>4. Бошқача ниятлар билдиринг. Ниятни қуйидагича ифодалаш ҳам мумкин:</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 30%;">Мен хоҳлайман Мен истайман</td> <td style="width: 30%;">билдираман(кимга?)</td> <td style="width: 40%;">(нимани?) Муваффақиятлар, омад, бахт, саломатлик.</td> </tr> <tr> <td>Чин юракдан Чин қалбдан Самимий</td> <td>тилайман(кимга?)</td> <td>(нимани?) Яхши кайфиятни, Назорат ишини муваффақиятли ёзиб олишни, барча ниятлар амалга ошсин.</td> </tr> </table> <p>5. Табрикни етказиш илтимосини бошқача ифодаланг. Буни қуйидагича қилиш мумкин:</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 30%;">Мен хоҳлайман Мен истардимки Менинг ниятим</td> <td style="width: 30%;">саломни етказиш / табрикни / энг яхши тилакларимни (кимга?)</td> <td style="width: 40%;">(нимани?) Муваффақиятлар, омадлар, бахт, саломатлик.</td> </tr> </table>	Мен хоҳлайман Мен истардимки	табриклаш (кимни?)	Туғилган кун билан! Янги йил билан! 8 март билан!	Чин юракдан Чин қалбдан Самимий Қайноқ салом	табриклайман (кимни?)	23 февраль билан! Ғалаба байрами билан! Наврўз байрами билан!	Мен хоҳлайман Мен истайман	билдираман(кимга?)	(нимани?) Муваффақиятлар, омад, бахт, саломатлик.	Чин юракдан Чин қалбдан Самимий	тилайман(кимга?)	(нимани?) Яхши кайфиятни, Назорат ишини муваффақиятли ёзиб олишни, барча ниятлар амалга ошсин.	Мен хоҳлайман Мен истардимки Менинг ниятим	саломни етказиш / табрикни / энг яхши тилакларимни (кимга?)	(нимани?) Муваффақиятлар, омадлар, бахт, саломатлик.
Мен хоҳлайман Мен истардимки	табриклаш (кимни?)	Туғилган кун билан! Янги йил билан! 8 март билан!														
Чин юракдан Чин қалбдан Самимий Қайноқ салом	табриклайман (кимни?)	23 февраль билан! Ғалаба байрами билан! Наврўз байрами билан!														
Мен хоҳлайман Мен истайман	билдираман(кимга?)	(нимани?) Муваффақиятлар, омад, бахт, саломатлик.														
Чин юракдан Чин қалбдан Самимий	тилайман(кимга?)	(нимани?) Яхши кайфиятни, Назорат ишини муваффақиятли ёзиб олишни, барча ниятлар амалга ошсин.														
Мен хоҳлайман Мен истардимки Менинг ниятим	саломни етказиш / табрикни / энг яхши тилакларимни (кимга?)	(нимани?) Муваффақиятлар, омадлар, бахт, саломатлик.														
Шахсий матнни яратиш	<p>6. Берилган қурилмаларни қўллаб дўстларингизга янги йил табригини ёзинг.</p>															

Эҳтимолдаги баҳо мезонлари

№	БАҲО МЕЗОНЛАРИ	Максимал балл	Ўқувчи балли
1	Топшириқ тўғри тушунилган	1	
2	Мурожаат бор	1	
3	Табрикнома матнининг тўғри қурилмасидан фойдаланади (Табриклайман кимни? Нима билан ... ?)	1	
4	Ниятлар билдирилган (бахт, саломатлик, омадлар...)	1	
5	Грамматик хатоларсиз ёзилган	1	
Жами		5	

2-мисол. Стратегияни шахсий хатни ёзишга ўргатиш мисолида амалга ошириш

Стратегия қадамлари	Топшириқларга намуналар				
Матн намунаси билан ишлаш	<p><i>М.Ю. Лермонтовнинг С.А. Раевскийга ёзган хатини ўқинг ва хатдан қуйидагиларни топинг:</i></p> <p>а) муаллиф хатининг боши; б) хат учун миннатдорчилик; в) юмушлар, ҳаёт ҳақида саволларга жавоб бериши; г) янгиликлар ҳақида сўраяпти; д) жавоб ёзишни илтимос қиляпти; е) танишларга салом айтаяпти; ж) хайрлашяпти.</p>				
	<p style="text-align: center;">Қадрли дўстим Святослав!</p> <p>Хатинг менга етиб келди. Сенга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Илгари мен сени фақат бувижонимнинг хатларидан танирдим.</p> <p>Ишларим ҳақида сўрабсан. Россиядан кетганимдан сўнг мен Шушада, Кахетияда бўлдим. Хочсимон тоққа бордим. У ердан Грузиянинг ярми кўринади. Бу дақиқаларда менга ҳеч нарса керак эмас эдики, шу тарзда умр бўйи томоша қилиб ўтирсам...</p> <p>Хайр, дўстим, мени унутма. Бизни таниганларга салом айт. Агар вақт топсанг, қандай яшаётганлигинг, янги премьерга ҳақида нималарни эшитганлигингни ёзиб тур.</p> <p style="text-align: right;">Абадий сенга содиқ бўлган М. Лермонтов</p>				
Таянчлар билан ишлаш	<p>Ўқиб чиқинг, хатни одатда қандай бошлашади. Мурожаат шаклига эътибор беринг. Нима деб ўйлайсиз, кимга шундай мурожаат қилиш мумкин? Қандай хатда (расмий, норасмий) бундай мурожаатлар ўринли бўлади?</p> <div style="border: 1px solid black; padding: 10px; text-align: center;"> <p>Ҳурматли жаноб Иманкулов! Хурматли Айнура Акылбековна! Қадрли каттадада! Қадрдоним Зарина! Салом, Зариночка ва Айбек! Салом, Кайрат! Хайрли кун, Рустам!</p> </div> <p>Ўқиб чиқинг, миннадорчиликни қандай изҳор қилиш мумкин</p> <table border="1" style="width: 100%;"> <tr> <td>Катта раҳмат / Раҳмат сизга / Миннатдорман</td> <td>илиқ сўзлар учун яхши тилаклар учун</td> </tr> <tr> <td>Мен хоҳлайман / Мен истардимки / Мен ўз раҳматимни айтишим керак</td> <td>(Кимни? Нега?)</td> </tr> </table>	Катта раҳмат / Раҳмат сизга / Миннатдорман	илиқ сўзлар учун яхши тилаклар учун	Мен хоҳлайман / Мен истардимки / Мен ўз раҳматимни айтишим керак	(Кимни? Нега?)
Катта раҳмат / Раҳмат сизга / Миннатдорман	илиқ сўзлар учун яхши тилаклар учун				
Мен хоҳлайман / Мен истардимки / Мен ўз раҳматимни айтишим керак	(Кимни? Нега?)				

Стратегия қадамлари	Топшириқларга намуналар	
		Сизни, шунинг учун, шунга...
	<p>Ўқиб чиқинг, хатни олганлик тўғрисидаги қувончни яна қандай ифодалаш мумкин</p>	
	<p>Хатни олганимдан жуда хурсандман! Сиздан хат олганимга бошим кўкка етди. Қувонч билан хатингизни ўқиб чиқдим.</p>	
	<p>Ўқиб чиқинг, ҳаёт, режалар ҳақида яна нималарни сўраш мумкин</p>	
	<p>Ишларингиз қандай? Ҳаётингиз яхшими (ўқишларингиз, ишларингиз, кайфиятингиз)? Нима янгилик? Қандай ўғаришлар бўлди? Қандай янгиликлар бор? Ёзда нималар қилмоқчисиз?</p>	
	<p>Ўқиб чиқинг, юмушларингиз, ҳаёт ҳақидаги саволларга қандай жавоб бериш мумкин</p>	
	Сиз сўраяпсиз	мен қандай яшаяпман / ишларим қалай / ҳаммаси жойидами / қандай янгиликлар бор / қандай ўзгаришлар бор.
	Менинг ҳамма нарсам Ишларим	яхши / жойида / аввалгидек / ўзгаришлар йўқ. яхши / ёмонмас / аввалгидек.
	<p>Илтимосни яна қандай ифодалашингиз мумкинлигини ўқинг</p>	
	Сиздан илтимос қиламан Сиздан сўранаман Хайрингизни берсин	+нима қилиш керак?
	<p>Яна қандай жавоб ёзиш мумкинлигини ўқинг</p>	
	<p>Мени унутмай, ёзиб туринг. Сабрсизлик билан жавобини кутаман. Жавоб ёзишингизни жуда истардим. Ишонаманки, сиз менга жавоб ёзасиз.</p>	
	<p>Хатнинг охирини яна қандай тугатиш мумкинлигини ўқинг</p>	
	<p>Хайр. Саломат бўлинг. Кўришгунча. Қўлим кўксимда. Ҳурмат билан ...</p>	
<p>Шахсий матни яратиш</p>	<p>Тасаввур қилинг, сизнинг энг яхши дўстингиз ота-онаси билан бошқа шахарга кўчиб ўтишди. Эндиликда сиз у билан электрон почта орқали тез-тез ёзишиб турибсиз. Дўстингизга хат ёзинг. Ўзингиз ўқиган қурилмалардан фойдаланинг.</p>	

Эҳтимолдаги баҳолаш мезонлари (критерийлари)

№	БАҲОЛАШ КРИТЕРИЙЛАРИ	Максимал балл	Ўқувчи балли
1	Топшириқ тўғри тушунилган	1	
2	Ёзувнинг дастлабки қурилмаси бор	1	
3	Миннатдорчилик қурилмаси қўлланилади	1	
4	Юмушлар, ҳаёт ҳақида саволларга жавоб қурилмасини қўллайди	1	
5	Янгиликлар ҳақида хабар берилади	1	
6	Жавоб ёзиши учун илтимос бор	1	

7	Бошқа шахсларга саломлар юборилади	1	
8	Ёзувни тугатиш формуласи қўлланилади	1	
9	Грамматик хатоларсиз ёзилган	2	
Жами		10	

Балларни баҳога айлантириш шкаласи

Балл	Баҳо
9 – 10 балл	«5»
7 – 8 балл	«4»
4 – 6 балл	«3»





Фойдаланилган адабиётлар

1. CEFR (Common European Framework of Reference) / Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. – Страсбург: Департамент по языковой политике. Московский государственный университет (русская версия), 2003.
2. Coyle D. Theory and planning for effective classrooms: supporting students in content and language integrated learning contexts. (Ed): Learning Through a Foreign Language London: CILT, 1999.
3. Coyle, D., Hood, P., Marsh, D. CLIL: Content and Language Integrated Learning. Cambridge University Press, Cambridge. 2010.
4. Cummins, J. Language Development and Academic Learning Cummins, J in Malave, L. and Duquette, G. Language, Culture and Cognition Clevedon: Multilingual Matters (1991).
5. Language skills for successful subject learning. EFR linked descriptors for mathematics and history/civics // URL: https://www.researchgate.net/publication/333237759_CEFR-linked_descriptors_for_mathematics_and_historycivics_Language_skills_for_successful_subject_learning_PROMOTING_EXCELLENCE_IN_LANGUAGE_EDUCATION (дата обращения: 20.06.2020).
6. Liz Dale and Rosie Tanner. CLIL Activities. A resource for subject and language teachers. Bridge University Press, 2012.
7. Liz Dale and Rosie Tanner. CLIL Activities. A resource for subject and language teachers. Bridge University Press, 2012.
8. Marsh D. Content and language integrated learning: the European dimension – actions, trends and foresight potential. Oxford: Oxford University Press, 2002, 204 p.
9. Mehisto P., Marsh D., Frigols M. Uncovering CLIL: Content and Language Integrated Learning in Bilingual and Multilingual Education. Oxford: Macmillan Education, 2008, 240 p.
10. Meyer Oliver. Introducing the CLIL-Pyramid: Key Strategies and Principles for CLIL Planning and Teaching. Publisher: Universitätsverlag Winter GmbH Heidelberg, 2013, pp. 295-313.
11. Sandra Attard Montalto, Lindsay Walter, Maria Theodorou, Kleoniki Chrysanthou. The CLIL Guidebook. // URL: <https://www.languages.dk/archive/clil4u/book/CLIL%20Book%20En.pdf> (дата обращения: 20.06.2020).
12. Teacher's Guide on CLIL Methodology in Primary Schools – Volume 1. © 2018 CLIL for Children //URL: http://www.clil4children.eu/wpcontent/uploads/2018/06/Guide_Addressed_to_Teachers_Vol01.pdf (дата обращения: 20.06.2020).
13. Tornbury S. How to teach vocabulary / S. Tornbury. – Oxford, 2007. – 187 p.
14. Harrop, E. (2010). Content and Language Integrated Learning (CLIL): Limitations and possibilities. Encuentro, 21, pp. 57-70.

16. Бунеева Е.В., Чиндилова О.В. Приёмы продуктивного чтения несплошных текстов // http://www.school2100.ru/upload/iblock/f36/Jurnal_4_2014_p.55-59.pdf (дата обращения: 20.06.2020).
17. Бунеева Е.В. Буду настоящим читателем. Пособие по технологии продуктивного чтения. – М.: Баласс, 2013.
18. Бунеева Е.В., Чиндилова О.В.. Технология продуктивного чтения: её сущность и особенности использования в образовании детей дошкольного и школьного возраста. – М.: Баласс, 2014.
19. Григуле Л., Янсоне А. Оценка учебных достижений учеников в программах многоязычного образования. – Бишкек, 2016.
20. Информационно-методический вестник о многоязычном и поликультурном образовании в странах Центральной Азии «Диалог». Вып. 11. – OSCE, 2016 – С. 6 – 8 // URL: <http://www.edu-resource.net/images/docs/vestnik/DIALOG%2011%20RUSS.pdf> (дата обращения: 20.06.2020).
21. Логвина И. Рождественская Л. Формирование навыков функционального чтения. Книга для учителя / И. Логвина, Л. Рождественская. – Тарту, TARTUULICOOL. NARVAKOLLEDZ, 2012.
22. Мирошниченко Л. Ю. Метод кластера в технологии развития критического мышления на уроках в начальных классах / Л. Ю. Мирошниченко. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 3.1 (137.1). — С. 41-43. — URL: <https://moluch.ru/archive/137/38305/> (дата обращения: 20.06.2020).
23. Национальное оценивание образовательных достижений учащихся 4 класса (НООДУ) – 2017. Отчёт об основных результатах исследования. – URL: http://www.testing.kg/media/uploads/files/NOODU%202017/NSBA2017_Grade4_Report_Ru.pdf
24. Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Основы коммуникативной теории и технологии иноязычного образования. Методическое пособие для преподавателей русского языка как иностранного. – М.: Русский язык, 2010. – 568 с.
25. Результаты исследования НООДУ 2017 года (4 класс) – URL: <http://www.testing.kg/ru/nashi-proekty/noodu/rezultaty-issledovaniya-noodu-2017-goda.-4-klass.html> (дата обращения: 20.06.2020).
26. Стоянова А., Глушкова М. Как разработать и внедрить устойчивую программу многоязычного образования: Руководство для разработчиков и менеджеров программ многоязычного образования. – Бишкек 2016. – 243 с.
27. Усманова З. Ф. Реализация технологии CLIL в условиях полилингвального обучения / З. Ф. Усманова, Т. В. Заяц, Г. Ж. Мукажанова. — Текст: непосредственный // Филология и лингвистика в современном мире: материалы I Междунар. науч. конф. (г. Москва, июнь 2017 г.). — Москва: Буки-Веди, 2017. — С. 94-97. — URL: <https://moluch.ru/conf/phil/archive/235/12596/> (дата обращения: 20.06.2020).
28. Машрапова А. С. Использование методики CLIL на уроках со вторым языком обучения // Молодой ученый. — 2017. — № 18.1 (152.1). — С. 48-51. — URL: <https://moluch.ru/archive/152/43289/> (дата обращения: 20.06.2020).



ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР

1. 200 глаголов цифровой таксономии Блума // URL: http://roachinthenet.blogspot.com/2016/01/200_21.html#.Xu-ZwGgzaUk (дата обращения: 20.06.2020).
2. QR-коды на занятиях: интересные задания, квесты, кодирование аудиозаписей // URL: <https://www.eduneo.ru/qr-kody-na-zanyatiyax-interesnye-zadaniya-kvesty-kodirovanie-audiozapisej/> (дата обращения: 20.06.2020).
3. Лучшие онлайн-сервисы для создания обучающих игр и игровых упражнений // URL: <https://www.eduneo.ru/4916-2/> (дата обращения: 20.06.2020).
4. Мастер-класс по теме "Использование приёмов ассоциации на уроках в начальной школе". // URL: <https://sk.pinterest.com/deroks712/%D0%BF%D1%80%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D0%BB%D0%B0-%D1%80%D1%83%D1%81%D1%81%D0%BA%D0%BE%D0%B3%D0%BE-%D1%8F%D0%B7%D1%8B%D0%BA%D0%B0/> (дата обращения: 20.06.2020).
5. Педагогическое колесо – инструмент для планирования // URL: <http://roachinthenet.blogspot.com/2016/03/blog-post.html#.Xu-ZM2gzaUk> (дата обращения: 20.06.2020).
6. Смысловое чтение в начальной школе // URL: <http://www.planeta-kniga.ru/blog/smyslovoye-chteniyе.html> (дата обращения: 20.06.2020).
7. Соосар Н., Замковая Н. Интерактивные методы преподавания. Настольная книга преподавателя // URL: <https://cloud.mail.ru/public/Mcox/GNNoBLEuM> (дата обращения: 20.06.2020).
8. Гарднер Г. Структура разума: теория множественного интеллекта. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007. – 512 с. // URL: Доступно по ссылке: <https://baguzin.ru/wp/wp-content/uploads/2014/02/Говард-Гарднер.-Структура-разума-теория-множественного-интеллекта.pdf> (дата обращения: 20.06.2020).
9. Гин А. Приёмы педагогической техники. Свобода выбора. Открытость. Деятельность. Обратная связь. Идеальность. – М.: ВИТА-ПРЕСС, 2014. – 112 с. // URL: учпортал.бел/attachments/article/189/А_А_Гин_Приемы_педагогической_технологии.pdf (дата обращения: 20.06.2020).
10. Дирксен Дж. Искусство обучать. Как сделать любое обучение нескучным и эффективным. – М.: ООО «Манн. Иванов и Фербер», 2013 – 312 с. // URL: https://www.rulit.me/programRead.php?program_id=332286&page=1 (дата обращения: 20.06.2020).
11. Компетенции «4К»: формирование и оценка на уроке: Практические рекомендации /авт.-сост. М. А. Пинская, А. М. Михайлова. — М.: Корпорация «Российский учебник», 2019. — 76 с. // URL: <https://publications.hse.ru/mirror/pubs/share/direct/345295660> (дата обращения: 20.06.2020).

12. Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей / пер. с англ. О. Медведь. — М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. — 416 с. // URL: http://orth-gymnasia.ru/education/pedработникам/Masterstvo_uchitelya.pdf (дата обращения: 20.06.2020).
13. Многоязычная школа – путь к успеху. Сборник методических разработок. – Бишкек, 2016. – 349 с. // URL: <https://drive.google.com/file/d/1-GUK3m2ZcoTGewSimio3OT0ZvsO7tVO/view?usp=sharing> (дата обращения: 20.06.2020).
14. Teacher’s Guide on CLIL Methodology in Primary Schools – Volume 1, 2. © 2018 CLIL for Children (ENG) // URL: Часть 1. Teacher’s Guide on CLIL Methodology in Primary Schools – Volume 1 – ENG // URL: http://www.cuil4children.eu/wp-content/uploads/2018/06/Guide_Addressed_to_Teachers_Vol01.pdf (дата обращения: 20.06.2020); Часть 2. Teacher’s Guide on CLIL Methodology in Primary Schools – Volume 2 – 15 Lesson Plan Package – ENG // URL: http://www.cuil4children.eu/wp-content/uploads/2018/05/Guide_Addressed_to_Teachers_Vol02_rel08.pdf (дата обращения: 20.06.2020).



ГЛОССАРИЙ

Асосий фикр — матн муаллифи айтмоқчи бўлган бош ғоя.

Баҳо – давлат стандартида белгиланган, ўқувчилар компетентлигининг шаклланганлик даражасини сифатли аниқлаш.

Баҳолаш – ўқувчиларнинг когнитив (билишга оид), аффектив (ҳиссий - аҳамиятлилик) ва ахлоқий фаолиятини, ўқитувчи, синф, мактаб ишини, шунингдек, таълим сифатини яхшилаш мақсадида тавсиф, рўйхатдан ўтиш ва маълумотни талқин қилиш мақсадларида, олинган таълим натижаларини режалаштирилганлари билан мувофиқлик даражасини аниқлаш учун тизимли тарзда кузатиш жараёни.

Билингвал таълим – иккита тилдан – она (биринчи) ва иккинчи тилдан (давлат, чет тили) фойдаланадиган таълим жараёни. Икки тилдан фойдаланиш шакллари (оғзаки, ёзма, визуал, тинглашга оид ва б.), шунингдек, дидактик материаллар тури ва уларнинг тили аниқ белгиланмаган, бироқ уларнинг даражаси ўқувчилар тегишли гуруҳларининг ўртача тил компетентликларига мувофиқ келиши зарур.

Дескрипторлар – бу ўқувчилар компетентлигининг шаклланганлик даражасини тавсифлайдиган сифатли баҳолаш мезонлари ва ўқувчилар фаоллигини намоён қилиш (қуйи, ўрта, юқори) даражасини аниқлашга имкон беради.

Диалог – адабий асарда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг суҳбати, одамларнинг икки томонлама мулоқоти.

Ёзма нутқ (ёзув) – график белгилар ёрдамида маълумотнинг оралиқда туриб узатиладиган нутқий фаолиятнинг самарали тури.

Изланишга оид ўқиш – келгусида маълум мақсадларда фойдаланиш учун матндан маълум маълумотларни топишга йўналтирилган ўқиш.

Иккинчи тил (Т2) – боланинг она ва биринчи тилидан сўнг ўзлаштириши зарур бўлган тил. Кўпинча иккинчи тил сифатида давлатнинг давлат тили ёки расмий тил яққол белгиланади. Жамиятда иккинчи тил эгалари ҳамда унинг ривожланиши ва уни ўрганиш учун табиий муҳит мавжуд. Бу яшаш жойи ёки минтақаси ичида муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган тил ҳисобланади.

Интеграция – қисмларни яхлит бирлаштириш жараёни.

Коммуникатив кўникмалар – самарали мулоқот малакаси. Асосий коммуникатив кўникмалар (BICS) – турли ҳаётий ҳолатларда кундалик мулоқот учун қўлланиладиган кўникмалар; улар контекстга боғлиқ бўлади, деярли енгил ўзлаштирилади, тил ихтисослашмаган.

Коммуникатив фаолият – мулоқот фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида маълумот билан алмашиш содир бўлади.

Компетентлик – маълум вазиятда: ўқув, шахсий, касбий ҳолат ўқувчиларнинг самарали маҳсулдор фаолияти учун зарур бўлган таълимий тайёргарликка олдиндан берилган ижтимоий талаб (меъёр, стандартлар рўйхати).

Компетентлилик – маълум ҳолатларда: ўқув, шахсий, касбий ҳолатларда инсоннинг билим, кўникма ва фаолият усулларининг турли элементларини мустақил қўллашнинг интеграцияланган қобилияти.

Композиция – бадиий асарни қуриш, унинг қисмлари, тимсоллари, эпизодларини асарнинг мазмуни ва жанр шаклига мос равишда маълум бир кетма-кетликда жойлаштириш.

Конструкция – бу синтактик бутунлик (сўз бирикмаси, оборот) бўлиб, унинг таркибига нутқда ўзига хос грамматик хусусиятлари туфайли бир-бири билан уйғунлашган, бирлаштирилган тил бирликлари киради.

Кўникма – ғайриихтиёрий равишда (қандайдир ҳаракатни амалга ошириш қобилияти) тўпланган билим. Малакани шакллантиришнинг асосий мезонлари – ғайриихтиёрийлик, барқарорлик, онглилик, мослашувчанлик, хатосиз бажариш.

Кўп тиллилик (полилингвизм, мультилингвизм) – маълум ижтимоий ҳамжамият доирасида бир нечта тиллардан фойдаланиш. Индивидуал кўп тиллилик кундалик амалиётда шахс томонидан камида икки-учта тилдан тенг эркин фойдалана билишни назарда тутди.

Кўриб чиқишга оид ўқиш – матн мазмуни ҳақида умумий тасаввур олиш ва бир нечта манбадан зарурини танлаш мақсадида ўқиш.

Қайта сўзлаш – бирор матнни оғзаки ёки ёзма ифодалаш, адабий асарни таҳлил қилиш жараёнида кенг қўлланилади. Муаллифнинг асосий фикрларини ёритиш, сюжет ва характерлар ривожланиши, ёзувчининг индивидуал ўзига хос услубини бериш йўлларида бири ҳисобланади.

Лексик бирлик – яхлит лексик маънога эга бўлган – сўз ёки фразеологизм- тил луғат таркибининг бирлиги.

Лексик минимум – тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга имкон берадиган сўзларнинг минимал миқдори. Бошқа тарафдан, лексик минимум – бу ўқувчиларнинг маълум ўқув соатларида ўзлаштириши мумкин бўлган сўзларнинг максимал миқдори.

Лексика – маълум тилдаги сўзлар мажмуи, луғат таркиби.

Мавзу – асар асосини ташкил этган воқеа ва ҳодисалар доираси, муаллиф ҳикоя қилган ва китобхонлар диққатини нимага жалб қилмоқчи эканлиги ҳақида бадиий тасвир объекти.

Мақсадли тил – бу боланинг она тили эмас (биринчи тили эмас). Кўп тилли таълим дастурларида мақсадли тил таълим жараёни тилларидан бири ҳисобланади. Мақсадли тил сифатида кўпинча боланинг иккинчи ва/ёки чет тили бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжат доирасида «иккинчи тил» ва «мақсадли тил» атамалари мос тушади ва Т2 аббревиатураси билан белгиланади.

Матн – мотивлар, мақсадлари, танланган мавзуси, асосий фикр ва ғояси билан мувофиқ бўлган ҳамда маълум тузилиши, композицияси, мантиқий ва стилистик бирлигини тавсифловчи ёзма (ёки оғзаки) конкрет асар кўринишидаги, муаллиф томонидан амалга оширилган нутқий фикрлаш жараёнининг натижаси.

Маҳорат (бирор нарса қила олиш қобилияти) – эгалланган билим ва шакллантирилган кўникмалар асосида маълум шароитларда маълум фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлган қобилият.

Метод – билим ва амалиётда маълум натижаларга эришиш усули.

Монолог – бадиий асарда битта одамнинг нутқи, персонаж ёки сўзловчининг батафсил мулоҳазалари.

Муҳокама ёки мулоҳаза – нутқ тури. Муҳокаманинг моҳияти қандайдир мулоҳазани тушунтириш ёки қайсидир фикр (тезис) чинлигини бошқа далиллар (аргументлар) билан асослашдан иборат.

Нояхлит (узлуксиз) матн – шундай матнки, унда маълумот фақат сўз билангина берилмайди. Матн ўзида бир нечта маълумот манбаларини уйғунлаштиради, уни

ўқувчилар кўпинча реал воқеликда учратиб туришади. Нояхлит (узлуксиз) матнларга жадваллар, графиклар, схемалар, таянч конспектлар, дарсликда остида ёзувлари билан берилган расмлар, транспорт ҳаракати жадваллари, йўл юриш схемалари, афишалар, сайтлар хариталари, реклама постерлари, кўрсатмалар ва ҳ.к.

Нутқ – тилни мулоқот, ҳис-туйғуларни ифодалаш, фикрларни шакллантириш, атрофдаги дунёни билиш, унинг ҳаракатларини режалаштириш ва б. мақсадларда фойдаланиладиган инсон фаолияти. Нутқ деганда жараённинг ўзи (нутқий фаолият) ва унинг натижаси (нутқий матнлар, оғзаки ёки ёзма матнлар) тушунилади.

Нутқ клишелари – нутқда тез-тез қўлланиладиган, маълум нутқ соҳасининг коммуникатив талабларига мувофиқ фойдаланиладиган тайёр нутқ формулалари.

Нутқий фаолият – инсон фаолиятининг бир тури (меҳнат, билишга оид, ўйин ва б.). Нутқ фаолияти тинглаш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш каби асосий кўринишларда амалга оширилади. Нутқ фаолиятнинг бу турлари мулоқот жараёнида инсонларнинг ўзаро таъсирининг асосий турлари сифатида қаралади.

Оғзаки нутқ – маълумот нутқ товушлари ёрдамида узатиладиган нутқ фаолиятининг маҳсулдор тури. Оғзаки нутқ – жонли нутқ, у нафақат талаффуз қилинади, бирон нарсани ифодалайди, балки санокли дақиқаларда сўзлаш пайтида яратилади. Бу яратиладиган, гаплашадиган нутқ. Уни тавсифлаш учун кўпинча «жонли сўз» ибораси қўлланилади.

Она тили (биринчи тил) (Т1) – бола биринчи марта атрофдагилар билан мулоқотда бўлган тил. Кўпчилик инсонлар учун «она (ёки ота) тили билан» мувофиқ бўлган тил. Она тили, ёки биринчи тил болани маълум маданиятга дастлаб эга бўлганлигини тавсифлайдиган тил ҳисобланади. Шу билан бирга шундай ҳолатлар ҳам учраши мумкин, боланинг (оила тили) этник она тили унинг биринчи тили бўлмаслиги мумкин: масалан, Қирғизистонда яшайдиган рус тилли қирғизлар, Қозоғистонда яшайдиган рус тилли қозоқлар каби. Ушбу ҳужжат доирасида «она тили» ва «биринчи тил» атамалари бир-бирига мувофиқ ва у Т1 аббревиатураси билан белгиланади.

Портфолио (ютуқлар папкаси) – ўқувчиларнинг шахсан ўзлари томонидан шакллантириладиган ва мактабда ҳамда унинг ортида ўтказиладиган турли ўқув ва ўқишдан ташқари ишларида унинг тайёрлиги ва фаоллигини кўрсатадиган шахсий ютуқларининг тўплами; ўқувчиларнинг таълим ютуқларини назорат қилишнинг самарали воситаси.

Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш (Content and Language Integrated Learning – CLIL)– бир вақтнинг ўзида иккинчи/чет тилини ўрганиш ва шу тилда ўқув предметини ўзлаштиришга имкон берадиган методик ёндашув. Шу билан биргаликда, ўқитувчи турли хил дидактик усуллар ва ўқув воситаларидан, шунингдек, замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали бир вақтнинг ўзида предметни ўқитиш билан ўқувчининг тил компетентликларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Предметга оид кўникмалар – айрим фанларни (математика, ватаншунослик, ҲҲА ва ҳ.к.) ўрганиш жараёнида болаларда шаклланадиган билим, қобилият ва малакалар. Улар, умумий ҳолда, шу фанларда қўлланади, бироқ интеграцияланган таълим шароитларида уларнинг бир қисми аралаш фанларда қўлланилади.

Реплика – диалогда қатнашаётган ҳаракатдаги шахслардан бирининг баёноти.

Ривоя – ривожлантирувчи ҳаракатлар, ҳолатлар, жараёнлар, ҳодисалар ҳақида сўз кетадиган нутқ тури.

Скаффолдинг – болага ёки бир соҳадаги янги одамга муаммони ечиш, топшириқни бажариш ёки унинг индивидуал саъй-ҳаракатлари ва имкониятларидан ташқарида

бўлган мақсадларга эришишга имкон берадиган ёндашув. (Дж. Брунер келтирган таъриф).

Стратегия (педагогик) – синфда таълимий мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун кадам-бақдам қўлланиладиган, режалаштирилган усул ва приёмларнинг систематик тўплами.

«Сўзловчи» девор – гуруҳ хонасидаги девор, доска ёки бошқа юза, унда ҳарфлар, сўзлар, жумлалар ёзилган турли тематик расмлар, жадваллар, плакатлар, узун магнит парчалари, ўйин фишкалари ва бошқа намуналар жойлаштирилади.

«Сўзловчи» девор ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан барча ўқув жараёнида ўтилган материални мустақамлаш ва янгисини ўзлаштиришда фаол фойдаланилади. Бу нарса тилга ўргатишнинг самарали муҳитини яратиш ва болаларнинг коммуникатив кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради.

Сўзлаш – нутқ фаолиятининг маҳсулдор тури бўлиб, унинг ёрдамида оғзаки мулоқот амалга оширилади. Сўзлашнинг маҳсули нутқий мулоҳаза (матн), нутқий ахборот ҳисобланади.

Таништиришга оид ўқиш – мазмунни умумий қамраб олган ҳолда ўқиш ва асосий, энг муҳим нарсани тушунишга кўрсатма бериш.

Тасвир – предмет белгилари (кенг маънода) ёритиладиган нутқ тури.

Таълимнинг кўп тилли дастурлари – бу шундай дастурларки, унда ўқув жараёнида икки ёки ундан кўп тиллар қўлланилади. Улардан бири боланинг она тили, ёки биринчи тил (Т1), иккинчи тил (Т2) эса – унинг учун янги тил ҳисобланади.

Тил билиш даражаси – стандарт категорияларни қўллаш орқали тил билиш даражаси тизими ва шу даражалар тавсифи тизими кўринишида тақдим этилган халқаро тил стандарти. Даражалар ўқувчиларнинг коммуникатив кўникмалари шаклланганлигининг, уларнинг кундалик ва профессионал мулоқотнинг турли ҳолатларида тилни билиш қобилияти меъёрини кўрсатади.

Тил конструкцияси – бу синтактик ўзаро боғланган сўзлар уйғунлиги, оғзаки фикр-мулоҳаза.

Тинглаш – бирор маъно ифодалаган матнларнинг маъносини идрок қилишга йўналтирилган нутқий фаолиятнинг оғзаки тури.

Ўқиш – график тарзда қайд этилган матнни маъновий идрок этишга йўналтирилган нутқий фаолият тури. Ўқишнинг мақсади ёзма маълумотни олиш ва қайта ишлаш ҳисобланади.

Ўқув кўникмалари – таълим жараёнида шаклланадиган ҳаракатларга мос келадиган кўникма ва малакалар, масалан, ўқитувчининг нутқини тушуниш, кўрсатмаларга амал қилиш, маълумот қидириш, саволлар бериш қобилияти ва б. Ўқув кўникмалари ўқувчилар томонидан қуйи ҳаракатлар жараёнида ўзлаштирилади ва таълимий фаолият ҳамда кундалик ҳаётда қўлланиладиган ҳаракатларни бажариш операцияларига айланади.

Ўрганишга оид ўқиш – матнда таркиб топган барча асосий ва иккинчи даражали фактларни тўлиқ ва аниқ тушунишга, уларни англаш ва эслашга йўл-йўриқ берадиган ўқиш.

Фанлараро интеграция – умумий ёндашув асосида битта мавзу ёки мавзулар блокинни яхлит тарзда ўрганишда турли предметларнинг бирлаштирилиши.

Фаол луғат бойлиги (фаол луғат) – ўқувчилар томонидан фаол фойдаланишга мўлжалланган сўзлар йиғиндиси (сўзлашув ва ёзувда) , яъни ўқувчилар ўз нутқида фойдаланишлари мумкин ва зарур бўлган лексик бирликлар.

Яхлит матн – формулалар, жадваллар, сарлавҳалар, расмлар билан алоҳида қаторларга киритилган узлуксиз матн. Булар турли хил жанрдаги матнлар, жумладан, ҳикоялар, шеърлар, мақолалар, иншолар.



1-ИЛОВА. ТАЪЛИМДА CLIL БЎЙИЧА ЁНДАШУВДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ (МАШЎУЛОТЛАР ЛАВҲАЛАРИДАН НАМУНАЛАР)

**ОНА ТИЛИДА/БИРИНЧИ ТИЛДА (МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ ТИЛИДА) ПРЕДМЕТ ВА
ТИЛНИ ЯХЛИТ ҲОЛДА ЎҚИТИШ**



Бу бўлимда иккинчи синфлар учун тил ва «БТИ» предметлари бўйича дарс ишланмалари берилган. Машғулотлар CLILга ёндашув асосида тузилган ва ўқувчининг она тилида (биринчи) олиб борилади.

Интеграция: «Жониворлар» елвизак мавзуси

Бир нечта дарсларда елвизак мавзулар интеграция қилинади, жумладан, ўқиш дарсида мавзуни чуқурроқ ўрганишга, атамалар, тушунчалар, дарс лексикасини яхшироқ ўзлаштиришга имкон беради. Шу туфайли болаларнинг она (биринчи) тилида сўз бойлиги ортади, предметдан юқори компетентликлар, жумладан, ҳаётдан олинган ўзига хос вазифаларни ҳал қилиш, олинган билимларни ҳаётда, ўқишда қўллаш кўникмаси шаклланади.

CLIL тамойиллари

Предмет мазмунини ўрганиш мактабдаги ўқувчиларнинг таълим тили ёки она тилини интеграция қилиш орқали ўрганилади, дарслар 4C тамойили (content (мазмун), communication (мулоқот), cognition (фикрлаш қобилияти), culture (маданий билимлар) асосида олиб борилади. Ўқиш ва БТИни ўқитиш бўйича берилган намуналарда ўқувчилар ҳикоя билан танишадилар, унинг **мазмунини** ўзлаштирадидилар; дарс мавзуси бўйича топшириқларни бажариш орқали **мулоқот** кўникмаларини шакллантирадидилар; **фикрлаш малакаларини** ривожлантирадидилар (ўқиш дарсида сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатишади, БТИ дарсида эса чизган расмлари қандай чиққанлиги ҳақида гапириб берадидилар); мазмунни идрок қилиб, ўзларига хулоса чиқарадидилар, шу билан бирга ўқувчиларда **маданий** билимлар шаклланади).

2-синф. ЎҚИШ ДАРСИ

Ии вақти: 45 дақиқа

Мавзу: ҚЎРҚУВНИНГ КЎЗЛАРИ УЛКАН

Н.Сладковнинг «**Айиқ ўзини қандай қилиб қўрқитиб юборди**» ҳикояси билан танишиш.

Кутилган натижалар

Ўқувчилар

- ◆ матн мазмунини тушунади;
- ◆ матнда нотаниш сўзлар маъносини тушунтира олишади (сўзнинг лексик маъноси тўлиқ берилган гап-тушунтиришларни тузишади);
- ◆ саволларга тўлиқ гаплар билан жавоб беришади;
- ◆ сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатишади;
- ◆ саволлар, предмет расмлар, сўз-ҳаракатларга таяниб матнни изчиллик билан қайта сўзлаб беришади;

- ◆ атрофдаги содир бўлаётган ҳамма нарсадан қўрқмаслик керак деган хулосага келишади.

Ресурслар: расмлар, ҳикоя қаҳрамонлари ва фаол лексика тасвири туширилган “сўзловчи девор”.

Иш шакли: индивидуал, жуфтликда

Дарснинг бориши

1-қадам. Машғулот мавзусини айтинг: «Қўрқувнинг кўзлари улкан».

Ўқув вазифалари ва кутилган натижаларни тушунтиринг: *дарс давомида биз сизлар билан Н.Сладковнинг «Айиқ ўзини қандай қилиб қўрқитиб юборди» ҳикоясини ўқиймиз, ҳикояда воқеалар қандай изчилликда рўй берганлигини сўзлаб беришни ўрганамиз. Расмлардан, янги сўзлар, ҳикоя матнидан фойдаланиб топшириқларни бажарамиз. Ҳикоя мазмунини тушуниш ҳам биз учун муҳим.*

2-қадам. Дарсга чақириш қилинг.

1-топшириқ. Расмларни кузатинг, ҳикоя қаҳрамонларини айтинг (айиқ, олмахон, қуён, ҳакка, буғулар).

2-топшириқ. Фараз қилинг, биз ўқийдиган ҳикоя қаҳрамонлари қандай бўлиши мумкин:

- ◆ Н.Сладков ҳикоясидаги айиқ қандай? (Маймоқ, паҳмоқ, катта, бесўнақай, лапашанг).
- ◆ Қуён қандай? (Ғилай, узунқулоқ, қўрқоқ, тўполончи).
- ◆ Ҳакка қандай? (Сергап, қизиққон, узун думи бор).
- ◆ Олмахон қандай? (Чаққон, момикдай, ивирсиган, малла, чиройли).
- ◆ Буғу ҳақида нима дейиш мумкин? (Шохдор, катта, кучли)
- ◆ Ҳикоя матнида нима ҳақида ўқиймиз? Қаҳрамонлар билан нима содир бўлди?

Тахминларингизни намунага қараб айтинг: *Бу айиқ. У катта ва паҳмоқ.*

Изоҳ. Скаффолдинг усулларида бири: иллюстрацияли кўргазма ва таянч лексикадан фойдаланиш. Олдиндан ўқитувчи томонидан тайёрлаб қўйилган, ҳикоя қаҳрамонларини тасвирловчи сўзлар проектор экранда кўрсатилиши мумкин ёки А4 шаклдаги қоғозда қўлда ёзилган, босилган сўзлар синф деворларига жойлаштирилади.

3-қадам. Лексика билан ишланг.

3-топшириқ. Биз матнда учратишимиз мумкин бўлган сўзларнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун берилган сўзлар маъносига яқин бўлган сўзларни танлаб олинг.

Оғзаки жавоб намунаси: *Қарсиллади – бу ... -ни англатади.*

Қарсиллади — ... (бўғиқ, синган овоз чиқди; синди)

Тушиб кетди — ... (тегди)

Ўрмон ичкараси — ... (чакалакзор, чангалзор)

Буталардан сакраб ўтди — ... (думини тугиб қолди)
Қулоқларини динг қилди — ... (сергак тортди, эшитди)
Шитирлади — ... (бижирлади)
Ўкирди — ... (дарғазаб бўкирди)
Жуфтакни ростлади — ... (қочиб қолди)
Ўрмон бўйлаб буғулар шох-шаббаларни синдира бошлашди. — ... (йўлида пайҳон қилди, шохларни синдирди)

Изоҳ. Сўз бойлиги билан ишлаш иккита вариантда ўтказилиши мумкин. Юқори даражадаги сўз бойлигига эга бўлган ўқувчиларга у ёки бу сўз нимани англатиши мумкинлигини тахмин қилиб кўришларини таклиф қилинг.

Ўрта даражадаги ўқувчиларга ўзаро муносабатни (маъноси яқин бўлган сўзлар тарқоқ ҳолда берилади, ўқувчилар янги сўзлар билан улар орасидаги ўзаро муносабатни аниқлашади) аниқлашни топширинг. Сўз бойлиги қуйи даражада бўлган ўқувчилар учун янги сўзлар ва уларнинг маъносини ўқиб чиқиш бўйича топшириқ бериш мумкин.

4-қадам. Ўқувчиларга Н.Сладковнинг «Айиқ ўзини қандай қилиб қўрқитиб юборди» номли ҳикояси билан таништиринг.

4-топшириқ. Ҳикояни мустақил ўқинг. Сизга нотаниш бўлган сўзларнинг остига чизинг. Жуфтликда шу сўзларни муҳокама қилинг.

АЙИҚ ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚЎРҚИТИБ ЮБОРДИ

Айиқ ўрмонга кирди. Оғир панжалари тагида новда қарсиллаб кетди. Шохда ўтирган олмахон қўрқиб кетиб, панжалари орасидан ғуддани тушириб юборди. Ғудда қуённинг пешонасига учиб тушди. Қуён сапчиб туриб, ўрмон ичига югурди. У ҳақкага тўқнашиб кетди, уни чўчитиб юборди. Унинг қичқириғи бутун ўрмонни тутиб кетди. Буғулар буни эшитиб, буталарни синдира бошладилар.








Шу ерда айиқ тўхтади, қулоқларини динг қилди. Олмаҳон пилдираб, ҳақка қичқириб, буғулар буталарни синдирарди. Кимдир орқада топиллатиб юрибди! "Кетганим яхшироқ" - деб ўйлади айиқ. Айиқ бўкирди ва қочиб қолди.

Эҳ, агарда у қуён орқасида оёқларини тапиллатаётганини, олмахон уни ғудда билан туширганини билса эди. Шундай қилиб, айиқ ўзини ўзи қўрқитиб юборди.

Н. Сладков

5-қадам. Маттни қайта ҳикоя қилишга тайёргарлик қилиш бўйича ўқувчилар ишини уюштиринг. Саволлар ва предметларга оид расмлардан фойдаланинг.

5-топшириқ. Маттни изчиллик билан қайта ҳикоя қилишга ҳаракат қиламиз. Мен сизларга ёрдам бераман. Саволлар бераман ва расмлар кўрсатаман. Сиз эса шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Саволлар	Предметларга оид расмлар	Тахминий жавоб
Воқеа нимадан бошланди?	<p>Биринчи расм — АЙИҚ.</p> 	Айиқ ўрмонга кирди.
Кейин нима содир бўлди?	<p>Иккинчи расм - НОВДА.</p> 	Айиқ панжалари остида новда қасирлади.
Новданинг қасирлаши нимани чўчитиб юборди?	<p>Учинчи расм — ОЛМАХОН.</p> 	Новданинг қасирлаши олмахонни чўчитиб юборди.
Олмагон нима қилди?	<p>Тўртинчи расм — ҒУДДА.</p> 	Олмагон панжалари орасидан ғуддани тушириб юборди.
Ғудда бехосдан қаерга тушиб кетди? Қуён нима қилди?	<p>Бешинчи расм — ҚУЁН.</p> 	Ғудда бехосдан қуённинг бошига тушди.
Ҳакка нима қилди?	<p>Олтинчи расм — ҲАККА.</p> 	Сақраб тушди, ўрмон ичига югуриб кириб, ҳакка билан тўқнашиб кетди.
Ҳакка нимани эшитиб қолди?		Ҳакка бутун ўрмонга шовқин кўтарди.

Саволлар	Предметларга оид расмлар	Тахминий жавоб
	Еттинчи расм — БУҒУЛАР. 	Буғулар ҳаккани эшитиб қолди.
Буғулар нима қилишди?	<input type="checkbox"/>	Ўрмон бўйлаб ўсимлик тупларини синдира бошлашди.
	Саккизинчи расм — ҚОЧИБ КЕТАЁТГАН АЙИҚ. 	Айиқ олмахонни тапиллатганини, ҳакка қичқирганини, буғулар шохларни синдирганини, орқада эса нимадир топиллаганини эшитди.
Айиқ нималарни эшитди?	<input type="checkbox"/>	Айиқ ўйлади: «Кетганим яхшироқ»
Айиқ нима деб ўйлади?		Айиқ шошиб қочиб қолди.
Айиқ нима иш қилди?		

6-қадам. Воқеалар орасидаги мантиқий боғланишни аниқлашга йўналтирилган ишни ўтказинг.

6-топшириқ. Келинг, фикрлаб кўрамиз.

- ◆ Айиқ бўлмаганида ҳикоя бўлармиди? Нега?
- ◆ Олмагоннинг панжалари орасида ғудда бўлмаганида ҳикоя бўлармиди?
- ◆ Демак, бу ҳикояда ҳеч қайси ҳолатни кўздан қочириб бўлмайди.

7-қадам. Жисмоний дақиқа ўтказинг

7-топшириқ. Эсланг, бу ҳикоянинг сўз-ҳаракатларига ҳамда товуш орқали ва расмларга қараб уни айтиб беринг.

Сўз-ҳаракатлар доскада предмет расмлар остига ёзилган:

АЙИҚ	НОВДА	ОЛМАХОН	ҒУДДА	ҚУЁН	ҲАККА	БУҒУ	АЙИҚ
кирди	қарсиллади	чўчиди, тушириб юборди	тушиб кетди, беҳосдан тушиб кетди	сакради югуриб кетди тўқнашди	шовқин кўтарди	эшитди кетди шох бутоқларни синдирди	бўкирди

8-қадам. Хотиранингизга асосланиб маълумотни тиклаш бўйича ишни ўтказинг (сочилган тарзда)

8-топшириқ. Предмет расмлари ва сўз-ҳаракатларга таяниб матнни тикланг. Мен расмни кўрсатаман, сўз-ҳаракатларни айтаман, сиз эса бу ҳақда матнда нима дейилганини эслаб айтасиз.

9-қадам. Бир нечта ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказинг. Матнни қайта сўзлаб беришини сўранг.

9-топшириқ. Матнни мустақил қайта ҳикоя қилиб беринг. Предмет расмлар ва сўз-ҳаракатларга таянинг.

Ишни бажариш вариантлари

- ◆ Тўлиқ қайта сўзлаш (1-2 ўқувчи).
- ◆ Занжир бўлиб сўзлаш
- ◆ Матн қаҳрамонлари номидан сўзлаш (айиқ, олмахон, қуён, буғулар)
- ◆ Расмлар ва сўз-ҳаракатларга таянмасдан сўзлаш (2-3 ўқувчи)

Изоҳ. Бу топшириқда скаффолдинг тамойилларидан (энди ёрдамга муҳтож бўлмаган ўқувчилар матнни мустақил қайта сўзлаб беришлари мумкин) бири ишга оширилади.

10-қадам. Ўқувчилардан ҳикояни баҳолаб беришларини илтимос қилинг.

10-топшириқ. Келинг, ҳикояни муҳокама қиламиз.

- ◆ Сизга ҳикоя ёқдимиди?
- ◆ Ҳикоя нима ҳақида?
- ◆ Нима деб ўйлайсиз, ҳикоя жиддийми ёки ҳазил?
- ◆ Юморни нимада кўряпсиз?
- ◆ Бу ҳикояга қандай мақол танлаб олиш мумкин? (Қўрқувнинг кўзлари улкан).
- ◆ Ҳикоядан қандай хулоса чиқариш мумкин? (Атрофда рўй бераётган барча нарсалардан қўрқмаслик керак, диққат билан кузатиб, вазиятни ўрганиб чиқиш зарур).

11-қадам. Ўқувчиларга турли даражадаги уй вазифаларини таклиф қилинг:

Уй вазифаси. Сиз бугун дарсда ўқиган ҳикоя ҳақида дўстингиз, дугонангизга ёзинг. унга ўқишни маслаҳат беринг.

Бунинг учун:

- ◆ муаллиф ва ҳикоя номини айтинг;
- ◆ бош қаҳрамон ва у билан нималар рўй бергани ҳақида маълумот беринг;
- ◆ ҳикояда энг қизиқарли нима бўлганини ёзинг;
- ◆ дўстларингизга ҳикояни ўқиб чиқишни маслаҳат беринг.

Изоҳ. Уй вазифасига берилган матн ҳам таянч бўлиши мумкинлиги ҳақида тавсиялар. Бу ўқувчиларга структурага мувофиқ матн ёзиш, ўқилган ҳикоянинг асосий фикрини ифодалашга, шу билан бирга матнга тахминий ҳажмни беришга ёрдам беради.

Сўз бойлиги ўртадан юқори даражада бўлган ўқувчилар учун тил қурилмаларини таклиф қилиш мумкин.

Масалан: агар сизга мустақил ёзиш қийин бўлса, у ҳолда матнда қуйидаги жумлалардан фойдаланишингиз мумкин:

Салом ... (дўст/дугонангиз исми) !

Бугун мен ... деб номланган ҳикоя ўқидим.

Бу ҳикояни ... ёзган.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони - У ...

... ҳикоянинг энг қизиқарли жойи.

Сизга ... ўқиб чиқишни маслаҳат бераман.

Топшириқ вариантлари

а) дўстингиз/дугонангизга Н.Сладковнинг ҳикояси ҳақида ёзинг. Дарсдаги барча янги сўзлардан фойдаланинг.

б) Дўстингиз/дугонангизга Н.Сладковнинг ҳикояси ҳақида ёзинг, ҳикояни ўқиб чиқишига қизиқтиринг.

в) Дўстингиз/дугонангизга Н.Сладковнинг ҳикояси ҳақида ёзинг. Уни ҳикоя қизиқарли эканлигига ишонтиринг.

Баҳолаш: критериал

№	Баҳо мезонлари	Баллар
1.	Топшириқ тўғри тушунилган, матн Н.Сладковнинг ҳикояси ҳақида ёзилган, муаллиф ва ҳикоя номи кўрсатилган.	
2.	Бош қаҳрамон ва у билан рўй берган воқеа ҳақида айтиб ўтилади.	
3.	Ҳикоянинг энг қизиқарли бўлими тасвирланган.	
4.	Дўстига маслаҳат берилади.	
5.	Грамматик хатоларсиз ёзилган .	
Жами		

2-синф. БТИ ДАРСИДАН ЛАВҲА

Иш вақти: 20 дақиқа

Мавзу: Оддий геометрик фигуралар ёрдамида қалам билан чизиш.

Кутилган натижалар

Ўқувчилар

- ◆ жониворларни оддий геометрик фигуралар ёрдамида чизишади;
- ◆ бу расмни қандай чизганликлари ҳақида айтиб беришади.

Материаллар

- ◆ альбом варағи, оддий қалам, ўчирғич, рангли қаламлар.

Ресурслар: сўзловчи девор – геометрик фигуралар тўпламидан намуна.

Дифференциал ёндашув

Болаларнинг ўрта даражадаги ривожланиши – болалар оддий схема бўйича чизишади.

Болаларнинг ўрта даражадаги қуйи даражаси – болалар батафсил схемадан фойдаланиб чизишади.

Дарснинг бориши

1-қадам. Дарсга чақириш/билимларни актуаллаштириш

Ўқувчиларнинг диққатини ўқиш дарсида ўқиган ҳикояга қаратинг. Н.Сладковнинг **«Айиқ қандай қилиб ўзини кўрқитиб юборди»** ҳикоясини эсланг.

Бош қаҳрамонни аниқланг. Келинг эслаймиз: Ҳикоянинг бош қаҳрамони ким? Айиқ билан қандай воқеа содир бўлди ва нега? Болалар, биз сизлар билан ҳикоянинг бош қаҳрамонини чизамиз.

2-қадам. Чизиш

Иш босқичлари

1. Дастлаб айлана чизамиз – бу бўлажак айиқ бошининг контури.
2. Айлана остига кичкина овал чизамиз – бу танаси.
3. Айлана ичига, қуйига кичкина горизонтал овал чизамиз – бу тумшуғи.
4. Кейин кичик айланалар кўринишида қулоқларини чизамиз.
5. Сўнгра узун оваллар шаклида олдинги ва орқа оёқларини чизамиз.
6. Кўзларини чизамиз. Тумшуғини яхшилаб чизамиз. Панжалари, тирноқларини чизамиз.
7. Ортиқча деталларини ўчирғич билан ўчирамиз.
8. Расмни рангли қаламлар билан бўяб қўямиз.


Изоҳ. Ўқитувчи ўқувчиларга таклиф қилган таянчлар УДО ва дифференциал тамойилларига мувофиқ келади. Ўқувчилар тайёр намуна асосида юқори даражадаги тайёргарлик билан топшириқни бажаришади; оддий схема асосида – базавий даражадаги ўқувчилар; базавий даражадан қуйи бўлган ўқувчилар – батафсил схема асосида.

Тайёр намуна



Содда схема

1




2




Батафсил схема


1



2



3



4



3-қадам. Муҳокама: жуфтликда ўз расмларингизни муҳокама қилинг. Бундай чиройли расмни қандай чизганлигингиз ҳақида дўстингизга гапириб беринг. Жавоб бериш учун йўл-йўриқдан фойдаланинг.

Айиқни чизиш учун мен геометрик фигуралардан фойдаландим.

- ◆ Аввалига мен ... чиздим. Бунинг учун
- ◆ Сўнгра ... чиздим. Шунда ... ҳосил бўлди.
- ◆ Кейин ... ёрдамида ... чиздим. Менда ... ҳосил бўлди.

Изоҳ. Таклиф қилинган тил қурилмалари ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришга ёрдам беради.

Баҳолаш: дифференциал

Уй вазифаси, турли даражада: «А», «В» ва «С»

- 1. «А»** Расмни кузатинг. Расмнинг қисмларини топинг ва оғзаки айтиб беринг. Қисмлар номини ёзиб қўйинг.
- 2. «В»** Расмни кузатинг. Қисмлар номини ёзиб қўйинг. Чизиш жараёнини батафсил оғзаки айтиб беринг.
- 3. «С»** Расм қисмлари номини ўқинг. Ишни тўғри бажаришни кўрсатиб беринг: жойлашиши, мутаносиблиги, симметрияси.

ҚИСМАН ВА ТЎЛИҚ ШЎНҒИШ ДАСТУРЛАРИДА ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ЯХЛИТ ҲОЛДА ЎҚИТИШ



Бу бўлимда 4-синфлар «Ватаншунослик», «Математика» ва «БТИ» фанлари бўйича дарс ишланмалари берилган. Машғулотлар CLILга ёндашув асосида тузилган ва қисман ёки тўлиқ иккинчи тилда, ўқувчиларнинг мақсадли тилида олиб борилади.

Интеграция: Дарсларда «Дарахтлар» елвизак мавзуси интеграцияланган.

Берилган дарсларда фанлараро боғланиш «Дарахтлар» номли елвизак тематик чизиқлари орқали амалга оширилган. Ишланмалар асосида турли фанлар, ўқув усуллари, приёмлар, топшириқлар, шунингдек, мактаб ва мактабдан ташқари тадбирлар қўшилиб кетадиган, алоҳида ўқув предметлари орасидаги ўзаро муносабат ҳақидаги Давлат таълимий стандарти қоидалари ётади.

CLIL тамойиллари

Предмет мазмуни иккинчи, мақсадли тилни ўрганиш билан интеграцияланади, дарслар 4C тамойили (content (мазмун), communication (мулоқот), cognition (фикрлаш қобилияти), culture (маданий билимлар)да ўтказилади. Бу эса ўқувчиларга предмет ва тил бўйича чуқур билим олишга, англаш ва илгари ўрганилганларни янги маълумотлар билан боғлашга, ўрганилган мавзунинг яхлит кўринишини яратишга, бошқа предметлар орқали мақсадли тилда билимларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

4синф. ВАТАНШУНОСЛИК ДАРСИ

(мақсадли тилда ярим шўнғиш)

Иш вақти: 45 дақиқа

Дарс мавзуси: Дарахтлар. Дарахтлар новдаси ва барглари.

Кутилган натижалар:

Т2да: дарахтлар ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олишади: дарахтларнинг номлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қандай кўринишда, қаерда ўсиши, ёшини қандай аниқлаш мумкинлигини билиб олишади.



Т1да: Хулосалар қилишади ва инсон ҳаётида дарахтларнинг аҳамиятини тушунтиришади.

Ресурслар: дарахтлар, барглар, уруғнинг тасвири туширилган ва ҳар бир дарахтга қисқа тавсиф берилган «сўзловчи девор». Бўяш мумкин бўлган барглар тасвири ҳар бир дарахтга берилади; дарахтларнинг номини ёзиш, расмда уларнинг баргларини таниш таклиф қилинади.



Дарс учун ресурсларни қуйидаги ҳавола бўйича юклаб олиш мумкин:
http://www.razvitierobenka.com/2011/06/blog-post_23.html#.Xv0-eigzaUk

Сўзловчи деворда зарур материаллар





Дарахтнинг тузилиши



Иш шакли: жуфтликда, гуруҳда ишлаш

Дарснинг бориши

1-қадам. Машғулот мавзусини айтинг: «Дарахтлар. Дарахт новдалари барглари».

T1 да ўқув вазифалари ва кутилган натижаларни тушунтиринг: дарс давомида сиз дарахтлар ҳақида бир нечта ҳикояларни ўқийсиз, дарахтлар нима учун кераклигини, дарахт қандай қисмлардан ташкил топганини, дарахтдан нима қилиш мумкинлигини билиб olasиз. Расмлар, атамалар, матнлардан фойдаланиб топшириқларни бажарасиз.

2-қадам. Актуаллаштириш/дарсга чақириш. Сўзловчи доскага яқинлашиб, болалар билан суҳбат ўтказинг: Болалар, сиз жуда кўп нарсаларни биласиз ва дарахтлар ҳақида кўп нарсаларни айтиб бера olasиз. Келинглар, шу ҳақда бироз гаплашамиз.

Суҳбат учун тахминий саволлар: Қандай дарахтларни биласиз? Дарахтлар буталардан қандай фарқ қилади? Нимаси билан? Дарахтлар жонли предметми ёки жонсиз? Уларнинг ўсишида ким (ёки нима) ёрдам беради?

Дарахтларнинг расмини кўрсатинг: Дарахтнинг номи нима? Баландлиги қанча? Қаерларда кўпроқ ўсади? Қандай қисмлардан ташкил топган?

Изоҳ. Бу саволга сўзловчи деворда жойлашган «Дарахт тузилиши» расми жавоб беради. Расмда дарахт қисмларини кўрсатиб гапириб беринг.

3-қадам. Лексика билан ишлаш. Сўзларнинг маъносини тушунтиринг, берилган сўзлар маъносига яқин бўлган сўзлар танланг, расмлардан фойдаланинг ва ҳ.к.

илдизлар

поя

шоҳ-шабба

уруғ

поя – ер устида ўсадиган ўсимлик қисми

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири. Англаш учун «сўзловчи девор»га жойлаштирилган расмлар, луғат иши ўтказганда ўқитувчининг имо-ишоралари, шунингдек, ўқитувчининг қисқа тушунарли жумлалар орқали айтилган оҳиста ва тўғри нутқи ёрдам беради.

4-қадам. Матн билан ишлаш учун кичик гуруҳларда аниқ кўрсатма беринг: *олтита гуруҳни ташкил этинг. Гуруҳлар қуйидагича номланади: Қайин, Терак, Арча, Жўка, Заранг, Шумтол.* Ҳар бир гуруҳ ўз дарахти ҳақида матн олди. Матнни ўқинг. Ўқилган матнни муҳокама қилинг, бунинг учун саволларга жавоб беринг:

Қандай дарахт ҳақида ўқидингиз?

Инсон бу дарахтдан қандай фойдаланади?

Дарахтлар нима учун керак?

Нима учун дарахтларни асрашимиз керак?

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири. Ўқитувчи томонидан таклиф қилинган саволлар оғзаки ҳикоя қилиш учун таянч ҳисобланади. Кичик гуруҳда ўқувчилар саволларга берилган жавобларни муҳокама қилишади, сўнгра улардан 1-2 таси ўқиган матннинг қисқача мазмунини тақдирот қилишади. Таклиф қилинган изчилликдаги саволларга берилган жавоблар боғланишли ҳикоя тузишда ёрдам беради.

1-матн. Заранг



Заранг

Заранглар – асалга бой ўсимлик. Улар асаларилар учун тириклик манбаи. Айтилса баҳорда. Зарангларни атайлаб асалари хўжалиги олдига экишади. Айти мавсумда асаларилар 1 гектардан 200 кг гача асал йиғиб олиши мумкин, олма дарахтидан эса 20 кг гача. Шаҳарларда заранг ҳаводан турли хил зарарли моддаларни йиғиб олади. Заранг енгил полировка қилинади. Ундан кларнет ва флейталар, мебель ва текстиль станоклари учун турли деталлар ясалади.



2-матн. Қайин

Бу қайин. Унинг танаси оқ, ингичка, кўркам. Шохларида барглари юмалоқ шаклда. Қайин илдизлари билан озۇқланади. Қайин – бу улкан игнабаргли дарахт. Қайинлар кўпинча ўрмонда ўсади. Шаҳарда одамлар ҳавони тоза қилиш учун экадилар. Қайин пўстлоғидан турли хил нарсалар ишлаб чиқарадилар. Баҳорда қайинда куртаклар пайдо бўлади, улар кейин баргларга айланади. Ёз бўйи қайин яшил рангда туради. Кузда барглари сарғайиб, тўкилади. Қишда яланғоч шохлари қор билан қопланади.



3-матн. Терак



Терак

Терак – ҳавони тозалайдиган ва намлайдиган ноёб дарахт, товушларни юта олади, бўёқ, дори ва озуқа бўлиши мумкин.

Шаҳарларда санитарлик вазифасини бажаради.

Экологияни яхшилади.

3та жўка, 7та қорақарағай, 4та тоғтерақ қанча кислород чиқарса, терак шунча кислород ажратади

4-матн. Жўка



Жўка

Жўка гуллари асаларилар нектари учун бой манба ҳисобланади. Жўка асали энг ширин ва фойдали асал ҳисобланади. Жўка гуллари шамоллашда қўлланилади. Жўка ёғочи – идишлар тайёрлаш учун энг яхши материал. Жўка пўстлоғи.

Жўка

Жўка дарахти кўпчиликка таниш. Уни барглари юраксимон шаклдаги эканлиги ва мевалари бўйича таниб олиш мумкин. Мева-ёнғоқлари бир нечта алоҳида бандида тўпланган. Ҳар бир поясининг қанотчалари бор.

Жўка ёз ўрталарида гуллайди. Гуллари унча катта эмас, оч сариқ, кўримсиз. Бироқ улар ажойиб ҳидга эга ва нектарга бой. Нектарига кўплаган асаларилар учиб келади. Жўка гуллари доривор. Жўкали чойни шамоллаганда истеъмол қилишади.

Жўка азалдан фойдали дарахт бўлган. Қадимда Россияда унинг илдизларидан чипта тайёрлашган ва лаптилар тўқишган. Юмшоқ ёғочидан қошиқ ва идишлар тайёрлашган.

Бу дарахт ўрмоннинг ўзи учун ҳам фойдали. Тўкилган барглари чириганда ўғит бўлиб хизмат қилади.

Одамлар атайлаб жўка экишади. Жўка боғлари шаҳар кўрки ҳисобланади.

В.В.Петров

5-матн. Арча

Арча экилган жойда ҳаво бирмунча тоза бўлади, бир суткада бир гектарда ердаги арча деярли 30 кг фитонцидларни ишлаб чиқаради (бу йирик шаҳар атмосферасини тозалаш учун етарли). Ғудда-мевалари қадимдан тиббиётда қўлланилади. Арча қайнатмасидан фойдаланиш юқори самарани беради.

Арча илдизлари сил, нафас йўллари, тери касалликларини даволашда ишлатилади. Новдаларининг қайнатмаси аллергияни даволашда тавсия этилади.



6-матн. Шумтол

Шумтол – тик танали баланд дарахт. Шумтолнинг барги кўплаган узун барглардан иборат. У дарахтни меваларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Улар қуюқ супургисимон ҳолда осилиб туради. Ҳар бир меваси битта қанотчаларга эга, кичкина тилчага ўхшайди.

Нафас йўлларини даволаш учун шумтол томирлари қайнатмасидан фойдаланишади. Буйрақлар шамоллашида шумтол барглари қайнатмаси фойдали. Шумтол эфир ёғлари замбуруғ тери касалликларини даволайди. Шумтолдан тайёрланган дорилар радикулит ва безгакларни даволайди.



Қуюқ супургича



4-қадам. Бажарилган топшириқ учун ўқувчиларни мақтаб қўйинг. Жисмоний дақиқани ўтказинг. *Болалар, сиз матнни ўқидингиз, гуруҳда муҳокама қилдингиз, бошқаларга айтиб бердингиз. Баракалла, азаматсиз. Сиз жуда яхши ишладингиз. Энди ҳаммангиз ўрнингиздан туриб, марҳамат, ортимдан қайтаринг. (Болалар ўқитувчининг ҳаракатлари ва сўзларини такрорлайдилар).*

Шамол эсар у ён, бу ён

Ўнг ёнгаю, чап томон

Қаддин кўтариб секин

Эгилар Замин томон.

Қуёшга чўзиламиз

Ҳаммамиз жилмаямиз.

Сўнгра аҳиллик билан

Ўринга ўтирамиз.




5-қадам. Кейинги топшириққа аниқ кўрсатма беринг: *Бошқа гуруҳларга савол беринг. Бунинг учун ўз гуруҳингизда қандай савол бериш мумкинлигини муҳокама қилиб, келишиб олинг.*

Намуналар

- ◆ Дарахтнинг тузилиши қандай? (дарахтнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб шох-шаббаси, пояси ва илдизлари ҳисобланади).
- ◆ Дарахтларни қандай сақлаб қолиш мумкин? (одамлар ёш кўчатларни синдирмасликларини назорат қилиш керак, ўзимиз ҳам шохларини синдирмаслигимиз, дарахтларнинг фойдаси ҳақида бир-бирларимизга тушунтиришимиз зарур).
- ◆ Дарахтлар учун болалар нима қилишлари мумкин? (Болалар кўчатларга сув куйишлари, уларни экишлари, улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари мумкин).
- ◆ Уйингиздаги қайси буюмлар дарахтлардан ясалган? (мебель, ўйинчоқлар, қоғоз ...).
- ◆ Шу дарахтлардан қайси бири ҳовлингизда ёки шаҳар/қишлоғингизда ўсади?

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – *намуналар*. Болалар Т2да тўғри саволлар тузиб, жавоб беришда қийналишади. Намуналар зарур ёрдам бўлади, чунки улар саволни қандай тузиш мумкинлигини кўрсатади.

6-қадам. Гуруҳлар учун қуйидаги топшириқларга аниқ кўрсатма беринг: *Болалар, келинлар ўйлаб кўрамиз, дарахтларнинг барглари, банди, новдаси ва мевалари қандай рангда бўлади? Мен сизларга қаламлар ва барглари расми туширилган варақлар бераман. Сизлар эса гуруҳингизга берилган қисмларни аҳилликда бўйб чиқинг. Ишнинг тезлиги ва сифатини текширамиз.*



7-қадам. Тез ва сифатли бўяганликлари учун болаларни мақтаб қўйинг. *Баракалла, болалар! Жуда чиройли барелар чизибсиз! Дарахтнинг қайси қисмларини бўядингиз? Қандай рангдаги қалам билан чиздингиз ва нега? Йилнинг ҳар хил фаслида ранглар бир-биридан қандай фарқланади?*

Изоҳ. Бу ёшда мусобақаларга қизиқиш бўлади, болаларга тез ва сифатли бажаришга оид топшириқлар ёқади, шунинг учун бу топшириқ дарсда кўп вақтни олмайди, шу билан бирга бунда реал оламини таниш жараёни, инсон ва табиат орасидаги муносабат ташкил қилинган.

6-қадамга қуйидаги дифференциацияланган топшириқларни таклиф қилиш мумкин:

1. «А» Табиий гулни кузатиб чиқинг. Унинг қисмларини топинг ва айтинг. Шу ўсимликни чизинг, қисмлари остига номини ёзиб қўйинг.

2. «Б» Расмни кўриб чиқинг. Ўсимлик қисмларининг номини ёзинг. Шу ўсимлик қисмларини табиий гулда аниқлаб топинг.

3.«В» Ўсимлик қисмларининг номланишини ўқинг: илдиз, банди, барг, гули, меваси. Табиий гулни кўриб чиқинг. Унинг қисмларини топиб, номини айтинг.

8-қадам. Ўқувчилар дарснинг зарур хулосасини чиқаришлари учун уларнинг биринчи тилига ўтинг. Гуруҳда муҳокама қилинг ва дарахтларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириб беринг.

Изоҳ. Бу топшириқни бажаришда ўқувчилар скаффолдингнинг махсус усулларисиз уддалайди. Улар дарснинг мазмунига асосланган ҳолда, ўз тажрибасидан келтирилган маълумот билан тўлдириб, дарахтларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириб бера олишлари мумкин. Бу вақтда бутун дарс материаллари она тилида ўрганиб чиқилади. Ўқувчиларнинг биринчи тили сўзлаш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантириш учун пойдевор ҳисобланади. Агар ўқувчилар она тилини яхши ўзлаштирган бўлса, у ҳолда у иккинчи тилни ҳам тезроқ ўрганади.

9-қадам. Форматив баҳолаш усули орқали гуруҳ ишини баҳоланг. Болаларнинг ўзлари ўз ишларини баҳолаб беришларни илтимос қилинг: *Бир-иккита жумланинг бошини танлаб олинг ва фикрни мустақил яқунланг.*

Бугун дарсда:

- Мен ... билиб олдим.
- Мен ... эканлигини тушундим.
- Мен ... аниқлашни ўрганиб олдим.
- Мен ... билганимда ҳайратда қолдим.
- Менга ... қизиқарли бўлди.
- Мен ҳатто ... тасаввур ҳам қилмаган эдим.



10-қадам. Уй вазифасини бажариш учун ўқувчиларга аниқ кўрсатма беринг: *Болалар, «Дарахтлар» мавзуси кўпгина дарсларда ўрганилган. Математика, БТИ ва ватаншунослик дарсларидаги материаллар бўйича якуний ишни бажаринг. Дарахтлар расмлари ва «Менинг дарахтим» номли қисқа ҳикоя орқали «Қирғизистон дарахтлари» сарлавҳали китобча яратинг. Китобчангиз турли предметларга оид топшириқларнинг жавоблари ёзилган бир нечта саҳифадан иборат бўлсин.*

Якуний ишни баҳолаш мезонлари

Қирғизистонда ўсадиган дарахтлари бўлган пейзажни яратган рассом-пейзажистлар ҳақидаги қизиқарли маълумоти учун – 10 баллгача.

Ўқувчининг ҳовлиси ёки қишлоғида ўсадиган дарахтларнинг баландлигини таққослаш бўйича математикадаги масалаларни бажарганлиги учун- 10 баллгача.

Китобчани яратишда саранжомлиги ва ижодий ёндашуви: дарсда ўрганган олти дарахт расмидан фойдаланиши ва «Менинг дарахтим» ҳикояси учун – 30 баллгача.

Изоҳ. Ушбу иши учун ўқувчилар «Дарахт» мавзуси интеграцияланган барча предметлар бўйича баҳолаш олишади. Юқоридаги ҳолатда бу ватаншунослик (дарахтлар ҳақидаги ҳикоялар мазмуни), математика (дарахтлар бўйини таққослаш масаласи шarti ва ечилиши) ва БТИ (дарахтлар расми).

4-синф. МАТЕМАТИКА ДАРСИДАН ЛАВҲА

(мақсадли тилда тўла шўнғиш)

Иш вақти: 30 дақиқа

Таълим мақсадлари: Ўқувчиларда катталиклар қатнашган масалаларни ечиш қобилиятларини ривожлантириш. Иккинчи/мақсадли тилда «.. кичик», «... катта», «... марта катта», «... марта кичик» атамаларини ўзлаштириш.


Кутилган натижалар

Ўқувчилар

- ◆ Дарахтларнинг номларини билиб олишади, қўшишни, таққослашни, бўйига қараб тузишни ўрганишади.
- ◆ Дарсда «.. кичик», «... катта», «... марта катта», «... марта кичик» атамаларини иккинчи тилда айтишади.
- ◆ Иккинчи тилда масалани ечиш йўлини тушунтира олишади.

Зарур материаллар

1) «Сўзлагувчи девор» – дарахтлар расми, расмлар остида болаларнинг дарахт номларини ёзишлари учун чизиклар берилган.

					
Терак	Шумтол	Жўка	Заранг	Арча	Қайин

2) Баъзи бир дарахтларнинг тахминий баландлиги ёзилган жадвал.

Дарахт номи	Дарахтнинг баландлиги
Терак	2000 см
Арча	130 дм
Заранг	1500 см
Қайин	260 дм
Жўка	4000 см
Шумтол	380 дм

Иш шакли: жуфтликда, гуруҳда ишлаш

Ишнинг бориши

1-қадам. Т2да ўқув топшириқларини ва кутилган натижаларни тушунтиринг: охириги 20-30 дақиқа мобайнида ўқувчилар расмлар ва дарс атамаларидан фойдаланиб топшириқларни бажаришади.

2-қадам. Луғат ишини ўтказинг: Т2 ўқувчилар ўқитувчининг ортидан сўзлар ва гапларни такрорлаш орқали тўғри ўқишади.

Терак, шумтол, жўка, заранг, арча, қайин – дарахтлар. Жадвалда биз уларнинг баландлигини кўряпмиз.

дм - дециметр

см - сантиметр

10 дм = 1 м.

100 см = 1 м.

10 дециметр 1 метрга тенг.

100 сантиметр 1 метрга тенг.

+ кўшиш < кичик

x кўпайтириш > катта

= тенг

Баландлиги ... – ... метр.

Энг ... дарахт – ...

Энг баланд дарахт. Энг паст дарахт - ...

... марта паст. ... марта баланд. Чунки ... </> ...

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – кўргазмалардан фойдаланиш. Тушунишда «сўзловчи девор»да жойлашган расмлар, луғат ишини ўтказиётган пайтда ўқитувчининг имо-ишоралари, ўқитувчининг қисқа ва тушунарли жумлалар орқали оҳиста ва тўғри нутқи ёрдам беради.

3-қадам. Т2да чақириш қилинг, саволлар беринг, ўйланиш ва жавоб бериш орқали ўқувчилар топшириқни бажаришга рағбатланиши мумкин. *Нима деб ўйлайсиз, болалар, Қирғизистонда шундай дарахтлар ўсадими? (Ҳа, Йўқ). Нега шундай деб ўйлайсиз? Бу дарахтлар ҳақида нималарни биласиз? Энг баланд дарахт қайси? Қайси бир дарахт пишиқ ва мустаҳкам деб ўйлайсиз? Дарахтлар нима учун керак?*

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – ўқувчининг шахсий тажрибасига мурожаат қилинг.

4-қадам. Т2да бажариш учун топшириқни аниқ ифодалаб беринг: *Топшириқ шартини мустақил ўқинг, жуфтликда муҳокама қилинг ва бажаринг.*

1-топшириқ. Жадвалда баъзи бир дарахтларнинг тахминий баландлиги ёзилган. Жадвални кўриб чиқинг. Ҳар бир дарахт баландлигини метрларда аниқланг.

Дарахт номи	Дарахтнинг баландлиги
Терак	2000 см = 20 м
Арча	130 дм = 13 м

Заранг	1500 см = 15 м
Қайин	260 дм = 26 м
Жўка	4000 см = 40 м
Шумтол	380 дм = 38 м

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – график ташкилотчи. Ушбу ҳолатда маълумот жадвалда график тарзда тақдим этилган. График ташкилотчилар ўқувчиларнинг фикрлашини шакллантиришда ҳисса қўшади.

Бажарилган топшириқ учун болаларни мақтаб қўйинг.

5-қадам. Топшириқни аниқ ифодалаб беринг: *Топшириқни мустақил ўқинг. Уни қандай бажариш кераклигини айтиб беринг.*

Агар уйнинг битта қавати баландлиги 3м бўлса, у ҳолда жўка, шумтол ва қайиннинг баландлиги ўн икки қаватли уйдан баланд. **ҲА ёки ЙЎҚми?**

3 м X 12 қ. = 36 м

26 м * 36 м

40 м * 36 м

38 м * 36 м

Изоҳ. Бу «сўнувчи» скаффолдинг усулларида бири. Агарда ўқитувчи мунтазам тарзда топшириқни бажариш тартибини ўзи тушунтириб борса, у ҳолда ўқувчилар ҳар доим унинг кўмагини кутиб туришади. Ўқувчилар ўзлари топшириқни ўқишларига имкон беринг ва уларнинг тушунганликларини текширинг. Нотўғри тушунган тақдирдагина уларга ёрдам бериш мумкин.

6-қадам. Агарда болалар қандай ишлаш кераклигини: ўн икки қаватли уйнинг баландлигини битта қаватнинг баландлигини 12га кўпайтириш орқали қисқа гапириб тушунтириб бера олса, уларни мақтаб қўйинг. Олинган йиғиндини ҳар бир учта дарахтнинг баландлигига таққосланг. Агар дарахтнинг баландлиги ўн икки қаватли уйдан баланд бўлса, «ҲА» жавобини беринг. Агар дарахтнинг бўйи ўн икки қаватли уйдан паст бўлса, у ҳолда «ЙЎҚ» жавобини беринг.

7-қадам. Болалар топшириқни бажариш тартибини тўғри тушунтирса, мустақил бажариш учун вақт беринг. (10 дақиқа).

Изоҳ: Бу скаффолдинг усулларида бири – муҳокама/бажариш учун вақт. Янги маълумотни англаш учун барча ўқувчиларга вақт берилади.

8-қадам. Ўқувчиларга вақт тугаганини айтинг. Жуфтликда бир-бирларини тинглашларини эълон қилинг. Тушунтиринг: *иккала ўқувчи ўз жавобларини ўқиб эшиттиргандан сўнг, улар бир-бирларига сўзловчи деворда жойлашган сўзлардан фойдаланиб, ўз жавобларини қайта кўриб чиқишади ва тўлиқлашда ёрдам беришади.*

Изоҳ: Бу скаффолдинг усулларида бири – ҳамкорликдаги ишлаш имконияти. Ўқувчилар томонидан жуфтликда ёки гуруҳларда янги материални муҳокама қилиш учун шароитлар яратиш муҳим.

- ◆ -Ҳа, жўка ўн икки қаватли уйдан баланд, чунки унинг баландлиги 40 м > 36 м.
- ◆ Ҳа, шумтол ўн икки қаватли уйдан баланд, чунки унинг баландлиги 38 м > 36 м.
- ◆ Йўқ, қайин ўн икки қаватли уйдан паст, чунки унинг баландлиги 26м < 36м.

9-қадам. Ўқувчилар топшириқни бажарганликлари учун мақтаб қўйинг. Болалардан чарчаб қолмаганликларини сўранг. Уларга дам олиш дақиқасини таклиф қилинг.

Боққа кирсам олмалар,

Қип-қизариб пишибди,

Силкитибди шамоллар,

Ерга тўп-тўп тушибди.

Ёки

Бобоси сўраб қолди:

-Болам, топ, қани, Сайди

Шамол турса, дарахтлар

Тебраниб нима деди?

-Дарахтларнинг шохлари

Силкиниб, хайр, дейди.

Соям тагида ўйнаб,







Қилавер, сайр, дейди.

(Болалар ўқитувчининг ҳаракатларини такрорлашади, танасини у ёқ, бу ёққа буриб шамол эсишини, дарахтларнинг тебранишини, силкинишини ўхшатишади).

10-қадам. Болаларга яна бир топшириқни эълон қилинг: *Келинлар, бир-бирларимизга дарахтларнинг баландлигига кўра номерлаб чиқамиз: расмлар остига дарахтларнинг баландлигини метрларда ёзиб чиқинг; ўзбек тилида ҳар бир дарахтнинг баландлиги қанчалигини айтиб беринг.*

Ўқувчилар топшириқларни бир нечта босқичларда бажаришади:

- 1) Дарахтларни бўйига қараб бир қаторга жойлаштиринг. Аввал яқка, жуфтликда, сўнгра гуруҳда ишланг, қайси дарахт энг паст бўйли, қайси дарахт энг баланд бўйли эканлигини айтинг.

					
Терак	Шумтол	Жўка	Заранг	Арча	Қайин
20 м	38 м	40 м	15 м	14 м	23 м
4	2	1	5	6	3

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – кўрғазмаликни қўллаш. Суратлар, диаграммалар кўринишидаги таянчлар ўқувчиларга визуал тарзда материални тақдим этишга ёрдам беради.

2) Дарахтларни бўйига қараб таққосланг. Намуна бўйича ишланг.

Намуна: энг баланд дарахтни айтинг. (жўка -липа.) – Жўка шумтолдан қанча метр баланд? (2 метрга) – Шумтол жўкадан қанча метр паст? (2 метрга)

Жавобларни тўғри ифодалаш учун сўзлагувчи деворга мурожаат қилиш керак:

Баландлиги ... – ... метр.

Энг ... дарахт – ...

... – энг баланд дарахт.

Энг пакана дарахт – ...

(нима?)... (нимадан?) баланд.

(нима?)... (нимадан?) паст.

Изоҳ. Бу скаффолдинг усулларида бири – намуналар. Ўқитувчи томонидан оғзаки жавоблар ёки ёзма топшириқлар учун синтактик қурилмалар таклиф қилинади.

11-қадам. Масалани ечишга ўтинг. Масалани жуфтликда ўзлари ечишлари мумкинлигини айтинг. Биринчи қатордаги ўқувчилар 1-масалани, иккинчи қатордагилар 2-масалани ечадилар.

<p>1-масала</p> <p>1) Жўканинг баландлиги 40 метр. Теракнинг баландлиги 2 марта оз. Теракнинг баландлиги қанча метр?</p>	<p>2-масала</p> <p>2) Арчанинг баландлиги 13 метр. Қайин баландлиги бир марта кўп. Қайиннинг баландлиги қанча?</p>
<p>Ўзув:</p> <p>– Биринчи масалада нима аниқ? Нимани билиб олиш талаб қилиняпти?</p> <p>– Топшириқ шартини қисқача ёзинг.</p>	<p>Ўзув:</p> <p>– Иккинчи масалада нима аниқ? Нимани билиб олиш талаб қилиняпти?</p> <p>– Топшириқ шартини қисқача ёзинг.</p>

<p>Ечиш:</p> <p>1) Жўканинг баландлиги қанча? 40 м.</p> <p>2) Терак жўкадан қанча марта паст? 2 марта.</p> <p>3) Теракнинг баландлиги қанча метр? $40:2 = 20$ м. Жавоб: теракнинг баландлиги 20 м.</p>	<p>Ечиш:</p> <p>1) Арчанинг баландлиги қанча метр? 13 метр.</p> <p>2) Қайиннинг бўйи арчадан қанча баланд? Икки марта баланд.</p> <p>3) Қайиннинг баландлиги қанча? $13 \times 2 = 26$ м. Жавоб: қайиннинг бўйи 26 м.</p>
--	---

Уй вазифаси: Мавзу бўйича 3та савол тузинг.

Изоҳ. Уй топшириғини танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига мувофиқ қулай топшириқларни танлаши муҳим. Бу болада ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, уни муваффақият ҳолатига қўяди, билишга доир қизиқишини қўллаб-қувватлайди, дарсларда олган билим ва малакаларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга имкон яратади.

Ушбу топшириқда ўқувчилар қайси саволларга жавоб беришларини ўзлари танлайди:

- ◆ репродуктив, билимни кенгайтирувчи ёки ривожлантирувчи;
- ◆ репродуктив – билганларини такрорлаш;
- ◆ билимни кенгайтирадиган – объект ҳақида янгисини билишга, билганларига ойдинлик киритишга имкон беради, бироқ жавобларни сезиларли даражада қийинлаштирмайди;
- ◆ ривожлантирувчи – моҳиятни очади, умумлаштиради, тадқиқотнинг бошини ўз ичига олади.

Келгуси дарсларда ўқувчиларнинг барча саволларини гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ◆ биз дарҳол жавоб беришимиз мумкин бўлган саволлар;
- ◆ жавобларини дарслиқдан топиш мумкин бўлган жавоблар;
- ◆ жавобларини эҳтимол ҳеч ким билмайдиган саволлар (ота-оналардан сўраймиз, Интернетдан қидирамиз).

ПРЕДМЕТ ВА ТИЛНИ ЯХЛИТ ЎҚИТИШ

4-синф. БТИ дарси

(мақсадли тилга тўла шўнғиш)

Вақти: 45 дақиқа

Мавзу: Дарахт пейзажи. Бўёқлар билан чизиш

Таълим мақсадлари

- ◆ ўқувчиларга пейзаж чизишни ўргатиш.
- ◆ тасвирий санъат жанрларини аниқлаш.

Кутилган натижалар

Ўқувчилар

- ◆ дарахт пейзажини чизишади (танловга кўра);
- ◆ ингичка чўтка билан, бўёқлардан тўғри фойдаланишни ўрганадилар;
- ◆ пейзажни қандай изчилликда чизиш кераклиги ҳақида айтиб берадилар.

Иш шакли: индивидуал ва гуруҳда ишлаш.

Материаллар: альбом кўринишидаги қоғоз варағи, қалам, ингичка чўтка, акварель бўёқлар.

Ресурслар

Сўзловчи девор – ҳар хил дарахт турлари пейзажи туширилган расмлар репродукциялари. Расмлар остида сўзлар ёзилган:

Терак, шумтол, жўка, заранг, арча, қайин. Пейзаж. Санъат тури. Тасвирий санъат жанрлари: пейзаж, натюрморт, портрет. Горизонт, горизонт чизиғи. Қорамтир тон, очиқ тон.
--

Топшириқларнинг бажарилиши

1-қадам. Ўқувчиларга ўқув вазифалари ва кутилган натижаларни Т2да тушунтириб беринг: *кейинги 45 дақиқа давомида биз сизлар билан мавзуга оид расмлар ва атамалардан фойдаланиб топшириқларни бажариш устида иш олиб борамиз.*

2-қадам. Луғат ишини ўтказинг. Бунинг учун «сўзловчи девор»дан фойдаланинг. Ҳар бир сўз ва ҳар бир янги атамани аниқ талаффуз қилинг, ўқувчилар сизнинг ортингиздан такрорлашларини сўранг. Шу билан бирга ўз нутқингиз ва ўқувчилар нутқини кўргазмали тарзда кузатинг.

Изоҳ. Бу скаффолдинг усули – нутқий намуна ва кўргазмадан фойдаланиш. Тушунишга ўқитувчи ва ўқувчи «сўзловчи девор» билан ишлаш пайтида фойдаланадиган расмлар, луғат ишини ўтказаётган пайтдаги ўқитувчининг имо-ишоралари, шунингдек, ўқитувчининг қисқа тушунарли жумлалар билан аста ва тўғри гапирган нутқи кўмак кўрсатади. Ўқувчилар Т2да ўқитувчининг ортидан сўзлар ва жумлаларни такрорлаш орқали тўғри ўқишга ўрганишади.


3-қадам. Машғулотга чақириш қилинг: *Болалар, айтингчи, пейзаж нима? Қандай бўёқлар билан пейзаж чизишимиз мумкин? Дастлаб нима чизамиз: расминг умумий*

кўринишиними ёки бош предметними? Нега? Болаларнинг жавобларини тингланг, уларни тўлдиринг, шу билан бирга сўзловчи деворда пейзаж намуналаридан фойдаланинг.

Изоҳ. Бу скаффолдинг усули: ўқувчининг шахсий тажрибага таяюниши. Болаларнинг шахсий билимларини фаоллаштиринг, ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига асосланиб машғулоти бошланг.

4-қадам. Топшириқни бажариш учун Т2да аниқ кўрсатма беринг: *Расмга фон чизишдан бошланг.*

- ◆ Дастлаб мовий, оч кўк, оч бинафша ранглар уйғунлигидан фон яратамиз.
- ◆ Сўнгра булутлар ва тепаликларни белгилаймиз, бунинг учун ингичка чўтка ва оқ бўёқдан фойдаланамиз.
- ◆ Горизонт чизиғида тепаликларни қорамтир тонда бинафша ранг билан ажратинг.




5-қадам. Топшириқларни бажарганлиги учун ўқувчиларни мақтаб қўйинг. Улар нима қилганликларини айтиб беришларини сўранг. Агарда болалар Т2да гапиришга қийналса, уларга савол беринг, конкрет тарзда ҳар бирига жавоб беришда улар ўз ҳаракатларини изчилликда тушунтиришни ўрганадилар.

Изоҳ: бу скаффолдинг усули – таянчлар. Бу ўринда ўқитувчи бераётган саволлар таянч ҳисобланади. Болалар тўлиқсиз гаплар билан жавоб беришлари мумкин: *Фонга қандай ранглардан фойдаландингиз? Горизонт қаерда жойлашган? Уни расмда кўрсатинг. Горизонт қайси рангда? Уни қандай белгилаш мумкин?*

6-қадам. Кейинги ишга аниқ кўрсатма беринг: пейзаж чизишни давом эттиринг.

- ◆ Сиз чизмоқчи бўлган дарахтлардан бирини танланг.
- ◆ Қаламни олинг, дарахт шохларини белгиланг.
- ◆ Шохларни бўянг.
- ◆ Дарахт кўламдор бўлиши учун турли бўёқлар билан шохларини чизинг: очик ва қорамтир бўёқлар билан.



Изоҳ. Бу скаффолдинг усули – ҳаракатлар намойиши ва нутқий намуна. Ўқитувчининг оҳиста, тўғри ва тушунарли нутқи ва у нимаики гапирган бўлса, ҳаммасини намойиш қилади, болаларга таржимасиз тушунишга ва топшириқни тўғри бажаришга ёрдам беради.


7-қадам. Ўқувчиларга айнан қайси иши яхши бўлганини айтинг. Улар бу ишни қандай бажарганлигини гапириб беришларини сўранг. Т2да сўзлашга қийналган болаларга

ёрдам бериш учун саволлар беринг. Ҳар бирига жавоб беришда улар ўз ҳаракатларини изчиллик билан айтиб беришга ўрганишади.

Пейзажга қайси дарахтни чизасиз? Дарахт номини айтинг. Дарахт шохларини нима билан белгиладингиз? Нима деб ўйлайсиз, нимага биз аввал қалам билан чизамиз, сўнг шохларни бўёқ билан бўяб қўямиз? Кўламини қандай тасвирлайсиз? Кўламини тасвирлашда қандай ранг оттенкаларини танладингиз?

Изоҳ. Бу скаффолдинг: таянч – саволлар, тўлиқсиз гаплар, сўзлар ёки жумлалар.

8-қадам. Ишлаш учун аниқ кўрсатма беринг: пейзаж чизишни давом эттиринг. Кичкина ниҳол чизинг, унга майсани қўшиб чизинг. Соялар, майсалар ва ниҳолча тасвирни янада реалистик қилади. Поялар олдида сояни бўяб қўйинг, акс ҳолда дарахт ҳавода осилиб турган каби таассурот уйғотиши мумкин. Дарахт поясини эътиборни тортиш учун қорамтир қилиб қўйинг.



Изоҳ. Бу скаффолдинг: ўқитувчи тушунарли бўлган ва тушуниш учун қийин бўлмаган кўрсатмани беради, инструктаж намоиш қилиш билан олиб борилади. Ўқитувчи ҳамма нарсани кўрсатади ва гапириб беради, болалар ўқитувчининг оритдан қайтаришади ва Т2 ўрганишлари мумкин.

9-қадам. Болаларнинг бажарган ишлари учун мақтаб қўйинг. Расм тайёр! Баракалла, болалар.

Машғулот якунланганда кўргазма ташкил қилинг ва ўқувчилар ишини таҳлил қилинг: ўз ишларингизни кўргазмада жойлаштиринг. *Нимани уддаладингиз, нимани уддалай олмаганлигингизни айтиб беринг. Пейзаж нима? Тасвирий санъатнинг қайси жанрларини илғари билар эдингиз? Дарс вақтидаги иш сизга ёқдими? Жавобларингизда қуйидаги таянчлардан фойдаланинг:*

Пейзаж – бу ...

Расмда мен ...

Мен ... яхши бажардим.

Ҳозирча мен ... уддалай олмадим.

Менга ... ёқди.

10-қадам. Жумлаларни смайликлар билан бириктиринг.

Мен пейзаж нима эканлигини тушундим.		
Бўёқ билан чизиш менга қизиқарлироқ бўлди.		
Дарахтни қандай чизиш кераклигини тушунмадим.		

Уй вазифаси: Қирғизистонда ўсадиган дарахтлар пейзажини қайси рассом-пейзажистлар чизганлиги ҳақидаги маълумотни топинг. Шу дарахтларни айтинг.

Баҳолаш: дифференциацияланган

Изоҳ. Ўқишда қийинчиликларга дуч келадиган ўқувчилар ўз ишлари ҳақида мулоҳаза юритишга қодир, агарда уларни шунга ундалса улар нимани ўрганаётганликлари ҳақида саволлар беришни ўрганишлари мумкин. Шунингдек, улар ўзларини баҳолашлари ва оддий усуллар ёрдамида тушунганларини назорат қилишлари, масалан, светофор усулини қўллаш орқали амалга оширишлари мумкин:

- ◆ Яшил – кимгадир тушунтириб бериш учун мен ўзим етарли даражада тушунаман.
- ◆ Сарик – мен ниманидир тушунаман, бироқ ҳаммасини эмас.
- ◆ Қизил – мен шошиб қолдим, ҳеч нарса тушунмаяпман.

Изоҳ. Ўз-ўзини баҳолаш ва метатушуниш ҳам ўзлаштиришда ўқувчиларга ёрдам керак бўлган соҳаларга тегишли. Ўқувчилар кўпинча уюшмаган бўлишди ва уларнинг нима қилишлари ўқитувчининг кўрсатмаларига боғланган бўлиб қолади. Ўз-ўзини баҳолашнинг турли стратегияларидан фойдаланиш, мисол учун, қуйида келтирилган назорат варақларига ўхшаган бўлиши ижобий самара бериши мумкин ва ўзларининг ишлаш кўникмаларини мустақил баҳолашга ва таълимда янада мустақил бўлишга ёрдам бериши мумкин.

<input type="checkbox"/>	Мен ўз вақтимдан тўғри фойдаланаман.
<input type="checkbox"/>	Мен мақсадлар қўяман.
<input type="checkbox"/>	Агар муаммолар ва қийинчиликларга дуч келсам, қатъийликни намоён қиламан.
<input type="checkbox"/>	Керак бўлганда ёрдам сўрайман.
<input type="checkbox"/>	Мен топшириқларни бажараман.
<input type="checkbox"/>	Ишларимни яқунлагандан сўнг бир кўздан кечириб чиқаман.
<input type="checkbox"/>	Зарур бўлганда ўз ишимни яхшилашга тайёрман.
<input type="checkbox"/>	Ўз муваффақиятларим ва омадсизликларимдан сабоқ олганимда тушунтириб бераман.

Изоҳ. Метабилишга ўргатиш мувофиқ таълим стратегияларини танлашда қийинчиликларга дуч келган ўқувчилар учун янада фойдали бўлиши мумкин. Ўқувчиларга тўхтаб, топшириқни бажаришга бўлган турли ёндашувлар ҳақида ўйланиб олишни эслатадиган назорат варақлар ҳамда ортга боқиш ва ўзларининг фикрлаш жараёнларини баҳолашга мажбур қиладиган рефлексия ўқувчиларга ўз ўқиш жараёнини назорат қилишга ўргатишда ёрдам беради. Ўқувчиларга бир нафас тўхтаб, топшириқларни бажаришда ёндашувларнинг турли хил вариантлари ҳақида ўйлаб кўрадиган назорат варақлари ҳамда уларни ортга ўгирилиш ва ўз фикрлаш жараёнини баҳолашга мажбур қиладиган рефлексия ўқувчиларга шахсий ўқиш жараёнини назорат қилишда ёрдам бериши мумкин.



2-ИЛОВА. “CLIL АСОСИДА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН ЎЙИНЛАР, УСУЛЛАР ВА УСЛУБЛАР ТЎПЛАМИ”

қуйидаги ҳаволада: <https://clck.ru/SKTd3> ёки QR-коди бўйича





3-ИЛОВА. ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

Тренинг якунида ҳар бир иштирокчи ўз педагогик амалиётига Тренинг пайтида олинган билим ва малакаларини жорий қилиш бўйича кейинги хатти-ҳаракатлар режасини тузиши жуда муҳим. Бу режа икки нусхада тузилади. Бир нусхани ўзида қолдиради, иккинчисини ўз тренерига топширади. Бу Режа ҳам иштирокчи учун, ҳам тренер учун муҳим аҳамиятга эга, чунки тренер иштирокчининг тренинг пайтида ҳақиқатан нималарни билиб олгани ҳақида маълум даражада қайта алоқа ўрнатади, бу пайтда иштирокчининг унга тақдим қилинган режа асосида таълим ҳақида фикр юритиш ва олинган тажрибани қўллаш, мукамаллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконияти бўлади. Бундан ташқари, ушбу Режа мактабга ташриф буюрган пайтда тренер томонидан иштирокчига келгусида менторлик ёрдамни таъминлайди.

1-қадам: Айти пайтда нима қилишингиз кераклигини ҳал қилинг.

Сиз тренингда олган ва _____ ундан осон фойдалана оладиган янги ғояни айтиб беринг:
Ушбу ғояни ўқитиш жараёнингизда қачон жорий эта оласиз?
Ушбу ғояни амалга оширишда нимани ўргатасиз?
Сизнингча, бу ўқувчиларга қандай ёрдам бериши мумкин?

2-қадам: Кейинги икки ой мобайнида янги стратегияни жорий қилиш режасини тузинг.

Кейинги икки ой мобайнида ўз амалиётингизда фойдаланадиган битта стратегияни айтинг.
Ўзингиз ўқитадиган предмет ва нима ўқитишингизни номланг:
Сиз иш бошлайдиган сана:
Ушбу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришини аниқланг:
Сизга керак бўладиган ресурслар ва материаллар:
Сизга керак бўладиган ёрдам (агар бунга зарурат бўлса):

3-қадам: Фойдаланиладиган янги стратегияни баҳоланг.

Ўқувчиларингизга бу стратегия қандай ёрдам берди?
Сиз нимани яхши бажардингиз?
Қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
Кейинги сафар нимани бошқача қилган бўлар эдингиз?

4-қадам: Кейин нима қилишингизни ҳал қилинг.

Сиз кейинги сафар қандай стратегиядан фойдаланишни хоҳлайсиз?

ИЛОВА. ДАРСНИ КУЗАТИШ ШАКЛИ

Бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим ва касбий ривожланишининг муҳим таркибий қисмларидан бири – дарсларни кузатиш ҳисобланади. «Оқуу керемет!» лойиҳасининг вазифаси бошланғич синф ўқитувчилари, мактаб услубий бирлашма раҳбарлари, мактаб маъмурияти ва район/шаҳар таълим бошқармаси методистларига ўқиш ва ёзувни ўргатишда янги концепцияларни ўзлаштириш, янги приём ва усулларни қўллаш, тренингларда тақдим этилган, таснифланган болалар китобларидан фойдаланишда дарсларни кузатиш орқали кўмак кўрсатиш ва самарали қайта алоқани тақдим этишдан иборат (Sabak.App иловаси).

Лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган кузатиш шакли дарснинг турли қирралари кўрсаткичларига берилган шарҳни ўз ичига олади ва ўқитувчи ўтиб берган дарсни кузатиш давомида, махсус ўқитилган миллий тренер томонидан тўлдирилади. Кузатиш шаклида ўқиш дарсининг барча босқичлари, синфдаги шароит ва ўқитувчи ишининг самаралилиги (қуйида қ. Дарс кузатиш шакли) қамраб олинади. Миллий тренерлар дарсларни кузатиш шаклини планшет ёрдамида электрон кўринишда тўлдирадilar. Лойиҳа режасига мувофиқ ҳар бир миллий тренер иккита тренинг оралиғида бир марта дарсларни кузатади.

Лойиҳа директорлар, директорлар ўринбосарлари ва район/шаҳар таълим бошқармаси методистларининг дарсларда қатнашишларини ижобий қарши олади, чунки келгусида мустақил тарзда ўзлари дарс кузатишлари мумкин.

Дарсни кузатиб бўлгандан кейин дарҳол ўқитувчига такомиллаштиришни ва ўқитиш амалиётига ўзгаришларни татбиқ этиш тартибини талаб этган жиҳатлар ҳақида уни хабардор қилишга имкон берувчи қайта алоқани тақдим этиш зарур.

«Оқуу керемет!» лойиҳаси кузатувчиларга планшетда берилган қайта алоқа қайдларига таянган ҳолда оғзаки равишда қайта алоқани ўтказишларини тавсия этади. Дарс кузатиш якунига кўра қайта алоқа, албатта, индивидуал: миллий тренер – ўқитувчи тарзида тақдим этилади. Қайта алоқа вақтида бошқа ўқитувчилар ёки мактаб маъмуриятининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

Самарали қайта алоқа ўқитувчини англашга ва профессионал амалиётда ижобий ўзгаришларга ундайди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ютуқларини яхшилашга олиб келадиган, таълим сифатини ошириш учун келгуси қадамлар белгилаб олинади.

ЎҚИШ ДАРСНИ КУЗАТИШ ФОРМАСИ

№	Муваффақиятга эришиш мезонлари	Кузатиш учун саволлар
А. Умумий бўлим		
0		Мактаб/ район: Сана: Синф (1, 2, 3, 4): Предмет: (Ўқиш, Тил, Ватаншунослик) Ўқитиш тили: (қирғизча, русча, ўзбекча, тожикча)
1		Синфдаги қиз болаларнинг умумий сони (журнал бўйича):

№	Муваффақиятга эришиш мезонлари	Кузатиш учун саволлар
		Синфдаги ўғил болаларнинг умумий сони (журнал бўйича):
2		Дарсда иштирок этаётган қиз болалар сони: Дарсда иштирок этаётган ўғил болалар сони:
3		Дарсга мувофиқ дарслик олиб келган ўқувчилар сони:

В. Ўқитиш (ўқув материали мазмунини тақдим қилиш, ўқитиш методикаси ва синфни бошқариш)

4	<ul style="list-style-type: none"> Синфда ўқув фаолиятининг ҳар хил турларидан фойдаланиш. Маълумотни турли форматларда ва турли (визуал, аудио, амалий) йўллار билан тақдим қилиш. Кўрсатма ва иш тартибини тушунтириш, синфда қоидалар ўрнатиш. Қўшимча ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланишда ўқувчиларни рағбатлантириш. 	<p>Ўқитувчи нима қилади (<i>барча тўғри келган вариантларни белгиланг</i>):</p> <ul style="list-style-type: none"> таълим мақсадларини баён қилади; дарснинг кутилган натижалари билан таништиради; ўз мавжуд билимларини актуаллаштиришга ўқувчиларни рағбатлантиради; кўргазма қуроллар, ёзма матнлар, схемалар, жадваллар ёки слайдлардан фойдаланган ҳолда ўқув материали мазмунини тақдим қилади; аудио ёрдамида ўқув материали мазмунини тақдим қилади (ўқувчиларнинг овоз чиқариб ўқиши, аудио ёзувларни эшитиш, ашула айтиш, мунозаралар ва ҳ.к.); имо-ишоралар, тажрибалар, қўлотидаги материаллар (блоклар, бошқотирмалар, маркерлар, магнитли сўзлар ва ҳ.к.) ёрдамида ўқув материали мазмунини тақдим қилади; топшириқлар бажариш бўйича аниқ кўрсатмалар беради; бутун дарс давомида синф бўйлаб юриб туради; фақат дарслик ёрдамида ўқув материали мазмунини тақдим қилади.
5	<ul style="list-style-type: none"> Таълим мақсадларига мувофиқ, синфда яқка тартибда, жуфтликда, гуруҳда ва фронтал ишлашни ташкил қилиш шаклларида фойдаланиш. Ўқувчиларни гуруҳлаш учун турли техникалар ва ёндашишлардан фойдаланиш. Синфда ўзаро боғланиш ва биргалиқда ишлашни ташкил қилиш. 	<p>Ўқувчилар нима қилади (<i>барча тўғри келган вариантларни белгиланг</i>):</p> <ul style="list-style-type: none"> бутун синф бўлиб ишлашади; кичик гуруҳларда ишлашади; жуфтликларда ишлашади; яқка тартибда ишлашади. <p><i>Агар Сиз “кичик гуруҳларда ишлашади” ёки “жуфтликда” вариантыни белгиланган бўлсангиз, у ҳолда қуйидаги саволга жавоб беринг.</i></p> <p>Гуруҳда ишлашни ташкил қилишда ўқитувчи:</p>

№	Муваффақиятга эришиш мезонлари	Кузатиш учун саволлар
		<ul style="list-style-type: none"> • ўқувчиларнинг гуруҳда/жуфтликда ишлашдаги мажбуриятлари ва ролларини тақсимлайди; • ўқувчиларни гуруҳлаш учун ҳар хил йўллардан фойдаланади; • айнан бир ўқувчи билан бирга ишлашни ҳамма вақт зиммасига юклайди. <p>Ишни уюштиришнинг(гуруҳларда ёки жуфтликларда) танлаб олинган шакли дарснинг қўйилган мақсадлари/(вазифаларига) мос келади. Ҳа. / Йўқ.</p>
6	Ўқиш ва ёзишни ўргатиш.	<p>...ни ўқитувчи ўргатадими? <i>Барча тўғри келган вариантларни белгиланг.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • фонематик идрок қилиш; • ҳарфларни таниш; • сўз бойлиги; • равон ўқиш; • ўқилган матнни тушуниш; • грамматика; • матн, жанр турлари ва нутқ услублари; • ижодий ёзув; • кундалик ёзув.
7		<p>Ўқувчилар томонидан матн ўқиш ... доирасида амалга оширилади. <i>Барча тўғри келган вариантларни белгиланг.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • модель ўқиш; • биргаликда ўқиш; • бошқарилувчи ўқиш; • мустақил ўқиш. <p>Ўқувчилар матнларни ... дан ўқишади. <i>Барча тўғри келган вариантларни белгиланг.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • дарслик; • таснифланган китоблар; • журналлар, босма нашрлар; • кутубхона/китобхонлар бурчагидаги китоблар; • ўқувчилар томонидан тузилган матн; • электрон китоблар.
8	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқиганни тушунишни яхшилаш учун стратегиялардан фойдаланиш. • Ўқувчиларнинг танқидий тафаккурини ривожлантириш учун ёрдам берадиган саволларнинг ҳар хил турлари ва даражаларидан фойдаланиш. 	<p>Ўқитувчи фойдаланадиган ўқиганни тушуниш стратегиялари (<i>барча тўғри келган вариантларни белгиланг</i>):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Саволлар(Интерфаол ўқиш, Суқрот семинари, RACE ва ҳ.к.); ; • олдиндан айтиш; • ҳикоя қилиб бериш; • концептуал харита;

№	Муваффақиятга эришиш мезонлари	Кузатиш учун саволлар
	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга саволлар бериш ва хулоса чиқариш, таълим жараёни ва натижаларини тасвирлаш имкониятларини тақдим қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> муҳокама (Адабий тўғараклар, РАФТ, БИО ва ҳ.к.); матндаги воқеалар ва ғоялар кетма-кетлиги (Воқеа харитаси, Сюжет чизиғи ва ҳ.к.); муҳим ғояларни умумлаштириш (Синквейн ва ҳ.к.); фикр юритиш(Ўқиган асарга тақриз ёзиш, Менинг куним, Китобхон кундалиги ва ҳ.к.); бошқа нарса _____. <p>Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга саволлар бериш стратегиялари:</p> <ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи матн ичида мавжуд маълумотдан фойдаланган ҳолда қандай савол бериш ва жавоб бериш кераклигини ўз мисолида намойиш қилди. Ўқитувчи фактологик саволлар берди. Ўқитувчи “нима учун?”/очиқ саволларини беради. Ўқитувчи ўқувчилардан натижани олдиндан айтишни сўрайди. Ўқитувчи ўқувчилар фикрини сўрайди.
С. Баҳолаш		
9	<ul style="list-style-type: none"> Форматив баҳолашни қўллаш, синфдаги ўқувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаши ва бир-бирини баҳолаши учун имкониятлар тақдим қилиш. 	<p>Ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган форматив баҳолаш стратегиялари: <i>(барча тўғри келган вариантларни белгилане):</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ўқитувчи томонидан ўтказиладиган форматив баҳолаш; ВаалооАпп дан фойдаланиш орқали ўқитувчи томонидан ўтказиладиган форматив баҳолаш; ўқувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаши; ўқувчиларнинг бир-бирини баҳолаши; дарс пайтида форматив баҳолаш ўтказилмади.
10	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолашнинг мезонлари ва стандартларини олдиндан тақдим қилиш ва муҳокама қилиш. 	<p>Баҳолаш мезонларига нисбатан ...</p> <ul style="list-style-type: none"> ўқитувчи ўқувчиларга топшириқларни баҳолаш мезонларини топшириқларни бажаришдан олдин тақдим қилади; ўқитувчи ва ўқувчилар баҳолаш мезонларини биргаликда муҳокама қилишади; ўқитувчи ва ўқувчилар баҳолаш мезонларини биргаликда ишлаб чиқишади; ўқитувчи баҳолаш мезонларини тақдим қилмади; ўқитувчи баҳолаш мезонларини фақат топшириқни бажариб бўлгандан сўнг эълон қилди.

№	Муваффақиятга эришиш мезонлари	Кузатиш учун саволлар
11	<ul style="list-style-type: none"> • Турли йўллар билан қайта алоқа тақдим қилиш. 	<p>Ўқитувчи ... тақдим қилади</p> <ul style="list-style-type: none"> • бутун синфга қайта алоқани; • ўқувчилар гуруҳига қайта алоқани; • айрим ўқувчиларга қайта алоқани; • рағбатлантирувчи/ижобий қайта алоқани; • ўз вақтида қайта алоқани; • кейинги қадамга кўрсатмани; • ўқувчиларга қайта алоқа тақдим қилмади.
12	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга турли йўллар билан таълим натижаларини тақдим қилиш имкониятларини бериш. 	<p>Ўқувчилар ўз малакаларини ... орқали намойиш қилишади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • оғзаки тақдимотлар; • ёзма топшириқлар; • расм ёки суратлар; • қўлда ясалганлар, моделлар, лойиҳа маҳсулотлари; • драматик саҳна асари ёки томоша кўрсатиш.
D. Таълим муҳити		
13	<ul style="list-style-type: none"> • Барча ўқувчилар иштирокини ҳар қандай камситишларсиз, жинси, этник келиб чиқиши, тили, маданияти, дини ёки ўқишга бўлган қобилиятидан қатъий назар рағбатлантириш. 	<p>Ўқитувчи фаол иштирокни рағбатлантиради (масалан, саволларга жавоб беришда, овоз чиқариб ўқишда, саволлар беришда, иш натижалари билан алмашишда)...</p> <ul style="list-style-type: none"> • барча ўқувчиларнинг; • тенг мутаносибликда ўғил болалар ва қиз болаларнинг; • синфнинг ҳар хил жойларида ўтирган ўқувчиларнинг; • ўқувчиларга саволларга жавоб беришлари учун камида 10 сония вақт беради; • юқорида санаб ўтилганларнинг ҳеч бири.
14	<ul style="list-style-type: none"> • Қўшимча ёрдамга муҳтож бўлган ўқувчиларга йўналтирилган ўқитиш/ўргатишни таъминлаш. 	<p>Ўқитиш пайтида қийналган ўқувчилар учун ўқитувчи...</p> <ul style="list-style-type: none"> • бутун синфга берилган савол ёки топшириқни такрорлайди; • қўшимча кўмак кўрсатиш мақсадида гуруҳ ишини уюштиради; • ўқувчиларга яқка тарзда эътибор беради; • ўқувчини (ўқувчиларни) танқид қилади; • озроқ/хийла қийин дифференциал топшириқларни таклиф қилади; • қийналган ўқувчиларга ўз муносабатини билдирмайди; • бошқа нарса _____ (батафсилроқ).

№	<i>Муваффақиятга эришиш мезонлари</i>	<i>Кузатиш учун саволлар</i>
15	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчига (ўқувчиларга) ҳурмат кўрсатиш ва дарс пайтида фаол тинглашни қўллаш. 	<p>Дарс пайтида ўқитувчи...</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўқувчига (ўқувчиларга) ҳурмат кўрсатади; • ўқувчининг (ўқувчиларнинг) жавоб беришларига нисбатан фаол тинглашни қўллайди.



A series of 20 horizontal black lines spaced evenly down the page, serving as a template for writing or drawing.

